R-496 1995. N 1-6. 2,4 уч.

Шарқ юлдузи

1 1995

Тафаккур

1

1995

Ижтимоий-сиёсий ва
бадиий-безакли журнал

Журнал икки ойда
бир марта чиқади.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари вазирлиги

ош муҳаррир:
илаб МАҲМУДОВ

ир ҳайъати:
АБДУЛЛАЕВ,
ўмин БОЙМАТОВ,
аниёз ЖАББОРОВ,
ир МИРЖАЛИЛОВ,
Абдусафихон РАҲМОНОВ,
Михли САФАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Шерали СОКИН
масъул котиб),
моил ТЎХТАМИШЕВ,
стам ХЎЖАЕВ,
уҳсин ҚОДИРОВ,
хтасин ҒОФУРБЕКОВ,
кин ҲАЙИТБОЕВ.

А. Навоий
УзССР Давлат
Миллий библиотека

Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган

Ислом КАРИМОВ:

«Ижтимоий ва маънавий соҳадаги вазифаларимиз:

— маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиётқорлик билан муносабатда бўлиш. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш;

— қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, Республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданиятлари ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш...

— ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди...»

Муқованинг биринчи бетида:
«Алишер НАВОИЙ портрети».

Рассом Муҳаммаджон ЖЎРАБОЕВ.

РЕСПУБЛИКА МУЗЕЙЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш, уларни асл ҳолича сақлашни таъминлаш, мамлакатимизда шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш учун уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Мамлакат ҳудудидаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идораларо жамоатчилик кенгашини 1-иловага мувофиқ тузсин ва унинг низомини тасдиқласин;

Ўзбекистон музей бойликлари фонди тўғрисидаги низомни, музейларда сақланаётган музей бойликларини рўйхатга олиш, жамлаш ва сақлаш тартиби тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқсин ва уларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мамлакатимиз фуқароларини чет элларда сақланаётган тарихимизга оид осори-атиқалар билан кенг таништириш ҳамда музейларимиздаги ноёб экспонатлар орқали тарихимизни ва бугунги ютуқларимизни кенг тарғиб этиш учун белгиланган Халқаро тартиб асосида хорижий мамлакатлар музейлари билан ўзаро кўргазмалар айирбошлаш юзасидан аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва уни амалга оширсин;

Ўзбекистон Фанлар академияси ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан биргаликда музей ишларини такомиллаштиришнинг 1995—2000 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари ва дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

«Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳисобидан мамлакатимиз музейларида ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этишга йўналтирилган реклама маҳсулотларини мунтазам чиқариб туришни ташкил этсин:

музейлардаги экспонатларнинг узоқ сақланишини таъминлаш, уларни таъмирлаш ва асл ҳолича сақлаб қолиш мақсадида вазирлик ҳузурида хўжалик ҳисобида иш кўрувчи, чет эл сармояларини жалб этиб, қўшма корхоналар барпо этиш ҳисобига моддий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этсин.

2. Мамлакатимиз ҳудудидаги музейлар ишининг ягона тизимини вужудга келтириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг марказий аппарати таркибида вазирлик учун белгиланган штатлар бирлиги доирасида 3 ходимдан иборат музей ишлари бошқармаси тузилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси 1995—1996 ўқув йилидан бошлаб Маданият ишлари вазирлигининг талабномаси асосида олий маълумотли музейшунос мутахассислар тайёрлаш бўйича тегишли ўринлар ажратишни назарда тутсинлар.

4. 1995—1997 йилларда таъмирланадиган ва янгидан қуриладиган иншоотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1995—1997 йилларда Маданият ишлари вазирлиги тақдим этадиган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида иловадаги иншоотларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш ҳамда уларни замонавий жиҳозлашга зарур бўлган техника воситаларини сотиб олиш учун тегишли маблағ ажратишни назарда тутсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ўз ҳудудларидаги музейлар ишини такомиллаштириш ва янгиларини қуриш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгиласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1995 йилнинг 1 июнигача мамлакат музейларида сақланаётган ва сақланиши лозим бўлган ноёб бойликларни қайта рўйхатга олишни таъминласин.

Чет элларга кўргазма учун олиб чиқиб кетилмай ноёб осори-атиқалар рўйхатини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги ўн кун муддатда чет эл давлатларида кўргазмалар ўтказиш тартибини ва Ўзбекистон музейлари фондида ноёб экспонатларни олиб бориш меъёрларини ишлаб чиқиб биргаликда тасдиқласинлар, бунда ноёб экспонатларнинг давлат сақланишини ва республикамизга қайтариб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берсинлар, шунингдек музейларнинг раҳбарлари ва бошқа тегишли масъул шахсларнинг жавобгарлик даражасини ошириш тутсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва уларнинг жойлардаги органларига ...шқа манфаатдор ташкилотларни жалб этиб, бир ой ...датда музейлар фондларидаги экспонатларнинг йўқ...иши ёки ўғирланиши, шунингдек, ноёб экспонатларнинг ...сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида уларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳолларни аниқлаш, ...бунга йўл қўйган масъул шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан текширувлар ўтказиш топширилсин.

Текширувлар якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 декабрь.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1994 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШНИНГ ЛАВОЗИМЛАР БЎЙИЧА ТАРКИБИ

Маданият ишлари вазири — раис
Маданият ишлари вазирлиги музей ишлари бошқармасининг бошлиғи — раис ўринбосари
Олий таълим вазирининг ўринбосари
Ички ишлар вазирининг ўринбосари
Молия вазирининг ўринбосари
Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари
Мудофаа вазирининг ўринбосари
Давлат геология қўмитаси раисининг ўринбосари
Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари
Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти.
«Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси раисининг ўринбосари
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейининг директори
Ўзбекистон Амалий санъат музейининг директори
Ўзбекистон Қуролли кучлари тарихи музейининг директори
Ўзбекистон тарихи давлат музейининг директори
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг директори
Ўзбекистон Геология музейининг директори
Маданият ишлари вазирлиги тизимига кирувчи музейларнинг директорлари.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1994 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

ТАЪМИРЛАНАДИГАН ВА ЯНГИДАН ҚУРИЛАДИГАН ИНШООТЛАР РЎЙХАТИ

иншоотлар номи	буюртмачи	пудратчи	муддати
Ўзбекистон Давлат санъат музе-	Маданият ишлари вазирлиги	«Тошкентқурилиш» давлат корпорацияси	1995—1997
Ўзбекистон Давлат санъат ва ма- ...остарихи музейи (Самарқанд)	Маданият ишлари вазирлиги	«Ўзсаноатхўжалик — Қурилиш» давлат корпорацияси	1995—1997
...кистон Давлат табиат музе- ...музей фондларини сақлаш ...но қуриш	— 11 —	— 11 —	1996—1997

Изоҳ: ушбу иншоотлар республика бюджети ҳисобидан таъмирланади ва қурилади.

Тилаб МАҲМУДОВ

МУСТАҚИЛЛИК ВА

Мустақилликнинг тўртинчи йилига қадам ташладик. Бу тўрт йил мобайнида мамлакатимизда асрларга тенг воқеалар содир бўлди. Ўтмишни ҳадиксирамасдан, чўчимасдан, ифтихор туйғуларига бурканиб эслашдан, миллий қадриятларимизни тиклашдан тортиб, истиқбол йўлини ёритувчи, одамлар кўнглига таскин берувчи, уларни озод ва обод Ватанда яшаш бахтига муяссар этувчи ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий муҳит яратиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз.

Мустақилликни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш қанчалик оғир кечмасин, халқимиз маънавияти, маданияти тараққиёти бир зум ҳам ёддан чиқарилмади. Аксинча, маънавиятсиз, маданиятсиз тарих пиллапоясидан юқорига кўтарилиш мумкин эмаслигига амал қилинган ҳолда иш кўрилмоқда.

Ўтиш давридаги вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, мустақиллик рамзи бўлиб қолган қатор маданият масканлари, намуналари бунёд этилди. Алишер Навоий номидаги миллий боғ, бозорларнинг қайтадан шарқона қурилиши, файзли анҳор ёқасидаги «Туркистон» маданият саройи, Амир Темур ва Мирзо Улуғбекларнинг маҳобатли ҳайкаллари бунга яққол мисол бўла олади. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, «Бундай обидалар каттаю кичикда Ватандан фахрланиш туйғусини шакллантиради, бундай саройлар Ватан шаъни ва шуҳрати учун курашувчи, истиқлолни ҳамма нарсадан муқаддас биладиган соғлом авлодни тарбия этувчи масканга айланади».

Миллат маданияти ўз ичига жуда кўп омилларни қамраб олади. У қадимий қадриятлардан тортиб, замонавий маънавий изланишларгача миллий ҳаёт тарзидан миллий онг тараққиётигача, ўзаро инсоний муносабатдан бошқа миллат ва элат вакилларига, маданиятига нисбатан ҳурмат-эҳтиромгача, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини эркин намоён бўлиш жараёнлари ва ҳоказоларни англатади. Шу тариқа маълум жамият, миллат ва даврнинг яхлит маданий-маънавий мероси вужудга келади.

Мустақиллик билан боғлиқ Ўзбекистон маданияти ҳам тубдан ўзгариш ва тараққиёт йўлига ўтди. Армонлар эҳтиёжга айланиб, эҳтиёжлар миллий қадриятлар тарзида гавдалана бошлади. «Туркистон» маданият кошонаси очилишида Президентимиз бундай деган эди: «Кўнглимдагини айтсам, юртимизнинг ҳамма ерида меъморчилик ишлари бирдек ривож топишини, ҳар бир вилоят марказида «Туркистон» саройидек муҳташам саройлар бўлишини истар эдим. Токи, юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин, биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин, боғ-роғлар қолсин, қалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи, биздан олис авлодларга озод ва обод Ватан қолсин!»

Мустақилликни мустаҳкамлаш иштиёқида ёнган ҳар бир ватанпарвар ва элпарвар инсон учун бундай орзу-ниятдан улуғ мақсад йўқ. Бу йўлда қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракатлар элим деб, юртим деб, халқим деб яшаётган олижаноб кишиларнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Бундай ишлар аста-секин мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилмоқда. Наманган вилоятининг Косонсой тумани, Чиндовул қишлоғида маданият марказининг очилиш маросимида иштирок этдик. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланган «Қишлоқ маданият маркази низоми» асосида уюштирилган семинар-кенгаш Президентимиз фикр-мулоҳазаларининг амалдаги ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоевнинг кенгашдаги маърузаси тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Чиндовулдаги қишлоқ маданият марказининг очилиш маросими эса маданият, санъат ва маънавиятнинг чинакам байрамига айланди.

Қишлоқ маданият марказини ташкил этишда халқимизнинг анъанавий гузар қурилиши асос қилиб олинган. Қадимдан гузарлар ҳар қишлоқ, шаҳарларни одам кўп тўпланадиган, турли моддий-маиший эҳтиёжни қондириладиган маскан бўлган. Гузар шу қишлоқ, шу маҳалла ёки туманнинг энг обод жойларидан ҳисобланган. XX аср меъморий ансамбллар қурилишида миллий анъаналарнинг ташқи безагига кўпроқ аҳамият берилди-ю, унинг ижтимоий-эстетик ва маънавий-ахлоқий жиҳатлари унутилган эди. Гузарлар бузилиб, улар ўрнига эҳтиёжларни вақтинчалик қондирувчи иншоотлар қурилган эди. Чиндовулда барпо этилган қишлоқ маданият маркази мустақиллик туфайли қайтадан тикланган, замона руҳига мос тушувчи маънавий қадрият сифатида диққатга сазовордир. Қишлоқ гузарига барча маданият шохобчалари тўпланган: ҳаваскорлик дасталари учун маданият саройи, кутубхона, чойхона, савдо дўконлари сартарошхона, пойафзал ва кийим-бош тикув устахоналари, мусиқаймоқ ишлаб чиқарувчи цех ва ошхоналар янгича жиҳозланган, шарқона услубда масжид тикланмоқда. Энг асосийси одамларнинг кайфияти, руҳи ва кўзларидаги нур бўлди. Бундай ҳолатни ҳеч қандай сунъий йўл ёки ташвиқот орқали ҳосил этиб бўлмайди. Бу — эркинлик, мустақиллик ва миллий юксалиш нашидаси эди.

Тўғри, умумхалқ йўлидаги хайрли ишлар кўпчиликни бўлиб бажарилади. Лекин кўпчиликни ҳам рағбатлантира оладиган, унга карвонбоши қиладиган, пок ва ҳалол йўлга соладиган ташкилотлар раҳбарлар керак. Мустақиллик ана шундай раҳбарлар учун қайғурувчи, жонкуяр ва маданиятли раҳбарлар ҳам вояга етказмоқда. Косонсой тумани ҳокими Тоҳира Мариэзаева ана шундай раҳбарлардан эди.

У минглаб байрам шодиёнасига тўпланган ҳамқишлоқларига қараб туриб: «Бу ишимиз бунчалик одамлар руҳини кўтаришини тасаввур қилмаган эдик. Худо хоҳласа, яна етти қишлоғимизда шунақа маданият марказлари ташкил этсак бўлади. Дарҳақиқат, биздан авлодларга озод ва обод Ватан қолсин», — деди.

Жуда улуғ ишлар бошланди. Бундай қишлоқ маданият марказларининг халқимиз маънавий юксалишидаги аҳамияти шундаки, аввало, бу марказларда қишлоқда яшовчи халқ усталари, бадиий ҳаваскор ва амалий санъат намояндаларининг анъанавий ҳунарлари янада тараққий топади. Усталар, қобилиятли ёшлар билан, ижод билан машғул бўладилар. Ўз қишлоғи чегарасидан четга чиқа олмаган санъат намуналари намояндаларига бўлган эҳтиёж ва талаб ортади. Шу эътибор кучаяди. Аввалари маданий эҳтиёжни қондириш учун қишлоқдан туман марказига борар мажбур бўлган халқ ёнига энди маданият шохобчаларининг ўзи келади. Маданиятни яқинлаштириш халқнинг маданиятдан узоқлашишига йўл қўйиш эмас. Аксинча, маданиятга яқинлашиш тамойили Президент Ислом Каримов мустақиллик шароитидаги маданий тараққиётимиз қонуниятлари ҳақида гапирган экан, маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, қадимги ва замонавий маданият бойликларини, адабиёт ва санъатни бирлаштириб кўпайтиришни алоҳида таъкидлаган эди. Миллий маданий бойлигимизни кўпайтириш ва

МАДАНИЯТ

жойларда ва мутасадди ташкилотлар, шахслар, ижодкорлар олдига катта масъулият юклайди. Тўғри, давр, вақт ўтиши билан яратилган ва бунёд этилаётган иншоотлар, маданият намуналарининг нечоғлик маънавий қадрият эканлиги ғалвирдан ўтгандек сийраклашиб бораверади. Гап ҳақиқий маданий ёдгорликлар устида бориши керак. Маданият учун сарф бўладиган миллионлаб маблағлар халқ мулки эканлигини унутмаслигимиз зарур. Бу йўлда пойга усули ёрдам бермайди. Жойларда сендан мен қоламанми қабилида иш кўрмаслик керак. Бобокалонларимиздан мерос бўлиб келаётган ёдгорликлар минг йиллар давомида қад кўтариб турибди.

Ҳозир ҳам ўша давр усталари, сангтарош ва наққошлар санъатини ҳайратланиб томоша қиламиз. Бинобарин, қадимги усталар хўжакўрсинга эмас, узоқ йиллар халқ баҳраманд бўлсин, биздан келажак авлодларга мерос қолсин, деган ният билан иш кўрганлар. Жойларда қишлоқ маданият марказлари қуриладими, туман боғлари ё саройлари барпо этиладими, мустақиллик туфайли вужудимизда пайдо бўлган миллий ғурур ва ифтихор туйғулари бизнинг ақл-идрок ва фаолиятимизга мезон бўлиши даркор. Гап сифат устида боряпти. Ҳозирги қурилажак кошоналар, маданий ёдгорликлар, бобокалонларимиз меросининг синиқ акси эмас, шунчаки такрори эмас, истиқлол нафасини олаётган истеъдодли халқнинг янги бадиий-эстетик даҳоси, меҳнати натижаси бўлсин. Жойлардаги маданият масканларининг ҳар бир ғишти, михи, ранги ва чизиғи Мустақиллик таровати рамзи, руҳланган халқнинг гўзаллик тасаввури бўлиб товланиши керак. Шу муносабат билан Президентимизнинг Тошкентда соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқини эслаш жоиз: «Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир».

Маданият, санъат ва маънавият соҳаларидаги ижодий фаолиятда ана шундай миллий юксалиш ва истиқлол мезонлари турсагина келажак авлодларга арзигулик қадриятлар қолдириш мумкин. Бунинг учун ҳали нинг-мизда жуда кўп вазифалар турибди. Биринчи тик дунёқа ин ўтмишдан бизга иллат тарзида илашиб Уларни бу аётган сохта маданият ва кўникмалардан осон кечма з зарур. Ана шу покланиш йўлидан энг Бугун мил и вазифа она тилимиз бойлигини асраб-деярли ҳам «Халқнинг миллий маданияти ва ўзига заралар, ил юда этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини Ҳақиқат кур ш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ким ўз ўй-ф га чиқариш, республика ҳудудида яшовчи ни, дунёқара миллий маданиятлари ва тилларига ўзаро мезонига сс билан муносабатда бўлиш» зарурлигини тушунчани таъкидлаган эди Президентимиз. юораётган йўлидаги маданий тараққиётимизда тил бир нарсага да катта ижтимоий-сиёсий ва маънавий мафкура тое. Узбек тилининг нақадар бой ва гўзал ҳам, улуғ ф ботлаш шарт эмас. Бироқ у замона зайли англанилмоғ илган ва аста-секин йўқ қилиб юбориш даги энг улуғ ли ҳукм сурган даврларни афсус билан эслаймиз. Уйда ҳам, кўчада ҳам, ишхонада ҳам русча гаплашиб, ўзбек киноси, театри ва маданиятига «ҳисса» қўшмоқчи бўлиб юрган «санъаткор»ларни билардик. Тўғри, ўзга тилларни билиш маънавият учун қанчалик фойдали эканлигини тушунамиз. Қани энди ҳар бир киши қатор тилларни билса. Лекин сўз миллий маданиятни яратиш ва ривожлантириш устида борганда уни ўзга миллат тили ва маданияти мезони билан ўлчаш ёки ўзга тил қонуниятлари асосида тафаккур юритиш, шубҳасиз, маданиятнинг миллий ўзига хослигига путур етказади. Бундай қусурлардан ҳамон қутила олганимиз йўқ. Бу камчиликларга ҳаёт, турмуш ва миллий маданий муҳитимиз аста-секин барҳам бериб боради. Масаланинг иккинчи томони мавжуд. У миллий тилни тилларнинг ўзаро таъсир ва тараққиёт жараёнидан холи тарзда тасаввур этишдир. Бунинг оқибатида архаик сўзларга берилиб кетиш, нима бўлмасин замонавий ва байналмилал истилоҳларнинг муқобилини қадимги адабиётлар, араб ёки форс тилларидан излаш ҳоллари рўй беряпти. Бунинг оқибатида «тайёрагоҳ», «ноҳия» сингари тилимизга сингишмаган сўзлар пайдо бўлди, бироқ улар оммавийлашмади.

Миллий маданият зўрма-зўракилик, сунъийлик ёки буйруқлар натижасида эмас, табиий равишда, ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос мураккаб жараёнлари ифодаси тарзида шаклланиб боради. Шунинг учун миллий маданият ҳам барча ижтимоий ҳодисалар сингари ўсишда, ўзгаришда ва тараққиётда бўлади.

Агар биз Абдулла Қодирий асарлари тили ниҳоятда миллий ва гўзал эканлигини тан оладиган бўлсак, бу деган сўз ҳамма Абдулла Қодирий тилида асар ёзсин дегани эмас. А. Қодирий ҳам, Ойбек ва А. Қаҳҳор ҳам шу бир она тилидан фойдаланганлар. Фақат уларнинг ҳар бири ўзича ва турлича бу тилнинг бойлигини намойиш эта олганлар. Улуғ ёзувчилар янги сўз яратишга эмас, омма тилидаги сўзга янги маъно беришга ҳаракат қилганлар. Тилга янги сўзни ва янги маънони ҳаёт, ижтимоий-тарихий муҳит олиб киради. Унинг ким олиб киргани эмас, маънавий жараёнда қандай иштирок этаётгани, тилга қандай сингиб, ўзлашиб кетгани аҳамиятлидир.

Бинобарин, мустақиллик туфайли миллий маданиятимиз тараққиёти билан боғлиқ жуда кўп муаммолар туғилди: миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш ва ривожлантириш; маданий меросимизни таъмирлаш, асраш ва халқ маънавий мулкига айлантириш; ижод аҳлига кенг имконият ва эркинликлар яратиш туфайли адабиёт ва санъатнинг барча турлари тараққиётига эришиш; маданият масканларини одамларни инсонпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбияловчи бадиий-эстетик муҳитга айлантириш; замон руҳи, халқимиз табиатини ифодаловчи бетакрор, илғор ва янги маданий қадриятларни барпо этиш; инсон, халқ жамият ва давлатнинг потенциал куч-қудратини ифодаловчи маънавиятни юксалтириш; миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш, одамларнинг ўзлигини англаш ва мустақиллик йўлидаги меҳнатга чорловчи ижтимоий-сиёсий ва маданий муҳит яратиш. Чинакам демократик Конституция асосида ўзининг миллий истиқлол мафкурасини шакллантирибва ривожлантириб бораётган мамлакатимизда ҳақиқий маданий давлат барпо этилмоқда. Келажаги буюк бўлган маданий давлатимизни мустаҳкамлашда чинакам ватанпарвар ҳамда маданиятли шахслар фаолияти ниҳоятда зарурдир.

Маданиятсиз на халқ, на мамлакат, на бирон давлат башарият маънавияти кошонасидан ўз ўрнига эга бўла олмайди. Ўзбек халқи ва Ўзбекистоннинг дунё халқлари кўзи ўнгида ўз ўрни, обрўси ва мавқеи тобора ортиб бораётган экан, бу нарса унинг фақат ижтимоий-сиёсий тараққиётининггина эмас, балки маънавий такомилининг ҳам ифодасидир.

«БЕЛБОҒ БЕЛИМИЗДА ЭДИ...»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ БАҲОДИР АБДУРАҲИМОВ БИЛАН СУҲБАТ

— XX аср инсоният тарихининг шундай мураккаб босқичига айландики, эҳтимол, 5 миллиард ёшга кирган мўйсафид замин бундай замонда ҳеч қачон яшамаган. Шундай даврда яшаш бахти ва фожиаси бизнинг авлодга насиб қилди. Инқилоблар, урушлар, офатлар... ниҳоят. Ер куррасининг олтидан бир қисмини «Ўроқ ва Болға» билан тутиб турган «Ёвуз ялангоёқлар» салтанати кунпаякун бўлди, миллион-миллион халқлар, шу жумладан, ўзбекларнинг ҳам бошида ҳуррият қуёши порлади...

Баҳодир ака, ҳар қандай одам бу мислсиз воқеалар силсиласи қошида чуқур ўйга толади. «Ватан озод бўлди» деган экан бир шоир. Озодлик қанчалар тотли неъмат бўлмасин, унинг ортида аччиқ аламларнинг ўнгарилмас доғлари бор, яъни елкаси яғир бир одамнинг оппоқ шоҳи яктакда байрамга чиққани каби...

Сиз бу ҳақда ўйлаганмисиз?

— Ҳайтовур, номи ёдимда қолмабди, лекин бир шоирнинг шундай гаплари тез-тез ёдимга тушади. Ундан сўрабдилар: «Нега сизлар чақалоқнинг оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб, бешикка белайсиз?..» Шоир жавоб берибди: «Чақалоқ ўз эрки учун курашга бешикдан тайёрлана боради...»

Биз узоқ замонлар гўё чақалоқдек эдик. Оёқ-қўлларимиз тушовда эди. Эрк ва истиқлол учун ҳозир бўлиш бизга бешикдан мерос. Улуғ зотлар озодлик туйғуси инсон зотига табиатан хос эканини қайд этганлар. Ёруғ дунёда ҳеч ким асоратга дош беролмайди. Ҳали ҳеч бир замонда бир эл бошига асорат солган, унга зулм кўрсатган бошқа бир халқ узоқ ҳукм сурмаган. Бу ижтимоий ҳаёт қонуниятигагина эмас, табиат қонунига ҳам зиддир. Тарихчи бўлмасам-да, бир нарсани аниқ биламанки, ер юзида яшаб келаётган барча халқлар қаторида бизнинг заминда яшаб ўтган авлод-аждодларимиз ҳам бошларидан не-не ташвишлару қувончларни, ғолибликлару мағлубликларни, хўрликлару севинчларни, хуллас, ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини кечириб келган бўлсалар-да, ана шу Сиз қайд қилиб ўтган «Ёвуз ялангоёқлар»нинг бизга кўрсатган ҳам моддий, «ҳам маънавий марҳаматлари»дан тилимиздан ва дилимиздан айрилиб қолиш арафасига келиб қолган эдик. Уларнинг «ўроқ»ларида илкимиздан ўрилиб, «болға»ларида бошимиздан янчилиб келдик.

Тангрига шукрлар бўлсинки, биз мустақилликка эришдик. Ўзбек миллати ўзининг давлатчилик тарихида кўрмаган «Мустақиллик» деб номланувчи байрамга эга бўлди. Бу ҳар йили нишонланадиган бир сиёсий байрамгина бўлиб қолмасдан, балки бизнинг ҳар йили авлод-аждодларимиз руҳлари олдидаги бажариладиган бурч ва вазифамизга ҳам айланиши керак.

Тўғри, бизнинг елкамиз яғир қилиниб, яктакларимизга ямоқ солинди. Лекин қанча ҳаракат қилсаларда, белбоғларимизни белимиздан ечиб ололганлари йўқ. Биз миллий ғуруримизни сақлаб, шоҳи яктакларимизни бир кунмас-бир кун кийиб, озодлик байрамимизнинг нишонланишига ишонч билан яшаб келдик. Пешонамиз ярқираган экан, жасур, халқпарвар юртбошига ҳам эга бўлдик.

— Президентимиз И. Каримов 1993 йил 31 август куни Тошкент шаҳрида соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишида сўзлаган нутқида: «Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, имон, эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир», — деган эди. Бугун биз мустақил давлат фуқароларимиз. Бу буюк бахт, ўз навбатида улкан вазифа — аждодлар руҳи ва авлодлар тақдири учун масъулият. Буни теран англаш миллий онгнинг нечоғли тараққий этганига боғлиқ. Бугун халқимизнинг илғор вакиллари, маданиятли одамларнинг фикри Сизнингча қандай бўлмоғи керак?

— Ўша кунги воқеани мен телевизор орқали томоша қилган эдим. Президентимиз нутқлари давомида бир неча бор хўрсиниб, севинчдан кўзларимда ёш қалқди...

Юртбошимиз ўша дақиқаларда ўзбек давлатчилигининг асосчиси, буюк Амир Темур бобомиз сиймосига, унинг меҳнати, шижоати, до-

нологига эл-юртнинг берган баҳосини бутун дунёга ошкор қилибгина қолмасдан,соҳибқирон пойи олдида туриб, қураётган буюк давлатимиз келажаги учун ундан оқ фотиҳа олгандек туюлди, менга.

Ўша куни бу воқеани кузатган барча инсонларнинг Ватанимиз келажагига, унинг равнақига ишонч ҳосил қилмаганлари бўлмаса керак. Қолаверса, бу ишонч ҳар биримиздан зийракликни, садоқатни, ҳамжиҳатликни, ҳалолликни талаб қилади. Ана шу ишонч бўлсагина биз аждодларимиз руҳи ва авлодлар масъулиятини тўлақонли бўйнимизга олишимиз мумкин. Ана шу ишонч бўлсагина биз бу кунлар насиб қилмасдан, ҳаётдан кўз юмган, миллатимизнинг илғор вакиллари олдида ўз бурчимизни бажарган бўламиз.

Маъзур тутасиз, инсониятнинг қадимий бешиги ҳисобланган мана шу замин ва унинг халқига нисбатан «миллий онг» ривожи тўғрисида фикр юритиш... Бундай камситиш ўз вақтида кимларгадир керак эди. Мен бу борада бошқа фикрдаман. Ана шу фикримни бир оғиз сўз билан айтадиган бўлсам: «Андишанинг отини қўрқоқ деманглар, у тераклар аллақачон кесилиб кетган», — дегим келади. Бу гап ўз эгаларини топади, деган умиддаман.

— Суҳбатимиз ўз-ўзидан миллий мафкура масаласига келиб тақалди. Маданият — миллий мафкуранинг ажралмас бўлаги. Миллий маданиятимизни қайта тиклаш, ўтмиш маданий-маърифий меросимизни ёшларимиз онгига сингдириш соҳасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Сизнингча, бу соҳада яна қандай ишлар қилиш зарур!

— Миллий мафкура тўғрисида гапирадиган бўлсак, менимча, бизнинг мафкурамизнинг ривожи сунъий тарздаги абстракт ғоялардан, тафсилотлардан воз кечган ҳолда, халқимизнинг миллий урф-одатларига, анъаналарига, анъанавий маданиятига суянган ҳолда миллий онгимизнинг маҳсули сифатида тараққий қилиши керак. Лекин, эски тузум байроқдорларининг айримларида посткоммунистик дунёқараш ҳали ҳам мавжуд. Уларни бу ғояларидан қайтариш осон кечмаяпти.

Бугун миллий мафкура ҳақида деярли ҳамма жойда қизғин мунозаралар, илмий баҳслар бўляпти. Ҳақиқат курашларда туғилади. Ҳар ким ўз ўй-фикрларини, тажрибасини, дунёқарашини миллий мафкура мезонига солишга уринмоқда. Бу тушунчани жуда чигаллаштириб юбораётганлар ҳам йўқ эмас. Мен бир нарсага шубҳа қилмайман: бу мафкура тоғ этагида юрган чўпонга ҳам, улуғ фозилга ҳам бир хилда англанилмоғи керак. Ахир: «Дунёдаги энг улуғ зот ким?» — деган саволга ҳамма бирдек: «Она» деб жавоб бера олади-ку?! Миллий мафкура тушунчаси миробга сувнинг шарақлашидек, деҳқонга кетмон жарангидек тушунарли, бўлсагина яшайди. Юқорида айтганимдек, миллий мафкура хусусида фикр билдираётган биродарларимиз орасида турли табақадаги ва даражадаги одамлар бор. Чунончи, бир номдор олим миллий мафкура ҳақида гапирар экан. Хожа Баҳоуддин Нақшбандинг саккиз тамойили ҳақида тўхталади ва миллий мафкура ана шу тамойилларга асосланса яхши бўларди, қабилида хулоса чиқаради. Миллий мафкурага бундай енгил назар билан қараш жиддий хатодир. Зеро, нақшбандия биргина йўл ёхуд мактаб бўлиб, унинг бир неча юз ёки минг нафар пайровлари бор, холос. Қолаверса, у соф ахлоқий асослардангина иборат. Миллий мафкура — бу бутун бошли миллат мезони. У фирқалар, гуруҳлар ва мактабларнинг дастуридан баланд.

Умуман олганда, маданиятимиз тараққиёти борасида қилинадиган ишларимиз ҳали ҳам кўп. Бу борада менинг ўзим ҳам имконим даражасидаги ишларнинг ўндан бирини ҳам бажариб улгурганим йўқ.

— Маълумки, маданият ходимлари халқимиз маданиятининг элчиларидир. 1994 йил 7—15 октябрь кунлари Покистон Ислом Республикасида мусулмон давлатларининг «Ҳунармандлар иш устида» халқаро биринчи анжумани бўлиб ўтди. Бу анжуман ижодий гуруҳнинг раҳбари сифатида ўз таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Анжуманда Ўзбекистондан 12 нафар ҳунарманд уста, 3 нафар музей ходими, 14 қўғирчоқ театри, 15 нафар ўзбек миллий мусиқа ва рақс санъати устаси қатнашиб, ёғоч ўймакорлиги, мискарлик, кандакорлик, зардўзлик, каштачилик, наққошлик, хаттотлик, заргарлик, кулоллик, мусиқа чолғулари устачилиги ва миниатюра санъатлари бўйича ўз ҳунарларини намойиш қилдилар. Усталаримиздан 3 нафари: бухоролик Баҳшилло Жумаев — зардўзлик ҳунарининг каштачилик тури бўйича биринчи ўринни, бухоролик кандакор Шокир Камолов иккинчи ўринни, тошкентлик ёғоч ўймакорлиги устаси Ортиқ Файзуллаев тўртинчи ўринни эгалладилар.

Анжуманда Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Зарафшон», «Шодлик» ансамблларининг Бобомурод Ҳамдамов ва Аҳмаджон Шукуровлар иштирокида чиқишлари хорижлик мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Амалий санъатимизнинг халқаро миқёсда бундай нуфузли мақом касб этиши кишини мамнун этади, албатта. Халқимиз санъатдўст, санъатпарвар. Бизда, хусусан, амалий санъат турлари — ганчкорлик, кандакорлик, мискарлик, кулоллик ва заргарликнинг асрлар давомида жуда изчил тараққий этиб келдики, бу халқимизнинг юксак салоҳияти ва дидига исботдир. Ўзингизга маълумки, ўзбек турмушининг барча жабҳаларида муқаммаллика, гўзалликка интилади.

Уй қурганда нақшли бўлишини, бешик ясаса кўркам бўлишини истайди.. Албатта, амалий санъатнинг Қўқон,Бухоро, Хива, Самарқанд каби мактабларининг ўз анъана ва услублари бор. Бугунги кунда ҳар бир мактабнинг яна оёққа туриб, бор куч билан ўсишига ҳаракат қиляпмиз. Қадимда мавжуд бўлган бу мактабларнинг довруғи дунёга маълум эди. Бугун бу отамерос касбни ёшларга ўргатиш, унинг йўқолиб кетган усул ва йўлларини қайта тиклаш ниҳоятда муҳим вазифа ҳисобланади.

Ана шундай халқаро анжуманларда халқимиз маданиятини намойиш этаётган усталаримиз меҳнати шоён таҳсинга сазовордир.

Мана, 1995 йилга ҳам кириб келдик. Ҳар бир йил, ой, кунлар, лаҳзалар тарих зарварақларида ўз муҳрини қолдирмоқда. Узбекистон, унинг матонатли халқи одил ва мард юртбошимизнинг теран инсонпарварлик руҳидаги сиёсати туфайли мураккаб шароитларни босиқлик, сабр-матонат билан енгиб олға босмоқда. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, холис ва хайрли ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, азиз дўстлар, дегим келади. Бахт ва комронлик сизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

А. СОМЕЪ суҳбатлашди.

ВАН ГОГ, ДОЛЛАР ЁКИ АЛВИДО, ТАСВИРИЙ САНЪАТ?..



Абдулҳай УМАРОВ.

Биз давра гурунги мавзусини ушбу кабилда танламаган эдик, табиий. Мавзу бурунги замонлардаги каби «проблемалар ва тенденциялар» ҳақида бўлмоғи кўзда тутилганди. Ўнлаб мусаввирларга сим қоқилди. «Фалон кун, фалон соатда редакцияга келсангиз», «Нима қиламиз?», «Давра суҳбати», «Ҳм-м... Хо-ш-ш... Хўп...» ва ҳоказо. Бу таклиф мусаввирларнинг наинки ўзларига, балки завжаларига-да ёқмади. «Майли, айтиб қўярмиз...»

В. Охунов уйда йўқ эди, Ҳаким — Ҳолландияда, Янис — Юнонистонда... Мельников, Тальдикин, Шомаҳмуд, Рўзи Чори, Анвар Раҳматулла, Тоқтош ва яна бир неча мунаққид, мусаввирлар келишмади. Аммо айнан ўша куни бу мусаввирларнинг баъзи бирларини бир башанг зиёфатда учратдик.

Албатта, бугун санъат, санъаткор тушунчаларини кечаги мезонлар билан ўлчаб бўлмайди, аммо негадир барча ижодкорлар абадий мезонлар ҳақида муттасил бош котиришни суйсалар-да, бугунги ёхуд кечаги оддий коидалар ҳақида ўйлаб ўтиришмайди. Табиийки, давра суҳбати бу олди-сотди кўргазма эмас, оддий мухбир билан қандайдир нуфузли давлатнинг фавкулодда ва мухтор элчиси ўртасидаги суҳбатдан хийлагина фарқи бор.

Шундай қилиб, кўзланган мақсад амалга ошмади. Гурунгимизга тўрт нафар ижодкор — икки мусаввир ва икки мунаққид ташриф буюришди. Бу тўрт нафар зотни азбаройи, ҳурматимиз боис, таништириб ўтишни лозим деб билдик.

Абдулҳай УМАРОВ — санъатшунослик номзоди.

Тургунлик даврларида ўзининг кескин ва муросасиз чиқишлари билан мойбўёқ аҳли орасида машҳур бўлган «Лутфулла Абдуллаев», «Абдулҳақ Абдуллаев», «Чингиз Аҳмаров», «Алишер Мирзаев» каби монографиялар муаллифи. «Совет Ўзбекистон санъати тарихи» китобининг ҳаммуаллифи, чет эл ва собиқ Иттифоқ мажалларида икки юздан зиёд илмий мақолалари эълон қилинган.

Соат ўнга мўлжалланган гурунгга беш дақиқа бурун кириб келгач, икки дақиқа ўтар-ўтмай: «Одам айтилган пайтга етиб келса-да», — деди тажангнамо. Бу мунаққид ички табиатининг ўзига хос томони. Ўз ғоявий мавқеини (яъни позициясини) аёвсиз ҳимоя қилади.

Сергей НЕМЦОВИЧ — санъатшунос.

Собиқ Иттифоқ замонида «Советская живопись», «Советская графика», «Искусство», «Совет Ўзбекистони санъати» каби кўплаб мажалла ва рўзномаларда мақолалари эълон қилинган. С. Немцович тасвирий санъатнинг ҳунармандчилик, дастгоҳли рангтасвир каби турлари билан қизиқади. Теран ҳужжўй. У айтади: «Мени ҳақиқий истеъдодли ижод ҳамиша ўзига тортади. Марҳум Шуҳрат Абдурашидовни чуқур миллийлиги учун ҳурмат қиламан. Билмадим, Шуҳрат диндормиди, йўқмиди? Лекин унинг асарларида диний мистицизм уфуриб туради. Ранглар мутаносиблиги, шакл ва ботиний ғоя уйғунлиги Шуҳратга хос эди. Миллий ижод — дўппи ва чакмоннинг тасвиридангина иборат эмас, Шуҳрат соз чаларди, шеър ўқирди ва ўзи ҳам ёзарди... Аллоҳ раҳмат қилсин...»

Акмал НУР — рассом.

80-йилларнинг иккинчи чорагида ўзбек миллий рангтасвирида туб бурилиш ясаган ёшлар намояндаси. Бу ёшлар «соцреализм» қолипларини парчалаш жараёнида миллий ўзликни англаш сари дадил қадам қўйдилар. Акмал Нур Маннон Уйғур номидаги Санъат институтини тамомлади. Ҳолландия, Москва, Сиэтл, Югославиянинг Скопле, Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳарларида шахсий кўргазмалари намойиш этилди. Ўтмиш меросимиз, тарихий шаҳарларимизга бағишланган, Алишер Навоий, Умар Ҳайём каби мумтоз сўз санъаткорлари ижоди асосида яратган бир қатор асарлари, шу жумладан, «Ҳиндистон» туркуми диққатга сазовор. 1993 йил «БАРТ» фирмаси томонидан илк суратлар тўплами эълон қилинди. Тўпламдаги инглиз ва ўрис тилларидаги мақолада (мақола муаллифи ва тартиб берувчи Камола Оқилова мусаввирнинг рафиқаси) Акмал Нур ижодининг бош хусусияти қуйидагича қайд этилади: «Мусулмон таълимоти асосларига қизиқиш ижодкорнинг ёруғ ибтидога («Светлое начало») нисбатан эътиқодининг собитлигида муҳим роль ўйнайди».

Тўпламдан мусаввирнинг «Фариштa» (1990), «Кушон фили» (1993), «Тож Маҳал» (1993), «Тўқнашув» (1990), «Ибодат» (1990), «Ширин туш» (1992), «Алла» (1993) каби асарлари ўрин олган.

Ориф Муинов, рассом.

П. Беньков номидаги республика бадиий билим юртини, М. Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтини тамомлади. Польша ва Булғорияда шахсий кўргазмалари намойиш этилди. Унинг асарлари Туркия, Исроил, Америқо, Арабистон каби давлатлар галереясида сақланади. «Бухоро — менинг дардим», «Яссавий», «Соҳибқирон», «Бибихоним», «Улуғбек», «Тошга битилган афсона» (туркум), «Мулоқот», «Тумор» каби чуқур миллий асарлари жамоатчилик эътиборини тортди. Ориф асли бухоролик. Буюк нақшбандия сулукининг ватани унга катта илҳом бахш этади. Сўфийликка мойил мусаввир устахонасига ўт кетгач, юзлаб сувратлари кулкукунга айланди. Ҳудога шукур, ақлдан озмади. Сабр қилди. Ҳозир кубровия, нақшбандия каби тариқат шоҳроҳларини ўрганмоқда.

Шундай қилиб, суҳбат:

Акмал НУР: — 85 йилларнинг боши 86-йилларда ўзбек тасвирий санъати майдонига бир гуруҳ ёшлар кириб келди. Бу гуруҳ ўзига хос сўқмоқлардан иборат ажабтовур тоғ ўнгирларидаги йўлларни ёдга соларди. Бу ҳол санъатшунослар, умуман, танқид аҳли томонидан турли йўсинда қабул қилинди. Эътирофдан эътирозгача рўй берган сершовқин кўргазмалар ҳали-йигирма йилда бурилишлар юз беради. Бунинг боиси балки замоннинг зайли. Бизнинг авлод тақдирида ҳақиқий ўзликка қайтиш юз берди. Ота-боболарнинг ўлмас мероси, миллий ўзлик, динимиз, тарихимиз, маданиятимиз ва фалсафамизнинг теран қатламларига юз буриш,



Сергей НЕМЦОВИЧ.



Ориф МУИНОВ.



Акмал НУР.

уни ижодий-руҳий нуқталарда ўрганиш, мойбўёқларга кўчган хаёлий мажозлар суратида шакллантиришга интилиш бизни тубсиз дард ўпқонига тортарди. Бу қуруқдан-қуруқ андозабозлик ёки бугунги кунда тамойилга айланаёзган қандайдир мажҳул абстракционизм эмас эди. Бугун ҳатто профессионал рассомлар ҳам абстракцияни ниқоб қилиб олишган. Енгил-елпи чизгилар, шакллар босқини рўй беряпти. Тақлидчилар бодраб кетди. Ўн рассомнинг иккиси тақлидбоз.

Истеъдодли ёшларни хорижга чиқариш учун йўл очмоқ лозим. 85-йилларда тасвирий санъатимизга ўз ранг ва услуби билан кириб келган ҳунармандли ёшлар бор.

Менинг фикримча, Рассомлар уюшмаси раҳбарлигига фаол жамоатчи, тиришқоқ ёшлар келиши керак.

Қобилиятли, виждонли бўлса бўлди. Уюшманинг моддий ёрдам кўрсатишга қурби етмаслигини тушуниш мумкин, аммо у маънавий ёрдам беролмаса, умуман, кимга керак!

С. НЕМЦОВИЧ: — Менинг фикримча, санъат давлат ҳимоясида (дотация) бўлиши керак. Ахир, собиқ Иттифоқ замонида шундай эди-ку? Бугун санъаткорлар учун ҳам хийла катта солиқ бор. Уйлайманки, ана шу солиқни санъат аҳли зиммасидан соқит қилмоқ керак.

А. Н.: — Рассом хотиржам бўлмаса, у қандай қилиб ижод қилиши мумкин? Бугун рассомлар тасаввурида ёмон бир иллат вояга етмоқда. Улар қайси ишни тезроқ сотиб олишлари мумкин, деган ўй-хаёл билан мўйқалам тутадиган одат чиқардилар, яъни ундан секинаста пулдорнинг ноғорасига ўйнашга чоғлана бошлашди. Катта мақсад йўқолди. Илгариги замонда асар сотиб олиниши учун махсус экспертлар чиғириғидан ўтарди. Оз бўлса-да, дотация бор эди. Бир иш сотиб олинса, рассом хотиржам ярим йил ижод қилиши мумкин эди.

А. Н.: — Қандайдир воситачилар пайдо бўлишган. Улар санъат асарини ҳам ўзларича баҳолаган каби баҳолайдилар. Умуман, санъатдаги савдогарчилик жирканч иш экан... 85-йилларда миллий қадриятларимиз ҳақида ёниб ёзар эдик. Бу табаррук мавзу ўкинган, камситилган, хўрланган қалбларга далда эди. Биз бугунги ёруғ кунларни энтикиб орзу қилардик. Одамлар маънавият ҳақида ўйлаш ўрнига қандай қилиб қорин тўйғазсам, қандай қилиб бола боқсам, деб юраверса, дуч келган ватандошинг пешонасини тижорат дўконларининг пештахтасига уриб олаверса...

С. Н.: — Катта мусаввир хонанишин бўлмай, у хоҳласа, Амриқога ҳам бориш имкониятига эга бўлмоғи керак.

А. Н.: — Бу орада менинг қарашларим тубдан ўзгарди. Санъат — халқ учун, деган шиорлар ёлғон экан. Санъат уни англаган, тушунган, қадрига етган кишилар учун экан. Бугун бирмунча хайрли анъана шаклланиб қолди. Рассомларимиз шартнома асосида чет элларга чиқиб ишлаб келишмоқда.

Ориф МУИНОВ: — Тўғри, шартнома асосида ишлаш бизга катта имкониятлар эшигини очмоқда.

А. Н.: — Шароит бўлса, ўз юртингда ишлашга нима етсин? Четда ҳар қанча шароит қулай бўлмасин, ўзингни буткул эркин ҳис қила олмайсан.

А. Н.: — Санъат ҳақидаги тушунча ҳам пастлашиб кетди. Бугун қарийб бутун жамоат санъат деганда — раққосаларни ёхуд ашулачиларни тушунади. Ҳатто улуғ саналар, анжуманларимизда ҳам санъатнинг биргина туридан бошқаси эътибордан четда қолиб кетмоқда. Мустақиллик байрами тантаналарида рассомлар ҳам ўз ишлари билан иштирок этишлари мумкин эди-ку? Масалан, очиқ кўргазмалар ташкил қилинса бўларди. Бутун Марказий Осиёда ягона «Санъат» журнали бор эди. Қани? Биз ҳам даставвал ана шу журнал орқали танилган эдик. Юқоридаги фикримга қайтмоқчиман. Ҳа, одамлар санъатни ё деярли тушунишмайди, ёхуд тушунишни ҳам исташмайди. Мана, мен шахсий кўргазма ташкил қилдим. Ҳомийлар минг долларга дастурхон тузашган экан. Ана одам! Кўргазма билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Биринчи кун дастурхон учунми, бошқами, одам бор эди, иккинчи кун кўргазма залида ўзимдан бўлак ҳеч кимни учратиш мумкин эмасди. Кўргазмага «Ҳиндистон» туркуми қўйилган эди. Ҳайтовур, мавзу янги, нотаниш муҳит, шароит. Йўқ, бу ҳеч кимни қизиқтирмади. Бу ҳеч кимга керак эмас эди...

О. М.: — Тарғибот масаласи жуда суст.

А. Н.: — Ижодкор учун хотиржамлик катта бойлик.

Абдулҳай УМАРОВ: — Асаб қутичага солиб қўйиладиган нарса эмас. Юрак тулқинланмаса, сиқилмаса ижод қилиш мумкинми?

А. Н.: — Эрталабдан асаббузарлик...

А. У.: — Санъаткор ҳам одам. Ҳозим Ҳикматнинг машҳур сўзларини эслайсизми? «Мен ёнмасам, сен ёнмасанг, ким ёнар»...

С. Н.: — Бугун, хусусан, кино санъати орқали маънавиятимизга кириб келаётган ҳодиса жуда даҳшатли. Амриқо номи билан оқиб келаётган бу «ахлат»-ни Амриқонинг ўзида томоша қилишмайди.

А. Н.: — Албатта, бу ўринда бадиий ижодни тарғиб ва ташвиқ қилиш билан иш битмайди. Бадиий ижодни ўқитмоқ, унинг асосларини ёшларга тушунтирмоқ ишларини ҳам йўлга қўйиш керак бўлади. Тасвирий санъатдек ўзига хос бадиият турини бола эҳтиёжига жуда эрта сингдирмаслик оқибатида у «тиллодан мисни», «ажриқдан атиргулни» фарқлай ололмайдиган эҳтиёжни тунд, дидсиз кимсага айланади. Тасвирий санъатни ўргатиш методи ўрта мактабларда пухта ва изчил йўлга қўйилмоғи керак.

А. У.: — Гапни рассомларимиз бошлаб бергани маъқул бўлди. Улар бошларидан ўтганни яхши билишади. Ҳозирги мураккаб шароитда санъатнинг иқтисодий муаммолари билан ташкилий жиҳатлари қўшилиб, рассомларнинг соф ижодий ташвишдан чалғитаётгани сир эмас. Шу билан биргаликда, ижод муаммосининг ўзи ҳам етарли оғирликларни бошдан кечиряпти. Ҳозирги замон санъати шартли равишда икки йўналишда ривожланяпти, деб тасаввур қилайлик: биринчи йўналиш кейинги ўн йил мобайнида гоҳ у, гоҳ бу рассом ижодида кўриниш бериб турган ҳодиса бугунги кунда кўпчилик учун хос бўлиб боряпти. Бу ўтмиш миллий қадриятларимиз, аждодий урф-одатлар, мумтоз адабиёт намуналари, диний-руҳоний дурдоналар, бир сўз билан айтганда, ўтган замон бадиий тафаккури тажрибаларига қайта мурожаат

қилиш. Бу жараён кун сайин авж олиб боряпти. Айниқса, Мустақилликдан сўнг ўтган уч йил мобайнида бу йўналишда талайгина хайрли юмушлар амалга оширилди. Шу ўринда назаримда бирмунча ташвишли туюлаётган ҳодисага тўхталмасам бўлмас. Мустақиллик — буюк неъмат.

мҲар қандай эзилган миллатнинг асрий орзуси. Башар тарихи халқларнинг ўз эрки ва озодлиги учун курашидангина иборат. Биз ҳам ҳақли равишда Мустақиллигимизнинг буюк бир саодат, тенгсиз тарихий ҳодиса эканини чуқур ҳис қиламиз. У — муқаддас ҳодиса. Демак, уни енгил-елпи шиорлар, саёз санъат асарлари билан қадрсизлантириш мумкин эмас. Биз мустақилликка томон эндигина қадам қўйдик. Унинг иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий-маънавий жиҳатлари бор. Энг муҳими, одамларимиз ҳаётни чуқурроқ идрок этишни, мустақил фикр юритишни ўрганишлари керак. Бу, айниқса, санъат аҳли зиммасига улкан масъулият юклайди. Бадиий ижодда ҳеч қачон кузатилмаган эркинлик рўй берди. Илгариги замонда тил тегизиб бўлмайдиган мавзуларда бемалол ва баралла гапириш мумкин. Маълумки, яқин ўтмишда ислом дини ақидалари, улуғ ислом мутафаккирлари, буюк руҳонийлар ҳақида фикр билдириш, уларни ўрганиш, хусусан, ўргатиш қатъиян қораланарди. Шу жумладан, миллий ғururимиз тимсоли бўлган халқ қаҳрамонлари, миллий озодлик мафкурачилари, машҳур арбобларнинг номига ҳам қора чизиқ тортилган эди. Бугун бу монелик чизиғи олиб ташланди. Ва дафъатан яна бир ижодий сир равшан бўлиб қолди: ижодий эркинлик билан ижод мустақиллиги бошқа-бошқа ҳодиса экан. Эркинлик экан деб ҳеч кимга кераги йўқ нарсалар ҳам бош устига қўйилиб кўтар-кўтар қилиняпти. Ҳамма нарсага Америконинг таъсири, дейиш тўғри бўлмас. Аммо тўғридан-тўғри ислом ақидаларига зид, халқни чалғитадиган асарлар кўпайиб боряпти. Мен ёлғиз тасвирий санъат ҳақида гапираётганм йўқ. Санъат яхлит нарса. Масалан, эстрададаги эркинликни олайлик. Бу санъат тури ҳам маданиятимизнинг бир бўлаги бўлгани учун, табиийки, миллий меросдан озиқланади. Аммо бугунги ўзбек эстрада артистларининг баъзи бирлари истисно қилинмаганда, қайси бирлари фалон меросдан озиқланяпти деб бўлади? Истеъдодли эстрада артистларимиз миллий қадриятларимизни замонавий даражага олиб чиқишга ҳаракат қилишяпти. Афсусланарлиси шундаки, оврупоча бўлиб оврупоча бўлмаган, ўрисча бўлиб, ўрисча бўлмаган қўшиқлар уззукун қулоқларни батанг, дилларни хун қилиб, жаранглаб ётибди. Бу ҳол тасвирий санъатда ҳам учрайди. Миллий қадриятларимизга муқаллидликдангина иборат тасвирий асарлар талайгина. Борди-ю бу ҳолат кенг тус олгудек бўлса, миллий қадриятимизга путур етиши ҳеч гап эмас. Аксарият рассомлар ўтмиш меросимиз, қадриятларимизни тушунишмайди, баъзилари тушунишни ҳам исташмайди. Кейинги пайтда ислом фалсафаси, тариқат ва сулуклар ҳақида турли баҳс-мунозаралар бўлиб турибди. Йирик Ислом олимлари, тариқат пешволари ҳақида илмий рисолалар чоп этиляпти. Албатта, бу манбалар ҳам изланган одамга маълум маънода асқотади. Мана, масалан, мумтоз сўз заргарлари Умар Хайём, Мирзо Бедил шеърияти асосида яратилаётган тасвирий асарларни олайлик. Уларнинг жуда кўпчилиги Хайём ва Бедил фалсафасининг шунчаки саёз суврати. Унинг замир-замиридаги яширин маънолар очилмайди, ташқи белгилар билан чекланилади, холос. О. Қозоқов, А. Нуриддинов каби рассомлар бу улуғвор фалсафани очишга, уни ўзига хос рангларда талқин этишга ҳаракат қилишяпти. Бошқа соҳа, масалан, ҳунармандчиликни олайлик. Уни амалий санъат деймиз. Асл номи бу — ҳунармандчилик. Афсуски, бу азалий соҳада худди шу ҳол рўй беряпти. Баъзи усталар анъанавий меросимизни музейларда кўриб ўрганишаяпти. Наққошлик, мисгарлик, заргарлик ривож топяпти. Яқинда наманганлик ҳунармандларнинг кўргазмасида бўлдим. Наққошларнинг меҳнати менда катта таассурот қолдирди. Ҳозир ганчкор, ўймакор кўпайиб кетди. Данғиллама уй қурадиганлар ҳам оз эмас. Наққош, ганчкорга талаб катта. Шунинг учун бу соҳаларнинг кўчасидан ҳам ўтиб кўрмаганлар ўзларини «фалончи-писмадончи» деб юрибди. Лекин бу ҳол баъзан кўргазмаларда ҳам кўриниш бериб қоляпти. Ҳунармандчиликнинг наққошлик бўлсин, заргарлик бўлсин, ўзига хос йўл-услуби бор. Аксарият ўзини «ҳунармандман» деганларнинг йўли — аро йўл — эклектика — бачканалик. Бири боғдан келса, бири тоғдан келади.

Санъатимизда кечаётган иккинчи йўналиш, бу — ҳозирги замон Оврупо санъатидан бизга кириб келган модернизмдан кейинги ҳодиса. Бунда сюрреализм ҳам бор, поп-арт ҳам бор. Мазкур ҳодисага умуман ижобий маънода қараган маъқул. Зеро, ҳеч бир миллий санъат алоҳида ҳолда, бошқа ташқи таъсирлардан ўзини девор билан иҳоталаб яшай олмайди. Санъатлар ўзаро бир-бирига таъсир қилади, бир-бирини бойитади. Бугунги санъатда Дали ҳам, Пикассо ҳам, Гуттузо ҳам бўлиши керак. Албатта, аллақачон жаҳон халқлари маънавий ҳаётидан ўзига яраша ўрин олган бу умумбашарий санъатларга кўр-кўрона тақлид эмас, балки ижодий ёндашув, уларни юрак-юракдан ҳис қилиб ўрганмоқгина ўзини оқлайди. Аммо фақат муқаллидчилик билан чекланилса, оқибати хунук. Ғарбий Оврупо бу ҳодисаларни карра-карра яшаб бўлди. Назаримда, бугун улар ҳам реалистик тасвирга эҳтиёж сеза бошладилар. Рассомлар устахонасида социалистик реализм давридаги асарларни сотиб оламан, деб юрган коллекционерларни тез-тез учратиш мумкин. Умуман, бу йўналиш ҳақида кўп гапирса бўлади.

Юқорида рассомларимиз бурунги замондаги кўргазмалар, улардаги олди-сотдилар ҳақида жўшиб гапиришди. Бугунги иқтисодий қийинчиликлар олдида, шубҳасиз, ўша давр қулайликларини эслаш ўринли. Охир-оқибат, буни тушунса бўлади. У даврларда ижодий уюшмалар давлатдан мадад, яъни дотация олардилар. Бугун биз бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, энди бурунги замондаги мададларни орзу қилмаса ҳам бўлар, зеро бозор иқтисодиёти амал қилаётган элларда давлат санъатга ҳомийлик қилмайди...

А.Н.: — Мен бу фикрга қўшилмайман...

А. У.: — Тўхтанг... АҚШда баъзи бир ансамбллар давлат ҳомийлигида бўлмаса, бошқалари қандайдир жамғарма ёхудайрим давлатманд шахсларнинг бевосита ёрдами асосида амал қилади. Ўзимизнинг элларда ҳам қадимда шундай бўлган эмасми? Баъзи бир шоир, хаттот, наққош, ҳофизларгина хонлар саройида муайян имтиёзлар билан яшаб, ижод қилишган. Қолганларчи... Ҳеч бир замонда давлат ижод аҳлини ялпи боқмаган. Улар тирикчиликни бошқа воситалар билан ўтказганлар. Албатта, биз — фуқаролар давлатга солиқ тўлаймиз ва, табиийки, талаб қилишга ҳаққимиз бор. Давлат рассомларга уй, устахона қуриб бериши, кўргазмалар ташкил қилиши, асарларини сотиб олиши мумкин. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятнинг санъатга, санъат аҳлига муноса-

Давоми 29-бетда

МУҲАРРИРИЯТДАН:

Суҳбат тугади. Ўрисзабон дўстимиз С. Немцович суҳбатга деярли қўшила олмади. Сабаби — тил. Суҳбат сўнгида у: «Яхшиси менга суҳбат мавзунга доир саволларни ёзма тарзда берсангиз!» — деб қолди. Биз рози бўлдик. Эрадан икки-уч кун ўтгач, ваъданинг устидан чиқди. Санъатшунос Рафаил Тоқтош суҳбатдан ғофил қолганлигига хийла пушмон чекиб, ёзиб келтириб берди. Машҳур «Улоқ»нинг муаллифи, ўз таъбири билан айтганда, «консерватор» Мельников эса мулоҳазаларини бир энли қоғозга тушириб, мусаввирамиз Лайло опа Салимжоновадан йўллапти. Майли, барака топишсин.

Вақт топиб, фурсат ажратиб, суҳбатни ўқиб чиқдингиз. Раҳмат. Бунда зикр қилинган фикрларга қўшилиш-қўшилмаслик сизнинг инон-ихтиёрингизда. Борди-ю юрагингизни нимадир сирқиратиб оғритаётган бўлса, унинг даъвоси қоғоз ва қалам. Марҳамат, тўкиб солингда, муҳарририятимиз номига юборинг.

Суҳбатни А. СОМЕЪ ёзиб олди.

Жасур РАСУЛТОЕВ

АНЪАНАВИЙ ЧОЛҒУЧИЛИК ХУСУСИДА

Ҳар қандай халқнинг миллий чолғуларини ўрганиш анъанавий мусиқа ижрочилиги жараёнини гадқиқ этишда асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Ўзбек миллий чолғуларининг техник ижро-параметрлари тадқиқоти миллий мусиқа санъатимизнинг шаклланишига доир муҳим муаммолардандир. Айниқса, миллий ривожланиш имкониятлари кенг очилиб, бунинг маънавий-ижодий илдизларига эътибор кучайган ҳозирги шароитда профессионал ва ҳаваскор созандаларнинг ижрочилик маҳоратларини, туғма қобилиятларини, ижодий шахс сифатида ўзига хосликларини, ижодий фаолликларини равнақ топтиришда анъанавий мактаблар, устозлар амалиётидан кенг фойдаланишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашимиз керак.

Ҳозирги созанда оҳанг йўналишини мувофиқлаштирибгина қолмай, балки ижро этилаётган мусиқани таҳлил қила билиши ҳамда халқнинг тарихи, турмуш тарзи, маиший тартиботини англаган, ўзига сингдирган бўлиши керак. Бу ҳодиса созандалик санъатида мактаб тараққиёти, созаданинг маҳаллий услуб қобиғидаги салоҳияти, руҳий олами, эстетик қарашларининг тўлақонли шаклланишига олиб келади.

Ижрочининг индивидуал ижодидаги миллий асос ва бадиий тасаввур чолғу асарлари мусиқий тўқимасининг фактураси, усули ва шунга ўхшаш бошқа унсурлар билан боғлиқ бўлиб, маҳаллий анъаналар доирасида ижро услубларининг ранг-баранглигини тақозо этади. Бу ҳодиса, ўз навбатида, миллий чолғу ижрочилигимиздаги «товуш яратиш» даражасининг умумий хусусиятларини ҳам белгилайди. Чолғучиликнинг бундай анъаналарини ўзига сингдирган маҳаллий услублар чолғу хусусияти билан созаданинг миллий санъат тараққиёти жараёнида таркиб топган ва созандачиликнинг руҳий-эстетик ҳамда ўзига хос омилларига суянадиган ижрочилик йўсини ўртасидаги ўзаро узвий алоқага асосланади.

Ўзбек миллий чолғу ижрочилиги, асосан, адабиёт, ҳофизчилик, рақс жанрлари билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Кўп жиҳатдан уларнинг ижодига маҳаллий услуб ва мактаблар қаторида у ёки бу бадиий тур ўз таъсирини ўтказиш ҳоллари ҳам мавжуд. Сабаби, ҳозирги кунда у ёки бу мактаб ва маҳаллий услуб ўз ижрочилик йўллари, техник ижро имкониятлари муайянлигини аниқ сақлаб қолмаган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, соф чолғу асарининг ижро усуллари, аппликатураси, орнаментикаси ва фактураси дастлаб қўшиқ ёки рақс куйи бўлиб, сўнг чолғу асарига айланган маҳсулотдан маълум даражада ажралиб туради. Кўп ҳолларда моҳир созандаларнинг репертуарларидан чолғу асбобларидан ташқари қўшиқ ва рақс учун яратилган асарларнинг чолғу тафсирлари ўрин олади. Бу имкониятдан маҳрум созандалар ўз бадиий истеъдодларини ҳамиша бошқа йўсинда белгилайдилар, бошқа йўналишга бўйсунган ҳолда ижод қиладилар. Ёки, аксинча, ижодий мактаблар ва услубларнинг эстетик олами, ижро усуллари ҳамда репертуарларини ўрганишга интилган иқтидорли созанда уларни ўзининг дидига мос келган тафсилотларни ўзлаштиради.

Таъкидлаганимиздек, бирламчи ҳолати қўшиқ ёки ашула бўлган мусиқий асарни чолғу учун мослаштириш ўзига хос муаммолар билан боғлиқ. Бу тушунарли, албатта. Бир жанр учун тўқилган оҳанг йўналишининг бошқа жанрга алмашинуви асарнинг оҳанг жараёнида сезиларли даражада ўзгариш ҳосил қилади. Бу, айниқса, садоси тез сўнувчи (масалан, чертиб чалинадиган) чолғуларда яққол намоён бўлади.

Айниқса, асарнинг мазмунини аниқ тушунмасдан қилинган мослаштирув (транскрипция) асарни ғализлаштириб, бора-бора ўз мавжудлигини йўқотишга ҳам олиб келади. Моҳирона қилинган мослаштирув эса асар мазмуни, жозибаси ҳамда оҳанг тўқимасининг ўзига хослигини сақлаб қолади. Баъзан шундай ҳоллар бўладики, чалинаётган мусиқий асар дастлаб қўшиқ ёки ашула бўлганми ёхуд чолғу асарими, ажратиш қийин. Кўриниб турибдики, ижрочининг эркин, муайян бадиий талабларга амал қилиши асарнинг эшитувчи руҳиятига таъсир кучини тўла сақлаб қолади. Асарнинг қиммати, эстетик таъсирчанлиги ошади, ва, ниҳоят, ижрочи ўз санъати даражасини эшитувчилар олдида тўла намойиш қилган бўлади.

Айрим ҳолларда паст иқтидорли ижрочининг ёки эстетик-бадиий муҳитнинг салбий таъсири натижасида у ёки бу чолғу асбоби ўз миллати олдидаги фаолиятини мутлақо ёки қисман йўқотиб, бошқа бир миллатнинг миллий чолғусига айланиб, фаоллик қилиши кўп кузатилган. Чунончи: тор озар, арман ҳамда форсларнинг миллий чолғуси бўлса-да, кейинги йилларда ўзбек, тожик халқлари орасида ҳам кенг тарқалди. Ёки балалайка сози этимология жиҳатидан туркона сўз: «бола аллала» маъносини билдиради. Шунга қарамасдан, у русларнинг миллий сози сифатида ном қозонди. Бундай ҳодисалар, асосан, яқин қўшничилик муҳитида яшайдиган халқлар орасида кўплаб учрайди. Кўриниб турибдики, «халқ чолғуси» деб ном олган барча мусиқий товуш чиқарувчи, тузилиши ва кўриниши, ҳажми, унга ишлатиладиган хом ашё, тайёр бўлган

чолғунинг созланиши, қисмларининг номлари, ижро услублари ва оҳанглари ҳаракатида миллатнинг, яъни у ёхуд бу создан фойдаланаётган халқнинг ички дунёси, тафаккур олами ифода қилинади. Чолғу асбоби аслида уни яратган миллат, элат ёки халқнинг бадиий идрок маҳсулигина бўлиб қолмай, ундан чиқадиган садо ўша халқ вакили — ижрочининг ички-маънавий ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Шундай экан, Ўзбекистонда мавжуд бўлган халқ чолғулари деб номланувчи мусиқий товуш қуролларининг барчаси анъанавий ижро қонунларига амал қилишлари кераклиги, ўзбек халқ чолғулари учун яратилган асарлар, асосан, ўзбек мусиқасининг куй тизими, оҳанг ифодаси, зарблар мажмуаси, бармоқлар ҳаракати ва товуш бўёқларининг устозона талабларига риоя қилган ҳолда янграши, чолғулар ижросининг маҳсули бўлмиш мусиқий оҳанг уни кашф этган миллатнинг мусиқий товуш тасаввурини ифодалаш учун хизмат қилиши лозимдир.

Ҳар бир халқнинг ўз мусиқий аъмоли, ўз қадриятларига баҳоси, ижрочиларга хос бўлган ахлоқий тамойиллари мавжуд. Бу хусусиятларни бошқа бир халқ оддий кўчирув йўли билан қабул қила олмайди. Бу шу нарсаларни бошқа бир халқ тушунмайди, деган гап эмас, албатта. Аксинча, ҳақиқий халқчил ижрочи ўзга халқ ижросини, унинг ижрочисини бемалол баҳолай олади.

Ижрочининг ўз миллати урф-одатларини, удумларини, миллат руҳини, тафаккур оламини, ахлоқий тамойилларини билиши, ҳис қилиши асар ижросининг миллийлашувига асосий замин бўлиб хизмат қилади.

Совет даврида ўзбек миллатининг мусиқий ютуқлари тўғрисида ижобийми, салбийми, қандай баҳо бермайлик, биз барча бошқа миллатлар қаторида ўша давр сиёсатининг тобеси бўлиб ижод қилдик. Иқтидорли бастакорларимиз, созандаларимиз ўзларининг қимматли вақти-ю ижодларини тузумни алқашга сарф қилдилар. «Ғарб» тафаккури асосида ёзилган асарлар, асосан, ғарбона ўлчов билан ўлчаниб келинди ва жадал суратда тизимга туширилган «марказлаштириш» жараёни олиб борилди. Лекин бир жойда тўхтаб қолгандек туюлган халқ мусиқа ижоди табиий равишда секин-аста ривожланиб бораверди.

Бугун халқимиз томонидан қўлга киритилган Ватан мустақиллиги барча соҳалар қаторида анъанавий мусиқа соҳасида ҳам мустақил ривожни таъмин қилмоқда. Бу имкониятдан тўла-тўкис фойдаланиш биз, маданият ва санъат аҳлининг ҳаракати ва иқтидорига боғлиқ.

Тошкент Давлат техника университети Маданиятшунослик кафедрасининг мудири, профессор Э. Умаров ва фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори И. Каримовнинг ҳозирги илмий-тадқиқот ишларининг умумий йўналиши Ўзбекистон Республикаси ва давлатининг мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳамда бозор муносабатлари шароитида маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш йўллари, услублари ва имкониятларини аниқлашга қаратилган.

Уларнинг инсон маънавиятининг сарзамини — имон масаласидаги ўзаро мулоқотларини журналхонларимиз эътиборига ҳавола этамиз. Ушбу мулоқот «ГУЛИСТОН» саҳифаларида инсон зотининг нелигини англатадиган имон муаммосига доир қизғин баҳсларга бир дебоча бўлар, деб умид қиламиз.

Э. У.: Сиз, Иброҳим Каримович, кўп йиллардан буён имон муаммоси устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бордингиз. Шунинг натижаси сифатида Сизга фан доктори илмий даражаси берилди. Бу муаммонинг долзарблигини, сизнингча, нима билан изоҳлаш мумкин?

И. К.: Ҳамма даврларда турли йўналишлардаги фалсафий оқимлар, мактаблар сўз, тушунча, уларнинг асл маъноси учун курашиб келганлар. Бинобарин, бу кураш сиёсий курашнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлган. Сўз, тушунча, атама, уларда ўз ифодасини топган мазмун талқинига муносабат, айниқса, жамият бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтаётган пайтда ниҳоятда жиддий тус олган. Жумладан, «имон» тушунчасининг илмий-фалсафий мазмунини тўғри англаш республикамизда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, шу асосда фуқаролар тотувлигини таъминлаш имкониятини туғдиради, деб ҳисоблайман. Янгиланаётган жамият имоний рукнларга чуқур таянса, унинг истиқболи порлоқ бўлади.

Э. У.: «Имон» сўзи оммавий онгда кенг қўлланилади, Бу сўз, айниқса, диний онгда юксак қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, «имонли одам» деганда сўзи билан иши бир, ҳалол-пок, инсоф-диёнатли, меҳр-оқибатли, мурувват ва саховатли одамлар кўз олдимизга келади. Аммо аввало, Аллоҳга ишонган, унга калима келтирган одамгина имонли бўла олади, бинобарин, юқоридаги фазилатлар соҳибларигина имонли бўлиши мумкин, деган фикр кенг тарқалган. Бундай фикрлар руҳонийлар онгидагина эмас, айни чоғда, кўпгина ўзбек зиёлилари онгида ҳам муқим фикрга айланган. Бунда қандайдир ҳақиқат йўқми?

И. К.: Ҳақиқат бор. Аммо у тўла ҳақиқат эмас. Тўла ҳақиқат шуки, «имон» (ўзбекча «ишонч») фақат диний онгга хос бўлиб қолмасдан, умуман, ақлли одам онгининг атрибути бўлиб, унинг воситасида одам оламни ва ўз-ўзини англаш имкониятига эга бўлади. Маълумки, одам оламдаги нарса-ҳодисаларнинг ҳаммасини билишга қодир эмас, бинобарин, оламга муносабатда бошқаларнинг фикрига ишониши, ёки шубҳаланиши, ёхуд ишонмаслиги мумкин. Ана шу руҳий ҳолатдан келиб чиқиб, бошқа нарса-ҳодисаларга баҳо беради ва муносабат белгилайди. Унинг хатти-ҳаракати, фаолият йўналиши ана шу муносабатларга асосланади. Бу, масаланинг бир томони, холос.

Масаланинг иккинчи томони, янада аниқроғи, муҳим томони шуки, ҳозирги ақлли одам зоти ибтидоий аждодлардан фарқли равишда нутқ тилига, у орқали мураккаб тафаккур қилиш қобилияти ва кучли хотирага эгадир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, одамнинг бу зоти таянч-ишончдан иборат имонининг олий типига ниҳоятда муҳтождир. Имоннинг бу тури эса ё Олий ибтидо ёки Олий ижтимоий мақсад ўз ифодасини топган эзгу ғоя негизида шаклланиши мумкин. Шундай ғоягина одам зотининг ички маънавий оламы («Мени»)ни ташқи олам билан боғлаш имконини туғдириб, у инсон зотига мансуб эканини англаб олиши учун зарур маънавий таянч бўлиб қолади. Ана шу эзгу ғоянинг ҳақлигига ишонч, унга фикрий ва ҳиссий садоқат туфайли у оламга, одамларга муносабат белгилаш мезонига эга бўлади. Бу ҳол эса одамнинг инсонга айланишида зарур шарт бўлиб қолади.

Э. У.: Одам инсон эмасми? Сиз бу тушунчаларни алоҳида ажратиб тилга олишингизнинг маъноси нимада?

И. К.: Бу тушунчаларда яқинлик билан бирга жиддий фарқ ҳам бор. Аммо индивидуал, одатий ва оммавий онгда уни худди дин ва имон тушунчалари каби айнийлаштирилади, натижада улар ўртасидаги тафовут эътибордан соқит қилинади.

Бир ашула бор: «Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон». Бир қарашда содда фикрдек туюлган ана шу хулосаларда чуқур фалсафий мазмун бор. Зеро, ҳақиқат ҳар доим аччиқ бўлгани учун ундай фикр дастлаб пайдо бўлган пайтда қарор топиб қолган турғун тафаккур услуби уни рад этади. Одам тирик мавжудотнинг бир тури. Муқаддас диний китобларда ҳам одам махлуқотлар ичида энг азизи ҳисобланади. Демак, мантиқан ҳайвонот оламидан, табиатдан одам зоти ажратиб олинмайди, унинг таркибий қисмига киради. Бироқ, одам маймундан тарқалган, деган фикр

МУЛОҚОТ

МАЪНАВИЯТ ИМОНДАН БОШЛАНАДИ

Ч. Дарвин фикри эмас. У асло одам тўғридан-тўғри маймундан келиб чиққан, деган фикрни айтмаган. Одамсимон, «ўхшаш» деган сўзларни ишлатган. Табиат ўзи янги турларни яратиш қобилиятига эга эканини ҳозирги замон фани исботламоқда...

«Инсон» тушунчасида муайян жамият ва маданият томонидан қабул этилган, аҳолининг асосий кўпчилиги эътироф этган одоб-ахлоқ меъёр (норма)лари, қонун-қоидаларига ихтиёрий равишда риоя этиб, ўз фаолият йўналишини белгилайдиган одам назарда тутилади. Барча яшаётган ақлли одамлар одам, аммо уларнинг ҳаммасини ҳам инсон деб бўлмайди. Инсон — ўзини англаган, жамиятда яшаш қобилиятига эга бўлган улуғ зотдир.

Албатта, одамнинг инсонга айланиб боришида жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маънавий-ахлоқий муҳитнинг мавқеи катта. Бироқ одамнинг инсонга айланишида ташқи таъсирнинг ўзи кифоя қилмаслиги аён бўлмоқда. Имон-эътиқод масаласининг долзарблиги ҳам шундаки, у одам онгини карахтликдан холи этиб, уйғотади. Унинг жамият, халқ, Ватан ишқи билан яшаш ҳис-туйғуларини ривожлантиришда ички рағбат ролини ўйнайди. Имонли одам атроф-теварагидаги ҳодисаларга муносабат белгилаш мезонига эга бўлади. Яъни у нарса-ҳодисаларни ўзи қабул этган имон нуқтаи назаридан баҳолайди, муносабат белгилайди. Муайян фикр, ғояга бўлган ишонч, шубҳа ёки ишончсизлик туфайли шаклланадиган руҳий ҳолат имон орқали ирода билан боғланиб, одамни ҳаракатга келтиради. Бинобарин, имонли одам инсоният, жамият, муайян маданият қадриятларига хилоф фикр, ғояларни қабул этмайди, уларнинг ривожланиш йўлларини тўсади. Одам имон учун кураш жараёнида ўзи ҳам комил инсон бўлиб шаклланади. Шунинг учун ҳам имонли одамдан тамагир, юлғич, ўғри, порахўр, тошбағир, қизғанчиқ инсон чиқмайди. Бу қусурлар олғирлик психологиясидан холи бўлмаган одамлар — имонсизларга хос иллатдир.

Э. У.: Имонли одамда ички гўзаллик ташқи эзгу хатти-ҳаракатлар билан боғланиб кетади. Гўзалликни ҳис этиш, уни хунукликдан ажрата билиш қобилияти одамзодда бирданига юзага келмаган. «Гўзаллик нима?» деган саволга ҳар бир халқ, миллат донишмандлари минг йиллар давомида ўзларича жавоб қидириб, ажойиб фикрлар қолдирганлар, панд-насиҳатлар яратганлар. Агар адабиёт ва санъатни олсак, гўзалликни қарор топтириш учун одам хулқ-атворидаги хунукликка нафрат билан қараш руҳини қарор топтириш унинг бош мақсадларидан ҳисобланади. Сизнинг гапларингиздан маълум бўляптики, имон-эътиқодли одам — гўзаллик ижодкори, маънавиятни қарор топтирувчи оташин курашчи, жамият манфаатлари йўлида маҳрумликларга онгли равишда бора оладиган инсон экан. Ундаги бундай фазилатлар хунуклик тимсоли бўлган имонсизликка қарши кураш жараёнида қарор топиши мумкин экан.

И. К.: Жуда тўғри фикр билдирдингиз. «Гўзаллик» категориясидаги чуқур фалсафий маъно «имон» категориясида ўз ифодасини топган мазмун билан туташган. Имонли одам фидойи бўлгани учун ҳам ҳамиша гўзаллик ошуфтасидир, гўзалликни ҳис қилиш қобилиятига эга бўлган одам, албатта, имонли бўлмасдан иложи йўқ. Шунинг учун ҳам демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш мустақил Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли бўлиб қолган ҳозирги пайтда имон ва гўзаллик категорияларига илмий-фалсафий ёндашиш, уларни ёш авлод онги ва қалбига чуқур сингдириш механизмларини яратиш жуда долзарб масала бўлиб турибди, деб ўйлайман.

Э. У.: Жамият тараққиётини илмий тахмин этишда пировард ижтимоий мақсадни тўғри белгилаш, одамларни ўша мақсад сари куч-ғайратларини бирлаштириш ҳар доим катта аҳамият касб этиб келган. Баъзи илмий мақолалар, оммавий ахборот воситалари материалларида бозор муносабатларига ўтиш гўё пировард мақсаддек бўлиб қоляпти.

И. К.: Собиқ СССР мавжудлигида социализм қуриш пировард мақсад деб белгиланди. Илмий асарлар ҳам, матбуот, ахборот йўналиши ҳам ана шундай тус олди. Ҳолбуки социализм қуриш пировард мақсад эмас, балки пировард мақсад — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унга эрк ва озодлик бериб, қобилиятлар, истеъдодларни рўёбга чиқара олиши учун шароит ҳозирлаш, шу жараёнда чинакам инсоний муносабатлар қарор топадиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш муҳимдир. СССР шароитида маънавиятнинг юзтубан кетиши, хусусан, бошқарув аппаратида имон-эътиқодининг тайини йўқ одамлар кўпайиши иқтисодий ҳаётни ҳам издан чиқарганини эсдан фаромуш этиш гумроҳлик бўлур эди. Бинобарин, бозор муносабатларига ўтишни пировард мақсад эмас, балки маънавий етук жамиятга эришишнинг бир қудратли воситаси деб билиш тўғрироқ бўлади.

Э. У: Ҳамма динлар, жумладан, ислом ҳам имон масаласига биринчи даражали аҳамият беради, имонли одамларни комил инсонлар, деб таърифлайди. Диний имон билан илмий-фалсафий талқиндаги имон ўртасида қандай яқинлик ва тафовут бор? Ахир барча динлар худога ишонч орқали одамларни чинакам гўзалликни ҳис этишга, имонли одамларни тарбиялашга даъват этибгина қолмай, балки бунга эришишнинг ўзига хос механизмларини яратган экан, ундан ижодий фойдаланиш мумкин эмасми?

И. К.: Динларда ҳалол-пок, тили билан дили бир, инсоф-диёнатли, саховатли ва мурувватли, ҳавойи нафсини тия оладиган, умуман, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган кишилар имонли ҳисобланади. Аммо ҳар бир дин ва унинг намояндалари ўзлари эътиқод қилган диндаги одамларнигина имонлилар қаторига қўшадилар. Имонга берилган қуйидаги диний таърифга эътибор беринг: «Имон деган тушунча араб тилида ишонч маъносидаги сўз. Имонли киши эса мўмин дейилади. Мўмин демак, имон келтирган, ишонган одам. Демак, Аллоҳнинг борлигига ва унинг сифатларига, пайғамбарларига, илоҳий китобларга, қиёмат кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ субҳоналу ва таолонинг ўзининг бўлишига ва динда кўрсатилган, ишониш лозим бўлган нарсаларнинг мажмуасига ишониш Имон дейилади».

Орамизда динга эмас, инсон ақл-идрокига, унинг яратувчанлик куч-қудратига, илмий қарашга ишонувчи кишилар ҳам бор-ку?! Хўш, уларнинг инсоний ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳам назарда тутиш керак эмасми? Ривожланган, ҳозирги замон цивилизациясига қўшилган барча мамлакатлар Конституцияларида виждон эркинлиги тўғрисида қонун бор. Бу қонун инсоният тарихий такомили учун ғоят катта аҳамиятга эга.

Илмий-фалсафий нуқтаи назар-

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Истиқлол мафкурасининг асосий мазмуни амалда ифода топиши учун мустаҳкам замин, қудратли пойдеворини фақат битта нарса — фидокорона, ҳалол меҳнат қилиш ташкил этади. Ҳар бир шахс ўз бахт-саодатини, фаровон ва тинч ҳаётини бошқа жамият аъзолари ҳисобига эмас, балки улар билан биргаликда фидокорона меҳнат қилиш орқали топади.

Инсонпарварлик биринчи навбатда ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат ақидаларига оғишмай амал қилишдир. Юртбошимиз И. А. Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган, барча аҳоли қатламларининг, биринчи навбатда, унинг ижтимоий муҳофазаланишга муҳтож бўлган қисмини ҳимоялашга мўлжалланган бозор иқтисодиётини амалга ошириш сиёсати аслида ижтимоий тенгликка ижтимоий адолат мезонлари воситасида эришиш бош йўлини белгилаб беришга қаратилгандир.

Олдинги даврларда ҳам бир неча бор баён қилинган, лекин аслида қоғоз юзасида қолиб кетган «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун», «Жамиятнинг асл тараққиёт мақсади марказида инсон туради», «Жамият объекти ҳам, субъекти ҳам инсондир», «Инсон омили» каби қарашлар, шиорлар,

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузум ўзининг тараққиёт йўлини ёритиб, белгилаб берадиган ғоявий-мафкуравий машъалга муҳтож бўлади.

Аниқ ижтимоий-сиёсий тузум моҳиятидан келиб чиқадиган мафкуранинг илмий-назарий ва методологик асосларини мазкур жамиятга бўлган қарашлар ва ғоялар, манфаатлар ва мақсадлар, мўлжаллар ва ақидалар ҳамда одамлар, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий фирқалар, сиёсат ва ҳокимият субъектларининг воқеликка бўлган муносабатлари ташкил қилади ва ифода этади. Ўз навбатида ғоявий қарашлар ва таълимотлар тизими жамият амал қилаётган тарихий давр мазмуни билан йўғрилган ҳолда илмий дунёқараш силсиласини вужудга келтирадики, у пировардида жамиятнинг етакчи, белгиловчи тараққиёт йўлини ёритиб берувчи «машъал» мафкурага айланади. Ўзининг етакчи мафкураси бўлмаган жамият боши берк, қоронғи кўчага кириб қолиб, қаёққа боришини билмай турган одамга ўхшайди.

Истиқлол — озодлик билан миллий мустақиллик тушунчаси ўртасидаги, истиқлол билан истиқбол ўртасидаги маънавий фарқ мавжуд эканлигини эътибордан қочирмаслик зарур.

Истиқлол тушунчаси миллий мустақиллик, давлат суверенитети категорияларига нисбатан анча кенг маънода амал қиладиган, миллий мустақиллик ва давлат суверенитети тамойилларини қамраб олган ҳолда яна мазкур миллат, давлатнинг ҳар томонлама камолотга эришиш учун ҳаракат моҳиятини ҳам ўз мазмунида акс эттиради. Истиқбол тушунчаси мутараққий (цивилизациялашган) халқлар, мамлакатлар, давлатлар тараққиёт даражасига етиб олиб, улар қаторидан тенг ва муносиб ўрин эгаллаш учун саъй-ҳаракат, кураш маъносини англатади.

Миллий мустақилликнинг сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан қўлга киритилиши истиқлолнинг дастлабки босқичи бўлиб, унинг иккинчи ҳал қилувчи босқичини мазкур мамлакат ва халқнинг юксак даражада равнақ топиши, ҳар томонлама ривожланишини ташкил қилади. Истиқлолнинг ҳаракат йўналишини эса истиқбол мақсад-манфаатлари ҳамда талаб-эҳтиёжлари белгилаб беради.

Истиқлол ва истиқбол мутаносиблигида унинг биринчи юксак равнақ топиш мақсадига эришишнинг мўлжал ҳаракати бўлса, иккинчиси мақсад йўналишининг ҳозирги даврдан бошлаб келажакка қаратилганлигини англатади.

Истиқлол мафкурасининг туб моҳиятини чин инсонпарварлик ташкил этади. Ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат ақидаларига риоя қилиш, инсонпарварлик ва ватанпарварлик, миллий ўзлигини чуқур англаш, байналмиллаллик ақидаларига оғишмай риоя қилиш умумбашарият манфаатлари ва қадриятлари устуворлиги истиқлол мафкурасининг асосий мазмунини ташкил этади.

дан «ишонч» атамаси билан «имон» категорияси ўртасидаги айнийлик ва тавофутни англаш лозим. Туркийдаги ишонч, иноният сўзлари баъзан диний мазмунда қўлланилса-да, аммо у фалсафий мазмундан кўра, кўпроқ ижтимоий-ахлоқий мазмун касб этади. Имон эса фақат муайян олий ғояга ишонч эмас, балки шу билан бирга, унга ихлос, садоқат мазмунини ҳам ифодалайди. Ҳозирги тарихий даврда ислом орқали кириб келган ҳамда одатий ва оммавий онгда кенг қўлланилаётган айрим терминларнинг мазмунини фалсафий таҳлил этиш ғоят муҳимдир.

Одам диний йўл билан ҳам, илмий-маърифий, маданий-анъанавий турмуш тарзи билан ҳам ҳар қандай шароитда ўз сўзини қадрлайдиган, тилию дили бир инсон сифатида ҳалол-пок, инсоф-диёнат, адолат, маърифат ва ҳақиқат тимсолига айланиши мумкин. Ахир бизнинг оламимизни, жамиятни меъёрда ушлаб туришда бутун дунёдаги ана шундай имонли одамларнинг хизмати озми?

Диний ибодат, урф-одат, маросимларни адо этган ҳолда имонли бўлишга интилишни рағбатлантирган ҳолда, аммо диннинг ниқоб қилиб олиб дуони пулга сотиш, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормаслик, тошбағирлик ва ёвузликка ружу қўйишлардан асло кўз юмиб бўлмайди.

Одам фикри ва қалби барқарорлик билан беқарорлик вазиятида мавжуд бўлади. Бу икки ҳолат муайян вазият ва манфаатга қараб бир-бирига ўтиб туради. Инсондаги руҳий ҳолат ўзи ва ўзгалар фикрига муносабатга қараб тез ўзгарувчан бўлади, шунга мувофиқ хатти-ҳаракат ҳам ўзгаради, фақат ғоявий таянч — ишончга эга, Олий ҳақиқат билан ўз ички оламини теран боғлаган фикран ва ҳиссан бир бутун, қалби имон шуури ила ёруғ инсонларгина барқарорликка эга бўлади. Шахсий ва ижтимоий ҳаётда рўй берадиган ўзгаришларга мутаносиб тарзда унинг фикрлари, демакки, муносабатлари ўзгаравермайди.

Э. У.: Динлар-ку худо орқали одамнинг ички оламини ташқи олам билан боғлаш имкониятини туғдирар экан, илм-фан, фалсафа нимани таклиф этади?

И. К.: Барча динлар, диний таш-

тамойиллар эндиликда муайян мазмун билан тўлдирилиб, истиқлол мафкурасининг бош, етакчи моҳият-мазмунини ташкил этиши лозим. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Инсон — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун хизмат қилиши керак».

Истиқлол мафкурасида инсон омили етакчи тамойилларидан бири сифатида шаклланиши инсон ҳуқуқлари ва бурч-вазифаларининг ҳамоҳанг тарзда ифода топишини ҳамда намоён бўлишини англатади. Ҳар бир жамият аъзосининг, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, дам олиш, тураржойга эга бўлиш, эркин ўз фикрини баён қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиш, билим олиш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, фаровон ҳаёт кечириш ҳуқуқларининг рўёбга чиқиб ҳимояланиши, айни вақтда, фидокорона меҳнат қилиш, ватанни ҳимоя қилиш бурчи, фарзандлик ҳамда ота ёки оналик, фуқаролик бурчи ва шу кабилар билан уйғунлашиб кетган тақдирдагина мазкур мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тизимида чин демократик жамият вужудга келади ва унинг янада равнақ топиш имкониятларини кенгайтиради.

«Ватанни севиш — имондандир» — дейди улуғларимиз. Ватанга чин эътиқод истиқлол мафкурасининг бош мезонларидан бирини ташкил этиши табиий бир ҳолдир. Ватанни севиш — уни гулларитиб яшнатаётган ватандошларни ҳам севиш, ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кичикларга меҳр-шафқатли бўлиш, бошқача қилиб айтганимизда, инсоний фазилатларга эга бўлиш демакдир. Мана шу тарзда инсонпарварлик ватанпарварлик руҳи билан уйғунлашиб, истиқлол мафкурасининг туб моҳиятини ташкил этади ва бойитади.

Бир мамлакат истиқлол мафкурасининг шаклланишида бошқа мамлакатлар ва халқлар тараққиётидаги муштарак қонуниятлар натижасида ҳосил бўлган моддий-маънавий қадриятларнинг энг ижобий самаралари таъсири ҳам бўлиши мумкин.

Ҳар бир мафкуранинг, айниқса, истиқбол мақсадлари сари йўналтирилган истиқлол мафкурасининг ўзак-мағзини илмий дунёқараш ташкил этади. Мана шу маънода пишиқ-пухта, илмий-методологик жиҳатдан мукаммал шаклантирилган истиқлол мафкураси ўзининг тўғри йўналтирилган ҳаракат оқимини топа олса, улкан моддий-яратувчи кучга айланади ва жамият равнақига муносиб ҳисса қўшади. Бунинг учун истиқлол мафкурасининг жуда мураккаб тизимини ташкил этувчи таркибий бўлак ва қисмларнинг ҳар бири ўз вақтида ва ўз ўрнида эркин ифода топиши зарур.

Истиқлол мафкураси кўп масалаларни қамраб олади: мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақиллигини мустаҳкамлаш; илмий дунёқараш устуворлиги; мамлакат хавфсизлигини таъминлаш; меҳнат тарбияси, ахлоқий-эстетик маданиятни юксалтириш, шахс эркинлиги ва муҳофазасини демократик асосда шакллантириш.

Жамият аъзоларининг барчасини, айниқса, ёш авлодни истиқболга хизмат қилиш руҳида тарбия қилувчи, жаҳон фани ва техникаси ютуқларини ўзида мужассам этган халқ таълими тизимини яратиш лозим. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг 1994 йил 28 сентябрдаги «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони жуда катта ижтимоий-тарихий аҳамиятга эга. Зеро, бу соҳага кетган сарф-харажатлар жамият хазинасига бир неча ўн, юз ҳисса ортиғи билан қайтиб келади ва уни мутараққий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига зарур шарт-шароитлар, ҳақ-қоний имкониятлар яратиб беради.

Истиқлол мафкурасининг етакчи тамойилларидан бирини меҳнат тарбияси ташкил этади. Қуръони карим ва Ҳадиси шариф каби ўлмас обидаларнинг асосий мазмуни ҳалол меҳнат билан умр кечириш ғояси билан суғорилгандир. Меҳнат воситасида яратилган моддий ва маънавий неъматлар инсон учун қадрли бўлади. Ўзи машаққатли меҳнат билан шуғулланган инсон ўзгалар меҳнатини ва унинг самараларини қадрлашга қодир бўлади. Меҳнат жараёнларининг ўзи шахсда чин инсоний фазилатларни тарбиялайди.

Истиқлол мафкураси миллий мафкура сифатида талқин этилса, назарий-методологик жиҳатдан хато бўлади ва бир қатор чалкашликларга олиб келиши мумкин. Тўғри, истиқлол мафкураси давлат тизими воситасида амалга оширилади, у маълум даражада давлат ҳимоясида бўлиши мумкин.

Мафкурага, айниқса, истиқлол мафкурасига миллийлик сифати бериш ҳам унинг амал қилиш кўламининг чекланишига, зўраки қолип-андозага тушиб қолишига, умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар моҳиятига нисбатан зид бўлишига олиб келади. Лекин «миллий истиқлол мафкураси» ибора йиғимида муайян амалий мазмун мавжуд бўлиб, у маълум мамлакат ҳудудида етакчи мавқега эга бўлган асосий миллат истиқлолини шу ерда истиқомат қилиб келаётган бошқа миллатлар, халқлар, элатлар равнақи билан уйғун ҳолда тарихий тараққиёт йўналиши тарзида қабул қилиниши мумкин.

Фазлиддин ШАРИПОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.

килотлар, фидойи руҳоний ва илоҳиётчиларнинг тарихий фаолияти туфайли муайян диний дунёқарашни инсон имонига айлантиришнинг ижтимоий тизимлари ва механизмлари вужудга келтирилган. Гарчи қадим даврлардан бошлаб имон-эътиқод масаласи кўп файласуфлар эътиборида турган бўлсада, аммо у фикрлар кенг халқ оммаси у ёқда турсин, ҳатто илмий доираларга ҳам энди-энди ёйилиб бормоқда. У ҳали ғоя, нуқтаи назар сифатида турибди. Имон ҳодисаси фақат диний онгга эмас, балки, умуман, инсон онгига хос хусусият экани ҳозирча файласуфлар доирасида эътироф этилиши ҳам олдинга ташланган бир қадамдир.

Маълумки, муайян жамият, бир маънавий-руҳий ҳолатдан иккинчисига ўтишда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда рўй берадиган турли ўзгаришлар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳозирги дунёдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, коммуникация ва алоқа воситалари тараққиёти ер юзи аҳолисининг миллати, ирқи, ижтимоий мақоми, шунингдек, дини ва эътиқодидан қатъи назар, яхлит бир вужуд сифатида намоён бўлишини тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш учун юксак ижтимоий фазилатларга эга инсонларни тарбиялаш муҳим бўлиб турибди. Кўзга кўринган олимларнинг фикрича, бутун дунёда ақл-идрок тантанаси даври келиши керак. Ана шу ғоя Олий ижтимоий мақсад сифатида қабул қилинса, янги маънавий-руҳий ҳолатни ташувчи, янгича тафаккур усули ва янгича ахлоққа эга бўлган имонли одамлар шахси шаклланиши керак. Бундан чиқадиган хулоса шу бўладики, «дин» билан «имон» тушунчаларини айнанлаштиришдек тарихан чекланган фикрларга барҳам бериш, ижтимоий ва миллий онг йўналишини имонли одамларни тарбиялашга бириб юбориш жоиздир. Бунда диний ташкилотлар билан сиёсий ташкилотлар, руҳонийлар билан фан аҳллари, диндорлар билан инсон ақл-идроки қудратига ишонувчилар ўртасида тарихий ҳамкорликни юзага келтириш фавқулодда катта аҳамият касб этади.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ

ЎЧМАС ИЗЛАР

Атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов «Ўчмас излар» ва шартли равишда «Аросатда» деб аталган икки китобдан иборат «Эсдаликлар»ини ёзиб тугаллади. Уларда муаллифнинг болалик ва ўсмирлик йиллари кечган Хоразм воҳасининг олис Тошҳовуз ўлкасидаги 20-30 йиллар воқелиги, одамларнинг турмуш тарзи, миллий урф-одатлар, маданий-маънавий ҳаёт бетакрор ўз ижтимоий-тарихий ва этнографик ҳолатларида ҳикоя қилинади.

Қуйида «ЎЧМАС ИЗЛАР» эсдаликлар китобидан бир парча ўқийсиз.

Учқур хаёлларим мени қайларга олиб кетмасин, бари бир ҳали мен опамга йўлдошман. Унинг ишларини ҳали тўла англамасам ҳам биламанки, кечалари бизни ухлатиб тўқиган бўзлари бизга ич кийим, ипакдан тикилган олачаси иссиқ ва чиройли тўн бўлади. Кўп ўтмасдан опам отамга, акамга ва менга тўн тикиб бир қатор кийинтиради. Тўқилган матоларнинг бир қисмини сотиб оёғимизга этик, белимизга белбоғ олиб беради. Мўлжаллаб боқиб қўйилган қўзи териларидан бошимизга телпак тиктириб беради. Қарабсизки, биз қишга тайёрмиз...

Уйга яқинлашиб қолганимизда қишлоғимизга кираверадиган йўлда эшакда келаётган чолга кўзимиз тушди. У эшакнинг жиловини ўзига қўйиб берган, уни нихтамас, «их-их»ламас ҳам эди. Эшак бир маромда қадам ташлар, чол эса мудроқ оғушида эди. Узоқдан бизга кўзи тушиб қолдими ё ўзини маррага етди ҳисобладими, ногаҳон уйқудан уйғонгандек у ёқ-бу ёққа назар ташлади-да, қичқира бошлади:

— Нинa-а-а, ўймоо-оқ, но-о-о-ох (ип), илгаааак, очувдо-о-ош(аччиқ тош)!

— Ана яхши бўлди, черчи (аттор) бува ҳам келди, оладиган нарсаларим бор эди, — деди-да, опам қадамини тезлаштирди. Эшак ҳам уйма-уй юриб ўрганиб қолган эмасми, секин ўрмалаб бизнинг уй томон бурилди. Мудроқ чол эшак устида беҳафсала тўирганича кутиб турди. Опам, черчи чол (аттор) илгаридан таниш бўлганидан, эсон-омонлашди-да, нарсалари билан қизиқди. Чол ҳар бир нарсани алоҳида халтачадан бирин-кетин олиб опамга берар, опам эса хурсанд бўлиб, тезлик билан уйга киритиб жойлаб чиқарди. Олинган нарсалар ҳақи учун дон таклиф қилди, чол рози бўлмади, олиб кета олмаслигини билдирди. Кейин опам бир парча бўзми ё олачами тутқазган эди, у боши билан «маъқул» ишорасини қилди-да, хуржунга жойлади. Иш битганини ҳис қилган эшак чолнинг буйруғини кутмасданоқ катта йўл томон бурилди. Анча вақтдан кейин қишлоқ оралаб кетадиган йўлдан чолнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Нинaааа, ўймо-оқ, но-ох, илга-ак, очувдо-о-ош!

Черчи жўнаб кетгандан кейин хиёл хотиржамланган эдим ҳамки, ҳовлининг кунчиқар томонидан қандайдир «гуср-қаср»лар аралаш овоз эшитдим. Чопиб бориб одатда ҳар йил кузатадиган воқеага кўзим тушди.

Отам аравaнинг устида туриб отиздан олиб келинган қовунларни учакка (том маъносида) отиб турибди. Ҳар кун кўриб юрган қовунларим нақадар бўлиғ эканига кўзим тушди. Гулоби ва қорақошларнинг ҳар бири аравaнинг гупчагидек келарди. Отам уларни учакка отганда «Ҳўппа» деб овоз чиқарарди. Дарров тасаввур қилдим. Отам Бекжон акам билан отизда қирқма қилиб қўйилган қовунларни аравага юклаб олиб келишибди. Энди эса уларни учакка чиқаришяпти. (Хоразм томлари одатда ясси бўлади, ем-хашаклар кўпроқ ўша учакда сақланарди. Одатда совуқ тушгунга қадар қовунлар ҳам учакда сақланарди).

Қайтиб келсам, опам олачаларини бисотига қўша туриб, ҳамон қувончини ичига сиғдира олмасдан секин шивирлади ва мени ўзига жалб қилиб деди:

— Отангга тўн, акаларингга тўн! — гапини бир оз тўхтатиб олдида, мени хурсанд этиш мақсадида бўлса керак. — Сенга ҳам тўн, ҳаммаларинг тўнма-тўн киясизлар, — деб қўшиб қўйди.

Опамнинг бу хурсандлигидан, демак ҳамма ҳам тўнма-тўн киявермас экан, опам туфайли биз бунга мушарраф эканмиз-да, деган хаёлга бордим. Опам Эрназар исмли ёш мўрачига, «э, қўйинг хола» деганига қарамасдан уйдан қўлтиқлаб олган бўғдойни ташлаб келгани ҳам бекор эмас экан.

Опам олачасини хаёлан тақсим қилиб чиқар экан, гапининг охирида қайсидир амакимнинг отини айтиб: «Тўй қиляпти, уларга ҳам биттадан тўн тикиш керак», — деб қўйди. Опамнинг гап охиридаги овоз оҳанги бироз пасайди. Қадамлари илгаригидек дадил эмас эди ўшанда. Черчидан олаётганини олиб жўнатиб юборгач, опам яна дўконга ўтирди. Энди ўйлаб кўрсам, тугундаги олачалар унинг мўлжалига етавермаган бўлса керак.

Бола учун тўйдан зўр томоша йўқ. Мен опамдан эшитган амакимнинг тўйини кутар эдим. Тўй бир кунлик иш эмаслиги маълум. Қанча сарф-харажат керак, узоқдаги ошно, ёр-дўстларга ким хабар беради, қандай томошалар бўлади, қандай совринлар қўйилади, ҳоказо ва ҳоказолар.

Каттароқ тўйларга дорбозлар келарди. Улар 1-2 кун олдин келиб дорларни қуриб, арқонларини тортиб, эртанги оломонни кутишар, тўй куни қаерлардандир масхарабозлар келиб тўй эгасига яқин кишиларникига қўш ташлардилар, кейин тўнларини елкасига олиб, савлатли қадам босиб полвонлар пайдо бўлар, яқин-йироқдан ҳар бири бузоқдек келадиган қўчқорлар мақсус жойда қозиқ айланиб турарди... Булардан ҳам ташқари яккахон ҳўққачилар, қизиқчилар ҳам келарди.

Хоразм воҳасининг кўп жойларида мамлакатимизнинг бошқа ерларида кам учрайдиган тўйга тегишли бир одат бор: бу — меҳмон бериш, ёхуд меҳмон олиш. Бошқа қишлоқ ёки туманлардан келганлар гуруҳ-гуруҳ қилиб қўни-қўшниларникига меҳмонга берилади. Қўни-қўшнилар ҳам бу ишга тайёр турардилар. Ўша ерда меҳмонларга тўй бошланишидан олдин ва ундан кейин хизмат кўрсатилади. Яъни меҳмонлар бир дақиқа ҳам эътиборсиз ва қаровсиз қолиши мумкин эмас.

Амакимнинг тўйида ҳамма тайёргарликлар ўрнида бўлди. Фақат дорбозчи таклиф қилинмабди. Бошқалар ўз ҳунарларини кўрсатишди. Булар ҳаммаси кечқурунги ўртага катта-катта учмалар — тўнкалар қаланган бир танобча ерни эгаллаган даврада бўлди.

Тўйнинг энг қизиқ жойи келин келиш бўлади, албатта. Кундуз, ҳали давра томошалари бошланмасдан олдин «келин келди, келин келди», деган шовқин-сурон кўтарилди. Қишлоқнинг ўрта йўлида бир неча арава, аравада сутдек оппоқ матодан чайласимон тикилган гўшанга кўринди, келин чиқонлари (дугоналари) ва янгаси билан ўша гўшангада. Гўшанга олдида сурнайчи ва доирачи шўх-шўх куйларни янгратарди. Атрофида ўнтача нафар суворийлар. Улар отларини чоптириб гўшангадан ўтиб бир оз тўхтадилар-да, жиловни яна орқага буриб от қамчиладилар. Йигитлар ичида қуёв маълум. Уни қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар қиммат-

Расмни Л. САЛИМЖОНОВА чизган.

баҳо рўмол, белбоғ, матолар билан ўраб ташлаганлар. От чопганда ранг-баранг бу матоларнинг ҳилпираши куёвни учиб бораётган товусларга ўхшатиб қўярди.

Келин-куёв лашкари манзилгоҳга яқинлашганда йўлга йўғонлиги билакдек келадиган арқон тутилади. Арқоннинг йўл очиб бериши катта тўловин талаб қилади.

Дарвоза олдига келганда чўпчорлардан ўт ёқилади. Келин ўтирган арава чўғни босиб ўтиши керак. Тўй қилиб уйланишнинг мушкул ишлари кейин бошланади. Келинни аравадан куёв кўтариб тушириши керак. Лекин ҳадеганда унинг кучи етавермайди. Чиқонлари гир атрофидан келинни тутиб ўтиришган бўлади. Биз, болалар бу воқеаларнинг сирларини дарров англай-вермаймиз. Бу воқеалар сирини кейинроқ билиб олганмиз. У пайтлари: «Ҳақиқатан ҳам куёв ожиз эканми, келин бордондек семиз эканми, бунча уни кўтариб олиш қийин бўлса», — деган хаёлга борган бўлишимиз мумкин.

Воқеаларнинг энг сирлилари кейин бошланар эди. Биз, болалар ҳамма ерда ҳозир бўлганимиздан уларни ҳам кўриб оламиз. Ниҳоят, куёв катта ҳаракатию иньомидан кейин келинни кўтариб олади. Аёллар, болалар келинхонага дув ўтадилар.

Бир оздан кейин куёв 5-6 та ўртоқлари билан бир девор ёнида саф тортиб туради. Буни «куёв сузилиш» деб атайдилар. Бутун хотин-халаж, бола-чақа орасида куёв ўз жўралари билан сузилиши керак. Тиззасини секин ва хиёл букиб, оҳиста кўтарилади. Янга тарафдорлари куёвга изза қиладиган ҳар хил гап ота бошлайдилар: «Қуёвнинг бурни оқди, кўзи қайтар (ғилай) экан, лаби қийшиқ, лаблари нотекис экан» сингари. Куёв томон «миқ» этишга ҳақи йўқ. Улар қиз томонни индамасдан енгишади. Ундай пайтларда ким қандай кайфиятда бўлганини билмайману, мен учун қимматбаҳо матоларни ҳилпиратиб от чоптириб хаёли аршиаълода юрган куёвга бу даражада изза бераверишни болалик тасаввуримга сиғавермасди.

Маълум бир меъёрга етгач, сузилиш тўхтайди. «Хайрият» дейман мен бу пайт ва ўзимча: «Вақти келиб уйланадиган бўлсам сузилмаслик шартини қўяман», — дейман ўзим-ўзимга.

Ташқарида давра ўз йўли билан қизиянти. Кечқурунга бориб қарийб бир чақирим жойни ёритадиган машъала ёқилади. Ўчиб қолмаслик учун уни ҳар вақт-ҳар вақт қандайдир мойга ботириб олишади. Ўртада ҳар хил томошалар. Ичкари ҳам ўз йўли билан.

Куёв сузилишидан кейин томоша янги босқичга ўтади. Янга қуёвнинг белбоғини ечиш керак. Белбоғлар камида 2-3 газлик матодан бўлади. Сузилишдан олдин қишлоқнинг менман деган йигитлари йиғилишиб, белбоғ тугишади. Белбоғ учини обдон яширишади, тугунни қаттиқ тортишади, сидириб олишга ҳам имконият қолдиришмайди. Хотин-халаж, ёш-яланглар тўлиб, диққинафас бир ҳолга келган келинхонада янга белбоғ еча бошлайди. Матонинг учини ҳеч ҳам тополмайди. Тугунни юмшатиш учун на қўл кучи етади, на тишлаб тортишларнинг нафи бор. Янга бечора неча бор тарлаб совийди, асаблари таранглашади, янга бўлиб келганига пушаймон қилиши турган гап. Сузилишда куёвни қанча изза қилишган бўлса, янгани шунча изза қилишади. «Урганмабсиз-да, эрингиз билан маслаҳатлашмабсиз-да, қўлингиз қувватини қаерларга ташлаб келгансиз» қабилидаги таънали сўзлар айтилади. Иш шу даражага бориб етадики, янга тўйни тарк этишга тайёр бўлиб қолади. Шундагина белбоғ боғлаган йигитлардан бирортаси ёрдамга келади.

Бундан кейин этик ечиш маросими бошланади. Бу ишни ҳам янга қилиши керак. Куёв оёғини чангак қилиб, қотириб олади. Агар куёв бақувватроқ йигит бўладиган бўлса, бундай пайтда туянинг кучи керак бўлар-ов. Янга обдон куйиб-пишгандан кейин куёв жўралар раҳмдиллик қилиб, куёвга оёқ чангагини ёздиришни маслаҳат қилишади.

Шунга ўхшаган бир неча маросимлардан кейин куёв чимилдиқ томон ўтишга ўзини ҳақли ҳисоблайди. Булар ҳаммаси ўша кезлар мен учун томоша бўлиб кўринса ҳам машаққатнинг ўзи эди. Энди ўйлаб кўрсам, бу машаққатлар жуфт бўлиб ҳаётга биринчи қадам қўйиш кунини бир умр эсда қоларлик ва доим ҳар икки томон — куёв ҳам, келин ҳам ўз зиммасида катта масъулият бор эканини унутмаслик учун керак экан.

УзССР

Тўй охирлай бошлаганда кам учрайдиган бошқа воқеа рўй берганини кўрдим. Ичкаридан чопиб ташқарига чиқсам, куёв томон ташвишда, йигитлар бир-бирлари билан безовта шивир-шивир қилишарди, катталар нималарнидир деб безовта қойинишади, ҳатто бир-бирларига дўқ-пўписа ҳам қилишади. Гап нимада экан десам, қиз томондан келган аравалардан иккитасининг отлари бор, аравалари йўқмиш. Ҳамма ҳайрон. Анча вақтдан кейин сир очилиб қолади. Аравалар учакда экани маълум бўлади.

Қишлоғимизда Рўзим полвон деган йигит бўларди. Курашда унга тенг келадигани йўқ эди. Гавдани худо унга берган эди. Йўл юрса йўлни тўла ўзи банд қилиб бораётгандек бўларди. Юк кўтаришга келганда бугун қурилишларда иш берадиган темир полвоннинг ўзи эди. Кўпчилик йиғилган жойларда, хусусан, тўйларда одамларни қойил қолдирадиган бирор иш кўрсатиб юрарди. Учакка чиқариб қўйилган аравалар Рўзим полвоннинг иши эди.

Амакимнинг тўйига тегишли бу шовқин-сурон, тадбир-томоша, мусобақа ва маросимларда ҳиссам бордек сезардим ўзимни. Чунки опам бу тўйга атаб, ипак олачадан тўнма-тўн тақдим қилган. Куёв гўшанганинг атрофида от чопганда пеш (этак)лари ҳилпираб, офтобда ҳар хил рангда дўниб, товланган тўн, худди ўша опам тақдим қилган тўн бўлса ажаб эмас! Мен учун бу тўйнинг энг катта фазилати ўша тўнда бўлиб кўринарди.

Воҳада тураржойлар ҳар фаслга қараб ўзгариб туради. Ёз ойларида, макон кўпроқ дарахтлар соясидаги супаларда, ёз эшик олдидаги бостирма тагида бўлса, куз ойлари айвон — кичикроқ хоналар ўртасида жойлашган катта хонада бўларди. Ўчоқ боши ҳам, қўл тегирмон ҳам, давра қуриб ўтирадиган очиқ ўчоқ ҳам, ҳатто кечалари ётиладиган кат ҳам шу айвонда бўларди. Куз охирлаша боргач, ёз эшик суваб ташланарди. Кирди-чиқди долон молхоналар ораларидаги кенг йўлак орқали, қиш эшиги дарвозадан бўлар эди. Аста-секин қиш уйлари айвон атрофидаги хоналарга ўтиш тараддуди бошланарди. Бу ўринда ҳам отам ва акаларим амалга ошириши керак бўлган қатор ишлар бўларди.

Айвон атрофидаги уйлардан бирида опамнинг дўкони тайёр турарди. Вақт топилди дегунча у дўконхонасига кириб кетар, камалак нуридек тепадан очилиб турган ҳар хил рангдаги ипларни дастгоҳга тортар, уларнинг орасида моки икки томонга арқоқни юритар эди.

— Шарқ-шурқ, қарс-қурс!

Демак опам дастгоҳда ишни бошлаб юборган эди...

БИЗНИНГ МУСОҲАБА

«КЕЛИНЧАКДЕК

Шу йил 30 август — 22 сентябрь кунлари бир гуруҳ ўзбекистонлик санъатшунос ва қадимшунос олимлар Японияда бўлдилар. Қуйида делегация бошлиғи, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Санъатшунослик илмий-тадқиқот олийгоҳи директори, профессор, санъатшунослик фанлари доктори Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВнинг муҳбиримиз билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Делегациянинг сафардан кўзлаган мақсади нималардан иборат эди.

— 1989 йили Санъатшунослик илмий-тадқиқот олийгоҳимиз билан Японiядаги Сока дорилфунуни ўртасида ҳамкорлик хусусида ўзаро шартнома имзоланганди. Ўтган йили Япония томони шартнома доирасида мамлакатимизга сўнгги марта сафар қилганди. Бултур профессор Като Кюдзо бошчилигидаги япон қадимшунослари Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманига қарашли «Далварзин» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган тепада бир ойдан зиёд вақт мобайнида қазилма ишлари олиб боришди.

Делегация ишлари якунланиб, институтимиз илмий кенгаши Като-га унинг ҳисоботи ва маърузасини тинглагач, фахрий доктор илмий даражасини берганди.

Жавоб ташрифи сифатида етти киши — институтимиз санъатшунослик экспедицияси бўлим мудири, тарих фанлари номзоди Баҳодир Турғунов, катта илмий ходим Светлана Лёвушкина, илмий ходимлардан Сергей Савчук, Жангар Илёсов, кичик илмий ходим Дмитрий Русанов, лаборант Ҳабиба Турғунова ва каминадан иборат Ўзбекистон делегацияси Японияга йўл олди.

30 август куни «ИЛ-62» тайёрасида «Тошкент-Сеул» йўналиши бўйлаб парвоз қилдик, чунки «Тошкент-Токио» ҳаво қатнови ҳозиргача йўлга қўйилмаган. Орадан саккиз соат ўтиб, Сеулга — Жанубий Кореянинг пойтахтига етиб келдик.

Албатта, йўл азобларисиз иш битмади. Сеулда бир кеча тунашга мажбур бўлдик. Бу — бизнинг сафар режамизга кирмаганди. Биринчи сентябрь куни — Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигини ўша ерда кутиб олдик. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» маҳкамасининг Сеулдаги вакили Вадим Арбузов сафар машаққатларимизни бир оз бўлса-да, енгиллаштирди.

Шу ўринда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бошқармаси бошлиғи Ғани Мазитович Рафиқовга йўл муаммолари билан боғлиқ талай масалаларни ечишда бизга ёрдам кўр-

Сока Гаккай дорилфунуни олимларига Ўзбекистон делегацияси раҳбари Тўхтасин Ғофурбеков эсдалик совғаси топширмоқда.

ОРАСТА ЮРТНИ КЎРДИМ...»

сатганини миннатдорчилик билан қайд этмоқчи эдим.

Иккинчи сентябрь куни шинам, икки қаватли «Боинг-747» тайёрасида «Сеул-Токио» йўналиши бўйлаб 1 соату 40 дақиқа парвоз қилиб, тунда Токиодаги Нарита тайёрагоҳига қўндик.

МАЪЛУМОТНОМА

Японияда 10 миллион гектар ер ёки мамлакат ҳудудининг тўртдан бир қисми қўриқхона. 23 та миллий боғ, 40 та сув ости боғлари мавжуд. Аҳоли сони жиҳатидан дунёда олтинчи ўринда туради. 12 фоиз аҳоли қишлоқ хўжалигида ишлайди. 27 фоиз аҳоли саноатда, 22 фоиз аҳоли савдо-сотиқ билан банд (1993 йилга доир маълумотлар).

— Мамлакат аҳолиси фақат японлардан иборат эканми?

— Тўқсон тўққиз фоиз аҳоли — японлар. Хоккайдо оролида мамлакатнинг энг қадимги аҳолиси — айнлар (20.000 чамаси) сақланиб қолган. Корейслар (700.000 кишидан зиёдроқ) ва хитойлар ҳам бор. Японлар, асосан, будда ва синто динларига эътиқод қўйишади. Улар юртларини Ниппон ёхуд Нихон деб, ўзларини нихондзин, яъни қуёш ўлкаси одамлари деб аташади. Аҳолиси 128 миллион, пойтахт шаҳар — Токиода 13 миллион аҳоли яшайди.

Японларнинг ниҳоятда назокатли халқ эканлигини тайёрагоҳдаёқ ҳис қилдик. Делегациямиз етти кишидан иборат эканлигини юқорида қайд этгандим. Етти кишидан иборат мезбонлар бизни самимий кутиб олди. Уларнинг орасида Като Кюдзо, Кендзи Дои деган машҳур профессорлар бор эди. Қизиғи шундаки, Като Кюдзо иккинчи жаҳон уруши йилларида ва урушдан кейин Сибирда ҳарбий асир сифатида яшаган. У рус тилида «Сибирь — япон қалбида» китобини нашр эттирган.

Бизни Сока дорилфунуни шаҳарчасига олиб боришди. 2-3 хонали шинам квартираларга жойлашдик. Совға-салом алмашдик. Японияда октябрь ойига қадар талабалар таътилдалиги бизга қўл келди. Ўша куниёқ профессор Като Кюдзонинг ташаббуси билан «Сумитомо корпорейшн» қароргоҳида амалий учрашув бўлиб ўтди. Кези келганда шуни айтиш керакки, мазкур корпорация Орол денгизини қутқариш дастури билан майдонга чиққан биринчи халқаро ташкилотдир. Корпорация доирасида бизнинг институтга бериладиган асбоб-ускуналар рўйхати муҳокама қилинди. Шунга кўра, Тошкентга қадимшунослик ишлари олиб бориш учун махсус экскаватор, автомашина, мўъжаз матбаа, фотолаборатория юбориладиган бўлди.

Эртаси куни бизни «Сока Гаккай Интернэшнл» раҳбарлари қабул қилдилар. Биз шартномага якун ясадик. Келажакда биз билан бир неча бошқа ташкилотлар ҳамкорлик қиладиган бўлди. Токиодаги Сока дорилфунуни, Кашихарадаги қадимшунослик илмий-тадқиқот институти, Халқаро Буюк ипак йўли маркази шулар жумласидандир.

МАЪЛУМОТНОМА

Миллий иқтисодиётда давлат сектори чекланган. Унда 12 фоиз иш билан банд аҳоли ишлайди, холос. 1993 йилда мамлакат четдан 115 миллион тонна темир рудаси, 60 миллион тонна кўмир, 115 миллион тонна тозаланмаган мис келтирди. Шунга қарамасдан, Япония кемасозликда ва кема экспорт қилишда жаҳонда биринчи ўринда туради. 1993 йилда дунё бўйича қуриб, сувга туширилган кемаларнинг ярмидан кўпи, четга чиқарилган кемаларнинг 50 фоизи, автомобилларнинг 50 фоизи Япония ҳиссасига тўғри келди.

— Халқимизда «Қарс икки қўлдан чиқади» деган нақл бор. Ўзбекистон томони бунинг эвазига нима беради!

— Биз Япония томонига илмий адабиётлар юборамиз, мутахассисларимиз Япония дорилфунунларида Ўзбекистон тарихи, маданияти, санъатига доир маърузалар ўқийдилар. Шунингдек, биз япон аспирантларини ўқитишни ҳам зиммамизга олдик. Масалан: Кендзи Кавасаки Тошкентдаги Шарқшунослик олий таълимгоҳини тамомлаганди. Энди у Ўзбекистон қадимшунослиги бўйича номзодлик диссертациясини бизнинг олийгоҳда ҳимоя қиладиган бўлди. Олимлар ўртасида робитани йўлга қўйиш ҳам шартномамиз доирасига киради.

— Айтинг-чи, 1989 йилдан бери шартнома асосида яна қандай тадбирлар амалга оширилди!

— 1991 йили Токиода япон, инглиз ва рус тилларида «Жанубий Ўзбекистоннинг осориатиқалари» (40 босма тобоқ) китоб-каталоги нашр қилинганди. Энди эса худди шундай қабилда иккинчи китоб нашр эттирилиш арафасида турипти. Мазкур нашрга кейинги олти йил ичидаги Ўзбекистон-Япония қўшма экспедицияси қўлга киритган натижалар, илмий хулосалар киритилади.



Япониялик қадимшунослар ўзбек ҳамкасбларига ана шундай дастхат ёзиб қолдиришди.

— Нашр қилинадиган китоб яна қандай хусусиятларга эга!

— Илмий мақолаларга кенг ўрин берилган бу китоб ўзбек ва япон тилларида нашр этилади. Қисқа хулоса рус ва инглиз тилларида берилади.

— Энди рухсатингиз билан бирмунча ортга қайтсак. Японларнинг Далварзинтепага бунчалик қизиқиш сабаблари нимада!

— Гап шундаки, ҳозирги Далварзинтепа ўрни милоднинг IV ас-

Ўзбек-япон гуруҳи, Далварзинтепа, 1993 йил.

ригача Қўшон империясининг пойтахти бўлган. Ўша даврда Буюк ипак йўли ёқасида жойлашган бу ҳудудда будда дини кенг тарқалганди. Будда-японларнинг миллий дини бўлганлиги учун Далварзинтепа осориатиқаларига қизиқиш уларда фавқулодда катта.

— Энди Сока дорилфунуни ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз. У қанақа ўқув юрти?

— Бу — Япониядаги энг ёш (1972 йили ташкил топган) ва шу билан бирга, энг нуфузли олий ўқув юртларидан. Сока дорилфунуни фақат Японияда гина эмас, Осиё, Африқо, Жанубий Америқодаги ўн беш мамлакатда ишлаб турибди. Токиодаги мазкур ўқув юртининг замонавий техника билан жаҳозланган, аъло даражадаги акустика — садо бериш қобилиятига эга 4000 кишилик концерт зали бизни ҳайратга солди.

«Сока Гаккай Интернэшнл» (номлари юқорида зикр этилган дорилфунунларни шу халқаро ташкилот маблағ билан таъминлайди) президенти Дайсаку Икэданинг илтимосига кўра, шу дорилфунунлар силсиласида ҳар йили 8 декабрь куни Бетховеннинг машҳур ва мураккаб Тўққизинчи симфонияси ижро этиларкан. Дорилфунунда ўта замонавий аудиториялар мавжуд. У ерда талабанинг чуқур билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Таҳсил — пулли. Ҳар бир талаба бир йилда 2000 доллар тўлаши лозим. Аммо талаба данғасалик қилса, мударрисларни қийнаса (масалан, қайта имтиҳон топширса), 10000 долларгача ҳақ тўлашга мажбур. Дорилфунун кутубхонаси тўла компьютерлаштирилган. Зарур китоблар саноқли дақиқаларда муҳайё этилади.

— Сока дорилфунунида нега айнан Бетховеннинг шу симфонияси ижро этилади?

— Мазкур мусиқий асарда Шиллернинг «Қувончга» қасидаси ўрин олган. Қасидада: «Эй, қавмлар, бир-бирингизни қучингиз, эй, бани башар, бир-бирингиз-ла оға-ини тутинингиз!» — мисралари бор. Шиллер теран маънога эга бу чақириқни «Инжил»дан олганлиги маълум.

— Мусиқашунос сифатида япон мусиқаси ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Камина «Ўзбек мусиқаси тарихи» ва «ХХ аср чет эл мусиқаси» курсларидан маъруза ўқийман. Шу боис, хорижий мамлакатлар ҳақида гап борганида Японияниинг мусиқа маданияти хусусида ҳам талабаларга сабоқ бераман. Жумладан, асримиз бошларида Мацудайра, Маюдзуми ва Фукушима каби композиторлар қадимги япон мусиқий анъаналарини энг замонавий Оврупо услуби додекафония техникаси билан узвий боғлашга эришганлар. Бундан ташқари, маърузаларимда Ясуси Акутагава яратган турли жанрлардаги асарлар, машҳур хонанда Миёка Токидзава ижросидаги япон халқ қўшиқлари таҳлил этилади.

— Асосий мезбон «Сока Гаккай Интернэшнл» президенти Дайсаку Икеда билан мулоқотлашдингизми?

— Афсуски, йўқ. Сэн-сэй (бу ҳурматлаш сўзи бизнинг тилдаги «мавлоно»га тўғри келади). Икэда номидан бизни ташкилотнинг президенти ноиби, жаноб Ҳисами Ямасаки қабул қилди. Дайсаку Икэданинг ўзи узоқ сафарда бўлса-да, у ҳар куни гумаштлари, телефон орқали бизнинг Япония бўйлаб қилган сафаримиздан уни воқиф бўлиб турди.

МАЪЛУМОТНОМА

Япония ҳудуди кучли сейсмик минтақада жойлашган. Бу ерда фалокатли зилзилалар тез-тез юз бериб туради. Япониядаги 150 вулқондан 40 таси сўнмаган. Вулқонли туманларда минерал ва термал булоқлар кўп. Фойдали қазилмалардан темир рудаси, кўмир, қўрғошин, рух, нефть, олтин, кумуш ва симоб конлари бор.

— Аёнки японлар ҳақида гап кетганда, «кун чиқиш ўлкаси», «кўллар юрти», «музейлар мамлакати» деган сифатлашлар ишлатилади. Мавзуимизга яқин бўлганлиги учун, келинг, Япония музейлари ҳақидаги ҳикоянгизни тинглайлик.

— Бажонидил. Биз Токио, Осака, Кашихара, Нагоя, Никка, Киото, Кобэ, Нара шаҳарларида бўлганимизда Японияни ораста, ювинибтаранган, ҳарирдаги келинчакка қиёсладим. Соатига 500 километргача тезликда «учувчи» поездлар— «Хикари»лар ҳар қандай кишини ҳам лол қолдиради. Мамлакатнинг музейлар маскани эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Музейларнинг ранг-баранглиги бизни ҳайратда қолдирди: Будда музейи, Миллий музей, Ёпиқ музей, Очиқ музей...

— Очиқ музей деганда нимани тушунишимиз керак?

— Бундай музейларда, асосан, ҳайвонлар ва паррандалар: оҳулар, маймунлар, балиқлар асралади. Уларнинг яшаши, урчиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Жониворлар одамлардан ҳуркишмайди, улар қўлингиздан хўрак ейиши мумкин. Никка шаҳридаги ибодатхона (пагода) ҳам ажабтовур. Уч ҳолатда берилган — кўзларини боғлаган, оғзи ва қулоқларини ёпиб олган — маймун тасвири кишини беихтиёр ўйга толдиради. Осака шаҳридаги Жаҳон халқлари этнографияси музейи ҳам диққатга сазовордир. Унда дунё халқлари урф-одатлари, этнографияси тўкис акс этган. Музейнинг бир неча заллари Ўзбекистонга бағишланганлиги бизни ҳаяжонга солди. Кўргазмага Қўқон аравадан тортиб чилимгача, бешикдан тортиб паранжигача, дўппидан тортиб носқовоққача қўйилган. Намунавий ўзбекона ҳовли ҳам ростмана кўриниши билан эътиборни ўзига жалб этади. Музейда миллий созларимизга ҳам кенг ўрин берил-

ган. У ёхуд бу созга яқинлашсангиз, фотореле ишга тушиб, ўша соз ижросида куй янграйди. Биргина қашқар рубобининг 2 торлигидан 7 торлигигача хиллари кўргазмадан ўрин олган.

Кези келганда бир гапни айтмасам бўлмас: японлар ўта тадбиркор халқ. Улар ҳатто томда нознеъмат етиштиришади. Қани энди бизлар ҳам ҳар бир қарич ердан унумли фойдалансак, деб орзу қилдим.

МАЪЛУМОТНОМА

Мамлакатда олий таълим дорилфунунлар, кичик коллеж ва техника коллежларида берилади. 1993 йилда 420 дорилфунунда 1,7 миллиондан зиёдроқ талаба ўқиди. Дорилфунунларнинг 77 фоизи хусусий. Энг йирик давлат дорилфунунлари Токио, Сендай ва Киото шаҳарларида жойлашган.

Японияда 895 та оммавий кутубхона, 409 та музей бор.

— Мезбонларнинг қайси урф-одатлари Сизга манзур бўлди!

— Уларнинг меҳмоннавозлиги, одамохунлиги, покизалиги, тўғрисўзлиги, эътиқодлилиги мени ҳайратга солди. Бировга озор бериш, бақириш-чақириш деган гаплар уларга бегона; ўғри, тиланчи, маст-аласт одамларни кўрмадим. Улар 40 ёшгача бўлган кишиларга «сан», ундан улуғ ёшдаги уламоларга «сэн-сэй» деб мурожаат қилишар экан. Ҳамма юрт келажаги, мамлакатни обод қилиш ташвиши билан банд. Мен японларни ахлоқ-одобда ҳам дунёда биринчи ўринда туради, деган бўлур эдим. Мамлакатда исломлашиш жараёни кечаётган эди деб эшитдим, аммо ислом динини қабул қилган бironта ҳам японни учратмадим.

— Тўхтасин Ботирович, Сиз Тошкент шаҳар кенгашининг депутатисиз. Ноиб сифатида сафардан олган таассуротларингиз!

— Токиода 53 қаватли қўшалоқ бир муаззам бино бор. Шаҳар ҳокимияти биринчи бинода жойлашган. Иккинчи бино эса халқ ихтиёрига бериб қўйилган. Тезюрар лифтлар саноқли лаҳзаларда Сизни истаган қаватингизга чиқариб қўяди. У ердан туриб, шаҳар манзарасини кўздан кечиришингиз мумкин. Иншоолloҳ, бизнинг ҳам ана шундай эмин-эркин яшашимизга оз вақт қолди.

— Сизнингча, Иккинчи жаҳон уруши охирига қадар феодал муносабатлари ҳукм суриб келган мағлуб Япония нега бирдан гуркираб ривожланиш палласига кирди! Табиий бойликлари ўта чекланган бир мамлакат тараққиётда дунёдаги деярли барча мамлакатларни орқада қолдириб кетди!

— Дарҳақиқат, Японияниng ўта

(Давоми 27-бетда)

«Замондош» Маданият уйининг ҳаваскор доирачи ёшлари.

ЗАМОНГА ҲАМНАФАС «ЗАМОНДОШ»

Маданиятимиз, миллий қадриятларимиз шаклланиб бораётган айни шу дамларда ёшларимизга йўл-йўриқ кўрсатувчи, уларни тўғри йўлга бошловчи отахонларимизнинг панд-насиҳатлари ҳар қачонгидан ҳам заруррокдир.

Ҳамза туманидаги «Замондош» маданият уйининг директори Ойниса Аминова ва таниқли актёр Абдулҳамид Ғофуровларнинг ташаббуслари билан пойтахтимиздаги маҳаллаларда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» деб номланган тадбир ўтказила бошланди. Масалан, «Қўйлиқ» маҳалласида ташкил этилган давра суҳбатида бир гуруҳ отахонлар йиғилганлар билан ўз ҳаёт тажрибаларини ўртоқлашдилар. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида турмушга қандай кўз билан қараш, инсонийлик фазилатларини улуғлаш борасида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

— Асосий мақсадимиз замонга ҳамнафас бўлиш. Туманимиз меҳнат аҳлининг бўш пайтини мазмунли ва кўнгилли ўтказишга муносиб ҳисса қўшишдир, — деди Ойниса Аминова биз билан суҳбатда.— Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Энг муҳими, ходимларимиз ўз зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришяпти. Белгиланган тадбирларнинг вақтида ўтказилишига эришяпмиз. Айниқса, 206, 215, 216-мактаблар ва «Эртак» болалар боғчаси билан қилаётган ҳамкорлигимиз эътиборга молик-дир. Биз болаларда нафосат туйғусини ҳосил қилиш, уларни етук ва маданиятли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

«Замондош» бағрида фаолият кўрсатаётган «Фарангиз», «Бахт», ҳамда «Шайхонтоҳур» ашула ва рақс дасталари тумандаги «Қўйлиқ» даҳасида Зебо Шамсуддинова, Муқимий номидаги маҳаллаларда «Давр» маданий-маърифий марказида Авиасозлар маданият саройи, Тошкент темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида,«Наврўз» чойхонаси ва бошқа жойларда ташкил этилаётган тадбирларда иштирок этиб, куй ва қўшиқлар билан барчани мамнун этдилар.

Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Мусаффо само бағрида» номли театрлаштирилган томоша Маданият уйининг ўзида ўтказилди. Ушбу масканга шу яқин атрофдаги мактабларда ва болалар боғчаларидан болалар ҳам келишди. Турли беллашувлар, ҳаракатли ўйинлар, спорт мусобақалари асосида ташкил этилган бу тадбир одамларда катта қизиқиш уйғотди.

Умуман, шу йилнинг ўтган даврида 25 тадан ортиқ театрлаштирилган тадбирлар тақдим этилди.

Маданият масканида «Лочин» ҳарбий-ватанпарварлик клуби фаолият кўрсатаётганига саккиз йилдан ошди. Бу ерда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан бақувват, Ватан химоясига доимо шай қилиб тарбиялаш бош мақсад ҳисобланади.

— Маданият уйи ходимлари маънавий қадриятларимизни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётгани жуда қувончлидир, — деди Янгиобод маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси Салима ая Пирматова. — Туманимизда олтин ва кумуш тўйларни нишонлаш анъанага айланиб бормоқда. Қурувчи Олим ака Эшонхўжаев умр йўлдоши Машкура ая билан 35 йил бирга яшаганлари, уруш қатнашчиси Ҳамид Тожибоевнинг Гулсара ая билан бир ёстиққа бош қўйишганига 40 йил бўлгани кенг нишонланди.

Ҳозирги кунда маданият уйи қошида бичиш-тикиш, макраме тўгараклари, эски ўзбек ва лотин имлолари бўйича курслар фаолият кўрсатяпти. Уларда 60 нафардан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этиб, ҳунар ва тил ўрганишяпти.

Тошкент темир-бетон заводи жамоаси маданият уйига яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ўз навбатида Маданият уйи ходимлари тумандаги 30-болалар уйини ўз оталиқларига олишган.

Бир сўз билан айтганда, «Замондош» замонга ҳамнафас бўлиб, халқимиз турмуш фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир.

Раъно ЮСУФЖОН қизи.

Марварид Ғолиб қизи. «Моҳлар ойим — Нодира». 1992 йил.

Марварид Ғолиб қизи. «Шоира Дилшод Барно», 1993 йил.

РАНГИН ИҚЛИМЛАР

ИСЛОМНИ ҚАБУЛ

Маргарита Старовойт — отаси поляк, онаси украиналик, мусулмонча исми — Марварид Ғолиб қизи.

Тошкентда беш йилдан буён яшайди. Бу орада икки мингга яқин суврат ишлади. Исломни қабул қилди. Беш маҳал намоз ўқийди.

Шарққа тожирларнинг салобатли карвонларигина талпинмаган, Ипак йўли ҳам анчайин ипакдан эмас...

— Осиё мени ҳамиша ўзига тортарди. Урунбурунда (Оренбург) «Карвонсарой» масжидининг муаззини хонадонида туғилдим. Мен муаззиннинг илоҳ ҳузурига чорлагувчи ўктам овози остида улғайдим. Татар тилини ўргандим. Намозга тизилган болалар сафида рукуъ ва сужудни адо этдим...

Шарқ Аллоҳнинг ваҳдонияти — якка-ёлғизлигидан далолат этгувчи миноралар мамлакатигина эмас, Шарқ бу миноралар пойида «патак» бўлган казо-казо миллатларнинг ҳам юртидир.

— Рассом Николаев суннатдан сўнг Уста мўмин бўлганлигидан хабарим бор.

— Мени эса бир танишим трактор заводи ёқдаги мўъжаз масжидга олиб борди. Имом калима қайтармоқни ўргатди: Аувзу биллаҳи минашшайтонир рожийм, Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Калимаи тойиба. Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадар Росувлоллоҳ...»

Марварид Ғолиб қизи Шарқ муслима шоираларининг туркум тасвирларини яратди. Зебуннисо. Деворда шоҳ Бобурнинг девон мутолаа қилаётган алпоздаги тасвири. Шоиранинг кўкрагига довур кўтарилган чап қўлида гул новдаси, саккиз қиррали хонтахта юзига узанган қўлларида девон. Балки Қуръондир. Хонтахтада шу тобда узилган атиргул — буюк маликага сарой айғоқчилари фитнасидан, жаллод кундасидан ҳайиқмай келтирган ошиқ амирзодаларнинг кўнгил изҳоримиди? Бир буюк қитъани куйдириб кул қилган мағрур муслимага қай бир бенавонинг «топган-тутунганими?..» Аллоҳ билади. Суврат тоқида шоиранинг форсий байти:

Эй обшори навҳагар, аз баҳри чист?
Чин бар жабин фигандай, андўҳи кист?

Мазмуни:

Эй фарёд чекувчи шаршара,
Эй, йиғлоқи тошқин сув, кимсан,
қаердансан, кимнинг дардида
фарёд чекаётирсан? Манглайинг ажинлар ила
қопланмиш кимнинг, қай ошиқнинг андуҳисан?

Марварид Ғолиб қизи. «Шоира Жаҳон отин — Увайсий», 1993 йил.

Марварид Ғолиб қизи. «Шоира Анбар отин», 1993 йил.

ҚИЛГАН МУСАВВИРА

Шарқда шоиралар бикр пардаси ортида бокира каломларни заъфарон варақларга настаълиқ хатида битарканлар, шамдон теграсида фаришталар унсиз қанот қоққанлар. Муслима шоираларнинг ёй қошларидек кўкда қалқиган ҳилол уларга турк сарбозларининг миллат исматини қўриқлаган қиличини ёдга солган. Уларнинг бошида, чор-атрофида миллат девори, дарвозалари мустаҳкам бўлган...

Марварид Ғолиб қизининг қаламтасвирлари тарих шаҳодат бериб ўтган, бироқ ҳеч бир солноманавис қайд этмаган руҳий иқлимларни кўз ўнгимизда тирилтиради.

Баайни тахт узра сокин учиб бораётган Моҳлар ойим — Нодира. Тахт ёнбошида дутор. Меҳробсимон китоб тахмони. Кунгурадор даричадан гумбазлар кўзга ташланади. Дарича қошида товуслар. Нақшинкор девор. Салобатли кўшк. Бутун вужудидан латофат уфуриб турган маликанинг нигоҳлари ўйчан... Китоб тахмони пештоқида маликанинг ушбу мисраси:

«Умед ҳаст, ки субҳи умеди
мо бирасад...»

Мазмуни:

Умид қиламизки, бизнинг умидимиз тонги отгайдир.

Марварид Ғолиб қизи Тошкентда ёлғиз яшайди. Ўзбек тилида қийналмасдан сўзлаша олади. Қуръонни рус тилида ўқийди. Ўзбекистон, унинг танти халқи ҳақида ғазаллар ёзади. «Ассалому алайкум», — дейди ва болаларча соддадиллик билан таъзим қилади. Тилимизни менсимайдиган баъзи бир калондимоғ меҳмонлардан ранжиганини яширмайди.

Шарққа томон узанган йўллар иймон чорраҳасида кесишади. Бу чорраҳа Тошкентда бор — Чорсу; Бухорода ҳам бор — Чорсу — тўрт томон. У бутун мамлакатда бор. Унинг барча-барча йўллари иймон чорраҳаси томон йўналган. Бу улуғвор йўлларда биз ҳам, сиз ҳам, Марварид Ғолиб қизи ҳам йўловчимиз. Шарқни орзу қила-қила, қон бўлиб, шеърлар битган бир жувонмарг шоир айтганидек:

Бу дунёда мен бир йўловчи,
Шодон менга қўл силки, эркам.
Худди шундай тинч, эркаловчи
Зиё тўкар куз фасли ой ҳам...

А. МАҲКАМОВ.

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Турмуш тарзи масаласи барча замонлар ва халқлар учун тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб келди. Эндиликда эса Ўзбекистонда бозор муносабатлари аста-секин қарор топаётган дамларда соғлом турмуш тарзини яратиш барча қилинаётган эзгу ишларнинг шарти бўлиб турибди.

Ҳар бир инсоннинг ички ва ташқи олами унинг турмуш тарзида ярқ этиб намоён бўлади. Турмуш тарзи шундай бир ойнаки, унда ҳар бир одамнинг ҳаётни нечоғлик тўғри тушуниши, яшашдан мақсади, фарзанд ва уни тарбиялаш ҳақидаги тушунчалари, фаросат билан яшаши — хуллас, ҳаммаҳаммаси акс этиб туради.

Биз ушбу мақолада турмуш тарзининг мана шу муҳим томони, яъни саломатлик, соғлом юриш муаммолари ҳақида, соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови экани ҳақида тўхталамиз.

Саломатлик масаласи азалий масала бўлиб, инсоният бор экан, бу масала ҳамма вақт муҳим аҳамият касб этиб келган. Ҳар бир одамнинг соғлиғи жамият равнақининг асосидир. Албатта, ҳамма замонда ҳам одамлар касал бўлишган, даволанишган, аммо бизнинг давримизда бу борада янги муаммолар пайдо бўляпти. Касалликларнинг кенг тарқалаётганининг объектив ва субъектив сабаблари бор. Биз объектив сабаблар ҳақида қисқача тўхтаб, асосий эътиборни субъектив сабабларга қаратамиз.

Биринчи, энг муҳим сабаб — экологик бузилишларнинг ҳаддан ошиб кетганидир. Инсон вужуди ҳаво орқали, таом орқали заҳарланиб келмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларидаги химикатларнинг меъёрдан ошиқлиги, дори-дармонларнинг тақчиллиги касалликларни камайтириш ва уларнинг олдини олишга имкон бермаяпти.

Иккинчи муҳим сабаб — тиббиёт илмининг секин ривожланиши, хусусан, унинг кейинги 20-30 йилда сезиларли орқада қолиши, тиббиёт тажрибасидаги депсинишлар, нотўғри даволаш усуллари, тамагирлик ва бошқа салбий ҳолатлардир.

Вақтинча иқтисодий қийинчиликдан чиқиб олиш учун кўп ишлар қилинмоқда. Аммо маънавий тангликдан (соғлиқни сақлаш — маънавиятнинг муҳим томони) чиқиш учун бироз фурсат талаб қилинади. Бунинг устига маънавиятни покламасдан ва юқори кўтармасдан иқтисодий қийинчиликни бартараф қилиб бўлмайди. «Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига, — дейди Ислом Каримов, — уларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар — қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда».

Соғлом турмуш тарзини яратиш маънавий ислоҳотларнинг марказида туради. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши бу борадаги катта силжишдир. Айни пайтда соғлом авлодни шакллантириш учун аввало соғлом турмуш тарзини яратиш зарур.

Юқоридаги фикрларни хулосалайдиган бўлсак, бу омиллар объектив характерга эга бўлиб, бизни ўраб олган муҳит, бизга таъсир қилувчи ташқи кучлар билан боғланган. Аммо соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг субъектив омиллари ҳам борки, негадир узоқ йиллар давомида бу масала жиддий муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгиланмади.

Тўғри, ҳеч кимнинг касал бўлиши, касалхонада ойлаб ётишга иштиёқи йўқ, албатта. Аммо касал бўлишда инсоннинг ўзининг айби, хатоси бўладими, йўқми? Албатта бўлади, бўлганда ҳам жуда катта хатолари бўлади. Кейинги пайтларда ўз соғлиғини асраш борасида инсоннинг жавобгарлигини ошириш ҳақида айрим фикрлар бўлмоқда. Бу жуда тўғри. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов тез-тез куйиниб гапириб туради. Мана, унинг диққатга сазовор фикрларидан бири: «Ўзининг саломатлиги ҳақида, — дейди у, — шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшликдан, оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими: жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак. Шунисн муҳимки, одамлар сўзда эмас, балки амалда ўз саломатлигининг қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб-асрасинлар».

Ислом Каримовнинг бу гаплари таҳсинга сазовор. Бу ўта долзарб масаланинг ҳамма томони қамраб олинмоқда. Биринчидан, ўзининг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиб бориш маданият белгиси сифатида олинмоқда. Иккинчидан, бу иш ёшликдан олиб борилиши ва бу ишда оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, спорт, жисмоний тарбия асосий омиллар бўлиши кўрсатилмоқда. Учинчидан, бу иш сўзда эмас, балки амалда изчилланишт зарур. Ва ниҳоят, тўртинчидан, одамлар саломатлигни миллий бойлик экани алоҳида уқтирилмоқда.

Айрим адиблар, мутафаккирлар, олимлар фикрларини ҳам келтириб ўтайлик. «Инсон 100 йил яшаши мумкин», — дейди И. П. Павлов, — лекин биз ўзимизнинг тийиқсизлигимиз, палапартишлигимиз, ўз вужудимизга нисбатан шафқатсизлигимиз туфайли бу муддатни кўп йилларга қисқартириб юборамиз».

Қадимги юнон адиби Сенека ҳам шундай дейди: «Ҳеч ким умри қисқа бўлиб туғилмайди, уни ўзимиз қисқартирамиз: умримиз тугал, аммо уни биз елга совурамиз. Агар оқилона фойдаланилса, умр жуда узоқ давом этади».

Соғлом турмуш тарзи инсон ўз турмушини оқилона ташкил эта олишидан бошланади.

Шаҳарларда ҳам, хусусан, қишлоқ жойларида болаларнинг касалликка чалиниши кўп. Бу, асосан, юқорида президент И. Каримовнинг ачиниб айтган ўз соғлиғини, фарзандлари соғлиғини асраб-авайлаш маданиятининг пастлигидандир. Саломатлик, бу — миллий бойлик эканини чуқур ҳис қилмаслик, бу ҳақда масъулият сезмаслик оқибатидир.

15-20 ёшлар атрофидаги болаларга разм солинг, мактаб ва институтларда таҳсил олаётган йигит-қизларнинг саломатлигини бир ёппасига текшириб кўринг-чи, қарийб уларнинг бир қисмида икки-уч касаллик топасиз. Булар ҳаммаси болани туғиш ва уни вояга етказиш борасида ота-она масъулиятининг пасайиб кетиши оқибатидир. Бу масалани кенг муҳокама қилиб, жиддий чора-тадбирлар кўриш керак.

Соғлом турмуш тарзини яратиш қийин иш эмас. Бунинг учун озгина фаросат, озгина маданият, озгина ўйлаб иш қилиш бўлса кифоя. Айниқса ҳар нарсанинг меъёр-мезонини билиш керак.

«Агар меъёридан чиқиб кетилса тўқликнинг ҳам, очликнинг ҳам, бошқа нарсаларнинг ҳам хосияти бўлмайди», — дейди тиббиёт отаси Гиппократ. «Меъёр — табиатнинг иттифоқдоши, соғлиқнинг посбонидир, — дейди Абул Фарож, — бинобарин, еб-ичишда ҳам, юриш-туришда ҳам ва ҳатто муҳаббатда ҳам меъёрни сақланг».

Маълумки, соғлиқни сақлаш энг муҳим ижтимоий масаладир. Жамият тараққиёти кўп жиҳатдан мана шу муаммонинг нечоғлик ижобий ҳал қилинишига боғлиқ. Жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий кучлар одамлардир. Одамларсиз, аниқроғи, одамларнинг самарали фаолиятларисиз жамият бир қадам ҳам олға силжий олмайди. Одамлар эса ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун жисмоний соғлом бўлишлари керак. Саломатлик нафақат моддий бойликлар, балки маънавий бойликлар яратишнинг ҳам асосий заминидир. Жисмонан носоғлом бўлган одам маънавият соҳасида ҳам бирор бир янгилик ярата олмайди.

Демак, жамиятнинг, миллатнинг, ҳар бир одамнинг соғлом бўлиши муҳим ижтимоий эҳтиёждир. Бу эҳтиёж фақат юксак маънавий ва жисмоний маданият орқали қондирилади.

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги

ИСТИҚЛОЛ ВА БУРЧ

Маънавиятимиз ютуқларидан ижобий фойдаланиб, уни янада юксалтириш асосий вазифамиздир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маънавиятимизни янгилаш, тиклаш масалалари ҳам ўз ифодасини топди. Эндиликда, истиқлол маънавияти ва мафкурасини яратиш кун тартибидаги долзарб масаладир.

Афсуски, ижтимоий янгилашнинг бошланишида марксизм-ленинизм билан бирга, умуман, ҳар қандай мафкурадан воз кечишга тарғиб қилувчилар кам бўлмади. Ҳатто мафкура масаласи тилга олинмай қўйди. Бу масалага ҳам Президентимиз биринчи бўлиб эътиборни жалб этди. У республика ёзувчилари билан бўлган учрашувда бу соҳада бўшлиқ вужудга келганини, миллий истиқлол мафкураси ҳозирча йўқлигини қайд этиб, уни яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишни жамиятимиз олдига энг муҳим масала қилиб қўйди, 1993 йил 6 мартдаги Олий Кенгашнинг ўн иккинчи сессиясидаги нутқида эса бу масалага батафсил тўхтаб ўтди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, янги жамият қуришни, халқни шу мақсадга йўналтирмай ва уюштирмай туриб, рўёбга чақариш мумкин эмас. Бу эса халқни шу мақсадга йўналтирувчи, тарбияловчи ғоя, янги мафкура яратишни долзарб масала қилиб қўяди.

Ҳар бир жамият ўз мақсадларини ҳимоя этувчи, шу мақсад атрофига халқни уюштириб, сафарбар қилувчи ғояларига эга бўлиши керак. Бундай ижтимоий ғоялар маънавиятнинг маълум уйғунлашуви ва натижаси сифатида кўринади.

Ўзбек халқи маънавияти узоқ тарихга эга, айниқса, маънавий меросимиз ниҳоятда бой ва мустаҳкам, бир неча минг йиллик маънавий ривожланишнинг ютуқлари ифодаланган. Фозил шахс, комил ва ахлоқий етук инсон ҳақидаги ўйлар X асрдаёқ Абу Наср Форобий ижодида муҳим ўрин эгаллади ва бу ғоялар ўз даврида маънавий баркамол кишиларни янги ижтимоий ютуқларга илҳомлантирди.

Ғоялар тизмаси тартибга тушса, мафкурани вужудга келтиради. Мафкура жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний қарашларининг мажмуидан иборатдир. Мафкура янги маънавиятнинг ютуқларини ифодаловчи назарий билимлар, қарашлар тизими сифатида жамият ривожи учун муҳим режа, стратегия аҳамиятига эгадир. Мустақил Ўзбекистонимиз тайёр мафкурага эга эмас ва ташқаридан тайёрини олмайди. Бу мафкурани ишлаб чиқиш ҳозирда муҳим аҳамият касб этади. Истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш ва халқимиз онгига сингдиришда ижтимоий фанларнинг аҳамияти катта. Ушбу фанлар олам, ижтимоий тараққиёт ҳақида назарий билимлар бериш билан ёшлар дунёқараши, мафкурасини шакллантириш, мавжуд мафкурани уларга сингдириш ишида етакчи роль ўйнайди. Афсуски, баъзан ижтимоий илмларни ўқитишдан воз кечишни кўтариб чиқувчилар ҳам учраб қолади. Ижтимоий фанларга нисбатан нигилизм, менсимаслик бир оз кучайди. Бу олий ўқув юртларида ижтимоий фанлар соатини қисқартириш, шу соҳадаги имтиҳонларни йўқ қилиш каби ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Инсон маънавияти, ахлоқи, жамият тузилиши каби ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги илмлар қадимий илмлардир. Албатта ҳозирда, биринчидан, ижтимоий фанларни янги жамият талаблари, мустақиллик, истиқлол мақсадлари асосида тубдан қайта кўриб чиқиш зарур — бу соҳада ижтимоиётчи олимлар фаол иш олиб бормоқдалар.

Иккинчидан, ижтимоий фанга, уни ўқитиш, дарсликлар, адабиётлар яратиш ишига эътиборни кучайтириш лозим. Бу ишларни амалга ошириш фақат ижтимоий фан вакилларидангина эмас, олий ўқув юртлари раҳбарияти, Олий таълим вазирлигидан ҳам катта эътибор ва жавобгарликни оширишни, назоратни кучайтиришни талаб этади.

Сўнгги вақтларда бу соҳада жонланиш рўй берганини қайд этиш керак. Бунга ижтимоий фанларнинг турли масалаларига бағишланган илмий анжуманлар ўтказилгани мисол бўла олади.

Мустақиллик, истиқлол мафкураси Ватан, халқ манфаатига садоқат, миллий маънавиятимизга, инсон, илм-фан, маданий юксалишга муҳаббат, шахс истеъдоди, фаоллиги, эркига зўр ҳурмат, бошқа халқларга дўстлик ва биродарлик ғоялари билан суғорилган бўлиши керак.

Мазкур мафкура зиддиятларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, мувозанат сақлаш, томонлар интилишини қоришдириш асосида изчил ривожланиш ғоясини тарғиб қилиши, ақидачиликни, зўравонлик, тазйиқни инкор этиб, фикрлар ранг-баранглигига, ижобий фикр, ташаббусларга кенг йўл бериши лозим; шунингдек, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияга катта эътибор, қонунга сўзсиз риоя этиш, демократия ва ҳурфикрлилик, давлатга катта ҳурмат ва интизом билан суғорилмоғи лозим.

Янги мафкура сиёсатдан устун туриши, вақтли сиёсий тебранишлардан холи бўлиши, шу билан бирга, унинг изчил, бир тартибда узоқ-қа мўлжалланиб ривож топишини таъминлашга яқиндан ёрдам бериши керак. Бу мафкура бозор иқтисодига аста-секин ўтиш қийинчиликларини енгишга ёрдам бериш, иқтисодий юксалишнинг мақсадларини аниқ белгилаш, бу юксалишнинг изчиллигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ғояларни ўзида ифодаласи лозим.

Янги мафкурамизни ишлаб чиқиш, унинг масалаларини муҳокама этиш ишида фаол иштирок этиш ижтимоий фан ва унинг вакиллари — файласуфлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, санъатшунослар, тарихчиларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

Анвар ШАРИПОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС

Бозор иқтисодиётига ўтиш республикамиздаги ижтимоий-сиёсий

ва мафкуравий жараёнларнинг негизини ташкил этиб, улар бир-бири билан мураккаб тарзда ўзаро боғланиб келади. Жамият тарихининг деярли ҳамма даврларида бозор иқтисодиёти у ёки бу шаклда мавжуд бўлган. Шунга яраша унинг мафкура билан боғланиши ҳар даврда ўзига хос ва такрорланмайдиган тус олган. Бу муаммонинг илмий долзарблиги, биринчидан, ўтган 70 йил мобайнида унга эндигина жиддий илмий ва амалий эътибор қаратилгани, ва, иккинчидан, охирги вақтларда бозор иқтисодиёти муаммоси жаҳон илми миқёсида катта аҳамият касб этиши билан белгиланади. Албатта, бу масалани ечишда, аввало, ижтимоий-тарихий тажриба муҳим аҳамиятга эга, лекин, шу билан бирга, бу муаммо билан боғлиқ маънавий мерос таълимотларини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Бозор иқтисодиётини англашга қаратилган илк таълимотларни Абу Райҳон Беруний қарашларида ҳам учратиш мумкин. Мутафаккир ўша даврда ҳали етарли даражада ривожланмаган бозор иқтисодиётининг маълум томонларини ёритишга ҳаракат қилган. Унинг фикрлари товар-пул муносабатларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, шу жараёнда тилланинг аҳамияти, нима учун қимматбаҳо маъданлар (тилла, кумуш ва бошқалар) алоҳида аҳамиятга эга бўлади ва ҳамма халқларда баҳолаш меъёрига айланиши ҳақидаги мулоҳазалари жаҳон фанининг эътиборини жалб қилмоқда. Алломанинг бозор иқтисодиётининг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий томонларига алоҳида аҳамият бериши, харидорнинг талабини қайси йўл билан тўлиқ таъминлаш тўғрисидаги фикрлари Ўзбекистон шароитида муҳимдир.

Ўша даврда (VIII—XII асрлар) бошқа Марказий осиёлик олимлар товар-пул муносабатларини шакллантириш ва такомиллаштириш масалаларига кўпроқ эътибор берган эдилар. Фикримча, бозор иқтисодиёти муносабатларини бир бутун ва яхлит кўриш, иқтисодда ислом қадриятларининг чуқур ўрнашиб бориши (мулкчилик, закот, савдо-сотиқ қоидалари ва ҳоказо), уларни ҳар томонлама ёритиш, илмий-амалий кузатишлар натижасида бозор иқтисодиётининг ахлоқий-маънавий томонлари: адолат ва инсонни ранжитмаслик, бойлик ва камбағаллик, жамиятнинг ўша шароитда ижтимоий тузилиши, мулкнинг турлари ва уларнинг аҳамиятлари масалалари ўрганилган эди. Бу муаммолар фақатгина махсус фалсафий ва ижтимоий, иқтисодий асарларда эмас, балки бадиий адабиётда ҳам ўртага қўйилар эди.

Туркистон минтақаси Россия томонидан босиб олингандан кейин бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантирган капиталистик тузумга ўтиш жараёни маълум миқдорда жадаллашди. Шу жараёнлар ижтимоий-фалсафий тафаккуримиз ривожланишида ўз аксини топди.

Маърифатпарварлар, айниқса, жадидлар ўз мафкурасида ўша замондаги тузумнинг чекланган бозор иқтисодиёти муносабатларини танқид қилдилар ва бозор иқтисодиётини шакллантириш учун ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш ва ўзлаштириш кераклигини таъкидладилар. Уларнинг қарашлари ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун мос ва самаралидир.

Улар миллий тадбиркорлик, хусусий мулкчиликнинг ҳар хил шаклларини ривожлантириш ва товар-пул муносабатларини такомиллаштириш, Туркистоннинг иқтисодий мустақиллиги тўғрисида кўп куйиндилар. Жадидларнинг қарашлари кейинги даврда нотўғри баҳоланди ва қораланди.

Шундай қилиб, ижтимоий-фалсафий тафаккуримиз тарихида бозор иқтисодиёти муносабатларини англаш ва ўрганиш анъаналарининг борлигини кўрсатиш билан бирга, уларни чуқур ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз керак. Бу назариялар ва қарашлар мустақил Ўзбекистон миллий мафкураси ва бозор иқтисодиётини ўзига хос ривожлантириш йўлларини белгилашда муҳим манбалардан бўлиб қолади.

Ҳайдар АЛИҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори.

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА АХЛОҚ

Мафкуранинг асосий мақсади жамиятни маънавий жиҳатдан юксалтириш, инсонни тарбиялашдир. Мафкуранинг шакллашишида ахлоқ алоҳида ўринни эгаллайди. Халқимиз узоқ йиллар давомида маънавий-ахлоқий қадриятларни, урф-одат ва маросимларни, хулқ-одоб қоидаларини сақлаб келди. «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир,— деган эди И. Каримов.— Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб, асраб келмоқда. Ўзбекистондаги янгиланишнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, замонамизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир». Модомики шундай экан, туркий халқларнинг бой ахлоқий мероси, ундаги миллий ва умуминсоний қадриятлар, назаримизда, истиқлол мафкурасининг асосини ташкил қилиши керак.

Марказий Осиёда истиқомат қилувчи туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи қадимдан то ҳозирги давргача ўзига хос бой маънавий-ахлоқий қадриятларни яратганлар. Улар мустақиллик, ўз ерини ажнабий босқинчилар хуружидан сақлаш учун курашда, тинчлик ва мамлакат фаровонлиги учун жонбозлик кўрсатишда, ватанпарварлик, тенглик, эркинлик, ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларида ўз аксини топган. Шўролар даврида миллий қадриятларга етарлича эътибор берилмади, кўпинча улар инкор қилинди. Инсон фазилатлари Оврупо халқлари ахлоқи андозаси билан ўлчанди, бу мезонга тўғри келмайдиганлари эса диний-мистик ёки реакцион ғоялар деб эълон қилинди.

Ўзбек халқи меҳмондўстлик, ота-онани ҳурмат қилиш, мулойимлик, ибо, ҳаё, андиша, сахийлик, камтарлик, мулоҳазалик, ўзаро ёрдам ва шунга ўхшаш ахлоқ қоидалари билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Айниқса, Моваруннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод этган машҳур мутафаккирлар ахлоқ муаммоларига катта эътибор берганлар. Абу Наср Форобий, Беруний, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Навоий, Жомий ва бошқаларнинг рисолаларида умуминсоний ва миллий қадриятлар бўлмиш яхшилик, меҳр-шафқат, ҳалоллик, дўстлик, ватанни суймоқ, табиатни эъзозлаш, меҳнатсеварлик, сабр-тоқат, мулойимлик, шижоаткорлик, иймон ва эътиқод, адолат, садоқат, ўз она тили ва адабиётига, санъатига муҳаббат, нафосатга интилиш, илм-у ҳунарни эгаллаш, одамийлик, эркинлик, ақл-заковат ва бошқалар муфассал ёритилади. Буларни ўрганиш ва уни халқ орасида тарғиб қилиш, инсонни тар-

биялашга, шубҳасиз, ёрдам беради.

Республикамиз мустақилликни эълон қилгач, чуқур ижтимоий-маънавий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу табиий ҳол. Зероки, миллий мафкурани яратишда асрлар мобайнида кишилараро муносабатларда, ўзаро муомалада қўлланиб келган ва замон синовидан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келган ахлоқий қадриятларни одамларнинг турмуш тарзи, хатти-ҳаракати ва онгига сингдиришимиз лозим.

Зуҳра ЭШМУРОДОВА,
фалсафа фанлари номзоди

ЖАДИДЧИЛИК ВА МИЛЛИЙ ОНГ

Минг йиллар давомида тўпланган маънавий бойлик ўтмишда Ғарб ва Шарқ маданиятининг асоси бўлиб хизмат қилган, ҳозирда ҳам ўз кучини сақлаб, ўша даврдагидек долзарб мафкуравий мушоҳадалар манбаи бўлиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан халқимиз маданияти тарихига, жумладан, жадидлик оқимининг фаолиятига назар ташлайлик. XX асрнинг бошида мусулмон Шарқида турмуш тарзини бутунлай янгилашга, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ўтказишга қаратилган инқилобий кўтарилиш Марказий Осиёдаги ислоҳотчилик-ҳаракати бўлган жадидчиликнинг туғилиш давридир.

Жадидлар тараққиётни илмий билимлар ва жаҳон илғор маданиятини ёйишда деб билдилар ҳамда шу фикрдан келиб чиққан ҳолда ўз ҳаракатларининг асосий вазифасини белгиладилар.

Жадидчиликнинг асосий муаммоси — Ватан, миллат, дин, илм-фан, маорифни ривожлантириш эди. Уз-ўзидан равшанки, «жадидчилик» деб аталган муаммо, агар синчковлик билан кузатилса, умуминсоний қадриятдир.

Жадидчилик миллий истибдод шароитида туғилди ва ўзини англади, миллий қадриятлар учун курашди. Шунинг учун ҳам бу оқим вакиллари 20—30-йилларда миллатчиликда айбланди, чунки ўша даврда миллий уйғонишга бўлган интилиш қораланар эди.

Жадидчилик намояндалари «миллат» тушунчасини назарий жиҳатдан бойитдилар ва бу соҳада янги, объектив жараёнларни акс эттирдилар. Жадидларнинг асосий хизматларидан бири шундаки, улар миллатни бирлаштирадиган муҳим омиллардан бири — миллий онг, деб билганлар. Миллий онгни эса мазкур жамият аъзолари ўзларини мустақил ҳуқуқли, ягона миллат вакиллари сифатида ҳис қилишдир, деб тушунганлар. Бизнингча, моҳиятан шу маънога тўғри келадиган миллат ва миллий онг тушунчалари Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон ва бошқа жадидларнинг ижодида қўлланилган.

«Гарчи инсонлар турли хил динга эътиқод қўйиб, турли мамлакатларда яшаб ҳар хил қабила ва миллатларга мансуб бўлсалар-да, шунга ҳеч бир шубҳа йўққи, улар айни бир инсон уруғининг фарзандларидурлар. Бошқача сўзласак, улар — биродардурлар. Демак, улар ҳаммалари бир-бирларини севишлари ва ҳурмат қилишлари керак»,— деб ёзади Абдурауф Фитрат.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, жадидлар миллат тушунчасининг назарий томонларини ишлаш билан бирга, унинг ижтимоий тафаккурга сингиб бориши ва миллий онгнинг ривожланиши учун амалий хизмат қилдилар. Авлоний изҳор этган жадидларнинг «тур, эй миллат, уйқудан!» шиори миллий онгни ўстиришга қаратилган ва асосий ниятга эришишнинг тўғри йўли шу эди. Зеро уларнинг назарида миллий онгни чуқур ўрганиш ҳамда миллий онгни тиклаш, қадриятлардан фахрланиш, илғор миллатларнинг янги ғоя ва ютуқларини ўзлаштириб, ривожланган мамлакатлар ва миллатлар даражасига кўтарилишига ҳаракат қилиш орқали шакллантириш ва ривожлантириш мумкин бўлган.

Масаланинг муҳим томони шундаки, жадидлар жамият, ҳатто ўз миллати камчиликларини мардонавор кўрсата олдилар ва уларни бартараф қилишга интилдилар.

Албатта, миллий онгнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни жуда мураккаб ва бутун бир тарихий даврни қамраб олади. Аммо жадидчилик ҳаракати ва мафкураси Узбекистонда миллат назариясининг ривожига ва миллий онгнинг ўсишига жуда катта ҳисса қўшиб, XX асрнинг бошидаги мафкуравий курашларда ва миллий-озодлик ҳаракатларида етакчи оқим бўлиб қолди.

(Боши 12-15 бетларда)

тез тараққий қилиши сабаблари ҳанузгача аср жумбоғи бўлиб турибди. Биласизми, ғолиб Ғарб давлатлари — АҚШ, Англия, Франция Японияга Ғарб технологиясини мажбурлаб жорий қилдирдилар. Бу — биринчидан. Иккинчидан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин японлар қуролланишга, айтиш мумкинки, бир иена ҳам маблағ сарфламадилар.

— Узбекистон-Япония муносабатлари хусусида нима дея оласиз?

— Маълумки, 1994 йил май ойида республикамиз Президенти Ислом Каримов Японияда бўлган чоғида икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли шартномалар имзоланганди. Бу — Япония билан муносабатларимизда янги саҳифа бўлишидан далолат беради.

— Одатда японлар бир сўм сарфлаб, ўн сўм фойда кўради, дейдилар. Бунга бирор мисол келтира оласизми?

— Микимото деган деҳқоннинг ихтиросини мисол тариқасида келтиришим мумкин. У чиғаноқ ичидаги марварид донасини майда бўлакларга бўлиб, уларнинг ҳар бирини бўш чиғаноқлар ичига жойлаштирган, орадан бирмунча вақт ўтиб, бус-бутун марварид унган. Шу боис, мамлакатда марварид саноат асосида ишлаб чиқарила бошланди. Микимото ороллари силсиласида марварид изловчи аёллар бизга дур музейини кўрсатишди. Японияда оқ, яшил, ҳаворанг, кумушранг марваридлар етиштирилади. Қора марварид эса танҳо Ҳиндистонда бўлар экан. Марварид билан савдо қилувчи «Микимото» дўконлари бутун дунёда машҳур.

...Сафаримиз адоғига етай деб қолганида биз Сока дорилфунуни қошида 500000 нусхада чиқадиган «Сейкио Симбун» рўзномаси муҳарририятида меҳмон бўлдик. Меҳмондорчилик поёнига етгунча биз ҳақимизда мақола ва делегациямиз аъзоларининг гуруҳли сурати чоп қилинган рўзномани совға қилишди. Жаноб Дайсаку Икэдага уларнинг гумашталари орқали миннатдорчилик билдирдик...

Суҳбатни
Ш. НУРМАНОВ олиб борди.

Рафаил ТОҚТОШ,
санъатшунослик доктори



АЛОҚАЛАР СЎНМАСИН

Бадиий маданият ривожланишининг туб бурилиш босқичларида келажакни башорат қилиш ҳамиша қийин кечади. Ўзбекистон бадиий маданиятини ривожлантиришнинг янги йўналишлари, шубҳасиз, совет ҳокимияти йилларидаёқ ғоя ва мақсад сифатида вужудга келган ҳамда СССР парчаланиб кетгандан кейин аниқ намоён бўлган давлат мустақиллигининг жадал ва фаол тикланиши билан боғлиқдир. Бу даврнинг энг муҳим тамойили рассомлар ёш авлодининг ўтмиш сарчашмаларига тез-тез мурожаат қилиб турадиган, бой меросга асосланган миллий мавзу ва бадиий ифоданинг анъанавий воситаларидан кенг кўламда фойдаланишдан иборатдир.

Ёшларни айнан, минглаб йиллар давомида яратилган афсоналар, образлар, ривоятлар ва тасаввурларнинг Ўрта Осиёга хос анъаналарга садоқат бирлаштиради.

Энг яхши ёш рассомлар санъатдаги ўз услуби ва мавзу доираси ҳамда яратаётган образларининг характери билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Шу билан бирга ғарбий Оврупо, рус ва совет санъати амалиётида XIV ва XV асрлар мобайнида тўпланган тасвирий-ифодали воситалар, ўзига хос усул ва услубларнинг замонавий ўзбек тасвирий санъатига таъсири ҳали ҳам йўқолган эмас.

Бу усул ва услублар энг истеъдодли ёш рассомларнинг ижодида ҳам намоён бўлмоқда. Улар ўз ижодларида Шарқ нафис санъати дурдоналарига ва Ўрта Осиё маҳобатли рассомлик санъати анъаналарига, шунингдек, 1920—1950 йилардаги ўзбек тасвирий санъати меросига таянадилар. Урта ва Яқин Шарқнинг қадимги ва бой амалий-безаш санъати ўтган ўн йилликлар давомида бўлгани каби тасвирий санъатимизга фаол таъсир этмоқда.

Тасвирий санъатни ривожлантиришнинг ўтган беш йил мобайнидаги ўзига хос тамойили шундаки, илгариги социалистик реализм принципларига асосланган мавзу асарлар, ҳар бир кўргазмада такрорланадиган анъанавий мавзу (қишлоқ хўжалиги ва санъат илғорлари, фуқаролар, иккинчи жаҳон уруши тарихи ва ҳоказо) аста-секин камайиб, йўқолиб бормоқда. Шахсий ва лирик мавзулар илгари сурилмоқда, ўзбек рассомлик санъатининг янги авлоди ўтмишда яшаб ўтган ажойиб шахслар ҳақида бажонидил ҳикоя қилмоқдалар, азалдан музофотга, миллатга хос бўлган воқеаларни, урф-одат ва расм-русумларни акс эттирмоқдалар, кўпинча шахсий кечинмаларини, орзу-ўйлари ва хотираларини томошабинлар билан ўртоқлашмоқдалар.

Шу билан бирга, кучли ва истеъдодли рассомларнинг ижодида совет давридаги Ўзбекистон тасвирий санъатини ривожлантиришнинг энг яхши анъаналари давом этмоқда ва ривожланмоқда, уларнинг йўқолиб кетганлиги тўғрисида гапиришга эса ҳеч қандай асос йўқ.

Ҳозирги ғарб, унинг санъат асарларини тўпловчилари, Ўзбекистоннинг совет даврида яратилган тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва графика асарларига, маданий бойликларига катта қизиқиш билдирмоқдалар ҳамда уларни харид қилиб, четга олиб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Маданий бойликларни четга олиб чиқиш йўлига қўйилган тўсиқлар ҳар доим ҳам мустаҳкам бўлавермайди. Тошкентда янги, замонавий тасвирий санъат музейини ташкил қилиш тўғрисидаги масала долзарблигича қолмоқда, чунки мавжуд санъат музейини қайта таъмирлаш ва кенгайтиришнинг деярли имкони йўқ. Истеъдодли рассомларимиз бир қисмининг чет элга кетиб қолиши, уларнинг Овруподаги ёки Оврупо учун ижодий фаолияти, замонавий тасвирий санъатимиз обрў-эътиборини бир қадар оширса-да, айни пайтда, ўзбек бадиий маданияти дурдоналарини кўпайтириш ишига зарар етказмоқда. Буларнинг ҳаммаси (рассомларнинг чет элга кетиб қолиши), Ўзбекистонда рассомлар ижодини маблағ билан таъминлашдаги нуқсонлар ва маҳсулотларнинг олинмай ётганлигидан далолат беради.

90-йилларнинг бошларидаёқ, собиқ Иттифоқ республикаларининг сиёсий ва иқтисодий алоқаларининг узилиши, ҳойнаҳой, собиқ совет республикалари маданиятлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бузилишига олиб келмади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Янгисини қурмай туриб, эски уйни бузмаслик керак», деган доно сўзлари нақадар туғри айтилган. Маълумки, санъат ва маданиятда бошқа халқларнинг маданиятидан узоқлашиш сиёсий ва иқтисодий ривожланишда бўлгани каби ҳар бир халқнинг ривожланиши учун зарарли ва фойдасиздир.



Евгений МЕЛЬНИКОВ,
рассом

МАҚОЛА ЎРНИДА

Мен том маънодаги санъатшунос бўлмасам-да, «ҳозирги тасвирий санъат» хусусидаги мулоҳазаларимни, агарда «Гулистон» журналининг илтимоси бўлмаса, ҳеч қачон ёзишга журъат этмасдим.

Ручкани қўлга олишдан аввал: «Перони ушласанг бас...» дейишади. Аммо мен узоқ вақт иккиландим: ўзим рангтасвирчилар гуруҳига мансубман-у, лекин ҳозирги тасвирий санъатнинг аҳволини «сўз билан» таърифлай олармикинман?

Ҳозирги рангтасвир санъати ҳақида ёзиш анча оғир. Йўқ, фақатгина касб-корим санъатшунос бўлмагани учун эмас, балким айни ҳолатни фаҳмлаб олиш қийинлиги учун шундай.

Энг аввало, сайёрамизнинг олтидан бир қисмидаги қуруқликда, СССР деб аталмиш жойда «тектоник» ўзгаришлар юз берди. Республикалар мустақилликка эришди. Анча кўникиб қолган турмуш тарзимизни ҳозирги кунимиздан кенг ўрин олган ва олаётган тузумга алмаштирдик.

Санъат доим жамиятдаги ўзгаришларнинг инъикосидир. Фикримча, жамиятдаги ўтиш даври тасвирий санъатда ҳам ўтиш даврининг туғилишига сабаб бўлди. Графика билан шуғулланувчиларнинг кўпчилиги тасвирий санъатнинг имкониятлари кенглиги учун шунга уришди... Тасвирий санъат шундайин бир нозик даргоҳки, унда ҳаётда юз бераётган ўзгаришларни ёрқин акс эттириш мумкин экан.

Ўзбекистонда турли йўналишда муваффақият билан ижод қилаётган талантли рассомлар жуда кўп ва республикамиз улар билан фахрланишга ҳақли.

Аввалларн кўргазмалар тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган бўлса, айни кунда улар турли хил кўриниш касб этган: бу ерда анъанавий тарзда ижод қилаётган катта ёшдаги рассомларни ҳам, матода ўзини эндигина синаётган ёш рассомларни ҳам учратиш мумкин. Эндиликда кўргазмалар турли қутбдан бир-бирига йўлланган ҳар хил иплардан тўқилган гиламга ўхшайди.

Бу мақола чуқур таҳлилга даъвогар эмас, шунинг учун исм-фамилияларни санаб ўтирмайман: санъатшунослар буни мендан яхшироқ бажаришади.

Камина анъанавий реализм методи бўйича ишлайман ва Сергей Есенин айтганидек:«...Иштонларни кўтариб, комсомол ортидан» чополмайман. Менинг ёшимда (34 йилдан бери тасвирий санъат билан шуғулланаман) ҳадеб у ёки бу томоннинг ноғорасига ўйнашга имкон йўқ. Баъзи бир ёшлар мени (бекитиқча) консерваторликда айблашади. Бу уларнинг виждонларига ҳавола. Уларнинг олдида катта йўл, хоҳласалар унисидан, хоҳласалар бунисидан юришлари, ўзларини турли жабҳаларда синаб кўришлари мумкин. Уларга, энг аввало, самимий бўлишлари ва ўз касб маҳоратларини доимо ошириб бориш кераклигини унутмасликларини тилардим. Мен ҳақиқий рассом сифатида уларга машаққатли йўлда фақат оқ йўл тилашни хоҳлардим.

(Давоми, боши 8-10 бетда)

бати кўп нарсани ҳал этади. Саводсиз ва санъатсиз жамиятда санъат аҳлининг ҳоли нима кечади? Борди-ю жамият муайян санъат турини қабул қилмаса-чи? Демак, яна муаммо тарбияга келиб тақалади. Эстетик тарбияни болаларимиз ҳали чақалоқлик пайтидан йўлга қўйсак, улғайгач, санъат қадрига етадиган бўлади...

Рассомларимиз бўёқ йўқ, мато йўқ, деб даъво қилишяпти. Муаммони ҳал қилишнинг бир йўли бор: Рассомлар уюшмасининг ўз маблағи бўлиши керак. Хўш, Рассомлар уюшмаси бу маблағни қардан олади? Менимча Рассомлар уюшмасининг ишлаб чиқариш корхоналари давлат солиғидан озод қилинса, муаммо осон ҳал бўлади. Шу йўл билан корхона даромади уюшма ва унинг аъзолари эҳтиёжига хизмат қила олади.

А. Н.: — Солиқ масаласи ҳал бўлса, давлат ҳомийлиги — дотациянинг кераги йўқ.

А. У.: — Илгари бу корхоналар милён-милён сўм даромад келтирарди. Бугун рассомларимизнинг ишлари чет элларга кетиб қоляпти. Рассомларнинг ўзлари ҳам қўним тополмай қолишди, деяпмиз. Бу, табиий ҳол. Тарихдан маълумки, ижод аҳли кўнгли хоҳлаган ерда яшаган, ижод қилган. Умуман бир ерда яшаб ижод қилган ижодкор камдан-кам топилади. Ўрис рассомларининг қанча-қанчаси Париж, Италияда яшаб, ижод қилишган. Улар гоҳ ундан, гоҳ бундан нолиб юришмаган. Ҳайтовур, санъаткор учун ўз ерида тўкис яшаб юргани маъқулроқ. Аммо, замон зайли, начора. Бироқ, бу муваққат қийинчиликлар ҳақиқий рассомни тасодифлардан ажратиб беради. Чунончи, улуғ Ван Гог бир тўғрам нонга зор эди. Бироқ тарих саҳифасида ўчмас из қолдира олган бу бемисл санъаткор ўз ҳолатига мудом кўз ёш қилиб юрмади. Маълумки, бугун баҳоси йўқ ҳисобланаётган асарларни ўз даврида ҳеч ким харид қилмаган. Ҳақиқий ижодкор эртага фалон асаримни фалон нархга сотаман, индинга Парижга йўл оламан, деб ҳаёл суриб юрмайди. Аммо, қани энди Тициннга ўхшаган бой-бадавлат бўлсанг...

О. М.: — Сальвадор Дали, рассом бой бўлиши керак, деган...

А. У.: — Сиз мени фикримдан қайтаролмайсиз!

А. Н.: — Ван Гогга келадиган бўлсак, у яшаган тарихий шароит билан бугунги кунни солиштириш — абсурд! Мен қаттиқ нонга қариб турмайман. Менинг кўлимдан нон топиш келади. Шу ўринда вақтдан фойдаланиб, яна бир гапни айтиб ўтсам. Маълумки, миллий меросни тиклаш ва миллий меросга қайтиш масалалари ўртасида катта тафовут бор. Менимча, миллий меросга қайтиш дегани ўрта асрларга кўчиб бориш дегани эмас. Миллий меросни тиклаш эса мутлақо замонавий нуқтаи назардан амалга ошмоғи керак. Абдулҳай ака, Сизнинг шароит ҳақидаги фикрингизга қўшиламан. Ҳақиқатда «баданида бор» одам ҳар қандай шароитда ҳам «вовайло» қилмай ишлайди. Ғалвирни сувдан кўтарадиган замон келди.

КЎНГИЛ ЖИЛОЛАРИ

МУСАВВИР ДИЛЁР ИМОМОВ БИЛАН СУҲБАТ



МУХБИР — Тасвирий санъатдаги ижод, нафис олам ичра чароғон ёғду. Табиатнинг чиройли ва хаёлий чамани. Ул чаман ичра ҳаёт мавжуд. Шундай эмасми!

Дилёр ИМОМОВ: — Санъат асарлари одамларга қувонч, маънавий поклик туйғусини ҳадя этади. Ҳар бир гўзал асар, янги бадиий кашфиёт кишини ўзига жалб қилади, ҳаяжонлантиради. Образ ва бўёқлар уйғунлиги кўнгил кечинмалари, ларзалари акси бўлади. Жонли ва жонсиз нарсалар табиатнинг сирли, азалий қўшиғи, куйи, дарди билан нафас олади.

Рангли, жилвагар кўринишлар хаёлингизни тилим-тилим парчалаб, табиат ва дунё деган жумбоқ сари етаклайди.

Матолар орасида инсонлар қиёфаси, табиатнинг ўзгарувчан ҳолатлари турланиб туради, кўнглингиз тўлқин сингари бесаранжом типирчилайди, қийналаверасиз. Чунки тасвирга туширмоқчи бўлган одам: «Мана мен ва мени ўзлигимча яратгинки, одамлар англасинлар», — деяётгандай бўлади. Табиат гўзаллиги ҳар қандай ижодкорга тинчлик бермайди. Ана шу тариқа асарингиз қаҳрамони, бадиий образлар оғир, айни чоғда, «ширин» азоблар эвазига бунёд этилади.

М.: — Чинакам ижодкор бўлиш қийин демоқчисиз-да!! Санъаткорлик, фақат азоб-уқубатлар оғушида яшашми ё унинг фароғатлари ҳам борми!

Д. И.: — Санъат умрини ҳаёт белгилайди. Вақт ва макон билан уйғунлашган ҳар бир асарнинг оҳанглари, жилолари очилиб бораверади. Санъатда гўзаллик табиат, инсон ва жамият гўзаллиги билан намоён бўлади. Мен 1974 йили юртимиз тўйига бағишлаб, Катта Фарғона канали мавзуси устига иш олиб бордим. Бу мавзуни икки бор қайта ишладим. Биринчи ишим кўргазмага қўйилгандан сўнг камчиликлари кўриниб қолди.Қайта ишлашга аҳд қилдим. Унга мос келадиган тасвирий ифода изладим.

Асарлар мавзу жиҳатидан мураккаб, тимсолларга бой бўлиши мумкин, аммо уларда ортиқча унсурлар сезилмаслиги керак. Рассом ҳаёт манзараларини, санъат сирларини мукаммал билсагина яратилган асар томошабинларда унутилмас таассурот қолдиради.

М.: — Машҳур бўлиш ҳар бир санъаткорнинг орзуси бўлса керак!

Д. И.: — Мен ижодимнинг илк онларидан бугунги кунгача фақат бир мақсад сари, яъни асарнинг ҳаққоний бўлиши учун интилганман, холос. Ҳаёт ва инсон гўзаллиги, маънавий ҳаёт ҳақиқати ижодимнинг бош мезони бўлган. Ўз устимда бир умр «ҳимоясиз» ишладим. Демоқчиманки, «атоқли» бўлиш учун ҳаёт машаққатларидан чўчимай, ҳар бир касбнинг бағрига дадил сингиб бормоқ керак. Навбатдаги асарга қўл урар эканман, бир қарашда оддий бўлиб туюлган ҳолатни қайта-қайта ишлайман. Кўнглим тўлгунча изланавераман.

Атоқли мусаввирларнинг ижодхоналарида тез-тез бўлиб тураман. Асарларига ҳавас билан боқаман. Бу ижодхоналарда гўё осуда бахтиёрлик маскани илиқ ва беғаш дунёда яшаётган гўзалликнинг нафосат боғи, абадий муаттар гуллар оламида яшаб ва яшнаб тургандай. Дарвоқе, ҳақиқий санъат асарини онасамин дардисиз, Ватан меҳрисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ижодкор умрининг охиригача ташвишда юради, кўнгил хилватгоҳларида сайр этади. Зеро, у одамларга маънавий олам эшикларини очиси, дардлашгиси келаверади. Шундай самимийлик гулшанида санъатнинг кўнгил ғунчалари пайдо бўлади.

Фидойилик фақат санъаткоргагина хос эмас, балки ҳар бир инсон ўз касбини пухта эгаллаш учун фидойи бўлмоғи керак. Ана шунда кишининг қўли ва кўнгли нимага интилса, меҳнат натижаси одамларда завқ-шавқ уйғотади.

М.: — Миллий санъатимизнинг манбаларини тиклаш энди ўз қўлимизда экан, қадимги тасвирий санъат йўлларини қандай давом эттириб, ривожлантирамиз!

Д. И.: — Миллий анъаналарни чуқур ўрганиш, уларни қайта тиклаб, санъатимизнинг равнақига хизмат қилдириш ҳар бир мусаввирнинг юрак амри бўлмоғи керак.

Маҳобатли санъатимиз анъаналарини қайта тиклаш, мўъжаз-миниатюра санъатини такомиллаштириш, халқ амалий ва безак санъатининг бошқа амалий турларини кучайтириш вақти келди.

Санъаткор хаёли чегара билмайди: у тасвирлаган воқеалар оралиғида асрлар ётса-да, бари бир, ижод аҳли бир-бирларини тушунаверадилар. Эрон, Туркия ва баъзи араб мамлакатларида ҳозиргача «папъе маше»дан лак санъати асари яратилади. Бундай бебаҳо санъатнинг сир-асрорларини истеъдодли ёшларга ўргатмоқ керак. Шунда санъатимиздаги тарихий усуллардан бири сақланиб қоларди, нафислик олами имкониятлари кенгайиб, умри боқий асарлар вужудга келади. Масалан, фарангистонлик машҳур мусаввир Анри Матиснинг ижод йўлидан ўрнак олса арзийди. У Урта Осиё амалий санъати намуналаридан баҳраманд бўлиб асарлар яратган.

Ҳар бир миллат ва даврнинг ўз бадиий аъмоли ва ўзининг тасвирий «тили» борлигини биламиз. Бу тасвирий восита мактаби ва маҳорат анъаналарини чуқур идрок этсагина санъатимизда миллийлик руҳи кучаяди. Бинобарин, миллий санъатимиз манбаларини тиклаш учун Узбекистон мусаввирлари уюшмаси раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор беришлари лозим. «Миллий анъаналар ва замонавий тасвир мактаби» мавзусида назарий-амалий анжуманлар ўтказиш фойдали бўлур эди.

Ҳақиқий ижодкор ўз халқининг бугунги ҳаётидаги маънавий-эстетик жараёнлардан четда яшай олмайди. Мустақиллик туфайли тарих ва миллий анъаналаримизга нисбатан қизиқиш кучайиб кетди. Тарихимизни қайтадан ўқишга, тасаввур этишга ҳаракат қиляпмиз. Бундан беш юз йил аввал Улуғбек даврида яшаган ота-боболаримизнинг ташқи қиёфаси қандай бўлган? Одамлар ўша даврда қандай либос кийганлар? Кийимлар, аввало, тарихий муҳитни, ҳаёт ҳақиқатини акс эттирса, иккиламчи, шу либос соҳибнинг қад-қомати, ички оламини ҳам акс эттиради.

М.: — Санъат асарларида инсоннинг ички эҳтиросларини, шахс руҳиятини акс этади. Шуларни ифодалаш қандай кечади?

Д. И.: — Мусаввирлик санъатида бадиийликнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ранглар жозибаси ва чизиқлар нафислиги, композиция яхлитлиги ва ҳаёт ҳақиқати — булар тасвирий санъатнинг ҳам воситаси, ҳам образ яратиш имкониятини белгилайди. Мусаввирнинг ҳар бир асари ҳаётий воқеликлар билан йўғрилган маънавий покиза нур билан равшанлашган бўлиши керак. Инсон вужудидаги кўзлар, сеҳрли қўл ва бармоқлар ҳам катта маънога эга бўлади. Рассом бирор киши образини яратар экан, майин лирик йўналишга, ё чуқур руҳий мазмундорликка, ё ботиний-маънавий нафосатни очишга интилади. Шундагина томошабин сувратда ифодаланган ички эҳтиросни, нафосат нурини ҳис эта олади. Шунингдек, тасвирий санъат асарларидан таъсирланиш, ҳар бир томошабиннинг ўзига, унинг қанчалик мушоҳада этиш қобилиятига ҳам боғлиқ. Яна шуни таъкидламоқчи эдимки, ҳаяжонни, руҳни, хотирани «туртиб туриш» орқали инсонни озиқлантирувчи томирларни, ақл ва иродасини маълум мақсад сари йўналтиради.

М.: — Халқимиз ҳаёти мардонавор кучга эга. Мардлик, баҳодирлик ҳақида ҳам асарлар яратганмисиз?

Д. И.: — Мен кўпроқ кўрганбилган, қалбимда кучли эҳтирос уйғотган мавзулар устида ишлаганман. 270 километрли Катта Фарғона каналининг 45 кунда қурилиши халқимиз тарихидаги улкан қаҳрамонлик эди. Катта Фарғона каналига бағишлаб асар яратишга ҳаракат қилганман. Бу жанговар ҳаёт лавҳасини тасвирлашнинг ўзи мусаввирдан жасорат ва мардлик талаб қилади.

«Канал қурилиши» номли асарнинг яратилишида ота-боболар ҳикояси, эсдаликлардан фойдаландим. Тарихий воқеанинг ҳаққоний чиқиши учун ҳаракат қилдим. Халқимизнинг фашизм устидан қозонган Буюк Ғалабаси республикамизда кетма-кет кўргазмалар билан нишонланиб келмоқда. Ушбу кўргазмадаги асарлар иккинчи Жаҳон урушидаги улуғвор жасоратни теранроқ англашга ва Ғалабанинг маънавий таъсирини тушунишга ёрдам берди.

Д. Имомов. «Катта Фарғона канали қурилиши», мато, мойбўёқ, 1974.

М.: — «Гўзаллик билан ошно бўлиш олижаноб туйғуларни тарбиялайди», — деган гап бор. Бунга сиз қандай қарайсиз?

Д. И.: — Санъатда бирор-бир янгилик яратиш бу — қонли дард ютмоқ билан баробар. Рўзи Чориев ибораси билан айтганда, инсон дунёга дард билан келади, дард билан кетади. Мусаввир инсондаги олижаноб туйғуларни тарбиялаш учун ўз саховати орқали турфа гўзалликни инсон руҳига сингдиришга, унга ҳамроҳ, ошно этишга интилади. Санъатдаги гўзаллик шунчаки чирой эмас. Шоир ички азоблардан дардли шеърлар яратгандай, мусаввир ҳам табиат, инсон ва жамият ҳақидаги ўйларини кўрсатиб беради.

Тасвирий санъатдаги гўзаллик мусаввирнинг соғлом руҳияти ва олам ҳақидаги тасаввуридан вужудга келади. Туйғулардаги покизалик фақат ширин, «гўзаллик» бўлибгина қолмаслиги, у маълум фикр ва мулоҳазалар ифодалашга айланиши керак.

Рангтасвир санъати шакл ва ранг билан қуролланган бадиий тафаккур маҳсулидир. Афсуски рангтасвирбоп «гўзаллик» сохта ва сермаънолик ҳозирги айрим мусаввирларимиз ижодида учраб туради. «Мен» доирасида ўралашиб қолмоқдалар. Гўзалликка интилишни ҳашамдорлик билан чалкаштириб юбормаслик керак. Санъатда яхши муҳит, яхши услуб, уйғоқ ҳаёт ҳақиқати орқалигина гўзалликка эришиш мумкин. Рангда ҳали кашф этилмаган ва биз одатда ўйлаганимиздан ҳам қудратлироқ куч яширинган. Бу куч олижаноб туйғуларни тарбиялайдиган гўзалликдир. Гап ўша гўзаллик оламини очишдадир.

М. : — Мусаввир асар яратар экан, у ҳаёт воқеаларининг оддий кузатувчиси бўлиб қолмаслиги керак-да!

Д. И. : — Ҳар қандай мусаввир бирор асар устида ишлар экан, у оддий кузатувчи бўлибгина қолмай, оний лаҳза ичидаги ҳолатнинг, манзаранинг, кўринишнинг, қиёфанинг тасвирини беришга бел боғлайди. Ўз асаридан таъсирлантира олиш, томошабинга эстетик завқ бера олиш мусаввирнинг мушоҳада савиясига ҳам боғлиқ. Бу савия вақт ўтган сари юксалиши, аксинча, қотиб ётавериши ҳам мумкин.

Мусаввир ўз асарларига яратувчи, мутахассис сифатидагина эмас, оддий томошабин кўзи билан ҳам қараши зарур. Яратиш жараёни кузатиш билан жипслашган ҳолда ижоднинг мураккаблигини идрок қилиниши, қийинлаштирилган рамзийликка эмас, балки рассом сингдирган фалсафий ва эстетик тушунчаларни, характерни томошабинга асослаб беришда намоён бўлади. Ижодкорнинг ҳар бир асари мустақил бадиий қимматга эга бўлиши учун тасвир тили аниқ, ниҳоятда нафис, лўнда ва ҳаётий маъно билан йўғрилмоғи зарур.

Ижодкор ҳамиша ҳаракатда, услубий турғунлик эса унга бегона бўлмоғи шарт. Шундагина ижодкорнинг томошабин билан мулоқоти янада жонли чиқаверади. Шундай мусаввирлар борки, улар кўпроқ унвонли, донгдор кишиларнинг қўлтиғига кириб олиб, уларнинг ҳомийлигини пеш қилиб, қисқа

вақт ичида жуда кўп нарсаларни қўлга киритиб тезда шуҳрат қозонади. Ундайларни устамон санъат савдогари деб аташ мумкин.

М. : — Қишлоқ аёллари ҳақида асарлар яратишга ҳаракат қилганмисиз?

Д. И. : — Халқини, миллатини севган ҳар бир мусаввир аёллар гўзаллигини мадҳ этмай қолмайди. Меҳнаткаш қишлоқ аёли, уларнинг меҳнат ва маиший ҳаётига бағишланган туркум асарлар ишлаганман. Пахтакор аёлнинг қабарган қўллари, қорайган юзлари, чарчаган кўзларини рангтасвирда ифода этиш осон эмас.

Гуллаган боғлар таровати, ҳовлиларнинг гўзал ва бежирим файзи, уйлар орасидаги сўқмоқ йўлаклар, иффатли ва оқибатли аёллар қиёфасини тасвирлаш менга тинчлик бермайди. Мен диплом ишим мавзусини аёллар меҳнатини улуғловчи асарлар яратишга бағишлаганман. «Шийпон-Боғча», «Оналар», «Кўкламга тайёргарлик», «Бойсун келинчаги», «Пахта хирмонида», «Ҳовуз бўйида», «Наманган қизлари» каби асарларим бир неча бор кўргазмаларда намойиш этилган. Ушбу асарларим ҳозир турли музейларнинг мулкига айланган.

М. : — Бугунги кундаги «вақтинчалик тақчиллик» ижодингизга таъсир этаяптими?

Д. И. : — Бўлмасам-чи, тасвирий санъатдаги ижодий жараён ҳаётнинг қувноқлигига, ғамига, дардига хоҳласа-хоҳламаса ҳам шерик бўлади. Илгарилари ҳаёт лавҳаларини, табиат манзараларини ўрганиш учун вилоятларга, чекка қишлоқларга бориб ишлаб келиш осон эди. Бизни у ерларда қулоч ёзиб кутиб олишарди... Ижодий учрашувлар, суҳбатлар бўларди. Ижодимизни гўзал этюдлар билан бойитар эдик. Ҳозир эса ўзингизга маълум, нарх-наво юқори, йўл харажатлари ошиб кетган, жойларда меҳмон кутишнинг ўзи бўлмайди. Бозор иқтисодиёти вазиятида мусаввирларимиз анча хомуш тортиб қолишди. Аммо Ўзбекистонимизнинг мустақиллик йўлига ўтиши кўнглимизга таскин беради. Маънавият, маданият, санъатга аҳамият берилаётган ушбу хушрўй даврдан хурсандмиз. Қийинчиликни санъат аҳли бамаслаҳат ҳолда, албатта, енгади. Келажакдан умидимиз катта.

Каспий денгизида ажойиб ҳодиса бўлиб тураркан. Денгизнинг ички шовқинли тўлқинлари уч кун мобайнида остки сув қатламини сатҳга олиб чиқаркан ва сув алмашинуви натижасида денгиз анча покланар экан. Бу ҳолни «Каспий гуллаяпти» дейишар экан. Нима демоқчилигимни ўқувчиларимиз тушунган бўлсалар керак. Ўзбекистонимизнинг ҳам ана шундай гуллаб-яшнашига ишонаман.



Д. Имомов. «Жиззах чўли қалдирғочлари», мато, мойбўёқ, 1980 йил.

М. : — Ҳозирги замон тасвирий санъати ҳақида нималар дея оласиз? Ёш мусаввирларга истакларингиз?

Д. И. : — Бугунги ёшларнинг ўй-хаёллари, орзу-ҳаваслари, уларни ҳаяжонга солаётган воқеа-ҳодисалар санъатимизнинг келажагини белгилайдиган ижодий имконият деса бўлади.

Маълумки, санъатга янги авлоднинг келиши фақат мусаввирликнинг кенжа авлоди пайдо бўлганидан дарак бермайди. Санъат оламининг ягиланиши мустақил ижодий ғояларнинг яратилиши билан боғлиқ. Бугунги тасвирий санъатимизда янгича ижодий жараёнга интилиш кучли. Ранг оҳангларининг самимийлиги, талқинининг ўзига хослиги, кутилмаган маъно ечимларига интилиш бир қатор асарларда намоён бўлмоқда. Аммо яна бир хавф ҳам борки, бу нарса айрим мусаввирларимизнинг оддий нарсаларга кўпроқ қизиқиб, миллий қадриятларимизнинг асл дурдоналарини унутиб қўйишларида кўзга ташланмоқда.

Кўргазмаларда шаклбозлик етакчи ўринни эгаллаётганидан ҳайрон қоласиз. Айқаш-уйқаш мулоҳазалар кураши, янги оқимлар таъсири ҳаммадан аввал санъат моҳиятига тартибсизлик ва чигаллик киритяпти. Ўз устида зўр иштиёқ ва сабот билан ишламай туриб, мусаввирлик шоҳсупасига чиқиб бўлмайди. Тасвирий санъатимизни юксалтиришда ёшларимизнинг шарқона донишмандлик билан инсоннинг олижаноб фазилатлари, ҳис ва туйғуларини тасвирлаб беришларини истардим. Аммо «вақт» деб



Д. Имомов. «Хотирот», мато, мойбўёқ. 1985.

аталмиш яна бир исёнкор куч борки, у ҳеч нарсани, ҳеч кимни аяб ўтирмайди.

Мен олийгоҳ мураббийси бўлганлигим учун айтмоқчиманки ҳар соатда, ҳар дақиқада ёшларимиз санъатининг юксак чўққилари сари интилмоқлари керак. Ҳар бир ёш мусаввир буни шиорга айлантириб олса ёмон бўлмасди. Атрофимизда янги номлар, янги авлодлар етишиб келяпти, ўйлайманки, келажак авлодимиз бизни уялтириб қўймайди.

Д. Имомов. «Қовоқ теримида», мато, мойбўёқ, 1987 йил.

Ижод оламига кириб келаётган айрим ёшларимиз орасида ўз даври, бадиий маданиятининг бевосита яратувчисига айланиб бораётганлари ҳам кўп. Ўзбекистон рассомлари асарлари АҚШ, Олмония, Италия, Мали, Норвегия, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа бир қанча мамлакатларда намойиш этилмоқда.

М. : — Анъанавий савол. Келажакдаги ниятларингиз!

Д. И. : — Ўтмиш шонли анъаналаримизнинг давомийлиги тарзида, ҳаётий ҳақиқатга содиқ ҳолда асарлар яратиш орзуларимизнинг мазмунини белгилайди. Барча санъат турларида ижод қилаётган мусаввирларнинг янада кенгроқ давраларда иштирок этишини хоҳлайман. Асар мазмунининг яхлитлигига эришиш, ғоявий-ҳиссий тимсоллар кашф этиш борасида, ҳаёт ҳақида тинчлик ва поклик ҳақида томошабинларим билан баҳслашмоқчиман.

Мустақил республикамизнинг порлоқ йўлини янада ойдинлаштирувчи ёруғ юлдузлар, Ватан учун қалб қўрини бахшида этгувчи шогирдлар тайёрлаш ниятидаман. Яна бир орзуим Навоий, Ибн Сино, Машраб каби улуғларимиз қиёфаларини гавдалантириш устида ҳам ишлаш.

М. : — Дилёр ака, вақтингизни аямасдан биз билан суҳбатдош бўлганингиз учун раҳмат. Ижодингизга, мураббийлик ишларингизга муваффақиятлар тилайман. Соғ бўлинг.

Суҳбатни Раъно ҲАЛИМОВА олиб борди.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ЁҒДУ» НАМОЙИШ ЭТАДИ

«Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил топган «Ёғду» вокал-чолғу ансамблининг илк концерт томошалари эстрада шинавандаларида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбек миллий эстрадасининг энг яхши намуналари, эрон, тожик, ҳинд куй ва қўшиқлари билан жозибали концерт дастури тайёрлаган ансамбль мамнуният билан кутиб олинди. Айниқса, янги тайёрланган миллий эстрада қўшиқлари, халқ оғзаки ижоди намуналари асосидаги қўшиқлар томошабинларга манзур бўлди. Дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Ихтиёржон Исмоилов саҳналаштирган.

МОМОЛАР КУЙЛАГАН ҚЎШИҚЛАР

Абдулла Қаҳҳор номидаги Маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Ҳуррият» фольклор-этнографик ансамбли ижодий жамоаси «Момолар куйлаган қўшиқлар» деб аталган янги концерт дастурини туман маҳаллаларида кенг томошабинлар оммасига тақдим эта бошлади. Ота-боболаримиз, момоларимиз ижро этган қўшиқлар, тантаналарда куйланган, тўй маросимлари, ёр-ёрлар ва ўланлардан иборат концерт дастурини ансамблнинг бадиий раҳбари Салтанат опа Сиддиқова саҳналаштирган. Қўшиқларни турли саҳнавий кўринишлар, театрлаштирилган томошалар, миллий урф-одатларимиз муҳитида кўрсатилиши концертга файз бағишлади.

МУЧАЛ ТЎЙИ

Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактаб ва «Маҳаллот» маҳалласи ташаббуси билан маҳалла чойхонасида Мучал тўйи бўлиб ўтди. Қадриятларимиз тикланаётган бугунги кунда миллий урф-одатларимизга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Маҳалла, мактабдан 12 ёшдаги олти нафар ўғил ва олти нафар қизнинг мучал тўйига Султон Анваров раҳбарлигидаги «Гўзал» ашула ва рақс дастаси, «Эски масжид» театр студияси, «Момогул» фольклор-этнографик ансамблари ўзларининг ранг-баранг дастурлари билан меҳмон бўлиб келдилар. Шунингдек, ҳомий ташкилотлар, вилоят маданият ишлари бошқармаларининг махсус совғалари болаларга бир олам қувонч бахш этди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Ҳосиб ибн Каримиддин — И. Абдуллаев, масхарабозлар — М. Қодиров, В. Шамсиев.

Муяссар Шодиева саҳнага чиқиш олдидан.



Савдогарлар — А. Жўрабоев, Ҳ. Абдуллаев.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЛАР

«МИНГ БИР

...Эртакларни суйиб ўқимаган, улар асосида саҳналаштирилган спектакларни,суратга олинган бадиий фильмларни мириқиб томоша қилмаган бирорта киши топилмаса керак. Режиссёр Валижон Умаровнинг Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирган «Минг бир кеча» эртак-спектакли ҳам театр жамоатчилигида жонланиш пайдо қилди.

Маълумки, машҳур «Минг бир кеча» эртакларидаги воқеаларнинг бойлиги, қаҳрамонларнинг маънавий олами ҳануз одамларни мафтун этади. Сабаби, эртакларда ҳаёт ташвишлари-ю, қувончлари ҳамда адолат ва ҳақиқат тантанаси рўй-рост тасвирланади. Шунинг учун ҳам бу ноёб асарга кўп санъаткорлар мурожаат қилганлар. Бинобарин,ўзбек драматурглари ва санъаткорларининг ушбу асарга қўл уришлари бежиз эмас.

Спектакль муаллифи Валижон Умаров ўз ижод йўли ва дастхатига эга режиссёрлардан биридир. У «Илҳом» театр-студиясида драматург Шароф Бошбековнинг «Тикансиз типратиканлар», «Оқ отлар учун вальс»,«Темир хотин» пьесаларини саҳналаштириб, мутахассис ва томошабинлар меҳрига сазовор бўлган эди.

— Аввало, бош режиссёр Олимжон Салимов мени Ёш томошабинлар театрига ишга чақирганидан жуда хурсандман, — дейди биз билан суҳбатда Валижон Умаров. — Болалигимдан «Минг бир кеча» эртакларига мафтунман. Ҳабибулло Ҳакимовнинг пьесасини ўқиб чиқиб жуда севиндим. Баъзи жойларини ўзгартирдик, қайта ишладик. Спектакль одамларнинг маънавий дунёси, гўзаллик, хушфеъллик ҳақида. Саҳнада ижро этилган қўшиқларни актёрларнинг ўзлари куйлайди, улар ижросидаги бир-биридан жозибали рақслар томошабинларни гўзаллик оламига етаклайди.Ўйлайманки, спектаклни томоша қилган ҳар бир томошабиннинг кайфияти кўтарилиб, руҳи тетиклашади. Халқимизда яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейишади-ку!

Спектаклда Гулчеҳра Саъдуллаева, Лутфулла Саъдуллаев, Ҳабибулла Каримов, Исмоил Абдуллаев каби ижодкорлар қатнашмоқдалар.

Саҳна безагини рассом Александр Зиновьев эртак-спектакль жанрига мос ишлаган. Ҳар бир безакда, либослардан унинг диди сезилиб туради.

«Минг бир кеча»дан бир кўриниш.

КЕЧА»—САҲНАДА

Спектаклдан сўнг мутахассислар билан суҳбатлашиб, уларнинг томоша ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Тоҳир Исломов, санъатшунослик номзоди:

— Жуда чиройли, болаларбоп асар яратилган. Режиссёр хаёлотининг бойлиги яққол сезилади. Бу катта ютуқ. Актёрлар астойдил меҳнат қилишган. Ёркин саҳналар бор. Маълумки, эртакларда сеҳр воситаси билан нурга интилиш, ёвуз кучлар устидан ғалаба қилиш ғоялари ифода этилади. Шу руҳ мусиқадаям билиниб турибди. Ижро бир текис эмас. Барча ҳолатларни ёркин ва жўшқин деб бўлмайди. Бу — спектакль паст савияда, деган гап эмас. Аксинча, спектакль театр жамоасининг ижодий жиҳатдан яна бир поғона кўтарилганини кўрсатиб турибди.

Ҳайитмат Расул, драматург:

— Энг муҳими шуки, драматург янги, мусиқа янги, йўналиш янги. Воқеалар лофдан йироқ, санъаткорона кўрсатилган. Унинг янгилиги — режиссёрнинг асарни ўзига хос талқин қилишидадир. У артистларга аниқ вазифа бера олган, ҳар бир қаҳрамоннинг сажияси алоҳида. Саҳнада турли ҳолатлар, жумладан, кулги ва ҳаяжон, қувонч ва изтироб алмашиниб туради. Драматургиянинг саҳнавийлиги шунда. Биз ушбу спектакль билан янгича услубга эга бўлган режиссёрни ихтиро қилдик.

Абдуманнон Убайдуллаев, санъатшунослик номзоди:

— Пьесада бир оз камчиликлар, қайтариқлар бор. Спектакль бошидаги темпо-ритм ўртасида анча тушиб кетади. Менимча, режиссёр актёрлар билан ишлашни давом эттириши ва барча камчиликлар бартараф этилади. Танланган мусиқалар, рақслар спектаклни янада бойитган.

Болалар драматургияси оқсаб қолган бир пайтда, кичкинтойларимиз учун мусиқали эртак-спектаклнинг пайдо бўлиши қувонарли ишдир.

Маъпура НАБИЕВА

Томоша залида.

Суратларни М. НУРИНБОЕВ олган.

ЎЗАНИДА

ЎЗБЕКИСТОН ОЙНАИ ЖАҲОНИ ДИКТОРИ РАҲМАТУЛЛА МИРЗАЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ

Суҳбатдошимиз ҳақида қисқача изоҳ:

Раҳматулла Мирзаев 1954 йили Тошкент шаҳрининг Қашқар маҳалласида туғилган. Ихтисоси — актёр. Оилали. Икки фарзанди бор. Ниҳоятда дилкаш ва самимий инсон. Ҳалол меҳнати ва ижоди билан обрў-эътибор топаётган кишиларни элга янада яқинроқ таништириш мақсадида «ДИЛДАН СУҲБАТ» мавзуида туркум кўрсатувлар тайёрлай бошлади...

— Раҳматилла ака, гапнинг очиғи, Сиз олиб борадиган қатор кўрсатувларни, айниқса, муаллифлигингизда эфирга узатиладиган «Дилдан суҳбат» мавзундаги мулоқотларни мириқиб томоша қиламиз. Шундай пайтда, айрим машҳур кишилар ҳаёти ҳақидаги тасаввурларимиз бутунлай ўзгариб кетади, ҳатто уларга нисбатан кўнглимиздаги аллақандай лоқайдлик ўрнини меҳр ва ҳурмат туйғулари қамраб ола бошлайди. «Ялла» ансамбли раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров, ажойиб раққоса Маъмура Эргашева, сўз усталари Обид Асомов, Ботир Муҳаммадхўжаевлар ҳақидаги ана шундай туркум кўрсатувларингиз томошабинлар ёдида турган бўлса, ажаб эмас. Лекин муштарийларимиз бир нарсани билишни истайдилар: «Хўш, ўзбек санъати ривожига ҳисса қушаётган кишиларни бор бўй-басти билан элга танитишга интилаётган куюнчак муаллифнинг ўзи ким! Нима учун биз унинг турмуши, ҳаётга муносабати, орзу-ўйлари тўғрисида деярли ҳеч нарса билмаймиз!»

— Минг ташаккур! Буни қарангки, ўзим нуқул бировлардан суҳбат олиб юраверибман-у, бир куни келиб мени ҳам кимдир мулоқотга чақиради, деб сира ўйламабман. Шунинг учун ҳозир бир оз ҳаяжондаман. Хатто гапни нимадан бошлашга ҳам ҳайрон бўлиб турибман...

— Эшитишимча, мактабни битирганингиздан кейин мустақил фаолиятингизни қурувчиликдан бошлаган экансиз. Оддий ишчи йигитнинг моҳир сухандон сифатида танилиши орасида ҳам ўзига яраша тарих бор. Шундай эмасми!

— Албатта... Биз оилада 3 фарзанд эдик. Отам Ҳидой Мирзаев 1968 йили қазо қилганлар. Биз, фарзандларнинг тарбияси ниҳоятда жафокаш инсон — онам Умрихон Мирзаева зиммасида қолиб кетган...Ана шу оғир дамларда биз яхши-ёмон кунларни ҳам, моддий қийинчиликларни ҳам бошимиздан кечирдик. Лекин худога минг шукурки, орамизда ҳеч ким оила шаънини ерга урадиган ишларга қўл урмади, ўзаро меҳр-оқибат ҳамиша устун турди.

Онамиз бизни ҳамма вақт илмли бўлишга даъват қилардилар. Шу туфайли 1972 йили шаҳардаги 9-ўрта мактабни битиргач, бирор институтга кириб ўқимоқчи бўлдим. Гарчи яхши баҳоларга ўқиган бўлсам ҳам, математика фанига унчалик қизиқишим йўқ эди. Шунинг учун ана шу фандан имтиҳон олмайдиган институтни излай бошладим. Иттифоқо, ойимларнинг дугоналари Қумрихон опанинг Насиба исмли қизини учратиб қолдим. У Тошкент театр ва рассомлик институтининг талабаси эди. «Бизга бора қол, имтиҳонлари унчалик қийин эмас, бўй-бастинг ҳам мос келади, кириб кетасан», — деди у қатъий ишонч билан. Бордим. Ишонасизми-йўқми, ҳужжатларни топшириш жараёнида санъаткорлик ҳаётига шу қадар қизиқиб қолдимки...Афсуски, ўша йили омадим юришмади.

Тоғам — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Олим Эшонхўжаев ўқишга киролмаганимдан хабар топгач, мени қурилишга ишга олиб кетдилар. «Меҳнатда пишийсан, оилага ҳам унчамунча ёрдам бўлади. Артистликкаям аввал оқ-қорани таниб, кейин борган маъқул», — дедилар рози бўлиш-бўлмаслигимни кутиб ўтирмай. Лекин ўзиям нақ бурнимни ерга ишқаб ишлатганлар. Худди мана шу бир йилгина вақт менинг ҳаётимда бутун умримга етгулик мазмун касб этди. Чиндан ҳам меҳнатда гап кўп экан. Ҳам тоға, ҳам ота, ҳам устоз ўрнида менга ҳунар ўргатган, тарбия берган бу инсондан тоабад қарздорман...Тоғам айтганларидек, ҳар қандай касб ҳам, аввало, ҳаётни ўрганиш, яхши-ёмонни англаш орқали шаклланиб борар экан. Мен келаси йили аниқ мақсад ва қатъият билан ўша Тошкент театр ва рассомлик олийгоҳига ҳужжат топширдим. Омад бу гал мен томонда бўлди — кирдим! Драма ва кино актёрлиги гуруҳида ажойиб санъаткорлар қўлида таҳсил олдим...

— Агар кўнглингизга олмасангиз, шу ерда Сизга бир савол бермоқчийдим. Ўзингиз айтганингиздай, драма ва кино актёрисиз. Лекин нима учун театрда ишламадингиз ёки кинода бирор роль ўйнаб,ўз ижодий имкониятларингизни синаб кўрмадингиз!

— Аслида ўзимнинг ниятим ҳам ўқишни битиргандан кейин театрга ишга кириб, ижод билан жиддий шуғулланиш эди. Лекин баъзан арзимаган кичкина бир ҳодиса ҳам инсон тақдирини мутлақо бошқа ўзанга солиб юборар экан-да...Ўқишлар тугагач, биз, бир гуруҳ талабаларни йўлланма билан Сурхондарё мусиқали драма ва комедия театрига ишга юборадиган бўлишди. Йўлланмани рад этиш деярли мумкин эмасди. Кетишга тайёргарлик кўриб юрган кунларимнинг бирида мени телевидениедан йўқлаб қолишди. Авваллан турли кўрсатувлар тайёрлашда қатнашиб юрганим учун, яна бирор топшириқ бўлса керак-да, деган хаёлда чақирилган жойга етиб бордим. Мени ажойиб инсон, етук диктор Уктам Жобиров қарши олдилар. (Шафқатсиз ўлим яқинда бу бебаҳо инсонни орамиздан олиб кетди. Аллоҳ охиратини обод қилсин).

— Сурхондарёга кетаётганингни эшитдик, — дедилар босиқлик билан у киши. — Балки, тўғри қиларсан... Лекин менда бошқа таклиф бор: бизга ишга кел. Сенга ўхшаган ходимлар бу ерда ҳам жуда керак! Хўп десанг, институт номига хат қилиб берамиз. Ҳозирча дикторлик қиласан. Кейинроқ тузукроқ иш топилса, театрингга ўтиб кетаверишинг мумкин...

Рози бўлдим. Аммо ана шу «ҳозирча» деб қабул қилиб олган дикторлик ишим менинг тақдиримдаги энг севимли касб бўлиб қолишини ким ҳам ўйлабди дейсиз?! Агар Уктам аканинг таклифига кўнмай, Термизга кетворганимда, бирор дурустроқ роль ўйнаб, ҳозирдаги-

ОҚҚАН ДАРЁ...

дек одамларнинг назарига тушишдек улуғ бахтга муяссар бўла олармидим-йўқми, бунисини билмайман.

— Халқимиз Сизни нутқ маданиятини мукаммал эгаллаган, ўзини тута биладиган, мулоҳазакор, дилга яқин диктор сифатида яхши танийди ва қадрлайди. Бироқ Сиз кейинги вақтда бевосита вазифангизга кирмаса-да, муаллиф сифатида алоҳида кўрсатувлар тайёрлай бошладингиз. Бунинг сабаби нимада!

— Биласизми, бизда мавзу жиҳатдан бир хил, зерикарли кўрсатувлар жуда кўп. Мен Ўзбекистон ойнаи жаҳони кўрсатувларини кам кўрадиган, телевизор мурватини кўпинча бошқа дастурларга бураб қўядиган томошабинларни унчалик айбламайман, чунки одамларга завқ бағишлайдиган,фикр уйғотадиган, янгилик берадиган бақувват кўрсатувларни жуда кам тайёрлаяпмиз. Ваҳоланки, орамизда халқимиз учун улуғ ишлар қила оладиган фидойи олимлар, санъаткорлар, қаҳрамон даражасидаги пахтакору боғбонлар минг-минглаб топилади. Одамлар ана шундай таниқли кишиларнинг ҳаётини, дунёқарашини, ташвиш-ўйларини билишни истайди. Хўш, нима учун мана шу вазифани биз бажаришимиз мумкин эмас? Нима учун меҳнаткашларни қизиқарли дам олиш кўрсатувлари орқали янги-янги режаларга ундай олмаймиз? Ахир пахтакор ҳақида эшиттириш тайёрлаш фақат пахта ҳақида гапириш дегани эмас-ку?!

Мен ана шу мулоҳазаларга бориб, ўзим кўпдан бери ўйлаб юрган мавзуда мустақил кўрсатув тайёрлашга уриниб кўрдим. Бунга таниқли санъаткор Фаррух Зокиров ҳақидаги бўлмағур «миш-миш» лар туртки бўлди. Эмишки, шундай машҳур одам биттагина онасини қариялар уйига ташлаб қўйибди... Баъзи бировлар:«Сен Фаррух билан ака-укадайсан, ростдан ҳам шунақами?» — деб мендан сўрашди. Рост, мен Фаррух Зокиров ва унинг оила аъзолари билан илгаридан қадрдонман. Афсуски, одамнинг иззатини ерга урадиган бундай бўҳтонларни ким ўйлаб чиқарганини билмайман. Аммо ҳар қандай жойда айта оламанки, Зокировлар хонадонидек тарбияли, меҳр-оқибатли оила Тошкентда саноқли. Қолаверса, онага бўлган муҳаббат ва иззат-икромни мана шу оиладан ўрганиш керак!.. Лекин... бу гапларни нари борса беш-ўнта одамга тушунтириб бера олардим, ўшанда. Шунинг учун бу вазифани ойнаи жаҳон орқали бажаришга иштиёқ сездим. Мулоқотга Фаррух ака бажонидил рози бўлдилар. Назаримда, ўша биринчи кўрсатувимиз ёмон чиқмади. Томошабинлар кўрсатувни қайта намойиш этишимизни сўраб таклифлар билдиришгач, бу мавзуни давом эттириш мумкинлигига ўзимда ишонч ҳосил қилдим.

— Сизнингча, таниқли кишилар ҳақидаги бўлар-бўлмас «миш-миш»ларнинг иллат сифатида томир отиб кетишига сабаб нима! Ҳар ҳолда кўрсатувлар тайёрлаш жараёнида бу ҳақда бирор хулосага келган бўлсангиз керак!

— Бунинг биринчи сабаби — бизда ахборотнинг тақчиллиги. Инсон ҳақида сўз юритганда, унинг фаолиятига кўпинча бир ёқлама ёндошамиз. Ишчи бўлса — режани қандай бажараётгани, спортчи бўлса — нечанчи ўринга чиққани, олим бўлса — қанақа илмий мақола ёзгани... Инсон меҳнати ҳақида гап кўп, аммо инсон тақдири ҳақида ахборот йўқ. Бундай шароитда боягидай ёлғон-яшиқ гаплар тез тарқайди, энг ёмони, оғиздан-оғизга ўтиб, урчийди — игнадай нарса туядай бўлади. Бунинг пайини қирқадиган ҳақиқатни эса халққа биз, ижодкорлар ва журналистлар етказиб беришимиз керак.

— Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши халқимизга, айниқса, ижодкор аҳлига ёниб ишлашдек, дунёни англаш ва англатишдек, ўз иқтидорини баралла намойиш эта олишдек катта имкониятлар берди. Сиз бир зийли сифатида улардан қандай фойдаланишни истардингиз!

— Менга қолса ўздбек деҳқони ҳақида бошқа ҳеч қайси кўрсатувларга ўхшамайдиган бир кўрсатув тайёрлардим. Ариқ бўйида ўтири-и-и-б, оддий пахтакор билан мириқиб мулоқот қилардим... Биласизми,баъзан улар ҳақида ўрта жўн, умумий гаплардан иборат эшиттиришлар эфирга берилади. Сўрайман: нега бунақа? Уялмай-нетмай айтишади: дала кишисининг савияси бундан ортиғини кўтармайди!... Йўқ, ўзбек халқи ундай эмас. бу халқнинг ҳатто оддий кетмончиси ҳам сиёсатни теран тушунади, керак бўлса, исталган олим билан баҳслаша олгудек билими, ҳаёт тажрибаси бор. Насиб этса бу кўрсатувни, албатта, тайёрлайман.

— Сиз ўз мулоқотларингизда суҳбатдошингизга «Бахтлимисиз!» деган мазмундаги саволларни ҳам берасиз! Айтинг-чи, ўша бахт деган тушунча Сиз учун нима!

— Мен бахтни икки нарсада — касб танлаш ва умр йўлдош танлашда адашмасликда деб биламан.Оила тинч бўлса, ишдан кўнгил тўқ бўлса — қолган имкониятлар ўз-ўзидан юзага чиқаверади. Агар аксинча бўлса, энг катта бахтсизлик — мана шу!

— Ўзингиз-чи! Адашмаганмисиз!

— Йўқ. Агар Раиса оқила, фидойи жуфтиҳалолим бўлмаганида, ҳеч нарса қилолмаган бўлардим. У Тошкент Давлат университетида инглиз тилидан дарс беради. Ҳозир оналик таътилида — ўғлимиз Умиджоннинг парвариши билан банд. Қизимиз Зарифа эса тўққизинчи синфда ўқимоқда. Онаси сингари чет тилидан мутахассис бўлади, шекилли, бўш қолди дегунча инглиз тилидаги қўлланма ва адабиётларни ўқигани-ўқиган...

— Оиланинг мустаҳкамлиги, биринчи галда, аёл кишига боғлиқ, дейишади. Эркак — кўчага, аёл — уйга яратилармиш. Шу фикрга қандай қарайсиз!

— Оилада эркак кишининг ҳам ўз вазифалари бўлади. У битта ишда ишлайдими, ўнта ишда ишлайдими, бундан қатъи назар,энг аввало, оилани моддий жиҳатдан юз фоиз таъминлаши шарт. Айрим оилаларнинг етишмовчилик туфайли ажрашиб кетаётганлиги, афсуски, хунук ҳодисадир. Баъзилар эса хотин, бола-чақа учун кошона қуради-ю,сиз яшайвер, деб уларни ўз ҳолига ташлаб қўяди. Гўё вазифасини қойиллатиб бажариб қўйгандай... Менимча, оила мустаҳкамлигини эр-хотиннинг ўзаро ҳурмати, бир-биринчи тушунишга интилиши, фарзандлар тарбиясидаги жипслиги белгилайди. Агар эркак кўчадан бери келмаса, аёл рўзғор юмушларидан бўшамаса — фарзандларни ким тарбиялайди? Болалар онгида ота-онага ҳурмат, Ватанга муҳаббат,ўз халқига садоқат билан хизмат қилиш туйғулари, энг аввало, оилада шаклланиши керакмасми? Биз ота-оналарда уларни келажакка тайёрлашдан кўра муҳимроқ вазифа бўлиши мумкин эмас.

— Орзуларингизни билсак бўладими!

— Мен орзу қилмайман десам, тўғри тушунасиз деб ўйлайман. Чунки орзу — мен учун олисдаги нарса. Назаримда, бизнинг катта камчилигимиз шундаки, кўпчилигимиз орзуга берилиб кетганмиз. Режалар қилинади, лекин уни амалга ошириш эртанинг эмас, бугуннинг вазифаси эканлиги унутиб қўйилади. Дилдаги ниятни иложи борича тезроқ амалга оширишга улгуриб қолиш керак.... Менинг ақидам — шу...

— Бўш вақтларингизда нималар билан шуғулланишни ёқтирасиз!

— Оилам, фарзандларим даврасида бўлиш менга завқ беради. Афсуски, кўпинча ўзимнинг вақтим ўзимга боғлиқ эмас. Ишимиз шунақа: гоҳ кўрсатув, гоҳ ижодий сафар, гоҳ дўст-биродарларнинг туй-маъракалари...

— Телевизор ҳам кўриб турасизми! Сизга қайси кўрсатувлар кўпроқ ёқади!

— «Барҳаёт наволар» мусиқий кўрсатуви ва адабий-драматик кўрсатувларни ёқтираман. Кейин ўзимизнинг «Ахборот»ни... Сўнгги пайтда бу эшиттириш мавзу ва мазмун жиҳатидан анча янгилади. Энг сўнгги воқеалар, янгиликлар томошабинга тез ва тушунарли тарзда етказиб беріляпти.

Биласизми, ташқаридан қараганда одамга «Ахборот» жуда осон тайёрланадигандек бўлиб кўринади. Дикторликни ҳам «шундоқ ўриндиққа ўтиради-ю, матнни шариллатиб ўқиб ташлайверади», деб ўйлашади. Аслида ундай эмас. Эфирга тўғридан-тўғри бериладиган энг нозик, энг масъулиятли, энг оғир кўрсатув «Ахборот» ҳисобланади. Баъзида биттагина хабарни ўқиб тугатгунча жиққа терга тушиб кетасан, киши. Бунинг устига, кайфиятнинг қандайлигидан қатъи назар, томошабинга бир хилда — очиқ чеҳра билан кўринишинг керак...

— Мен эътибордан четда қолдирган яна қайси мавзуда фикр юритишни истардингиз!

— Тил мавзусида. Узбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин анча дағаллашиб кетган тилимиз асл ҳолига қайта бошлади. Унинг бир қадар жозибалашиб бораётганини биз, дикторлар, айниқса, кўпроқ ҳис қиляпмиз. Қаранг, қанчадан-қанча гўзал сўзларимизни тилимизнинг тагида кўмиб ётган эканмиз-а? Лекин тилшуносларимиз баъзи сўзларни ўзбекчалаштиришда сал шошилишяптими, дейман. Масалан, «диктор» сўзини «сухандон» деб ўзгартиришди. Бу шахсан менга маъқул эмас, чунки «сухандон» диктор деган сўзнинг бутун масъулияти ва мазмунини тўла ифодалаб беролмайди. Бу сўз менга худди «кўп сўзловчи» деган маънода эшитилади.

— Муштарийларимизга қандай истакларингиз бор!

— Соғ-омон бўлишсин. Хонадонларидан тинчлик-хотиржамлик аримасин. Яхши кунларда уларнинг хизматида бўлайлик!

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур. Яхши ниятларингиз ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Зарифа ЭРАЛИЕВА суҳбатлашди.

ДИЛКАШ ОҲАНГЛАР



Элимизнинг тарихи, умрбоқий анъаналари, удумлари, маънавияти, маданияти ва санъатини олам аҳлининг кўз ўнгида зоҳир этган қадим Самарқанд ўзининг жаҳонгир султонлари, фозилу фузалолари билангина эмас, мусиқа ва қўшиқчилик санъати бобида эл-улус қалбини забт этган ўлмас ҳофизу бастакорлари билан ҳам машҳурдир. Бу заминда туғилиб, камол топган Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Ҳожи Там-Там, Қурбонхон аз, Қорисирож Юсупов, Саъдулла Жўрабоев сингари санъаткорларнинг довруғи тилларда достондир.

Аждодлар ворисийлиги самарқандлик машҳур бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Равшан Ҳамроқулов ижодида ҳам ажойиб тарзда мужассамлашган.

— Отамнинг, илоҳо, умрлари узун бўлгай, санъатга ихлоси ғоят баланд. Унинг номдор созандаю бастакорлардан кўплаб дўстлари бўларди. Набижон Ҳасанов, Нажмиддин Аҳроров, Қорисирож Юсуповлар иштирокида субҳидамга қадар чўзилган шеърхонлигу қўшиқчилик кечаларида янграган дилбар куй-қўшиқлар митти қалбимга наво яратиш завқини инъом этди. Санъатнинг соҳир остонасига қадам қўйишимда тоғам Собир Насриевнинг хизматлари ҳам беқиёс бўлди,— деб болалик йилларини хотирлайди Р. Ҳамроқулов.

Асли най чалишга ихлоси баланд Равшан Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаевнинг маромига етган рубоб наволарини тинглаб, унда рубобнинг сирларини ўрганиш иштиёқи пайдо бўлди. Шу боис бўлиб, у Сиёб туманининг 2-Маданият уйи қошидаги рубобчилар дастаси машғулотларига қатнай бошлади. Бу ерда уни куй чалишнинг турфа сиру синоатларидан Д. Облобердиев, Ҳ. Баҳромов ва А. Аҳмаджоновлар воқиф этиб боришди.

Санъатга бўлган кучли муҳаббат Р. Ҳамроқуловни Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номли санъат билим юртига кириб ўқишга ундади. У ердаги таҳсил мобайнида устоз ва мураббийлар — Шариф Акрамов, Субҳон Усмонов, Олим Раҳмонов, Умар Хурсандовлардан мусиқанинг кўз илғамас нозик жиҳатларини ўрганди. «Шашмақом» туркумидаги мумтоз ашулалар, дилни ром айлагувчи гоҳи маҳзун, гоҳи равон куйлар жилоси унинг юрагига чўғ солди. Кези келиб, унинг ўзи ҳам ана шундай оҳангсоз бўлиб етишди, дилрабо қўшиқлар учун куйлар яратиш фазлу камоли унга ҳам насиб этди.

Илмгоҳ таҳсилини поёнига етказиб, Ҳ. Олимжон номидаги вилоят мусиқали драма театрига ишга келган Р. Ҳамроқулов театр жамоаси билан биргаликда Тожикистонга ижодий сафарда қатнашди. Жамоанинг концерт дастурини қардош республиканинг бир талай шаҳар ва ноҳияларда илиқ кутиб олишди. Самарқандлик меҳмонларнинг чиқишларини кузатиб юрган халқ артисти, А. Рудакий номли Тожикистон Давлат филармонияси директори Ғаффор Валламатзода Р. Ҳамроқуловни Душанбега ишга таклиф этди. Шундай қилиб, у Тожикистон пойтахтида саккиз йил қолиб кетди. Шу даврда қаҳрамонимизнинг бастакорлик фаолияти янада сайқалланди. Марказий Осиё халқларининг севимли хонандаси Жўрабек Муродов барномасидаги «Ту хушрўй» «Лайло», «Нарав-нарав» каби қатор қўшиқларнинг наволари дунё юзини кўрди. Р. Ҳамроқулов яратган бу куйлар тингловчилар эътиборига тушди.

Эндиликда С. Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика олийгоҳининг мусиқа куллиёти доценти Р. Ҳамроқулов талабаларга афғон ва қашқар рубоби сирларидан сабоқ беради. Назариёт билан амалиётни бирга олиб борган бастакор устоз сабоқ самарасига жиддий қарайди.

...Эҳ-ҳе, бу давр мобайнида у неча ўнлаб шогирдлар тайёрламади дейсиз. Олийгоҳнинг у раҳбарлик қилган биргина «Гулдаста» ҳаваскорлик жамоаси тарихидан талайгина ажойиб хонандаю созандалар катта санъат сари йўл олдилар. «Гулдаста» республика ойнаи жаҳонининг «Марҳабо, талантлар», «Зеҳн», «Ўзбекистон куйлагай», «Умид» ва «Мо аз Самарқанд» каби қатор кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни ишғол қилди.

Р. Ҳамроқулов яратган қўшиқлар қатор иқтидорли хонандалар бисотидан ўрин олган. Жўрабек Муродов, Комил Раҳимбердиев, Эргаш Жалилов, Тоҳиржон Мўминов, Самад Қурбонов, Мардон Мавлонов, Зиёдулла Салимов, Жалолиддин Қосимов, Муқаддам Саидов, Барно Ҳайдарова, Баҳром Мавлонов, ака-ука Раҳимжон ва Аминжон Шарипов, Илҳом Сирожиддинов, Замира Воҳидова ва Фарҳод Ҳалимовлар... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. «Гули садбург», «Гули анор», «Табассуми гулҳо», «Сеҳрли Самарқанд», «Ишим бордур ўшал оҳуда», «Мен қўшиқ куйлаганда», «Гулбаҳор», «Мустақиллик ўғлони», «Танбур», «Ўрим сочинг» каби ўнлаб жонбахш қўшиқ наволари фикримизнинг ёрқин далилидир.

...Субҳи содиқнинг ҳарир пардаларини ҳилпиратганча майин ва маҳзун қўшиқ авжи бутун борлиққа ҳаловатбахш кайфият ато этди. Бу илиқлик Равшан Ҳамроқулов бедор ўтказган тун маҳсули — жонбахш куй билан қоришиб, бошланажак янги кунга муқаддима ясади. Бағри тўла наво бўлган бу бастакорнинг яна бир асари шу тахлит яратилди. Ушбу муборак асар қалбларга эзгулик, ҳурлик ва поклик туйғуларини ҳадя этишига асло шубҳа йўқ...

Р. ҚОДИРАЛИЕВ.

ЖАНГГОҲДА ҲАМ ЖАРАНГЛАГАН БУ ДУТОР

1988 йил декабрь ойи охири. Тумандаги янги тайёрагоҳ майдони байрамона безатилган. 20 мингдан ортиқ мухлис анъанавий «Ҳосил байрами»ға тўпланган. Кенг олинган давра. Бир томонда дорбозлар, бир томонда спорт ўйинлари, бир томонда товусдек товланиб, хиром этаётган раққосалар, яна бир томонда қўлида дуторни ўйнатиб минг мақомга сайратиб, достонлардан парчалар айтиб, барчани қойил қолдираётган, кўпдан буён халқ қалбидан жой олган бахши. Бахшининг атрофи шинавандалар билан гавжум. Турли ёшдаги томошабинлар унга тикилиб, соз сеҳрига маст бўлиб тингламоқда. Бу — берунийлик мафтункор бахши Абди Отагелдиев эди.

80 баҳорни қаршилаётган Абди ота ҳамон меҳнат қучоғида, қўлида сози билан эл эътиборини қозониб, эъзозланиб келаётган пиру бадавлат қариялардан биридир.

Абди Отагелдиев Шоббоз волостининг Шимом қишлоғидаги «Қорақалпоқ» овулида қашшоқ оилада туғилди. Унинг отаси Отагелди Қадамов рўзғор тебратиш қийинчилигидан, қишлоқдаги ерли-сувли бадавлат бойлардан ҳисобланган Ҳусниддин нўғай, Тожибой, Эшчонбойлар эшигида силласи қуриб, эрта тонгдан қоронғи кечгача хизмат қиларди. Шунда ҳам қорни тўйиб нон емасди, усти кийимга ёлчимасди. Бироқ ота болаларининг пешонасига сиғмади—бегуноҳ Отагелдини «қизиллар» отиб ўлдирди. 5 ёшга етганда отадан етим қолган Абдини қишлоқ аҳли асраб, унга ғамхўрлик қилди.

— Мен ёшликдан қишлоқдаги Мусо, Жуманазар, Наватулло, Матчик деганларнинг уйида 8 йил чўпонлик қилдим,— ҳикоя қилади Абди ота.— Елланиб бойлар эшигида, қум ва қирларда қўй боқиб юрганимда, бойларникига бахшилар келиб, базм, суҳбат қурардилар. Менга шу бахши санъаткорларнинг қўлларини ювдириб, чилимларини янгилаб бериш буюрилар, севиниб, уларнинг достонларини тинглаб, сеҳрланиб қолардим. Кейин ўзим ҳам қамишдан дутор, соз ясаб, хиргойи қилиб, бахшилардан эшитган достонларимни сурув орқасида айтиб юрардим. Шу тариқа санъатга ихлосим орта борди. Шу дамларда қишлоқ бойлари қувғин қилиниб, жамоа хўжаликлари тузилди. Дастлабки ташкил қилинган «Тоза тур» колхозига аъзо бўлдим. Колхозда ишлаб юрганимда санъатга ихлосим, мойиллигимни билган Номозбой Дошқинов деган бахши мени ўзига шогирдликка олди. Дутор чалиш, достон айтиш сирларини эринмай ўргатди. Кейин устозим билан биргаликда Тўрткўл, Қипчоқ, Манғит, Кўхна Урганч ва бошқа жойларда тўй-базмларда бахшичилик қилиб, достонлар айта бошладим.

1932 йили Тўрткўлда ташкил қилинган радиоэшиттиришларга тез-тез таклиф қилиниб, бу ерда эфир орқали соз ва достонларим жаранглайдиган бўлди. Шу дамларда Тўрткўл шаҳрида ўтказилган бахшилар танловида қатнашиб, ғолиб чиқиб, эсдалик совғалар ва Автоном Республика Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотландим. 1937-1940 йилларда тумандаги халқ театри таркибида халқ талаби билан тез-тез ижодий сафар қиладиган бўлдим. Шу даврлардаги Автоном Республика пойтахти бўлган Тўрткўлдаги радиоэшиттиришларда ҳам мунтазам қатнаша бошладим.

Уруш кетаётган 1942 йилда санъаткор ҳамкасби Оллам Бекчонов билан Ватан ҳимоясига отланганда ҳам қўлидан дуторни қўймади, у. Саратов шаҳрига бориб, ҳарбий тайёргарлик даврида қисқа танаффус пайтларида достон айтиб, достон қаҳрамонларининг ватанпарварликларини куйлаб, қуролдошларини ғалабага руҳлантирди. Унинг санъатини кўрган штаб командирлари Абдига шароит яратиб беришди. Бахши ҳарбий қисмларда ҳам сози, овози билан хизмат қилди, штаб командирлари, аскарлар олқишига сазовор бўлди.

Жанггоҳда ҳам жаранглади бу дутор,
Йигитларни жасоратларга чорлаб.
Ватан севгисининг унда сеҳри бор,
Ҳамиша душманга нафрати қайнаб.

Липецк, Татишев, Елец, Орловский, Тамбов шаҳри атрофларида жанггоҳларда санъати билан хизмат қилган Абди Отагелдиев шимолий Воронеж атрофларидаги ўрмонларда дуторни вақтинча милтиқ билан алмаштирди. Душман даҳшат солаётган бу ҳаёт-мамот дамларида ғаним снарядининг ўқидан оғир яраланди. Шунда ҳам дуторини ёнидан қўймади, госпиталда овунчоғи ва ҳамроҳи — соз билан тиллашди. 9 ой даволангандан кейин киндик қони томган қишлоққа қайтиб келиб, жароҳатларга бардош бериб, Сталин номли (ҳозирги «Гулистон») жамоа хўжалигида ипакчилик бригадасига раҳбарлик қилди. Шу даврларда ҳам элнинг тўй-маъракаларига файз киритиб, «Сайёдхон ва Ҳамро», «Юсуф Аҳмад», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Бозиргон», «Хирмондали», «Авазхон» ва бошқа халқ қаҳрамонлик достонлари билан ихлосмандларни, эл аҳлини хушнуд қилиб келди. У санъатсевар бўлиш билан бирга, меҳнатсевар ҳамдир. Колхоздан пудрат асосида ер олиб, оилавий звенога бош бўлиб, унга полиз экинлари, чигит экиб, йил сайин мўл ҳосил олиб келишда ҳамон бош-қош. Қариганда бахти кулган Абди ота Ватандан, эл-халқидан ҳамиша миннатдор.

Ҳамон сафда у, санъату меҳнатда,
Етимликдан бахти кулган қария.
Эл эъзози роҳату фароғатда,
Куйлайди ҳамиша Ватаним дея.

Бу нуроний бахши-қария ҳамон эл эъзозида. Баралла янграйверсин жарангдор дуторингиз, Абди ота!

Саъдулла ОЛЛОМОВ,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

«Гулистон» ойномаси саҳифаларида мунтазам бериб борилаётган адабиёт, санъат ва маданият намояндаларининг ҳаёти ҳамда ижодига доир қизиқарли мақолалар, суҳбатлар, очерклар биз, муштарийлар учун айни муддаодир. Жумладан, унда ёшларнинг ижодий фаолиятига нисбатан катта эътиборни алоҳида таъкидлаш жоиз. Сизлардан илтимос, навбатдаги чиқишларингизнинг бирида хўжандлик иқтидорли хонанда Абдурауф Олимов ҳақида мақола ёритсангиз. Унинг ўзига хос овози ва ижро услуби, назаримизда, нафақат бизнинг оиламиз аъзоларини, балки барча санъат шайдоларини қизиқтиради.

Маҳлиё МИРСОАТОВА,
Пискент шаҳри».

...Ушбу саховатпеша замин бағрида ким кўп — қўшиқчи кўп. Аммо барчага бирдек маъқул бўладиган, шинаванда хотирида узоқ муддат сақланиб қоладиган дилрабо қўшиқлар яратиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Инчунин, куй ва қўшиқ сеҳрига маҳлиё қалб дилга маънавий шукуҳ берадиган оҳангни фақат ўзигина танлаши мумкин. Шу боис бўлса керак, ҳеч қачон ҳеч бир инсонга: «Мана бу қўшиқни ёқтирасан ёки фалон номдор қўшиқчига ихлос қўясан»,— дея фармони олий бериб бўлмайди. Бугунги ўзбек эстрада қўшиқчилиги санъати ривожига улкан ҳисса қўшаётган тожикистонлик иқтидорли хонанда Абдурауф Олимов ҳам ўзининг дилтортар қўшиқлари ила кўпчиликнинг қалбини аллақачон ром этиб улгурган санъаткордир. А. Олимов билан суҳбатимиз, асосан, ижодий жараёнлар хусусида кечди...

ЮЛДУЗЛАР МАҲЛИЁ БОҚАР

(ХЎЖАНДЛИК ТАНИҚЛИ ЭСТРАДА ХОНАНДАСИ АБДУРАУФ ОЛИМОВ БИЛАН СУҲБАТ)

— Абдурауф ака, энг аввало, биринчи устозингиз ҳақида гапириб ўтсангиз..

— Мен санъат аталмиш мўътабар даргоҳга акам Абдуғофир Олимов орқали кириб келдим. У киши тор, рубоб чертиб, ашула айтиб юрардилар. Акамдан фақатгина соз чалиб, қўшиқ хиргойи қилишнигина эмас, балки қўшиқчиликнинг талай сир-асрорларини ҳам ўргандим. Биз ўқиган мактабда «Санъат ғунчалари» деб аталувчи тўгарак бўларди. Унинг мусиқа раҳбари Забиҳилла Боқиев ва бадиий раҳбар Сайдулла Маматқулов сингари меҳрибон мураббийларнинг бошланғич сабоқлари, самимий ўгитлари санъаткор бўлишимда салмоқли ўрин тутган. Бироқ дастлабки пайтларда машҳур ҳофиз Шерали Жўраев ижодига кўпроқ тақлид қилганимни айтиб ўтмоқчиман. Ш. Жўреав ўз ижро услубимни топиб олишимда катта ёрдам берган. У кишининг кўплаб бегараз ўгитлари туфайли мен ўз созимни, овозимни, мухлисларимни топдим.

— Сиз ижро этадиган қўшиқларнинг кўпчилиги муҳаббат мавзунда. Сир бўлмаса, айтинг-чи, бунинг замирида нима ётади!

— Қўшиқ — одамзод ички руҳиятининг шаффоф кечинмаси, у инсониятнинг буюк тафаккур неъмати. Тўғри таъкидлаб ўтдингиз, соф инсоний муҳаббат — мен суйган доимий мавзу. Азбаройи борлиқ ва гўзалликни, ҳаётни, оилам, бир-биридан ширин дилбандларимни жон қадар севганимдан, кўпроқ ушбу мавзуда ижод қиламан. Биласизми, бу дунёда мавжуд барча нарсалар ўткинчи. Йиллар ўтиши билан муҳаббатдек бетакрор синоат янги-янги пардаларда қайтадан юз очади, сайқалланаверади. Инсон пайдо бўлгандан бери неча минг йилликлар ортда қолган бўлса-да, одамлар ҳамиша ушбу туйғуга соф бир илоҳий маъбуд сингари сажда қиладилар. Улар муҳаббат илкида ўзларини, ўзликларини англаб етадилар. Бобомиз Алишер Навоийнинг дурдона асарларидаги Лайли ва Мажнун, Абдулла Қодирий яратган Кумушбибию Отабек, Раъною Анвар сиймоларини нечун ҳалигача соғинамиз, излаймиз, уларга ҳавас қиламиз? Менимча, уларга бўлган чексиз ҳурмату ҳавасимиз боиси уларнинг қалбида мужассам бокира инсоний муҳаббатдандир. Ҳар сафар «Ўтган кунлар» мутолаасига киришсам, суйгани ила бўлолмай умрбод армонда яшаганлар нигоҳим қаршисида жонланаверади. Шу аснода қалбимда янги қўшиқ туғилади. Кишилар ўртасида меҳр-муҳаббат устувор бўлмаса, маъзур тутингу, дунё аллақачон остин-устин бўларди. Назаримда, шундай инжу кечинма инсониятни ўзаро боғлаб турибди. Бунинг қадрига етиш жуда-жуда зарур, токи биздан асрларга татигулик мустаҳкам меҳр кўргони қолсин.

— Катта саҳнага чиққан илк кунларингизни эслайсизми!

— 1975 йили Ленинобод давлат педагогика олийгоҳининг чизмачилик ихтисосига доҳил бўлиб, куллиёт қошидаги бадиий тўгаракка қатнай бошладим. 1976—77 йилги ҳосил байрами кунида концерт бериш учун пахтакорлар ҳузурига бордик. Унгача эса институт саҳнасида бир неча чиқишлар қилгандим. Биз борган Ленинобод шаҳар маданият саройи соҳибкорлар билан тўлган экан.

«Энди бу ёғи қандай бўлди?» дея жуда ҳаяжонланиб тургандим — менга навбат берилди. Иккита қўшиқ ижро этишим керак эди. Сўраяпсиз, нокамтарлик бўлса-да айтай, чиқишим шинавандаларга маъқул келди, шекилли, томошагоҳда гулдурос қарсаклар кўтарилди. Мухлислар истагига кўра яна 5-6 та янги қўшиқ куйладим. Шукр, ўшандан буён элу юртнинг хизматидаман. Тайёрлаган ҳар бир концерт дастуримни шинавандалар ҳукмига ҳавола этишдан олдин менғ учун галдаги синов лаҳзаси бошланади.

— Тошкентда ҳам анча пайт ишлаган экансиз, нега пойтахтдан кетиб қолдингиз?

— 1982 йили Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев мени М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясига ишга таклиф қилгандилар. Шу ташкилотда 1985 йилга қадар ишладим. Санъаткор сифатида шаклланишимда устоз М. Мирзаевнинг хизматлари кўп сингган. Филармонияда доимий ишлашни ният қилгандим. Бироқ уйдагилар: «Кўз олдимизда бўлганинг маъқул»,— деяверишгач, юртга қайтиб кетдим. Айни пайтда Камол Хўжандий номидаги вилоят театрида яккахонлик қиляпман. Тошкентдаги ижодкор, санъаткор дўстларим олдига тез-тез бориб тураман. Тошкент барча ижод аҳли учун улкан имкониятлар даргоҳи. Йилда икки-уч бор ўз ижодий дастурим билан концертлар бераман, Ўзбекистонлик мухлислар мени доимо очиқ кўнгиллик билан кутиб олишади...

— Сизнингча энг машаққатли юмуш нима?

ҚЎШИҚҚА

— Энг оғир, шу билан бирга, ўта лаззатбахш юмуш бу — қўшиқ яратиш. Сиз ҳам ижодкор сифатида бу жараённи яхши биласиз. Баъзида бир сатрни деб неча тунларни бедор ўтказгансиз, ўқигансиз, излангансиз. Ва, ниҳоят, ўзингизга лозим сўзни топганингизда, шодлигингиздан ичингизга сиғмай қолгансиз. Мен шеърни ўзим танлаб, унга мос куйни ўзим ёзаман. Агар яратаётган қўшиғимнинг «оби-тоби» меъёрида бўлмаса, уни ҳаргиз саҳнада куйламайман. Ҳар гал янги қўшиқ, унга ҳамоҳанг мусиқа яратсам, ўзимни дунёга қайтадан келгандек сезаверaман.

— Мени маъзур тутасиз-у, лекин айни даврда мумтоз ашулачилик билан замонавий қўшиқчилик бир-бирини иккор этаётгандек. Бу ўринда хонандаларнинг ҳам «ҳиссаси» ғоят «юксак» бўлаётир. Шу соҳанинг бевосита бир вакили сифатида масалага қандай қарайсиз?

— Алҳол яна менинг дардимни янгиладингиз-да, ука. Яратганга шукроналар бўлсинким, мустақиллик бизга умри хазон янглиғ сарғайган боқий анъаналаримизни қайта тиклаб берди. Ўзини ҳурмат қилмаган, ўзлигини унутган ҳар қандай миллат халқ тарзида шаклланиб, тарих саҳнидан муқим ўрин олмайди. Мақом ва мақомчилик санъати устида тўхталадиган бўлсак, бу қадим илоҳий аҳкомни бузиб, унинг қадрини ер билан яксон қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Мавриди келса, ёшларимиз буни тўғри тушуниб етишади. Ҳозир мусиқа илмгоҳларидаги талабаларда мақомга қизиқиш катта бўлаётир, чунки «От айланиб қозиғини топади». Кишининг маънавий дунёқарашини сеҳру сано қадар юксакларга кўтарувчи мақом яна миллионлаб кўнгиллардан ўз қўналғасини топади... Буни юрагим сезиб турибди. Ўзим ҳам мақом йўлларида катта концерт дастури тайёрлашни кўпдан бери ўйлаб юрибман. Насиб бўлса, яқин орада тилагим рўёбга чиқиб қолар.

— Бир-биридан ажойиб уч фарзанднинг отаси экансиз. Айтинг-чи, жужукларингиз ҳам сиздек санъаткор бўлишни хоҳлармидингиз?

— Хоҳлашга-ку хоҳлайман-а, аммо қуруқ истакнинг ўзи билан иш битмайди. Маълумки, санъаткор бўлиш учун, энг аввало, Яратган эгам берган иқтидор, букилмас ирода ва сўнмас қобилият бўлиши керак. Катта ўғлим Алишер тил ўрганишни яхши кўради. Ҳозир инглиз тили бўйича махсус мактабни тугаллаш арафасида турибди. Узбек тилидан ташқари инглиз, рус, тожик тилларини мукаммал ўзлаштириб олган у. Ундан ким бўлмоқчисан деб сўрасам: «Жаҳоннинг ҳамма юртларини айланиб чиқа оладиган зўр тадбиркор бўламан», — дейди. Наргиза билан Бобуримиз эса қўшиққа, соз чалишга қизиқишади. Чамамда, улар ота изидан боришса керак.

— Хорижда ҳам бўлганмисиз?

— Руминия ва Болгарияда ўтказилган Тожикистон кунларида қатнашганман. Умуман олганда, санъаткор тез-тез хорижга — ижодий сафарларга чиқиб туриши лозим. Нега дейсизми? Бугунги мухлислар анойи эмас. Улар орасида жаҳонгаштаплари кўп. Айниқса, тужжорлар дунё маданиятини санъаткорга нисбатан кўпроқ кўришяпти. Бир ўлкадан бошқа ерга чиқмаган қўшиқчи олам кезган мухлиснинг диди, талаби ва дунёқараши даражасида қанақа маънавий озуқа бера олиши мумкин? Хорижий давлатлар билан бўлган санъат ва маданият борасидаги алоқалар янаям яхши йўлга қўйилса, халқимиз, мамлакатимиз учун фақат кони фойда бўларди. Миллий санъатимиз ва маданиятимиз эса дунёаро тезроқ юз кўрсатарди.

— Қайси адиблар ижодига қизиқишингиз кучли?

— Инсон ақлу заковатининг, тафаккурининг олий неъмати бўлмиш бадиий адабиёт мутолааси менинг жону дилим. А. Қодирий, А. Қаҳҳор, С. Аҳмад, П. Қодиров, У. Ҳошимов ва шу сингари қатор ёзувчиларимиз асарларига тез-тез мурожаат қилиб тураман. Айниқса, «Ўтган кунлар»ни неча марталаб қайта ўқидим. Ўқиганим сари яна, яна ва яна ўқигим келаверади.

— Ижоддан ташқари суйган машғулотингиз?

— Спорт билан доимий шуғулланиб тураман.

— Сиз яратган қўшиқлар сони бир юз элликдан зиёд экан. Уларнинг яратилишида сизга ҳамкор бўлаётган созандалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Созандаларсиз қўшиқ яратиш мумкин эмас. Тингловчиларга манзур бўладиган қўшиқлар дунёга келишида гитарачи укамиз Муҳаммаджон Аъзамов, доирачи Абдуллажон Жабборов ва синтезатор чалувчи Низомжон Ғофуровлар хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу йигитларнинг ҳаммаси ҳам мукаммал касбий маҳорат соҳибидирлар.

— Қайси шоир ва бастакорлар билан доимий ҳамкорлигингиз бор!

— Ҳожи Абдулла Ориф, Эркин Воҳидов, Ўлмас Жамол, Тўра Сулаймон, Умида Абдуазимова каби шоирлар, М. Мирзаев, Қ. Комилов сингари бастакорлар билан ижодий робита ўрнатганман.

— Тўю маъракаларда, хуш-хандон кунларингизда бирга бўладиган санъаткор дўстларингизни ҳам санаб ўтсангиз...

— Биз бир гуруҳ хонандалар билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Бирга йиғилдик дегунча, ўзаро ютуқ ва камчиликларимизни муҳокама қиламиз. Ҳар биримиз ўз ижодий режаларимиз устида бош қотирамиз. Илҳом Иброҳимов, Қиличбек Тожиев, Шерали Жўраев, Қодир Мирашуров, Зокиржон Ҳусанов, Тўлқин Ҳайдаров, Нуриддин Ҳайдаров, Ғиёс Бойтоев, Шуҳрат Давлатов, Охунжон Мадалиев ва Ҳожибой Тожибоевлар билан тез-тез йиғилиб турамиз.

— Орзу ва армонларингиз!

— Юрагида орзу майсаси ниш урмаган одам бўлмаса керак. Орзуларим бир жаҳон. Армон кўксини тирнамаган бирор инсон бормикан ўзи, бу очунда! Бизнинг бахту камолимизни кўролмай ҳаётдан эрта кўз юмган падари бузрукворимни эсласам, юрагимнинг бир чеккаси узилиб кетгандай бўлаверади.

— Нимани яхши кўрасиз!

— Яхши қўшиқни,..

— Ва Сиз ёмон кўрган қусур!

— Умр бўйи бир аъмолга эътиқод қилиб, эътиқодига содиқ қололмаган иродасизларни.

— Ҳаётда доимо амал қиладиган шиорингиз...

— Ҳалоллик ва самимийлик. Айниқса, санъат соҳасида холислик ва самимият бўлмаса, билингки, у инқирозга юз тутади.

Суҳбатимиз охирлаб борарди. Хонанда созни қўлига олди. Унинг ижросида бутун борлиқни ўзига ром этувчи, даромади шўх, авжи маҳзун қўшиқ янгради. Унинг ҳадемай авж пардаларда юлдуз тўла самоларга ўрлаётган дилкушо оҳанглари кўнгилларга раббоний бир инжу янглиғ жозиба бахш этди. Тун қаърида паноҳ топган минг турфа сеҳру синоат — ўн беш кунлик ҳилол ёғдуси, милтираб турган митти юлдузларнинг майин живир-живири тараладётган қўшиқ сўзларига маҳлиё бўлиб боқишарди...

Суҳбатдош Раҳмон ҚОДИР.

ҲУЖЖАТЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Мустамлакачиликка, улуғ давлатчиликка асосланган тарих кемтикликка маҳкумдир. Бундай кемтикликни ўз даври тикламаса, келажак албатта тиклайди. Вақт буюк ҳакам, у ҳамма нарсаларни ўз ўрнига қўяди.

Ислом КАРИМОВ.

Муҳтарам журналхонлар эътиборига ҳавола этилаётган қуйидаги икки ҳужжат ва бир ҳикоя миллий матбуотда илк бор эълон қилинмоқда. Улар Туркистон ўлкасида маорифни ривожлантириш нуқтаи назаридан эътиборга молик.

XX аср Марказий Осиё, Кавказ, Волга бўйи ва Урал орти туркларининг маънавий отаси ҳисобланган Исмоилбек Ғаспринский қрим туркlари вақтли матбуоти, усули жадид мактабларининг ривожига асос солиш билан бирга, Туркистонда янги усулдаги мактабларнинг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатди, асримизнинг дастлабки йилларида ва кейинроқ Беҳбудий ҳамда бошқа маърифатпарварлар билан учрашиб, суҳбатлашиб, уларнинг маърифатпарварлик, жамоатчилик фаолиятларини қўллаб-қувватлайди.

Беҳбудий ўз хотираларида Исмоилбек билан Истанбулда учрашиб, ўн тўрт соат суҳбатлашганини ҳикоя қилади, Туркистон халқини ғафлатдан уйғотиш ҳақида куйиниб гапирганини эслайди.

Дарҳақиқат, Ғаспринский Туркистон халқлари ҳақида кўп ўйлаган инсондир. Унинг Туркистон генерал-губернатори Розенбахга йўллаган мактуби ҳам фикримизга далил бўла олади.

Мактубда ўлкадаги мактабларни ислоҳ қилиш, рус тилини, миллий кадрлар ўқитиш масаласи қўйилган. Ғаспринский миллий мактабларда рус тилини шу ернинг вакиллари ўқитса, мусулмонларга қулай бўлишини уқтиради. Чунки эътиқод жиҳатдан бир-бирига номуносиб кишиларнинг ўзаро яқинлашуви талайгина ноқулайликлар туғдириши табиий ҳол. Шу боис, у миллий мактабларда миллий ўқитувчиларнинг дарс ўтишини таклиф қилиши ўз даври учун муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо бундай таклиф чор маъмурлари учун мутлақо кутилмаган ҳодиса эди. Миллий масала каби нозик муаммони, айниқса, ўзлари босиб олган ер аҳолисининг маорифига аралашиш, уларга ўз тилларини давлат тили сифатида ўқитишни Петербургнинг рухсатисиз ҳал қила олмас эдилар. Шу боис губернатор ҳам Ғаспринскийнинг таклифи юзасидан В. Наливкин, Н. Остроумовларнинг фикрини сўраган. Ашаддий шовинист Остроумовнинг бу масалага салбий қараши табиий ҳол. Мусулмонларни насронийликка ағдариш учун «Инжил»ни ўзбекчага таржима қилган кишидан нима ҳам кутиш мумкин?

Н. Остроумов фаолияти ҳали атрофлича ўрганилгани йўқ. Лекин 20-йилларда Чўлпон, Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва бошқалар томонидан унинг фаолияти танқид қилингани мутахассисларга маълум. Қуйида эълон қилинаётган ҳикоя қаҳрамони «Туркистон бобойи» ҳам Н. Остроумовнинг ўзидир. Биз ҳикоя ва хатларни ортиқча шарҳлаб ўтирмадик. Ҳурматли журналхонлар унга ҳақиқий баҳони берадилар, деб ўйлаймиз.

Сотимбой ХОЛБОЕВ,
Сирожиддин АҲМАД.

ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

ОСТРОУМОВНИНГ ЖАВОБИ

Туркистон генерал-губернатори девонининг иш юритувчиси вазифасини бажарувчи Сиз зоти олийнинг топшириғига кўра, менга ушбу сана—7 июлда, 4424-сонли рақам билан Исмоилбек Ғаспринскийнинг мусулмон мактаблари тўғрисидаги хатининг нусхасини ихтимомга етказиш учун юборилган эди.

Мазкур хат билан танишиб чиқиб ва уни муҳокама қилиб, мен аввало жаноб Ғаспринскийнинг журъатига ҳайрон қолдим. Зеро, рус чет ўлкаси — Туркистонга мутлақо алоқаси бўлмаган жаноб Ғаспринскийнинг бундай муҳим, рус давлатчилиги маъносида аҳамиятга молик масалани Сиз зоти олийнинг диққатингизга ҳавола қилиши ҳайратлидир. Бу масаланинг Туркистоннинг туб аҳолисига бевосита алоқаси йўқ, номаъмурий шахс томонидан муҳокама қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган ишдир.

Мазкур хатга ўз мулоҳазамни билдиришга ўтар эканман, мен Қозон ва Тошкентдаги кўп йиллик хизматларим даврида, умуман, ғайрируслар ва татар маорифи масаласи билан яқиндан таниш бўлганлигимга асосланиб , қуйидаги фикрларимни Сиз зоти олийга айтишни ўзим учун шараф ва хизмат бурчим деб биламан: жаноб Ғаспринскийнинг мусулмонлар рус тилини ўрганишга кам эътибор беришининг сабаби ва бу ишни соддалаштириш усуллари ҳақидаги хати, менинг фикримча, Туркистон маъмурияти учун ҳеч қандай янги кўрсатма бўла олмайди ва, шунингдек, ўқув маҳкамаси учун ҳам Туркистон ўлкасида маҳаллий маорифни ташкил этишда қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Туркистон ўлкасидаги туб аҳоли симферополдагилардан бошқачароқ, бизнинг сартларнинг мактаб тартиблари ҳам ўзгачароқдир. Масаланинг моҳияти, яъни болаларни янги соддалаштирилган усулда ўқитишнинг фойдаси, албатта, Ғаспринскийнинг ўзидан кўра, Туркистон ўлкаси ўқув маҳкамасига кўпроқ аён.

Россия мусулмонларининг рус тилини ўрганишларига тўсиқ бўладиган сабабларга эътибор бермай (мутаассиблик, мусулмонларнинг бегонасираши ёхуд янада бошқачароқ жиддий сабаб бордир), мен ўзимча, ҳайратга соладиган бир далилни келтиришни лойиқ кўраман: Ички Россиядаги татарлар жаноб Ғаспринский тимсолида рус тили ва татар мактабларида ўқитишнинг янги усулини қўллаш ҳақида ўйлай бошладилар. Яқиндагина рус ҳукумати татар амалдорларидан давлат тилини билишни қатъий талаб қила бошлагандан кейингина Ғаспринский томонидан 1884 йилда Боқчасарайдаги «янги усул» мактаби очилди. Ваҳоланки, татарлар подшо Иван Грозний давридан буён, яъни уч юз йилдан кўпроқ вақтдан бери Россия фуқаролигида яшаб келмоқдалар. Туркистон ўлкасида рус-

тузем мактаби илк бор 1883 йилда, яъни Тошкент босиб олинганига 20 йил тўлмасдан очилган эди. Бу вақтда Ғаспринский ўзининг «Рус мусулмонлари» рисоласида ғайрижинсларнинг руслаштирилиши ҳақида кескин тарзда айтиб улгурган эди. Ҳозир Туркистон ўлкасида рус-тузем мактабларининг сони 21 тага етди. Агар ҳукумат давлат аҳамиятига молик муҳим ишга катта маблағ сарфлашга имкон топса, бу рақам бундан кўпроқ ҳам бўлиши мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг сартларимиз ўз болаларини ўқитиш учун ойига 1 сўмдан пул тўлаш имкониятига эга эмаслар.

Туркистон ўлкасидаги мусулмон мактаблари (мадраса ва мактаблари)ни қайта ташкил этиш масаласига келсак, у жаноб Ғаспринскийга Тошкент газеталаридан маълум. Ҳозирги пайтда бу масала кун тартибида навбат кутиб турибди (жаноб Наливкин икки вилоятдаги тузем мактаблари тўғрисида ўз ҳиссоботини тақдим этди). Бу масала жаноб Ғаспринскийнинг кўрсатмасисиз ўз жойида ҳал этилиши керак, зеро, бу масалада у кишининг бохабарлиги халқ маориф вазирлиги томонидан эътироф қилинган эмас, шахсан менинг учун эса бу тўғридан-тўғри шубҳалидир. Россия ғайрижинсларининг саводхонлиги ишида бизга уларнинг тўрмуши,урф-одатларининг дахлсизлигини қизғин ҳимоя қилувчи ғайрижинс-татарнинг эмас, балки халқ маорифи вазирлиги рус аъзосининг кўрсатмаси керак. Мен Ғаспринскийнинг рус тили ва рус саводхонлигини Туркистон тузем мактабларида ўқитишни ерли аҳоли вакилларининг ўзига топширилиши ҳақидаги фикри билан мутлақо келиша олмайман. Бу ҳозирги пайтда мутлақо амалга ошириб бўлмайдиган ишдир. Чунки Туркистон ўлкасида рус тили ва методикасини биладиган муллалар йўқ. Айни пайтда бу мутлақо номатлуб ва бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Ишончим комилки, давлат (рус) тилини мусулмонлар орасида маҳаллий мактабларда рус ўқитувчиси бўлмасдан туриб, кенг ёйиш мумкин эмас, жаноб Ғаспринскийнинг мусулмонларнинг руслардан бегоналаштирувчи истаги ҳам кўриниб турибдику? Бошқа томондан эса мен рус ҳукумати маҳаллий аҳолига рус тили ва хат-саводини шунчаки ўргатишини, улар рус маъмурияти билан оддий алоқалар истаётганини эътибордан соқит қила олмайман. Бинобарин рус тилини «давлат тили» сифатида ўрганишни амалий осонлаштириш ерли аҳолини рус ҳокимияти ва Россия билан яқинлаштириш қуроли бўлиб хизмат қилмоғи керак. Айни пайтда яна бир нарсани эслатишни лозим кўраман: тарихда бўйсундирилган ғайрижинсларнинг босқинчилар билан яқинлашувини уларнинг ўзига ишониб топширилгани ҳақида бирорта ҳам мисол йўқ. Бу (ижтимоий-сиёсий ҳаётда — С.Х.) мутлақо бемаънилик бўлур эди.Ҳатто хитойликлар ҳам бунга йўл қўймаган бўлур эдилар. Ана шу масалада Германия кучли мисол бўла олади: у ерда познанлик славянларни ва бошқа босиб олинган халқларни ўзаро яқинлаштириш узлуксиз равишда қаттиққўллик билан ғайрижинсларнинг аралашувисиз амалга оширилмоқда. Шу боис, бизнинг Россиядагидан бутунлай бошқа натижаларга эришилмоқда.

Гарчанд Россияда Москва подшоҳлари даврига нисбатан рус маданияти улкан муваффақиятларга эришган бўлса-да, XIX аср охирларига келиб, ғайрижинсларни руслаштириш секин ва ишончсизроқ тарзда бораётганини ниҳоятда қайғуга ботган ҳолда айтишни мен ўзимга эп кўраман. Менинг фикримча, бундай тафовутга ҳозирги рус кишиларининг ғайрижинслар маорифи ва руслаштирилишига бошқача қараши сабаб бўлаётгандир. Шу билан бирга, бу масала ғолибларнинг ва, айниқса, мағлубларнинг маънавиятига ниҳоятда кескин таъсир қилишига сира ҳам иккиланмаса бўлади.

Нима бўлса-да, бир нарса маълум: маҳаллий аҳоли фақат рус фуқароси бўлибгина қолмай, рус тили, яъни рус подшоси ва бутун рус халқи тилидан бегона бўлмаслиги шарт; акс ҳолда бизнинг маҳаллийларни руслаштириш тўғрисидаги уринишимиз фақат уриниш бўлибгина қолади ҳамда ғайрижинсларга бу шунчаки ҳаракатдай туюлади, деб ўйлаш имконини беради, бундай ҳолат эса ўтмишда Қозонда бўлган эди.

Ҳозирги фурсатдан фойдаланиб, мен шуни айтмоқчиманки, Туркистон маъмуриятининг маҳаллий аҳоли орасида рус тилини тарқатиш ҳақидаги ғамхўрлиги давлат аҳамиятига дахлдор ҳисобланади. Шу боис, бу иш алоҳида масала бўлмай, у Сиз баланд даражаликнинг 1891 йил 30 декабрдаги 3084-рақамли кўрсатмангизда айтилганидек, бошқа турли хил маъмурий тадбирлар билан мустаҳкам боғланган ҳолда кўрилмоғи керак.

Улканинг рус мустамлакасига айлантирилиши Туркистон аҳолисининг руслаштирилишига хизмат қилмоғи зарур. Бу эса уларни рус халқи ва Россия билан яқинлаштиришнинг энг қулай ва тўғри воситасидир.Рус мустамлакачилигининг Туркистон учун муҳим аҳамияти агар, Буюк Москва князларининг Новгород ва Псков каби чин рус шаҳар ва вилоятларига нисбатан олиб борган сиёсати эсга олинса, тўла маълум бўлади: бу шаҳарлардан юз ва минглаб оилалар Москва князлиги чегарасига кўчирилиб, уларнинг ўрнига эса туб москваликлар жойлаштирилган эди. Бошқа томондан яна шу нарса ҳам аниқки, қадимдан Россияда ғайрирусларни руслаштириш ҳозирги даврдагидан жуда кенг ва тўла бўлган: авлод-аждоди рус бўлмаган машҳур рус фамилиялари (Шереметьев, Аксаков, Карамзин,Мамаев, Енчалиев) ва бошқа кўпгина кишилар, ҳатто, лингвист бўлмаганларга ҳам маълум. Ҳозирги пайтда бизлар ғайрирусларнинг бутунлай бошқача интилишини, яъни рус маданиятининг барча афзалликларидан фойдаланиб қолиш ва унинг ёрдамида ўзларининг миллийликларини бутун хусусиятлари билан қатъий ҳимоя қилишга интилишларини кўриб турибмиз. Шундай ғайрируслардан бири татарлар бўлса, Ғаспринский ҳам шу миллатга мансубдир. У ўзининг «Таржимон» газетасида етарли даражада аниқ фикрларни айтиб улгурди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин, у Россиядаги «Ёш татарлар» фирқасининг йўлбошчиси сифатида ўз таъсирини ҳатто Туркистон аҳолисига ҳам ўтказмоқчи, шуни афсус билан қўшимча қилишим мумкинки, у бунда кўп нарсага улгурди, Тошкентда ҳам унинг ҳамфикрлари бор.

Фикримни тугатар эканман, марҳум И. А. Аксаковнинг қуйидаги самимий ва ўтли сўзлари беихтиёр эсимга тушади: «Бирор кимсани руслаштириш учун, энг аввало, ўзинг руслашмоғинг, ўзингнинг рус бўлмоғинг ва ўзингни рус ҳис қилмоғинг керак, шундай бўлсинки, бу ҳисда заррача ҳам иккиланиш бўлмасин» (Русь, № 9, от 31 августа 1895 г.).

Татарларни ва бошқа рус мусулмонларини руслаштирувчилар ва бошқалар учун оташин рус ватанпарварларининг сўзлари тўғри келади. Туркистондаги рус фуқароларини руслаштириш борасида кўрсатма беришдан олдин, уларнинг ўзлари рус бўлмоғи, ўзларини рус ҳис қилмоғи лозим.

Марҳум Туркистон генерал-губернатори татарларни, Ўрта Осиё чўлларни бўйлаб исломни ёйувчи ўлкадаги энг зарарли кишилар, деб бекор айтмаган эди.

Бу — факт, у билан ҳали Россия келажакда ҳисоблашишига тўғри келади.

Жаноб Наливкиннинг фикри ушбу нусхага илова қилинмоқда.

Уқув юртлари Бош инспектори йўқлиги учун Н. Остроумов. (Хаттот кўчирилган нусхага Н. Остроумовнинг ўзи шахсан имзо чеккан — С. Х.).

Урисчадан ўзбекчага С. ХОЛБОЕВ ағдарган.

Мирмуҳсин ШЕРМУҲАММАД

«ТУРКИСТОН БОБОЙИ»

Йигирманчи асрнинг маданий тўлқини неча асрлардан бери жаҳолат уйқусида ухлаган «Туркистон бобойи»ни ҳам таъсирсиз қолдирмади. XIX аср охирларида, тиб-тинчгина ётиб, уйқусида боши қалқмаган «Туркистон бобойи» XX асрнида одатдагича уйқуда ўтказмоқчи эди. Лекин унинг бахтига қарши адабсиз болаларидан бир неча зотлар 5-6-йилларда[1] бизларга «Ислоҳ керак, тараққий керак», деб бошқа онгли халқлар бирла баробар майдонга отилдилар.

«Туркистон бобойи» ўзининг қучоғидан очқиндирган бу даҳрий ва адабсиз болаларига темир бармоғини сузди ва уларни ғазаб ила тортиб олиб, ўзининг ўралган серпахта кўрпасига ўраб ухлатмоқчи бўлди. Лекин «Туркистон бобойи»нинг тузган плани ул болаларнида йўлдан дўндира[2] олмади.

Олайган кўзлари, узатган темир бармоқлари, иссиқ, қолин кўрпалари ул болалар учун бир тийинлик қиймати йўқ кўринур эди, чунки ул зотлар кўп ухлаб, уйқудан турғон эдилар...

5-йилни «Туркистон бобойи» ўзининг «манфур болалари» бирла аҳамиятсиз мунозаралар қилишиб, ўтказса-да, 6-йиллардаги жиддий ҳаракатлар, миллий тилаклар ва янги ихтиролар «Туркистон бобойи»нинг роҳатини бузди. Бобой бу равишда ҳаракат этиб юрган болаларига танбия этувдан ариди, юзи сарғайди. Демак, бир иш ишлий олмади.

Охири ўзининг адаб доирасинда юрган ҳақиқий болаларидан, яъни уламо номини олган дин одамларини қутуртириб тағи болаларига «дин» номиндан куфр печатини бостирди. Бу тажриба-да, яхши натижа бермади. Охири, «Туркистон бобойи» ишнинг вақти ўтган эканлигини ва не чоғли фитна қўзғатсада, мақсадига эриша олмаслигини англаб, устинда яшагувчи болаларини маслак эътибори бирла «қадимиюн», «жадидиюн» деб иккига айирди. Бу фикр бирла-да, «Туркистон бобойи» ўзининг мақсадига етиша олмаганлиги табиий эди. Чунки «қадимиюн» маслагига бутун уламо синфи била бойлар, эшонлар ва қаро халқлар ҳаммаси кирар эди. «Жадидиюн»га келсак, мунлар, бармоқ билан санағонда сони ўндан ортмаган ўзиндан бикрак (ҳам) миллатини яшатувини суйган ҳақиқатпарварлар, фидойилардан иборат эди.

«Туркистон бобойи» бу масалада яшагувчи икки фикрли болаларини санаб, «қадимиюн»нинг «жадидиюн»га нисбат бирла неча минг карра кўп эканлигини англаб, шукур этмакда эди. «Туркистон бобойи» бу хаёлинда ҳам алданди. Жадидлар ўзларининг муқаддас ғояи амалларини вужудга келтирмак учун бутун шахсий фойдаларини фидо этгувчилар эди. Ушбу қасд бирла Тошкентда миллий газеталар нашр этилди. «Жамияти хайрия» очилди, молхонадан иборат бўлган усули қадим исминдаги мактаблар ўринларига ибтидоий даражада усули жадидлар қўйилди. Имлоларининг афу этилмаслик даражада хатоси бўлса ҳам янги мактабларга асос этилиб, бир тўда янги китоблар босилди ва бир неча янги кутубхоналар очилди. Лекин «Туркистон бобойи»нинг мунгли кўзёши бирла қилган дуоси қабул бўлиб, ётоқхонадан иборат, яъни эски мадрасаларимиз эски ҳолларинча қолди.

Тошкентда XX асрнинг 6-7-йилларда бўлган ушбу ўзгаришларидан «Туркистон бобойи» ўзининг суюкли боласи... афандидан қатъий ранжиди. Чунки юқоридаги муқаддас фикрларни ҳаммаси хусусинда деярли...афанди, жиддий суратда ҳаракатлар кўргузган эди.

«Туркистон бобойи» ўзининг маркази бўлган Тошкентдаги бу ҳодисаларга обдираб ва ишларни билмади. Бир кўзини «қадимиюн» партиясига қаратиб, маним сиздан умидим шулми эди? Дегансимон товуш чиқарди. Лекин фойдасиз... Бу вақтда бир кўзи Самарқанд, Ҳўқанд ва Андижон ҳамда бошқа ўзининг доирасиндаги шаҳарларда эди. Демак, ул шаҳарда ҳам иш бутун ўзгарган: «Қироатхона»лар ёки «кутубхоналар», янги «мактаблар» ва ҳоказо замонга мувофиқ бир неча нарсалар ўрин олган, ҳукумат мактабларинда ўқувчиларнинг сонлари ортқон.

«Туркистон бобойи» бу кўнгилсиз воқеаларни кўриб икки йил қадар ҳушсиз бўлиб ётди. Бир вақтлар ҳушина келиб, кўзини милдиратиб, Бухородан ўзига ёрдам сўрамоқ бўлди,не кўз бирла кўрсинки, чин умид ила тилаган Бухоросинда иш бошқача эди. «Турон» ва «Бухорои шариф» исми ила икки газета чиқа бошланган, мактаблар ҳам ўзгарган. «Туркистон бобойи» чин мақсади бўлган Бухородан ҳам қатъи назар этиб, бир неча минут сукут этиб, фикрда турди. Бу вақт сукутда унга икки ўй (хаёл) келиб чиқди. Биринчиси, муҳит таъсирина қараб юрмак ва иккинчиси, Фаспринскийга ачуланмоқ эди. Мунда «Туркистон бобойи» шул икки фикрни хўп яхши этиб, муҳокама қилди-да, «ётиб қолгунча, отиб қол» деб иккинчи фикр бирла амал этди.

Фаспринский ҳазратларина аччиқ кўзи бирла қараб, лабларини қимирлатиб, ўзининг мақсадини англатмоқчи бўлиб: «Маним болаларимнинг фикрларини очиб, маним тилагимга қарши ҳаракатлантирдингиз», — деб бир неча қаттиқ-қаттиқ сўзлар сўйлади. Лекин тажрибакор Фаспринский ҳазратлари «Туркистон бобойи»нинг бу сўзларига бирда аччиқланмайинча шу жавобларни берган:

— Эй, муҳтарам «Туркистон бобойи»! Меним ўттиз йилдан бери ўқ чиқариб турғон «Таржимон» исмли газетам ва ўзимнинг тутқон маслагим, бутун Русия давлатиндаги мусулмон қариндошларимиз, алалхусус, Туркистондаги сенинг болаларингнинг ҳозирги давр интибохда, ғафлатда ётувлари, виждонли ва имонли кишиларнинг албатта виждонларини азоблайди, меним фикрим ўшал қардошларимни ҳам ғафлатдан уйғотиб, замонанинг оқимига тобе ҳаракатлантирмакдир. Асрлардирки, Туркистонлй заволли қардошларим олим номини олғон жоҳил муллалар, ислом динини пичратған эшонлар, ўқув ва ёзув билмаган нодон бойларнинг зулмлари остинда ислом дини бермиш муқаддас ҳуқуқларидан айрилиб, эзилмакдалар...

Фаспринский ҳазратларининг олижанобона берган бу жавоблари «Туркистон бобойи»нинг «қуруни васат»дан[3] берли тош каби қотиб қолган кўнглини юмшатди. «Туркистон бобойи» энди ҳақиқатни ўйлаб, бугунга қадар йўқлаб келган азиз болалари учун қўрқув, зулмдан иборат эканини очиқ англади ва ўкина бошлади. Бу хусусда ўзини огоҳлантурган Фаспринскийга ташаккур ва раҳматлар ўқиди.

Мана, «Туркистон бобойи» шу кундан эътибора(н) устинда яшагувчи азиз болаларига ҳуррият, том ила эркинлик берди. Демак, бошқа табиатга кўчиб, ҳурматли болаларини турли-туман умидлар кута бошлади.

Табиий, Туркистоннинг азиз болалари ўз боболарина(н) кенг ҳуқуқ олғон, бир неча вақтлар жиддий ва миллий тажрибаларда бўлдилар. Рўмонлар, адабиётлар, бири ортиндан бири нашр этила борди. Охир(ги) йилларда Самарқандда «Оина», «Садойи Туркистон» ва «Садойи Фарғона» исми ила жўрнол ва газеталар кўрина бошлади. Муҳтарам «Туркистон бобойи» бу шодлик манзараларга ҳақиқий кўз ила қараб, бу ишларга чин фидойилик кўрсатган фаол болаларига самимона раҳматлар ўқир ва аларнинг шуйла миллий ҳаракатларининг давом этмагини тилар эди.

Лекин «Туркистон бобойи»нинг истиқболдан кутган миллий талаблари вужудга кела билмади. Чунки юқорида санаб ўтган газета ва жўрнолларимизнинг муассислари шах-

сият деган бадбахт нарсага берилиб кетдилар ва муштарий йўқ, деган каби турли баҳоналар топиб, асарларини тўхтата бошладилар. Асл бошда асос этилиб тутилғон шахсият балосига муштарий йўқлик мурод тутилди. Мана шул ҳолларни эътиборга олиб, янгигина қалин кўрфасини устиндан ирғитган «Туркистон бобойи»нинг янада уйқуси келди. Ирғитган мандарини оқринғина тортиб олиб, бошига қўйди.

Ҳозир Тошкентда чиқиб турувчи муҳтарам «Ислоҳ» мажаллаи динияси ила яна бир аср йўқолмоқға маоҳада этишди.

«Туркистон бобойи» тараққийпарвар номини олган бўяма фикр, тажрибасиз, ёш ўғлонларидан нафратланиб, уларга салқин кўз билан қарий бошлади. Охири, мана, устимиздаги ўн олтинчи йил XX асрнинг энг мудҳиш, умидсиз йилларидан бўлса-да, «Туркистон бобойи» бу йил ҳам жиддий кўз ила қараб, ўзининг ишчан болаларинда гўёки, бир умид кутмакда эди. Лекин начора болалари... Охирги натижа эса миллионларча мутаассибларнинг юдрақлари остинда қолган ва бармоқ бирла санаганда, сонлари қирққа етмаган Тошкент ёшлари тафарруқа балиясига гирифтор бўлиб, икки фирқага айрилдилар. Бир қисми, «Турон тўдаси» исминда бир жамият ташкил этмиш ва иккинчи қисми, эса шул «Турон»чиларга эътироз этиб, ўзаро бир партия ясамоқчи бўлсалар керак.

«Туркистон бобойи» икки партиядаги болаларнинг қайсиларининг ниятлари ҳақ экан, деб оқринғина уста кўз соладилар. Агар ҳар икки фирқанинг фикри бир бўлиб, оғиз ила иш битириб, ғоясини фаолиятига қўя олмаса «Турон» ва фалондан ҳам нафрат этиб «Ислоҳ» мажалласи ила тузган маоҳадаи мужибинча, яна бир аср уйқуга кетмакчи эди.

«Туркистон бобойи» ҳақиқий назар этган «Турон» тўдасин-да оз бўлса ҳам янги умидлар бор эканини сезди. Отинда бир бўлғон ижтимо миллияда ўртага отган муҳиммуҳим масалаларнинг нофеъ эканлигини англади. Ҳозирги муҳокама этилмакда бўлган ғоя амалнинг майдонга чиқмоқлигини муҳтарам «Турон» тўдаларидан самимона ижо қилур. Шояд муҳтарам «Турон» тўда устинда яшамакда бўлган боболари Туркистонни яна бир аср ухламоқдан сақласалар, иншоолло.

«Шўро» журнали 1916 йил 15 апрель, № 8.

Нашрга тайёрловчи С. АҲМАД.

---

[1] 1905—1906 йилларда — **муҳарририят.**

[2] Қайтармоқ.

[3] Ўрта асрлардан.

Ушбу асар татарча шевада ёзилган. Имконият борича шева сақланди — С. А.

Тўра ЖУМАН

ЎЗГА ЮРТНИ ҲАВАС ҚИЛМА...

Ўзга юртни ҳавас қилма, кайф-сафо шу ватанда,
Жаннатга тенг бу ер, барча муддао шу ватанда.

Яхши бўлсанг, олам яхши, асло завол кўрмайсан,
Жонни фидо қила билсанг, жон фидо шу ватанда.

Дастурхонинг очиқ бўлиб, Ҳотамтойга ўхшасанг,
Истаганча дўст-қадрдон ҳам ошно шу ватанда.

Содиқ бўлсанг дилбарингга, ғам-ғуссани кўрмайсан,
Вафо қилганларга доим чин вафо шу ватанда.

Кимки, Тўра, аҳдни бузса, фақат кўрсин ўзидан,
Бевафолик қилганларга бевафо шу ватанда.

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР

Қилар ишни вақтида қилиб қол, кеч бўлмасин,
Қолган ишга қор ёғар, ўйларинг пуч бўлмасин.

Яхшилик яхши, лекин у қўлингдан келмаса,
Сен томондан бировга ёмонлик ҳеч бўлмасин.

Қўполликни йиғиштир, кўнгилларни ранжитма,
Қайтар дунё дейдилар, сенга ҳам ўч бўлмасин.

Баҳо берувчи — қўшни, аҳил яша у билан,
Муносабат бузилиб, сўнгра кўч-кўч бўлмасин.

Доноларнинг суҳбати одамийликка ундар,
Дўстларим, Тўра Жуман нодонга дуч бўлмасин.

ОЙ БОҚАДИ ШОД БЎЛИБ

Эй, севгилим, тунда кезсак, ой боқади шод бўлиб,
Суви майин куй таратиб, сой боқади шод бўлиб.

Қир бағрида ўтлаётган эчки, қўзи, қўйларим,
Она йилқи ёнидаги той боқади шод бўлиб.

Наврўзда биз илк учрашдик, ўша фурсатдан буён
Борлиқ кулиб марту апрель, май боқади шод бўлиб.

Суҳбат қурсак гулшан аро гуллар мисоли яшнаб,
Чирой очиб узоқ-яқин жой боқади шод бўлиб.

Яхшиланди эл турмуши, бундан мамнунман, Тўра,
Камбағаллар қолмай бари бой боқади шод бўлиб.

Муҳсин ҚОДИРОВ

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

(ШУКУР БУРҲОНОВ МЕНИНГ ҲАЁТИМДА)



Театршунослар ўзларида санъатга бўлган меҳр-муҳаббатнинг уйғонишида у ёки бу театр, саҳна устаси қанчалик таъсир кўрсатганлигини камдан-кам тан олади-лар. Мен бу тамойилни бузиб, мутахассис сифатида шаклланишимда қандай таъсирлар бўлганини аниқлашга ҳаракат қилмоқчиман.

1940 йил мен илк маротаба Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» спектаклини радио-карнайи олдида бутун борлиқни унутиб, чанқоқлик билан тингладим. Сўз оҳанглари орқали одамларнинг қиёфаларини, ўзаро муносабатларини тасаввур қилардим. Спектакль тугагандан сўнг (билмадим, у ёзувмиди ёки жонли ижро-миди), узоқ вақт ўзимга кела олмадим, ҳатто ота-онам хавотирга тушишди. Мени, Ғофир ролини ижро этган актёрнинг овози ниҳоятда ҳаяжонга солган эди. Бу овозда бутун дунё мужассам эди: гоҳ у жилға бўлиб оқарди, гоҳ момақалдироқдек гумбурлар, яшиндек чақнар, гоҳ истеҳзоли, гоҳ дарғазаб жаранглари. Овоз соҳиби Шукур Бурҳонов эканлигини билмасдим. Кейинчалик, уруш йилларида мактаб ўқувчиси пайтларимда яна бир неча маротаба тинглаб, деярли бутун спектаклни ёдлаб олгандим. Шу тариқа А. Ҳидоятов, С. Эшонтўраева, Ш. Бурҳонов, О. Хўжаев, Р. Ҳамроев, А. Исматов, Р. Пирмуҳамедов ва бошқа кўплаб ўзбек саҳнаси ва кино усталари аста-секин менинг ҳаётимга кириб келди-лар.

50-йилларда Тошкент Санъат институтининг театршу-нослик бўлимида таҳсил олган кезларим эди. Шукур Бурҳонов Ўрдада менга номаълум бўлган икки киши билан қизғин суҳбатлашарди. Унинг устида жужун кос-тюм, сочлари ҳурпайган, гаплари салобатли, айниқса, овози дарҳол ўткинчиларнинг диққатини тортарди. Биз актёрлик факультетидаги ўртоғим М. Отабоев билан сал нарироқда тўхтадик ва яширинча суҳбатга қулоқ тутдик. Ш. Бурҳонов бизни пайқаб, чақирди. Мен уялиб боришга иймандим, лекин Маъсуд мени судради. Са-ломлашдик. Бу бақувват гавдали кимсанинг қўллари қандайдир ғайритабиий равишда юмшоқ ва мулойим эди. У менинг театршунослик бўлимида ўқишимни эшитиб, ҳазил аралаш деди:

— О, у ҳолда сиз билан, яхши йигит, қуюқроқ сўра-шиш керак экан, бўлмаса танқид қилиб ташлайсиз.

Мен ўзим ҳам сезмаган ҳолда беихтиёр тез жавоб қайтардим:

— Шукур ака, ахир Сизни танқид қилиб бўладими, Сизни фақат мақташ мумкин, мақташ учун эса шоир бўлиш керак.

Афтидан, менинг жавобим унга маъқул келди шеки-лли, у хижолатомуз кулди ва елкамга қоқиб, ўқишим-га муваффақият тилади.

Шукур Бурҳонов ижросида кўрган илк спектаклим «Бой ила хизматчи» бўлди. Мени ҳамма нарса ларзага солди: режиссура, кўринишлар, либослар, актёрлар. Спектаклда ҳайрон қоларли даражада ҳаётий ҳақиқат, залворли тўқнашувлар, саҳнавий характерлар, овоз ва ҳаракатлар, товуш, рангтасвир ва ёруғлик уйғунлиги мавжуд эди. Мен ўша пайтда қандайдир мантиқий бу-зилиш ёки бошқа камчиликларни кўрмаганман. Ҳамма-си мен учун аҳамиятли, ажойиб, ғоятда мафтункор эди. Айниқса, Шукур Бурҳонов ижроси. Дастлаб Ғо-фир — Ш. Бурҳонов менга жуда суст кўринди, Солиҳ-бой — О. Жалилов тўй харажатлари ҳисоб-китобида уни шилаётганини сезса ҳам, «ғинг» демайди, ўзини кам-ситади. Бироқ кейинчалик мен Ғофир — Ш. Бурҳонов ички драматизмга тўла эканини, фақат бошланишда ўз эҳтиросининг юзага чиқишига йўл бермаганини тушун-дим. Менга ўшанда у ўз куч-қудратига ишонган, атроф-га хотиржам назар ташлаётган қафасдаги сервиқор йўлбарсни эслатганди. Воқеалар ривожланиб борар экан, йўлбарс қафасдан чиқади ва «савдолашиш», минг-боши ва ҳукм саҳналарида ҳайқириб, барчани даҳшатга солади. Мен у пайтларда бу қаҳрамонона-романтик ижро эканини, Шукур Бурҳонов Ғофир ролида ўз мақса-дига эҳтиослар, ҳис-ҳаяжон орқали эришганини ҳали билмасдим.

50-йилларнинг биринчи ярмида Шукур Бурҳонов Ҳамлет («Ҳамлет») Ҳоким («Ревизор»), Сотилмиш («Туркия ҳақида ҳикоя»), Фарҳод («Севги афсонаси»), Йўлчи («Қутлуғ қон»), Карл Моор («Қароқчилар») тим-солларини яратди. Биз талабалар Шукур аканинг Олим Хўжаев билан галма-гал ўйнаган Ҳамлет ва Карл Моор сингари образлари ҳақида баҳслашардик. Менинг бета-рафлигим бошқа талабалар назарида беқарорликдек, баъзан ҳатто, реалистик санъатга хиёнатдек туюларди. Мен фақат уларни кечинма санъатигами ёки намойиш санъатига — қай бирига киритишни билмасдим. Нега деганда, ўша пайтлар ўқитувчилар бизга К. С. Станис-лавский мактаби социалистик реализм спектаклини яра-тишда дунёда ягона услуб, кечинма — бу санъат, на-мойиш эса — косибчилик, деб уқтиришарди. Шукур Бурҳонов билан Олим Хўжаевнинг қай бири ким эка-нлигини аниқлаш мен учун ниҳоятда мушкул эди, чунки ҳар қайси актёрда мен ҳам кечинмани, ҳам намойишни кўрардим. Уларнинг ҳар бири ўз қаҳрамони қиёфасига кирган эди, лекин гавдалантиришда ҳам кечинма, ҳам намойишни уйғунлаштирган ҳолда ўз йўлидан бо-рарди.

Шундай бўлдики, мен ўз курс ишларимда (1953 й.) Шукур Бурҳоновнинг янги роллари ҳақида ёздим — бу-лар, энг аввало, Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя» ва «Севги афсонаси» драмалари асосида саҳ-наларштирилган спектакллардаги Сотилмиш ва Фарҳод тимсоллари эди. Фарҳодда Ш. Бурҳоновнинг ташқи кў-ринишига ҳайрон қолганман: ёши ўтинқираган, лекин жисмоний кучли, олижаноб кимса эди. Режиссёрлар А. Гинзбург, М. Уйғур, актёр Ш. Бурҳонов Н. Ҳикмат йўлидан бориб, Фарҳодни шаҳзода ва баҳодир сифати-

да гавдалантиришдек анъанавий талқиндан воз кечиб, уни оддий инсон қиёфасида намойиш қилдилар. Шу билан бирга, томошабинларнинг севимли қаҳрамони сиймосида ватанпарварлик ва инсонийлик сифатлари таъкидланган эди. Фарҳод — Ш. Бурҳонов жўн одам эмасди: унда ички қудрат, шоиртабиатлилик сезилиб турарди. Мен унда баъзилар таъкидлаганидек, биргина ҳис-ҳаяжонни эмас, балки мулоҳазакорликни ҳам кашф қилгандим. Кўп қатори мени ҳам Ш. Бурҳонов яратган Сотилмиш образи ларзага солган. У ички қувват ва эътиқодга эга буюк инсон, бамисоли улкан қоя эди. Сотилмиш — кекса халқ бахшиси, сўқир. Шу боис у деярли ҳаракат қилмайди, бироқ актёр образга сингиши, қаҳрамонининг руҳий оламини чуқур ҳис қилиши орқали шундай таъсирчанликка эришган эдики, гўё улкан паҳлавонга айлангандек бўларди, полиция бошлиғи (С. Табибуллаев) ва бошқа хоинлар унинг атрофида чумолига ўхшаб қоларди, у бутун борлиғи билан тинглар, шошилмасдан, виқор билан жавоб қайтарарди, халқ иродасини ифодаловчи доно чол бўлиб гавдаланарди. Образ ҳақида мулоҳаза юритиб, мен ўша пайтларда Сотилмиш — реалистик образ бўлиб, унда Ш. Бурҳоновнинг қаҳрамонона-романтик интилишлари тадбиқ этилган, деган хулосага келганман. Актёрнинг ҳам ҳиссий, ҳам ақлий уринишларининг натижаси ўлароқ символ даражасига етказилган улкан саҳнавий умумлашма тарзида қабул қилганман.

1954 йили Ҳамза номли театрда практикада бўлдим, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асари бўйича Т. Хўжаев ўтказган репетицияларни кузатдим. Шукур Бурҳонов Йўлчи ролини ижро этди. Салкам икки ой давомида мен Ҳамза театрининг энг яхши спектаклларидан бирининг дунёга келиш жараёнини, ажойиб образлар силсиласини, шу жумладан, Ш. Бурҳонов ижросидаги Йўлчи образини кузатиш бахтига муяссар бўлдим. Ш. Бурҳоновдан ташқари спектаклда С. Табибуллаев, А. Турдиев, Ғ. Аъзамов, Н. Раҳимов, З. Муҳаммаджонов, Я. Абдуллаева, И. Болтаева, З. Ҳидоятова ва бошқа тажрибали актёрлар банд бўлишди. Саҳналаштирувчи режиссёр (ҳам инсценировка муаллифи) Т. Хўжаев ҳар бир унсур, ҳар бир саҳнани маромига етказиб, зўр иштиёқ билан ишларди. У ижрочилардан репетиция жараёнида ҳам бор кучни беришни талаб қиларди. Бироқ бундай ишлашни ҳамма ҳам хоҳлайвермас, ҳоҳлаган тақдирда уддасидан чиқолмас эди. Шу маънода Шукур Бурҳонов ҳаммага ўрнак эди. У репетицияга образ ҳақида чуқур ўйлаб, фикрини бир ерга жамлаб, тайёрланиб келарди. Ҳамма руҳан унга яқинлашишга интиларди. Бошқалар кўпинча танаффусларда ўзаро ҳазил қилишлари, талтайишлари мумкин эди, бироқ Ш. Бурҳонов бунга йўл қўймасди. Агар у саҳнадошининг дангасалик қилиб, қўл учида, хўжакўрсинга ишлаётганини сезиб қолса, шу заҳоти репетицияни тўхтатарди. Ундан ҳатто талабчан, ижрочилардан, айниқса Ш. Бурҳонов билан ўтадиган саҳналарда ўта масъулиятли бўлишни талаб қилувчи Т. Хўжаев ҳам ҳайиқарди. Одатда Ш. Бурҳонов билан ўтадиган репетицияларда саҳнада ва залда сукунат ҳукм сурарди. Бир куни боғ саҳнаси репетиция қилинаётган пайтда (Мирзакаримбойнинг шўх қизи Нури Йўлчини ёрдамга чақирарди), Н. Раҳимовнинг Я. Абдуллаевага қарата айтган ҳазил гапидан актёрлар кула бошлашди, залда бир чеккада ўтирган биз, талабалар ҳам кулдик. Шунда Ш. Бурҳонов бирданига залга ўгирилди-да, — «Анави шайтонлар бу ерда нима қилишаяпти», — деб ўшқирди. Гарчи ушбу сўзлар бизга қарата айтилган бўлса-да, лекин биринчи навбатда актёрларга тегишли эди. Ҳамма жим бўлди. Ғазабланган Ш. Бурҳонов чиқиб кетди.

«Қутлуғ қон» спектакли жамоатчиликка 19 май куни кўрсатилди. Негадир шу куни спектаклни муҳокама қилишмади. Афтидан, бу спектакль мутахассисларда қарама-қарши мулоҳазалар туғдиргани билан боғлиқ бўлса керак. Лекин премьера муваффақият билан ўтди. Ойбекнинг ўзи Т. Хўжаев ва ижрочиларни мақтади. Оддий томошабин спектаклни, айниқса, Ш. Бурҳонов ижросини завқ билан қабул қилди. Бугун йиллар ўтиб, «Қутлуғ қон» Ҳамза номидаги театрнинг, режиссёр Т. Хўжаевнинг энг йирик, аҳамиятли ишларидан бири эканлигини очиқ-ойдин ҳис қиламан. Гарчи спектакль қурилмасида баъзи бир тарқоқликка йўл қўйилган бўлса-да, деярли барча образлар режиссёр томонидан чуқур ўйланиб, ижтимоий жиҳатдан ўткир ҳал қилинган ҳамда актёрлар орқали ажойиб ижро этилган. Улар орасида Ш. Бурҳонов яратган Йўлчи образи алоҳида ажралиб турарди. Унда мен Ғофир ва Сотилмишнинг қайсидир қирраларини, яъни қаҳрамонона қиёфани, ички туғён ва эътиқодни, оддийлик ва олижанобликни кўрганман. Шу билан бирга бу янги, тўлақонли образ эди. Йўлчи — Ш. Бурҳоновнинг ажралиб турадиган хусусияти — бу оддий қишлоқ йигити дунёқарашининг шаклланиши ва унинг революцияга кириб келишини кўрсатишга интилишдир. Йўлчи — Ш. Бурҳонов ҳаётни, одамларни диққат билан кузатади, тинглайди, таҳлил қилади, умумлаштиради, буларнинг ҳаммасини нафақат сўз билан, балки бутун борлиғи билан, кайфияти, оҳанглари, кўз қарашлари, ички туйғулари билан ифода қилади.

«Қутлуғ қон» спектакли ва Йўлчи образи яратилиш жараёнини кузатиш менинг театршунос сифатида шаклланишимда муҳим бўлди. Агар мен илгарилари саҳна ижоди моҳиятини маърузалар ва китоблар орқали ғоятда мавҳум тушунган бўлсам, «Қутлуғ қон»дан сўнг энди амалий равишда, ушбу жараённинг барча мураккабликларини, спектаклнинг бор қисмлари ва воситаларининг ўзаро боғлиқлигини ўз кўзим билан кўриб, яхши англадим. Шукур Бурҳоновга келсак, у баъзи бировлар тасаввур қилганидек фақат ўзининг шахсий ҳис-туйғуларига таянадиган (интуиция) актёр эмас, балки образ мазмуни ва ҳаётни чуқур англаш билан юксак умумлашмага ва образнинг бадиий яхлитлигига эриша оладиган заҳматкаш актёр эканлигига энди батамом ишонч ҳосил қилдим. Умуман, актёрлик санъати — бу катта меҳнат, улкан ақлий ва жисмоний куч-қувват маҳсули эканлигини бутун қалбим билан ҳис қилдим.

Мен театр танқидчиси сифатида Шекспирнинг «Юлий Цезарь» асари ҳақида илк бор тақриз ёздим. Тақризим 1958 йил 18 майда «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида босилди. Унда Ш. Бурҳонов маҳоратига юқори баҳо берилган эди. Бир неча кундан кейин, Шукур Бурҳонов мени кўришни истаганини айтишди. Мен ташвишга тушдим — аввал иккиландим, кейин унинг олдига боришга қарор қилдим. Биз Ҳамза номидаги театрга кираверишда учрашдик. Мен ўзимни танитдим. Шукур Бурҳоновнинг чеҳраси ёришди, елкамдан енгил қучиб, миннатдорчилик билдирди:

— Миннатдорман, азизим. Лекин... мақолангизда менинг ишимга ортиқроқ ўрин берилгандек туюлмаяптими?

— Йўқ, Шукур ака, Сизнинг Брутингиз том маънода спектаклнинг қаҳрамонидир. Сизнинг хизматингиз туфайли, бу. Очиғини айтганда, Сиз яратган Брут алоҳида таҳлилга лойиқ, бироқ газета мақоласида бунинг иложи йўқ. Мақолада фақатгина таъриф-тавсиф ва баҳо берилган, холос, чинакам таҳлил йўқ.

— Баракалла, мен ҳам Сизга шуни айтмоқчи эдим. Кўпчилик танқидчилар актёр ишини, саҳнавий таҳлил қилишни уддалай олмайдилар. Сиз ҳали ёшсиз, ҳаммаси олдингизда.

Чиндан ҳам мақолада, афтидан, менинг эҳтиёткорлигим туфайли, гарчи қаҳрамон деб айтилмаган бўлса-да, Брут образи алоҳида ажралиб турарди. Саҳналаштирувчи режиссёр А. Гинзбург, унинг ўз сўзларига қараганда, онгли равишда шундай йўл тутган. Муҳокамада у Цезарни мустабид, айни чоқда ҳам оддий, ҳам улуғвор инсон сифатида, Брутни эса — кучли, murosasиз республикачи сифатида кўрсатмоқчи бўлганини, шу боис барча муаммоларни шу образда мужассамлаштирганини айтган эди. Аммо шу нарса ҳам аниқки, Брут образи Шукур Бурҳоновнинг қудратли трагик истеъдоди туфайли марказий образ даражасига кўтарил-

ган. Агар Шукур Бурҳонов бўлмаганда эди, режиссёрлик ечими янги бўлган тақдирда ҳам, Брут бу даражага кўтарилмасди.

Бизнинг ўзаро муносабатимиз ана шундай бошланган эди. Очиғи, биз Ш. Бурҳонов билан қалин дўст эмасдик. Мен ўзимни узоқроқда тутардим. Балки шунинг учун ҳам бизнинг ўртамизда танқидчи ва актёрнинг самимий, малакали муносабати вужудга келгандир. Ш. Бурҳонов билан кўплаб махсус ва тасодифий учрашувлар бўлиб ўтган. Бу учрашувларнинг барчасини таърифлашнинг иложи йўқ. Фақат шуни айтишим мумкинки, бу учрашувлардан у ҳам, мен ҳам жуда мамнун бўлардик.

Ҳар гал Шукур Бурҳонов ҳақида бир нима ёзмоқчи бўлсам, алоҳида масъулият ва қандайдир қўрқинч ҳисси туярдим. Шу боис айрим ёзганларим босилмай қолиб кетган. Шундай ёзувлар ичида «Бир севги афсонаси», «Мирзо Улуғбек», «Йўлчи юлдуз», «Шоҳ Эдип» сингари спектакларга аталган тақризлар бор. Чунки Шукур Бурҳонов танқидга ҳам талабчанлик билан муносабатда бўлиб, қуруқ мақтовларни ёқтирмас, образнинг ва умуман спектаклнинг ҳаққоний малакали таҳлилини тан олар эди. Лекин мен ҳар бир ролни неча мароталаб кўрганман (Шоҳ Эдип билан Сулаймон отани эса йигирмадан зиёд бўлса керак), устанинг ижодий ҳаётини чархамай кузатганман, унинг муваффақиятлари ва ижодий юксалишидан қувонганман. Алоҳида образлар ҳамда актёр ижодининг ривожланиши ҳақидаги фикр ва хулосаларимни республика театр санъати муаммоларига бағишланган умумлашма иншоларда ва унинг ҳақидаги махсус мақолаларда баён қилишга интилганман. Менинг Шукур Бурҳонов тўғрисидаги биринчи мақолам «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида 1964 йил 3 март куни босилиб чиққан. У «Актёр камолоти» деб номланган бўлиб, мен унда Шукур Бурҳонов ижодининг тадрижини кузатмоқчи бўлганман. Уни актёр суратига чизгилар деб аташ мумкин. Кейинги образларда мен илғаган янги бўёқлар билан актёр суратини янада аниқроқ ифода қила бориб, унинг ижодий шаклланиши ва ўзига хослиги ҳақида фикр ва мулоҳазаларимни билдира бошладим. «Шарқ юлдузи» (1980 й., № 9) журналида босилган «Шукур Бурҳонов» номли мақола изланишларимнинг бир даража якуни бўлди. Аммо шундан кейин ҳам изланишлар давом этди. Мен 60—70 йиллардаги образлар орасида қандайдир ўзаро боғлиқлик борлигини ҳис қилардим, лекин буни узоқ вақт тушунтириб беролмадим. Ниҳоят, шундай бир хулосага келдим: Ш. Бурҳонов ижоди ривожланган сари ҳиссиётни ақлиёт билан устакорона боғлаб, донишманд, файласуф бўла борган, ҳақиқат излаш, инсон ҳаётининг мазмунини англаш, адолат учун кураш узил-кесил ижодининг етакчи мавзуси сифатида белгиланади. «Саҳнамиз лочинлари» китобимда Шукур Бурҳоновнинг Брут, Улуғбек, Эдип ва Сулаймон ота образлари шу нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Шукур Бурҳонов юксак ички маданиятга эга эди. Менинг матбуотдаги ҳар бир чиқишимга у эътибор берар, ўзининг миннатдорчилигини ва шу билан бирга фикр-мулоҳазаларини билдирарди. 1977 йил 2 февралда «Совет Ўзбекистони» рўзномасида «Чин инсон қўшиғи» номи билан У. Умарбеков пьесаси бўйича саҳналаштирилган «Қиёмат қарз» спектаклига тақризим чиқди. Бу антиқа тақриз эди. Мен бевосита Шукур Бурҳоновга мурожаат этиб, фақат Сулаймон ота образинигина эмас, балки спектаклга ва пьесага нима тааллуқли бўлса, барчасини таҳлил қилдим; унинг тагида драма Ш. Бурҳоновнинг юксак маҳорати туфайли ижтимоий ўткир ва замонавий янгради ҳамда яхлит саҳнавий асарга айланди, деган фикр ётарди. Мухлислар Ш. Бурҳонов менинг чиқишимдан ғоятда ҳурсанд бўлгани, мени ахтариб топа олмаганини айтишди. Бир неча кундан сўнг, биз марҳум Олим Хўжаевнинг эшиги остида учрашдик. Ш. Бурҳонов спектаклнинг режиссёрларидан бири Р. Ҳамидов билан бирга эди. У мени қаттиқ қучиб,

«Шоҳ Эдип». Шукур Бурҳонов.

ўпди. Р. Ҳамидов ҳам миннатдорчилик билдирди. Орамизда учқун суҳбат бўлиб ўтди:

— Сиз ўз тақризингизда тўғридан-тўғри менга мурожаат этгансиз, бунга Ўлмас Умарбеков қандай қараркин? Хафа бўлмасмикин? — деб сўради.

— Ўйлайманки, — дедим мен, — Ўлмас Умарбеков Сулаймон ота спектаклнинг ўқ томири эканини тушунади. Очиғини айтганда, бундай образ янгилик эмас, у илгари грузин, қозоқ киносида яратилган, пьесанинг ўзи ҳам кўпроқ кинога мос, бир қанча лавҳалардан таркиб топган. Сиз ўзингизнинг истеъдодингиз, маҳоратингиз билан ушбу лавҳаларни узвий боғлабгина қолмай, оддий кишиларнинг энг яхши хислатларини ўзида жамулжам қилган кекса чўпоннинг новаторона образини яратдингиз.

— Менинг шаънимга айтган илиқ сўзларингиз учун миннатдорман, албатта. Лекин ёш режиссёрлар Баҳодир Йўлдошев билан Рустам Ҳамидов менга катта ёрдам беришди.

Ш. Бурҳонов ўзининг кечинмалари, фикр-мулоҳазалари, шубҳалари билан актёрми, танқидчими, ёзувчими, ким кўнглига тўғри келса, ўртоқлашарди. Бир куни менга қўнғироқ қилиб қолди (бу 1981 йил 25 май куни эди), учрашайлик деди. Табиийки, мен дарҳол хурсандчилик билан рози бўлдим. У машинасида келди ва биз шаҳардан ташқарига чиқиб аллақандай ям-яшил оромгоҳда пайдо бўлдик. Шукур Бурҳонов тоза ҳаводан чуқур нафас олиб, сўз бошлади:

— Мана энди бизга ҳеч ким халал бермайди. Шаҳарда сира тинчлик йўқ, дарҳол сени қуршаб олишади-ю, сен ўзингни худди маймундек ҳис қиласан. Артист — бу маймун эмас, у ҳар қачон, ҳар жойда ўзининг иззатини сақлай билиши керак.

— Шукур ака, Сиз мутлақо ҳақсиз.

— Артист энг аввало пок одам бўлиши керак. Ҳамиша ўз устозларини ёдда сақлаши, саҳнадошларини

ҳурмат қилиши лозим. Шу пайтгача, саҳнага чиқсам, худди залнинг бир бурчагида Оға — Маннон Уйғур менга тикилиб ўтиргандек туюлади. Буюк актёр — Аброр Ҳидоятовни чуқур ҳурмат билан эслайман. Нимага Отелло ролини ўйнамадим?

— Рост, нимага ўйнамадингиз? Агар янглишмасам бу ҳақда 20 йилдан бери гап боради. Бир таваккал қилиб кўрмайсизми?

— Отелло ролини ўйнаш — бу менинг эзгу орзуим. Неча марталаб қарор қилдим, бироқ ҳар гал менинг қаршимда Аброр Ҳидоятовнинг қиёфаси пайдо бўлиб, менга тикилиб: «Сен нимага эришмоқчисан ўзи? Мендан ўтиб кетмоқчимисан?» — деяётгандай туюлади. Шу сабабли мен ҳар гал ниятимдан қайтаман.

— Бекор қилгансиз, Сиз Аброр Ҳидоятовни қайтармасдингиз. Сизнинг Отеллонгиз бошқачароқ, файласуфроқ чиқарди. Ҳалиям кеч эмас, Шукур ака.

— Йўқ, энди кеч, поезд кетиб қолди.

Актёр жим қолди. Икковимиз ўз ҳолимизча ўйлаб борардик. Балким, Ш. Бурҳонов шу дамда ҳаёт ҳақида, инсоний муносабатлар, ўтган умр, ўзининг шахсий мусибатлари ҳақида ўйлагандир.

Актёрнинг ўзи сукунатни бузди:

— Ҳа-а, инсоннинг умри жуда қисқа. Баъзида ўйлаб кетаман, тўғри яшадимми, қўлимдан келган ишни ҳаммасини бажардимми?

— Шукур ака, Сиз нимага қодир бўлсангиз, ҳаммасини қилдингиз; халқ олдида ҳам, санъат олдида ҳам виждонингиз пок.

— Сиз оқкўнгил одамсиз, Муҳсинжон. Мен бизнинг ўрнимизга ким келади, деб тез-тез ўйлайман. Бизнинг қўлимиздан эстафетани ким олади. Очиғи, ёш актёрлар ҳақида ўйласам, мени қайғу босади. Ўрта бўғин ҳар қалай унча-мунча масъулиятни ҳис қилади, бизлардан ниманидир олишган, ёшлар ҳақида бўлса бундай деб бўлмайди. Мен бунга Б. Йўлдошевнинг илтимосига кўра «Бой ила хизматчи» спектаклининг репетициясига қатнашиб амин бўлдим. Репетицияга қўп-қуруқ кириб келишади, на бир юрак бор, репетицияни қуруқ текстни ўқиш билан ўтказишади. Мен уларга тушунтираман, талаб қиламан, гапириб бераман, — бу уларни қизиқтирмайди, ҳатто малол келади. Агар уларда қобилият бўлмаса ҳам майли эди. Кўплари истеъдодли, фақат меҳнатга тоблари йўқ, холос. Машҳур бўлишни хоҳлашади-ю, меҳнат қилишни эса исташмайди. Ишлашни бизга чиқарган аслида. Образ устида — ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракат устида ойлаб ишлардик.

Телефон орқали бир суҳбатда Шукур Бурҳонов шундай деган эди: «Халқ артистининг юки оғир бўлади. Уни виждонан тортиш керак. Халқ артисти яратган ҳар бир образ салобатли, санъатда янги сўз бўлиши, инсонларнинг ички оламини бойитиши лозим».

Мен қўлимдан келганча Шукур Бурҳоновни тинчлантиришга уринардим. Албатта, кўп нарсада у ҳақ. Қандайдир жуда зарур анъаналар унутилган, авлодлар ворисийлиги бузилган.

Шу куни яна бошқа кўп нарсалар устида гапиришдик. Уйғур, Е. Бобожонов, М. Мироқилов ҳақида, кинодаги ишлар, К. Станиславский услубияти ҳақида. У эсга олган ҳар бир шахс ҳақида аниқ тавсиф берарди, ҳар бир масала хусусида унинг ўз нуқтаи назари бор эди. Бир қарашда узуқ-юлуқ туюлган ана шу суҳбатда қандайдир ички мантиқ бор эди. Шукур Бурҳоновни театрнинг келажаги ўйлантирарди.

Шукур Бурҳонов мен билан, бошқалар билан суҳбатда, тантанали кечаларда Маннон Уйғурнинг уч насиҳатини эслашни ёқтирарди. Биринчи насиҳат — ўз ҳунарига муҳаббат ва фидоийлик, иккинчиси — темир интизом, учинчиси — халқ билан яқиндан алоқада бўлиш, унинг қалбини, ўй-хаёлини тушуниш, англаш. Унинг ўзи шу ақидаларга қаттиқ амал қилар, ёшларни ҳам шунга ундарди.

«ГУЛИСТОН» КАЛЕНДАРИ

МАҚСУМ ЮСУПОВ

...Ҳамза номидаги театрнинг ўрта бўғин актёрларидан биридир. У (1915-1982) Тошкентда, ҳунарманд Юсуф ака оиласида дунёга келди. Етти йиллик мактабни, Педагогика техникумини тамомлади. Ўрта Осиё темир йўллар бошқармасида журналист, сўнг ҳисобчи (статист) бўлиб ишлади. Ана шу кезларда санъатга қизиқиши кучая борди. Турли ҳаваскорлик саҳналарида, ҳар хил қиёфаларда кўринди. Ниҳоят, 1932 йил Ҳамза номидаги театрга келди. Маннон Уйғур ва Етим Бобожоновлар ҳаваскор йигитнинг чинакам актёр бўлиб етишувига, маҳорати ўсишига катта ёрдам бердилар. Оммавий саҳналарда қатнаштириб чиниқтирдилар. Натижада ўзи ижро этаётган образ ҳаёти билан яшашга, унинг интилишларини, кечинмаларини тўла очиб беришга кўникма ҳосил қилди.

1932 йили Лопе де Веганинг «Қўзибулоқ» асарида Родриго, Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг «Тарих тилга кирди» драмасида Қўрқмас каби образларни яратиб, эл оғзига тушди. Кейинчалик Шекспирнинг «Ҳамлет» ва «Отелло» спектаклларида Полоний, Родриго, М. Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар» спектаклида Тятин, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Холисхон» драмаларида Ғофир, Норбойвачча, Н. Погодиннинг «Милтиқли киши» асарида Виталик, М. Лермонтовнинг «Маскарад»ида князь Звёздич ролларини ўйнаб, ўзининг етук актёр эканлигини намойиш этди.

М. Юсупов ўзининг кўп йиллик изланиши натижасида хилма-хил сажияли образлар яратди. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида большевиклар йўлбошчисининг образини яратиш ҳар бир актёр ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланар эди. Юсупов ҳам Володя Ульянов (И. Попов, «Оила», 1942 й.) образини ниҳоятда қийинчилик билан, аммо муваффақиятли яратишга эришган эди.

У Катта Фарғона канали қурилишида фаол иштирок этиб, ўзбек халқидаги қатъийлик, мардлик, шижоат каби ҳислатларни ўрганди.

Санъаткор А. Н. Островскийнинг «Сепсиз қиз» драмасидаги Вася, Уйғуннинг «Қалтис ҳазил»идаги Ҳамдам, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий»сидаги Хондамир, Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи»даги Комил, К. Гольдонининг «Икки бойга бир малай» драмасида Сильвио, А. С. Пушкиннинг «Тош меҳмон»идаги Дон Карло, Н. Сафаровнинг «Шарқ тонги»даги Ялангтўш, Туйғуннинг «Ҳикмат»идаги Бузрук Қосимов, Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» сидаги Парис, «Юлий Цезар»даги Цимбер, А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»сидаги Деҳқон-

бой, К. Треневнинг «Любовь Яровая» драмасидаги Мазухин, Ойбекнинг «Қутлуғ қон»идаги Йўлчи, Уйғуннинг «Қотил»идаги Ғойиб образларини яратиб, академик театр ютуғига ўз ҳиссасини қўшди. Айниқса, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида Т. Хўжаев томонидан ёзилиб, саҳналаштирилган инсценировкадаги Йўлчи образи Мақсум Юсупов ижросида ўзига хос талқин этилди. Зулм ва риёкорликка қарши курашга отланган, содда ўзбек йигитининг сиймоси гавдалантирилди. У Йўлчи образи орқали бир гуруҳ бойлар қўлида эзилган, ўз озодлиги учун курашган халқ вакилини кўрсатиб берди. Жозибали ҳаракат, таъсирчан овоз, энг асосийси, ҳаётий ҳақиқат Мақсум Юсупов талқинида мужассам эди.

Ижодкор 60-70-йилларда Ориф («Имон», И. Султон), Саккокий («Мирзо Улуғбек», М. Шайхзода), Суқсуров («Тобутдан товуш», А. Қаҳҳор), Командир («Оптимистик трагедия», Вс. Вишневский), Джеймс Тейлор («Қонли сароб», С. Азимов), Освальд («Қирол Лир», У. Шекспир), Келгинди («Сўнгги қурбон», А. Островский), Вадим («Фауст ва ўлим», А. Левада), Келдиев («Комиссия», У. Умарбеков) образларини яратди.

Мақсум Юсупов фақат театр саҳнасида эмас, балки телевидение ва кинода ҳам бир қанча образларни ижро этган, жумладан, режиссёр Наби Ғаниевнинг «Фарғона қизи» кинофильмида Олимжон, Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» телеспектаклида Соқи Соқиевич, Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» асарида партком ролларини ижро этиб, кино ва телевидение санъати ривожига ўз ҳиссасини қўшган эди.

Мақсум Юсупов ўзбек театр санъатининг ривожланишига қўшган ҳиссаси учун ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари ва Ўзбекистон халқ артисти унвони билан тақдирланган. Агар у барҳаёт бўлганида 80 баҳорни қаршилаган бўлур эди. Санъаткорнинг сиймоси дўстлари қалбида, саҳна санъати тарихи саҳифаларида абадий яшаб қолишига аминмиз.

Фарҳод АҲМЕДОВ,
Тошкент Маданият институти ўқитувчиси.





АКТЁР РОЛЬ ЎЙНАГАНДА...

(МАҚСУМ ЮСУПОВ «КУНДАЛИГИ»ДАН ПАРЧАЛАР)

Актёр роль ўйнаётганда (ўзи яратаётган) образни ҳозирги одамларга таққослаб тайёрлаши керак. Агар асар ўтмиш ҳақида бўлса, унда ўша замоннинг сиёсий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, турмуш даражаси, урф-одати, юриш-туриш тарзлари, кийиниш тартиблари ва ҳоказоларни пухта ўрганиб чиқиши керак. Бунинг учун китоблардан фойдаланиши ёки турли маърузаларни эшитиши лозим. Шундай қилинса, образ тўлақонли яратилган бўлади, ўтмиш бузиб кўрсатилмайди.

* * *

Актёр роль ўйнаётганда бутун хаёлини бир жойга жамлаши лозим. Мен бир воқеани айтиб берай: Уйғун аканинг «Парвона» асаридаги бош ролни актёр Обид Юнусов ижро этади. Бир куни унинг уйида фожиа рўй берди. Отаси Юнус Ражабий вафот этди. Эртаси эрталаб чиқарилади. Қаранг энди, актёрнинг руҳий ҳолати қанақа бўлади?! Уйида мотам, у эса Ўткурий ролини ўйнаяпти. Бунинг учун актёр ғоятда саботли, асаби мустаҳкам бўлиши керак. Бу жуда оғир ва машаққатли иш...

Яна бир воқеа, бунинг акси. Уйимизда тўй, хурсандчилик, ашула, ўйин-кулги, кечқурун «Қутлуғ қон» драмасида Йўлчи образини ўйнайман. Қани энди, айтинг-чи, бой Йўлчига «Онангдан хат келди, онанг оламдан ўтибди», — деганда, қандай қилиб юрак йиғлайди-ю, юзингга қайғу ҳолати кўчади? Актёр бундай пайтларда ўзини шундай ҳолатга тушириши ва бунинг учун бутун аъзоларини, асабни ишлашга мажбур этиши лозим. Демак, актёрларнинг асаби ҳамма вақт ишлаб туриши, ўз функциясини ўзгартириб туриши керак бўлади.

* * *

Театрга шундай одамлар келадики, актёрларнинг хизматини ҳурмат қилмай, ўтирган жойида мазабемаза қилиқлар қилиб, томошабинларнинг кулишига сабаб бўладилар. Шундай пайтларда саҳнада актёр, табиий, асабийлашади, агар у ўша тўполон қилаётган томошабин ёнида бўлиб қолса, уни ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун залда томоша қилиб ўтирганда, артистларнинг асабига тегмаслик лозим.

Кўрдингизми, артистлик касби ҳам оғир, ҳам машаққатли ва фахрли касб.

* * *

Артист ижросининг томошабин томонидан завқ билан чалинган чапаклар, қаҳқаҳа уриб кулишлар ёки рўмолчаларини ҳўл қилгудек йиғи билан қабул қилиниши, актёрнинг бошидан олтин сочиш билан баробардир. Артистни томошабиннинг спектаклни, актёрлар ижросини завқ-шавқ билан қабул қилишидан бошқа нарса қизиқтирмайди.

* * *

Актёр ижрочи, шу билан бирга, яратувчи ҳамдир. У ёзувчи ёзган образга жон киритади, уни тирилтиради — бу жуда машаққатли ва қийин иш. Масалан, «Алишер Навоий» спектаклидаги Навоий образини олайлик. Уни дастлаб Аброр ака ижро этдилар. Аброр Ҳидоятов Навоий образини яратаётганда шундай нарсалар топганки, залда ўтирган томошабинлар ҳазрати Навоий тирилиб келдиларми, деб ўйлаган эди. Аброр ака Навоий образини шундай яратганки, у киши-

дан кейин ўйнаган актёрлар образга бирор янгилик қўша олмаганлар. Аброр Ҳидоятов қандай ўйнаган бўлса, шундай ўйнаганлар. Бошқа театрларда ҳам, кинода ҳам Навоий образини худди шундай, Аброр Ҳидоятов яратгандай қилиб ўйнашган. Навоий образи ҳақида гап борганда, мен фақат Аброр Ҳидоятовни тан оламан, холос. Чунки, одатда образни ким биринчи бўлиб яратса, уни қиёмига етказиб ўйнаса, ўша актёр тан олинади.

* * *

...Баъзи актёрлар томошабин чапак чаляпти деб, ҳар хил қилиқларни қилишади, айниқса, комедия асарлари ўйналганда. Масалан, «Тошболта ошиқ», «Келинлар қўзғолони», «Олтин девор» ва бошқаларда. Актёрлар шу даражага етишадики, бундан спектаклга, театр шаънига гап тегишини ҳисобга олишмайди. Фақат томошабин чапак чалса бўлди, кулса бўлди, деб ўйлайдилар. Менимча, бу — нотўғри. Биз ўз жамиятимизда бўлаётган воқеаларни жонли равишда тарғибот қилар эканмиз, ҳеч қачон (образ характерини) меъёридан оширмаслигимиз керак, акс ҳолда, яратган образимиз ёлғон бўлиб, томошабин ишонмай қўяди. Асарни томошабин кулиши учун эмас, балки уни тарбиялаш учун ўйнаш керак. Акс ҳолда ёзувчи яратган ижобий образни салбий образга айлантириб қўйиш мумкин.

* * *

Актёр роль тайёрлаганда, сўз оҳангларига, унинг томошабинга етиб боришига, тушуниб етишига жуда катта аҳамият бериши керак. Борди-ю, томошабин бирон сўзни эшитолмай ёки тушуна олмай қолса, унда асарга ҳам, умуман, тушунмайди. Чунки асарда ёзилган ҳар бир сўз ўзаро боғлиқ, бири-бирининг тагмаъносини очиб беради, шунинг учун тилга, сўз оҳангига тўла риоя қилиш керак. Актёр ўз ролининг сажиясини ҳис этмаса, ёки ҳис қилса-ю, тили айланмай, дудуқланиб қолса, ёхуд асабийлашиб гапирса, ёки бир жойда ялпайиб ўтирса, ҳиссиз, руҳсиз гапирса, томошабин уни тушунмайди, ёлғон сўзлаяпти, дейди.

Шундай қилиб, бирор асарнинг томошабин томонидан яхши қабул қилиниши ва узоқ муддат саҳнадан тушмаслиги актёрларнинг образларни қандай яратишига боғлиқ. Агар актёр ўз ролини ички ҳиссиёт билан ўйнамаса, сўз оҳангларига эътибор бермай, кўр қоридай ўқиб кетаверса, албатта, сўз оҳанги бузилади ва сўз жаранглаб чиқмайди. Сўз томошабинга етиб бормас экан, асар кетмайди, томошабин спектаклни қабул қилмайди.

ФИТРАТ

БЕДИЛ

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Бойларни кўрадир, ҳужум қиладир. Унга кўра инсонлараро муҳаббат, қардошлик сезгиларини йўқ этган нарса хусусий бойликдир. Подшоҳларнинг қуйруқлари бўлган беклар, буюк маъмурларни кўрадир, золимлар, илонлар, чаёнлар, деб сўкадир.

Бу қаҳрамон-файласуф буларнинг ҳаммасини қаторлаб эзгандан сўнгра қаршисида халқни кўрадир. Халқ... Мана шунча тартибсизликлар, зулмлар, алданишлар, бахтсизликлар қаршисида ҳеч бир ҳаракат қилмасдан, тан бериб, таваккал қилиб ожизлик, чорасизлик билан ётган халқ...

Ортиқ булар билан-да гаплашмак замони келган. Бедил буларга қарайдир-да, «ҳўкуз билан эшак бир оз «воқиф» (хабардор) бўлмоқ билан инсон бўлмасаларда, инсон бир оз хабарсизлик билан эшак бўладир», деядир.

«Гав-у хар аз огаҳи инсон нахоҳад гашт, лек,
Одами гар андаке ғофил шавад, ҳар мешавад».

Бедилга кўра «Ҳаёт кенг бир денгиз, биз унинг долғаларимиз. Долғанинг табиатидан ҳаракатни чиқариб бўлмайдир. Ҳаёт бор экан, бизнинг-да, ҳаракатсиз, таваккал этиб ўтиришимиз мумкин эмасдир».

Аз тийнати амвож тараддуд натавон бурд,
То ҳаст нафас фикри маҳол аст таваккал.

У: «Ерда ёйилган кўланканинг сиртида йирик қалам билан ёзилган шу сўзни ўқигин: ким ишсиз, ҳаракатсиз ётганлар бутун дунёнинг оёғлари остида қолурлар», — дейди.

Зи лавҳи соя жуз ин ҳарфи сархаттий надамид,
Ки поймоли жаҳонанд аҳли бекорий.

Мана, Бедилнинг кўрганлари, тушунганлари, сўйламак истаганлари шулардир. Ортиқ унинг мусулмон бўлиб бўлмагани тўғрисида қандай бир ҳукм берсангиз, сиз биласиз, Бедил эса ҳеч кимнинг сўзидан қўрқмайдир. Унинг фикри шудирки, «кенг бир даланинг этаги тиканларга қарши нендайгина қайғусиз турса, маслак эгалари ҳам кишиларнинг «сўз»ларига қарши шундай қайғусиз турадилар».

Аҳли машраб аз забони таъни мардум фориғанд,
Домани саҳро чи ғам дорад зи заҳми хорҳо.

— Яна узойтиб юбординг, Қутлуғ. Домланинг айтганлари тўғри экан...

Рустамнинг кулиб айтган бу сўзини мулла Қурбон кесди:

— Йўқ, кулманг, ўртоқ. Бу киши чиндан-да Бедилни кўп ўқиган эканлар. Энди, биродар Қутлуғ, ўзингизнинг айтганингиз каби Бедил сўфилардан бўлган. Сўфиларда

шундай сўзлар кўп бўладир. Бироқ биз бу сўзларни устодларимиздан эшитмадик. Буларнинг ҳақиқатини англай олмаймиз. Бунинг тўғрисида кўп сўйлашмакка ҳам ботирлик қила олмаймиз.

Рустам кулди:

— Биз,— деди,— Бедилнинг сўзларини англадик. Сенинг ҳам масқара бир одам эканингга ишондик. Эски замонлар бўлса эди, Бедилинг билан сени ён-ёнга қўйиб, устингизга қорамой тўкиб, ёндирар эдик. Ҳамид!... Бедил, Бедил деб мақтаб юрганинг шуми? Бу бизни Қутлуғдан ҳам масқарароқ экан-ку!

— Рустам, сен ҳар мажлисни шундай тентаклик қилиб ўткарасан, қўй, энди мажлисни бузма. Бир оз ўқийлик.

— Янами? Ҳай, ўқингиз, қани яна нималар чиқар экан?!

— Қутлуғ ўртоқ, қайси еридан ўқитайлик?!

— Менга бўлса, «Ирфон»дан етмиш тўртинчи «тизим»ни ўқисунлар.

Мулло Қурбон «Ирфон»дан етмиш тўртинчи «тизим»ни топиб, очди. Китобни Қутлуғнинг олдига қўйди.

— Мен сўрар эдим, буни Қутлуғ биродарнинг ўзлари ўқисунлар,— деди. Бошқалар ҳам бу сўзни ёқладилар. Ҳамид туриб лампани Қутлуғга яқин қўйди. Қутлуғ ўртоқларининг сўзларини қайтармади. «Ирфон»нинг етмиш тўртинчи тизимини ўқий бошлади:

Пеш аз андам к-аз ошиёни хаёл
Шўхи мов-у ман занад пару бол,
Одам — он тухми мазраъи имкон
Ришаъи дошт дар риёзи жинон.
Беасар бо хаёл мазад жўш,
Ҳамчу фарёд бар лаби хомўш.
Охир афтон он баҳори фунун
Чун ниҳол аз тилисми дона бурун.

Рустамнинг тентак товуши Қутлуғни тўхтатди.

— Тўхтанг, ака! Бошингизни кўтармай ўқиб кета берасизми? Энди бизнинг сўзларимизга жавоб берасиз.

— Қани, нима деясиз?

— Бедил ҳам одамнинг жаннатдан чиққанини сўйлаб ўтди. Бунга нима дейсиз?!

— Бедил уни айтган эмас. Айтса ҳам қабул қилмаймиз. Мен сизга Бедилнинг «вахдати вужуд»чи «сўфи»лардан бўлганини сўйлаган эдим. «Вахдати вужуд» фикрини қабул қилган «сўфи»ларнинг ҳеч биртаси «Одам ато» деган бир кишининг бошда жаннатда юрганини, унинг чап қобурғасидан «Ҳавво она» деган бир хотун чиққанини, сўнгра буғдой еб жаннатдан қувилганини қабул қилмайдир. Уларнинг дунё яратилиши тўғрисида «давр» назарияси деган назариялари бор.

«Давр» назариясининг енгил бир бўлагинда унсурларнинг бирлашмагиндан «Жомодот» «жонсиз жисмлар» унган, жомодотнинг юксалиши йўлиндаги тебранишларидан «наботот» (ўсимликлар) ўсган, уларнинг етишмаги билан «Ҳайвонот» (жониворлар) чиққан, уларнинг такаммул этишидан инсонлар пайдо бўлганлиги сўйланадир.

Сўфиларнинг «давр» назарияси билан бу кунги табиат олимларининг «такаммаул» назариялари орасинда сиртдангина бир турли ўхшаш бор эса ҳам бу икки назария тубда бир-биридан айриладир. Мен бу ерда «давр» назариясининг ҳақиқатидан ҳамда унинг «такаммул» назарияси билан бўлган муносабатидан сўйламайман, чунки узундир, бизни узоққа туширадир.

Бедилнинг ўзи ҳам китобида бу «давр» назариясиндан узун сўйлайдир. Унсурларнинг тўпланишидан инсонликгача бўлган ҳаракатини мана шу йўлда кўрсатадир:

Жамъ то шуд жамод ном гирифт
Раст аз он жо набот-у жом гирифт
Ба равоний расид-у ҳайвон шуд,
Ба сухан лаб кушуд-у инсон шуд.

Бедилга кўра, инсон жаннатдан ерга тушмади. У бу кунги ҳолига кирмасдан бурун ҳайвонлар қаторинда худди шулар каби юргувчи бир ҳайвон, маймун эди. Чунки табиатда ҳар бир шакл «модда»нинг устига тушадир. Шаклдан бурун «модда»нинг бор бўлиши керакдир:

Ҳеч шакла беҳаюло қобили сурат нашуд
Одамий ҳам пеш аз он к-одам шавад, бўзина буд.

Бедилнинг бу тўғридаги фикрларини англаб олдингиз. Мана энди боя ўқилган сўзларига маъно бермак қулайлашди. Боя ўқилган сўзлар билан Бедил шуни айтмоқчи бўладир:

«Мен, биз (яъни шахслик, кимсалик)нинг ўзи эмас, бор бўлмоқ ҳаваси ҳам хаёл уясиндан қанот қоқиб чиқмаган замонларда, табиат боғчасида одамнинг (Одам ато эмас, одам навъининг) уруғи, томири бор эди. Майдонда бир ўзи йўқ, хаёл билангина қайнашиб турар эди. Унинг ул чоғдаги борлиғи, жим турган бир оғизда фарёднинг борлиғи каби эди.

Фан, ҳунарнинг баҳори бўлган одам энг сўнг табиат юзасига ёғоч уруҳдан чиққан каби чиқди».

Мана, Бедилнинг бу сўзларидан «Одам ато» деган бир кимсанинг хотуни билан жаннатда ўйнаб юргандан сўнгра ерга тушгани сира англашилмайдир. Инсон табиат юзасига чиққандан сўнг нималар бўлган экан, уни тинглангиз экан:

Ҳуш чашма ба имтиёз кушуд,
Ёфт асрори эҳтиёжи вужуд.
Дид сози нафас задан ионаст,
Маркази даври мову ман ионаст,
Ҳар ки чашма дар ин чаман во кард,
То мижа во кунад, даҳан во кард.
Жустужўҳойи олами ҳаму печ,
Талаби рўзиест боқй ҳеч.

«Инсоннинг эси (ҳуши) имтиёз учун кўз очган, борлиқнинг нимага муҳтож бўлганини англаи. Яшамоқ қуролининг «томоқ» эканини билди. Бедилга кўра, инсоннинг ушбу англаши тўғридир. Чунки бу ерда ҳар ким кўз очмоқ истаса, кирпикларидан бурун оғизини очадир. Ҳаётнинг эгри-бугри кўчаларинда мунча чопиб юрмоқ, озиқ топмоқ учундир, бошқаси бўшдир».

Гашт ишқаш далиле деҳқоний,
Кард ночор дона афшоний.
Олами пай ба он насақ бардошт,
Нўсхаъи айш зийн варақ бардошт
Ҳар ки дасти ба жаҳд обила кард
Хирмани чид-у назри ҳар сала кард.

«Инсон озуқ ишқи билан ингичкаликни топди. Экин ишлари билан машҳул бўлди. Муни кўрганлар ҳам ёқтирдилар. Шунга берилдилар. Шундай бўлиб ҳар ким қўлини қадотиб ишлаб ўз қорнини тўйдирди».

Бедилнинг шу сўзиндан инсоннинг энг биринчи иши ингичкалик, қўшчилик бўлгани англашилади. Бу фикр эса янглишдир. Инсонлар бир кўп замонлар овчилик, подачилик билан юргандан сўнгра қўшчиликка эришгандирлар.

То зи афрод тухми инсоний,
Даста шуд ришаъи паришони
Рахт маъмураҳо ба ин тадбир,
Ҳар тараф ранги улфати таъмир.

«Бора-бора инсонларнинг тарқалиб юрушлари йўқола бошлади. Кўчманчиликдан ўтроқ ҳолига кирдилар. Маданият бошланғичлари кўрина бошлади. Инсонлар орасида иморатлар пайдо бўлди».

Буд ҳар қатра фориғ аз кам-у беш,
Чун гуҳар айри чашми қисмат хеш.
Ожизон низ илтижо бурданд,
Туҳфаи даста ба сад дуо бурданд.

«Ҳаёт денгизининг томчилари бўлган инсонлардан ҳар бири инжу каби соф, қорасиз эди. Ҳар кимнинг кўзи ўз улуши билан тўлган эди. Ораларинда озлик, кўплик жанжаллари йўқ эди. Ишдан ожиз қолганларнинг ҳам узатилган қўллари қуруқ қайтмас эди».

Хўшачинон гашт бекорий,
Мекашиданд заҳмати хорий.
Ҳар қадар саъйи нотавон гардид,
Ҳирс ғолиб шуд-у ҳасад болид.

«Ишсизлик хирмонидан бошоқ териб юрганлар, яъни ялқовликдан, дангасаликдан тиланиб яшаганлар, албатта, хўрлик чекадилар. Булар тиришмакдан қочган, дангасаланган сайин ҳирслари ортиб, ҳасадлари ўса борар эди. Булар нима қилдилар?»

Жамъ гардид жорхойи чанд,
Мухталиф хосият ҳавойи чанд
Ки дар ин мазраъи алам ҳосил,
Чанд хирман кунем иқдаъи дил.
Ин даҳоқин ки ком дили самаранд,
Аз бисоти замона муфт баранд
Офати хирмани вужуд шавем,
Ё баҳосил шарики жуд шавем.

«Хосиятлари бир-бирига ўхшамаган бўш сўзлик бир тўда сарсари уюшдилар. Бу қўшчилар тилакларига эришиб, ҳаётни текин қилиб турадилар. Қачонгача бизнинг қайғуларимиз юракларимизда тугунланиб қоладилар. Бундан сўнгра борлиқ, ҳаёт хирмонига офат бўлиб чиқмас, буларнинг тинчликларини бузамиз. Фойдаларини биз билан улашсалар, унумларидан бизнинг ҳам улушимизни берсалар, биздан қутуладилар, йўқса, қўймаймиз, дейдилар».
Мана шундан сўнгра:

Аз ҳасад оламе ҳужум ангоҳт,
Жола гар дид-у бар зироат рахт.
Киштҳо поймоли ғироат шуд,
Суди сармояъи ҳасорат шуд.
Ажз-у валҳож ҳеч суд надошт,
Оташи нола ғайри дуд надошт.

«Уюшган ялқовлар ҳасад юзасидан ҳужум этдилар, экин ерларига (кўкдан ёққан жола (ёмғир) каби) тушуб хароб этдилар. Экин ерларини таладилар. Бечора қўшчининг унумлари зиёнга айланди. Қўшчининг бутун ялинишлари унумсиз қолди. Ўтли фарёдлари тутундан бошқа бир нарса қолдирмади».

Дастгоҳи ғино варақ гардонд,
Жуз қабули хирож чора намонд.
Донасон гоҳ дар даҳан растанд,
То ба чандин замон амон жустанд.

«Қўшчининг хўжалиги бузилди. Таловчиларга солиқ бермакдан бошқа чораси қолмади. Қўшчилар буларнинг балосидан бир оз қутулиб қолмоқ учун бутун хирмонларини буларга солиқ деб бердилар-да, ўзлари буғдой донасига ўхшаб оғизларига сомон солиб яшадилар» Бу йўлда мол топмоқ албатта қулай:

Халқа аз нақшкори ин унвон,
Хонд мазмуни манфаат осон.
Фатви ҳирс-у ғафлати худком,
Бар жаҳони ҳалол кард ҳаром,
Он чи яксола саъйи деҳқон буд,
Музди якдам талоши эшон буд.

«Бундай қулай, енгил бир фойдани кўргач кўп киши буларга қўшилди. Кўз очлиғининг фатвоси билан ҳар ердан мана шундай талаб емакни ўзларига ҳақ, ҳалол кўрганлар кўпайдилар». Қўшчининг бир йил тер тўкиб тўплаган ҳосилларини бир дақиқалик ҳаракатлари билан солиқ деб ола бошладилар (Ҳар томонда қўшчилардан солиқ олувчи кичкина беклар уюшдилар деҳқочи)».

Хирманоройи айш гардиданд,
Аз дили жамъ хўшаҳо чиданд.
Меъда пур гашт-у киса пиро шуд,
Киса болид-у махзаноро шуд

«Шунда, бунда қўшчидан солиқ олиб яшамоқ учун беклар бирикиб, қўшчини талаб, тирикчиликларини тузуб безадилар. Ишларини йўлга қўйдилар-да, тинч яшай бошладилар. қоринлари тўлғоч, кисаларига оқди. Кисалари тошиб, хазиналарига оқа бошлади». Мана шундан сўнг:

Ин дамандози фитнажўшиҳо,
Гашт гарм шарар фўрўшиҳо
Оташе ки абрўйи деҳқон сухт,
Чашм бар рахти шуълакорон дўхт.

«Яна инсонлар орасида фитналар қайнади, ҳар томонга учқунлар, алангалар сочди: мундан бурун қўшчининг уйини куйдирган олов, энди ёққан кишиларнинг устбошларини ёқмоқ учун кўзини уларга тикди». Нечун дедингизми?

Рашк ҳам домани хаёл гирифт,
Мулки дил фикри жамъи мол гирифт.

«Чунки булар бир-бирларини кўра олмайдилар, қизғонадилар. Ҳар бири ўзгасидан ортиқроқ мол тўпламоқ савдосига тушди».

Сарзанд аз шўълакори тадбир,
Риштаъи мавжи ханжар-у шамшир.
Ҳар тараф лашкари ғубор ангоҳт
Хоки тасхир бар сари ҳам рехт.

«Мана шу йўлда кўрилган ўтли чоралар сўнгинда қилич, ханжар тўлқинлари ип учини кўрсатди. Ҳар бири ўзи учун қўшин тўплади, бир-бирларининг устларига истило тупроғи сочмоққа киришдилар».

Ҳар кужо иттифоқ сомон чид,
Офати бебизоаътон гардид.
Онки бар дигари шикаст овард,
Ҳосили ғайр ҳам ба даст овард.
Кард тўфон зи сори як дигар,
Шўри ҳангомаи шикаст-у зафар.

«Бу кичкина беклардан тўрт-бештаси бирлашиб, ёлғиз қолганларнинг бошига бало бўлдилар. Енгган томон енгилган томоннинг молларини тортиб олди. Мана шулар орасида бўлган тортишмалар сабабли енгмак, енгилмак ҳангамалари борлиқ дунёсига тошқунлаб чиқа қолди!»

Ба тасаллат расид саъйи камол
Салтанат ёфт шуҳрати иқбол.
Дастгоҳи ғурури султоний,
Сард зад охир зи ажзи деҳқоний:

«Мана бу кичкина бекликлар чиндан-да тиришдилар, бир-бирлари билан курашдилар. Енгганлар енгилганларни ютдилар. Бир неча бекликни ютган бир беклик кенгая-кенгая султонлик бўлди. Султонларнинг бу кунги катталиклари, қўшчининг кучсизлиги, ожизлигидан майдонга чиқа олди».

Чун ба сомон шуд интизом фасод,
Чашм бар асли эътибор афтод.
Хост то пояи бино ғурур,
Напазират халал ба ҳукми қусур.

«Фасоднинг (салтанатнинг, демак истайдир) негизлари қурилиб тартибга солингач, булар қайта бошдан ишнинг тубини текшира бошладилар. Ўз биноларининг қўшчи моли устинда қурулганини эсларига олдилар. Ғурур уяси бўлган подшоҳликнинг негизлари бузулмасин учун қўшчи молларининг тарқалмасдан, таланмасдан тўғри ўз хазиналарига оқиб туруши керак эди».

Ҳирс жўшиду адл шуд номаш,
Баст саъйи ҳаросат эҳромаш.
Ки ба деҳқон касе ситам накунад,
Яъни аз моли шоҳ кам накунад.

«Ҳирслари қайнади, адолат истадилар. Узларини қўшчининг қоровули каби кўрсатдилар. Қўшчига ҳеч ким зулм қилмасин, деган қонунлар чиқардилар. Бироқ буларнинг бу қонунларининг чин маъноси «подшоҳ кисасига киратурган молларни бошқалар олмасинлар» демак эди».

То ба жойе расид саъйи ғурур,
Каз мазораъ намонд жуз муздур.
Пойи тадбир бар сари хирман,
Лек яксар чу гов баста даҳан.
Ғайр соғар ба мавж мегирад,
Соҳиби чашма ташна мемирад.

«Адолат пардаси остида бўладиган бу мағрур ҳаракатлар натижасида қўшчи дунёси таланиб битди. Қўшчилар ҳосилдангина эмас,ерларидан ҳам айрилдилар. Ҳаммалари «мардикор»гина бўлиб қолдилар. Бояқиш қўшчи экадир, ўрадир, хирман қиладир. Бироқ хирмон бошиндаги ҳўкузлар каби оғзи боғлангандир. Бир нарса емаги мумкин эмас.

Ётлар, косаларини сувнинг тўлқинлик ериндан тўлдирадилар-да, булоқ эгаси сувсизликдан жон берадир».

Бедил бу ерга келгач, қайнаб кетадир, исён қиладир.

Сурати адли хисравон ин аст,
Зулм дар олами ғараз кинаст.
Адл аз ин ранг тухмираъфат кошт,
Вой агар зулм тиғ мабардошт.
Ҳама золимаст адл — у эҳсон ку?
Худпараст аст нафс, иймон ку?

«Подшоҳларнинг адолат деганлари мана шудир. Булар ғараз эгалари, зулм буларнинг динидир. Адолатларининг марҳамат уруғлари эккани шу экан, зулмлари қилич чекса эди, нима қилар эдик?! Буларнинг бутун ишлари зулмдир. Адолат, яхшилик кутма булардан! Булар ўз фойдаларига топиналар. Иймон излама булардан!»

Мана шу ерда бу «тизим» битадир. Масала англашиладир. Бироқ Бедилнинг сўнг дақиқадаги исёни етишмайдир. У яна сўйламоқ, қичқирмоқ, қийнамоқ, ҳужум этмоқ истайдир. Қисқагина бир ҳикоят сўйлайдир. Подшоҳлик адолат, қонун деган ҳийлаларнинг юзидан пардани олиб ташлайдир. Мана ҳикояси:

Гурбаъи рози табъи ҳирс гузини.
Буд вайронаи бисоти камин
Он яке гуфташ, эй паланг хисол
Дар чи олам фишурдан чангол?
Гуфт: инжо заъиф мушонаанд
Нотавон кеш-у ажз мушонаанд.
То на бинанд офати каргас,
Ман дар ин варташон паноҳам-у, бас!

Оч табиатлик, очкўз бир мушук бир харобада пусуб турган экан. Бир киши уни бу ҳолда кўргач, нима қилиб турганини сўраган экан. Мушук: мунда кучсиз, ожиз сичқонлар бор. Шуларни қарға тутмасин деб қоровуллик қиламан, бу ерда мендан бошқа ҳомийлари йўқ деган».

Бедилга кўра подшоҳларнинг элни сақлаш, адолат, қонун, деганлари кўз бўямоқдан бошқа нарса эмас. Ҳақиқатда эса манзара бошқачадир:

Ҳирсу инсоф душманаст инжо,
Парвариш ном куштанаст инжо.
Зада дар хун зердастечанд,
Қадаҳи нози худпарасти чанд
Ожизонро диҳанд ғўта ба хун
То шавад хилъати ҳавас гулгун.

«Буларнинг оч кўзлари, инсофнинг душмани. Буларнинг дунёсинда бир турли ўлдурмак борки, унга ўзлари «боқмоқ» деб от қўйганлар. Бир неча қорин бандалари, ожизларнинг, кучсизларнинг қонларини чоғир ерида ичиб турарлар. Узларининг ҳавас чопонларини бўямоқ учун кўп ожизларни қонга бўяйлар».

Бедилга кўра бунча зулмнинг, бунча инсофсизликнинг бош сабаби «маздур» (меҳнаткаш) қўшчининг юмшоқлиги, кучсизлигидир.

Сели дасти тасарруфист расо,
Лек дар хонаҳойи суст бино.
Гар ба кўҳсор во кунанд дараш,
Ҳаст ҳар санг пишпойи сараш.

Нармии офат насиби дигар аст,
Хирмани пунба на дар як шарар аст.
Обро аз чи мебаранд фўру,
Устухоне надидаанд дар ў.

Гар зи сахти алам намебурданд,
Сангро ҳам чу об мехўрданд.

«Тошқин (сел) ҳар томонни йиқитмоқлик учун узун бир кўлдир. Бироқ ўз ҳунарини эскирган негизи, чуруган уйларга кўрсатадир. Тоғликлар, тошлиқлар орасида йўли очилса, ҳар томондан бошига бир таёқ еядир. Юмшоқликнинг насиби офатга учрамоқдир. Бир хирмон пахта кичкина учқуннинг қурбони бўладир. Сувни қулайгина юталар, чунки унинг суяги йўқдир.Қаттиғлигиндан қўрқмаса эдилар, тошни ҳам сув каби ютар эдилар».

Шу ерда Бедилнинг тизими битди. Қутлуғ китобни секингина ёпди. Ҳамид узатган чойни олиб ичди-да, сўйлади:

— Шунинг учун, — деди, — зулмдан қутулмоқ истасанг куч тўпламоқ керак, кучли бўлмоқ лозим. Бошқа йўл йўқдир.

Бедил мана шундай қилиб «маздур» — қўшчиларга подшоҳликнинг зулмларига қарши кучайишни кўрсатмак билан қолмайдир. Бир кун бир ўзгариш бўлишини, бузуқ ташкилотнинг туташ шаклда қолмаслигини сўйлайдир.

«Туташ ҳолимиз мана шундай қоронғилик экан, деб қайғурма. Сен яшаган бу оламда инқилоб тўкилиб турадир», деядир.

Абас ба фикри қимоши сабот жома мадар,
Ба олами ки туйи инқилоб мебофанд.

Бир кун эмас, бир кун бўладиган инқилобнинг мазлумлар фойдасига бўлишини хабар берадир.

Маҳони золим охир бар заифонаст арзоний
Ки чун оташ зи по афтад ба ҳокистар диҳар жоро.

«Золимларнинг ўрни энг сўнг мазлумларга қоладир. Олов оёқдан йиқилгач, жойини кулга қолдиради».

Мана, Ҳиндистонда етишган Шарқнинг энг буюк файласуф шоирларидан Бедилнинг фикри шудир.

Ҳамид ўрток! Бу кеча мени мажлисингизга олганингиз учун ташаккуримни қабул қилингиз.

— У... биз сизга ташаккур қиламиз. Сиз бу кеча мажлисимизга бир руҳ бердингиз.

— Энди жавоб берсангиз, кетайлик.

Қутлуғ билан Рустам турдилар. Ҳамиднинг ёқиб берган фонусини олдилар.

Мажлисдагиларнинг «ҳай, хўш», «яна келасиз» деган товушлари орасида зинапоядан тушдилар. Эшикдан чиқиб, ўлуклар дунёсига ўхшаган жимжит кўчаларга кириб юра бошладилар.

Нашрга тайёрловчи Сирожиддин АҲМАД.

Атоқли адиб ва олим Фитратнинг «БЕДИЛ» асарини тайёрлашда қимматли вақтларини аямай, саммий ёрдам берганликлари учун форс-тожик адабиётининг билимдони, адибамиз, табаррук опахонимиз Кибриё ҚАҲҲОРОВА ҳамда истеъдодли шоир ва таржимон Асқар МАҲКАМГА аз тахти дил ташаккур билдираман.

Нашрга тайёрловчи.



НАВҚИРОНЛИК БЕКАТИ

Ахборот маҳкамалари мужда етказди: Тожикистонда яшаб, ижод қилаётган ўзбекзабон шоир Ўлмас Жамол 60 ёшга кирди. Уйга толдим. Тавба, умр бекатлари шунча тез ўтарканда-а? Ва беихтиёр бундан кўп йиллар муқаддам юз берган бир ҳодисани эсладим.

...Тожикистон пойтахтига парвоз қилиши лозим бўлган тайёра икки топқир ҳаво бандаргоҳидан кўтарилиб, олдинда чақмоқ чақиш хавфи катта бўлганлиги учун Нурота тоғлари нарёғига ўта олмай, қайтиб, Самарқанд тайёрагоҳига қўнарди. Ана шундай навбатдаги бесамар парвозлардан бирида тайёрамизнинг иккинчи мотори ишдан чиқди. Тайёра бир томонга оғиб, ўкирганича ерга қараб муқаррар равишда пастлай бошлади. Қўрқувдан ҳаммамизнинг ўтакамиз ёрилди. Бу аҳволда яна бир неча дақиқадан кейин тайёра тоғ қояларига урилиб, чилпарчин бўлиши, ҳаммамиз ҳалокатга учрашимиз тайин эди. Салон ичида шундай ваҳимали қий-чув кўтарилдики, буни сўзда таърифлаш қийин. Кимдир бойлигини, кимдир данғиллама ҳовлижойини, кимдир қўша-қўша жамғарма дафтарчасини, кимдир фарзандларини ёдга олиб, чуввос солардди.Хаёлимдан шундай ўкинчли фикр кечди: оббо, ўзим-ку, не ҳасратда етимлик билан одам бўлгандим, демак фарзандларимнинг пешонасида ҳам шу ёзиқ бор экан-да?!Дод-фарёд солишдан не манфаат?

Шу пайт орқадаги ўриндиқдан Ўлмас Жамолнинг овози аниқ-таниқ эшитилди: «Ажал шундай бир баттол кучки, у энг кутилмаган лаҳзаларда ёқангдан олиши мумкин. Бироқ инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўлимни мардонавор қабул қилиб олмоғи шарт». Ортга ўгирилиб қарадим: Ўлмас ака кўринмасди, чунки у бу тайёрага чиқмаган ҳам эди-да?! Инсон хотираси шу даражада гавҳари қобил эканки, у энг тиғиз пайтда зарур ахборотни миянинг пучмоқларидан дарҳол чиқариб бераркан. Мен қулоқларим остида жаранглаган ана шу сўзлардан таскин топдим. Ўлимга чоғлана бошладим. Бироқ ҳали ХХ асрнинг 70-йилларида ҳам мўъжизалар юз берарди: тайёрамиз эсон-омон ерга қўнди. Биз соғ-саломат қолдик. Кейинчалик эсладим. Ўлмас ака бу сўзларни кўп йиллар муқаддам давралардан бирида сўзлаган эдилар. Энди мақтаниб қўяй, камина Ўлмас Жамол билан етти йил адабиёт ва санъат бўлимида бақамти ўтириб ишлаш бахтига муяссар бўлганман. У, биз ёшларга фақат назм ва наср, маҳорат ва нотиқлик сирларини ошкор этибгина қолмасдан, инсонийлик сабоғини берган катта файласуф ҳамдир. Уша 70-80 йиллари Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида ижод қилаётган қаламкашлар сони мингга яқинлашиб қолганди.Республикада чиқадиган «Совет Тожикистони» рўзномаси улар учун энг салмоқли минбар эди. Бу адабий жараёнда Маҳмуд Тўлқин, Зайнидин Дўстматов, Солижон Қаҳҳоров, Қосим Мамажонов, Жамолиддин Тошматов, Жамшид Пиримов, Шойим Бўтаев, Жўрақул Ажибов, Мафтун Жўра, Шоди Саттор, Зикрилла Валиев каби истеъдодли шоирлар, ёзувчилар, таржимонлар, журналистлар фаол ижод қилишар, лекин уларнинг орасида Ўлмас Жамолнинг ўрни алоҳида эди. Унинг ҳар бир шеъри, ҳар бир китоби воқеага айланарди.

Ўлмас Жамол бадиий ижод оламига кириб келаётган ҳар бир қаламкашни чидам, босиқлик, меҳр билан тарбиялар, уларнинг бошини силар, кези келганда қаттиққўллик ҳам қила оларди. Ажиб бир файзли, фараҳли даврлар эди у замонлар. Биз бир ота-онанинг фарзандларидай аҳил-иноқ ишлардик, яшардик. Қувончу ташвишларимиз ҳам ўртада эди. Қиссадан ҳисса: мен Ўлмас Жамол мисоли комил, бағри кенг, инсонга ташна одамни ҳали-ҳануз учратганим йўқ.

Ўлмас ака, 60 ёш Сиздай меҳнатда чиниққан, ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган, юзлаб шогирдлар етиштирган инсон учун қарилик манзили эмас, балки навқиронлик бекати эканлигини унутманг.

Ҳаёт яшнамоқда ғайрат, азмимдан,
Лоқайдлик ҳамиша руҳ, онгимга ёт.
Яратиб толмаган башар узвиман,
Доим бунёдкорлик қонимда бунёд.
Парвози баланддир она халқимнинг,
Унинг-ла бақамти учишга шайман.
Ўзим қарисам-да, кекса дунёни
Бир оз ёшартирмоқ учун яшайман, — деганингизда минг карра ҳақсиз. Ўзбекистонлик шогирдларингиз номидан таъзим ва такрим ила:

Шерали СОКИН.

Ўлмас ЖАМОЛ

ИККИ ТИЛЛИ БИР ХАЛҚ ВАСФИГА

(ШИРУ ШАКАР)

Ўзбекистон ўғлидирман, тожигим гуфто писар,
Рост гўям, ҳар кадоме севгилимдир жон қадар,
Она деб айтсам бировин, ул бири менга падар,
Ҳамчу ду чашми сиёҳам икки халқ ҳам мўътабар,
Меҳру ёдаш дар вужудам — порлаган шамсу қамар.

Аз қадим ўзбегу тожик — эт билан тирноқ эрур,
Қон-қариндошлик шиораш қўлида байроқ эрур.
Бир-бирин меҳмонга чорлаб, йўлида муштоқ эрур,
Тоқати ҳижрон надарад, васлига чанқоқ эрур,
Ушбу дўстлик ҳар қадамда топгуси фатҳу зафар.

Токи бошинда қуёш порлар, набинад ҳеч завол,
Пахтакорлик бобида аҳли жаҳонро сохт лол,
Икки тилда сўзлагувчи бир элим ёбад камол,
Хизматашро аз дилу жон мекунад Ўлмас Жамол,
Сар ба афлокам бигўяд лаҳза шод эмса агар.

...РУДИ МАН

Жўрабек МУРОДОВГА

Менинг даврим ажиб давру чи давроне замони ман,
Башар кай дида монанди баҳори бехазони ман!

Неча эллар қариндошим,
неча ўлка диёримдур,
Сурудамро ба ҳар миллат гарон созад забони ман.

Қуёш бошимда парвона,
замин пойимда пойандоз,
Дили ҳар одами зинда
— мунаввар ошъёни ман.

Агарки миллатим тожик, замин фарзандиман асли,
Фидояш мекунам жонам,
нисор — умри гарони ман.

«Жаҳон томи»да улғайдим,
менга ҳамхона юлдузлар,
Баланд асту маро ҳам чун нигаҳ дорад макони ман.

Мени ўлмас деганларнинг бўлибман Жўраи жони,
Забони дўст —
ўзбеки чу шаккар дар даҳони ман.

НАВОЛАРНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

Муҳаммаджон МИРЗАЕВга

Рассом бўлсам эди, баҳор аксини,
Гулларнинг атрини айлардим тасвир.
Нур билан чизардим еллар рақсини,
Насиб айламади бу бахтни тақдир.

Шоир бўлсам эди, ақл қудратин,
Тафаккур журъатин куйлардим бир-бир,
Ифода этардим шуур суръатин,
Насиб айламади бу бахтни тақдир.

Қўлимдан келсайди, севги вафога
Ҳайкал ўрнатмоққа излардим тадбир,
Ёдгорлик тиклардим шарму ҳаёга,
Насиб айламади бу бахтни тақдир.

Қуллуққим, наволар сирли дунёси
Борлиғим этолди ўзига асир.
Уларда замонам руҳи, жилосин,
Сингитиб бахтиёр бўлолдим,
тақдир!

РАҚҚОСАГА

Дилафрўз ЖАББОРОВАГА бағишланади.

Баҳормн бу — инсон тусида
Ўз кўркини кўрсатар ўйнаб?
Ё булоқнинг соф кўзгусида
Камалакми товланар қайнаб?
Ларзонидан танимда ларза,
«Гулнози»дан дилда эҳтирос.
Айланар бош у гир айланса,
Завқу шавқим ошар беқиёс.

«Тановар»ни айласа ижро,
Ҳисларимга қоришади нур,
«Роҳат»даги бир дунё ибо,
Карашмадан жонимда ҳузур.

Табассум зеб берган нозида
Ғунчаларнинг рамзи ҳувайдо.
Жилва, жавлон, эҳтиросида
Нафосатнинг ўзидир пайдо.

Жилғаларнинг оромсиз мавжи,
Ел шўхлиги унда мужассам.
Келганида илҳому авжи,
Олдида лол гўзал товус ҳам.

Ким рақсини томоша қилса,
«Жанг»сиз унга бўлади таслим.
Санъат кучи шунчалик бўлса,
Санъаткорга этаман таъзим.

СЕНСАН

Тенгсиз гўзаллар ичра, дилбар, барноси сенсан,
Дунё санамлари гул, гуллар раъноси сенсан.
Равшан бўлур жаҳоним иболи боққанингда,
Нигоҳи дилни ёққан қизлар танҳоси сенсан

Елканг узра сочилган сочингда тун мужассам,
Чеҳранг қиёси офтоб, кундуз маъноси сенсан.
Бермиш шафақка рангин қирмиз лабу яноғинг,
Борлиқ севиб яратган санъат аълоси сенсан.

Ишқ оламида машҳур бўлолса бир кун Ўлмас,
Билгинки, бунга боис, замон Лайлоси, сенсан.

ВАСЛИНГ ХУМОРИМАН

(Халқ ижоди йўлида)

Келгин, ёрим, келгил, ойдай тўлиб кел,
Иқбол қуёшидай порлаб, кулиб кел.
Кўнгил чаманига баҳор бўлиб кел,
Васлинг хумориман, ҳуснингни зориман,
Чертганда нола қилган дуторинг ториман.
Келмас эсанг, ўзим меҳмон бўлойин,
Чеҳрангга термилиб, ҳайрон бўлойин,
Бошингдан ўргилиб, қурбон бўлойин,
Васлинг хумориман, ҳуснингни зориман,
Чертганда нола қилган дуторинг ториман.
Еллар сочинг билан ўйнашмасинлар,
Қумрилар таърифинг сўйлашмасинлар.
Рашк ўтида жоним қийнашмасинлар.
Васлинг хумориман, ҳуснингни зориман,
Чертганда нола қилган дуторинг ториман.

Мени — булбул, сени раъно десинлар,
Мени — Мажнун, сени Лайло десинлар.
Садоқатда бизни танҳо десинлар,
Васлинг хумориман, ҳуснингни зориман,
Чертганда нола қилган дуторинг ториман.

Азиз ҚАЮМОВ



«ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО ҚУТБИ ДАҲР...»

Инсонларга эзгу ишларда ибрат ва намуна бўлган зотлар башариятни улуғлаш ва бахтиёрлик сари етаклайдилар. Ана шундай устод ва маънавий йўлбошчилардан бири Шайх Нажмиддин Кубродир.

Бу муборак зот Хоразмда дунёга келган. Болаликдаги оти Аҳмад, отасининг оти Умар. Туғилган жойи Хева шаҳрига нисбат бериб, Хевақий (хевали) деганлар. Аҳмад ибн Умар Хевақийнинг туғилган йили 540 ҳижрий (1145 — 1146 милодий) йилдир.

Аҳмад болаликдан илм ўрганишга муҳаббат қўйди. У йигирма беш пир хизматида бўлди ва улардан таълим олди. Аммо улар ҳаммаси илмга интилган талабчан йигитни қониқтирмади. У янги пир қидириб, Бағдодга келади. Аҳмад бу ерда Шайх Иброҳим билан учрашиб, етти йил давомида шу устоз қўлида таълим олди. Шайх Иброҳим унга ўз фарзанди сингари муҳаббатли муомалада бўлди. Устоз ўз шогирдига меҳри юзасидан унга Нажмиддин деб исм қўйди. (Нажмиддин — дин юлдузи демак). Нажмиддин билим ўрганишда шунчалар маҳорат кўрсатганки, ким билан бирор масалада баҳс қилгудек бўлса, албатта ўз рақибини енгиб чиқар экан. Шунинг учун Нажмиддинга Кубро (энг улуғ) лақаби берилган. Бу тўғрида Навоий ёзади: «...аларға Кубро андин лақаб бўлдики, йигитлик овонидаки (чоғида) зоҳир улуми (дунёвий илмлар) таҳсилиға машғул эрмишлар, ҳар ким билаким, мунозара ва мубоҳаса қилсалар эрмиш-ул кишига ғолиб бўлурлар эрмиш».

Кубро деган лақабни Нажмиддинга Бистом шаҳрида Шайх Исмоил қўлида таълим олаётган вақтида устози берган экан. Шундай қилиб, хоразмлик толиби илм Аҳмад тарихга «Нажмиддин Кубро» номи билан кирди.

Навоий Шайх Нажмиддин Кубро шахсий сифатларига баҳо берар экан, унинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб, бундай деб ёзади: «Ҳар кишига иродати дуруст бўлмас эрдиким, донишманд эрди ва бошқа ҳар кимга инмас эди», яъни агар у бирор кишининг билим эгаси эканлигига тўла ишончи бўлмаса, ундай кишига бўйсунмас эди. Таҳсил йиллари Хузистонда Зурфул деган жойда эканида Нажмиддин Кубронинг тоби қочди. У аранг Шайх Исмоил Қасрийнинг хонақоҳига етиб олди. Бу ерда анча вақт бемор ҳолида ётиб қолди. Бу хонақоҳда бир гуруҳ одам баланд овоз билан мусиқий садолари остида тиловат қилар эдилар (самоъ). Нажмиддин Кубро самоъни тан олмас эди. Беморга бундай шовқин-сурон кўп малол етказди. Шундай вақтда бир кун Шайх Исмоил ўзи Нажмиддин Кубронинг ҳузурига келди. Шайх беморни икки қўлтиғидан ушлаб ётган жойидан кўтарди ва аста суяган ҳолда самоъ қилувчилар даврасига олиб келди, сўнг беморни бир неча бор айлантириб, шундан кейин девор ёнига келтирди, уни деворга суянтирганича қолдирди. Шундан бир оз фурсат ўтгач, Нажмиддин Кубронинг беморлиги барҳам топди. Ана шу воқеадан сўнг Нажмиддин Кубро Шайх Исмоилга иродат қўлини берди ва унинг йўлидан борди.

Нажмиддин Кубро Шайх Исмоил қўлида ботиний илмларни (илоҳий билимлар) касб этди. Бир кеча ёш толиби илм Нажмиддин Кубронинг фикридан ўтдики, мана шу ботиний илмларни Шайх Исмоилдан ўрганди. Аммо ўзининг зоҳирий илмлар юзасидан олган билими устознинг бу соҳадаги билимидан ортиқроқдир. Толиби илмнинг бундай кайфияти, эҳтимол, унинг ҳаракатида ҳам кўринган бўлса керак. Ҳар ҳолда бир куни (ё ўша фикр қилган кечанинг эртасига) Шайх Исмоил шогирдини чақиради ва унга дейди:

— Кўп, сафар қилки, санга Аммор Ёсир қошига бормоқ керак.

Шу воқеа юз бергандан сўнг бўлган гапни Навоий Нажмиддин Кубронинг ўз сўзлари орқали ҳикоя қилади: «Мен билдимки, кечаги хотирамдин Шайх воқиф бўлди, ҳеч нима демадим ва Шайх Аммор хизматиға бордим ва сулук бунёд қилдим».

Аммо Ёсир ҳузуридаги таҳсил чоғида ҳам ёш Нажмиддин ўша хаёлотини тарк этмаган. Бу ҳақда Навоий хабар бериб ўтади («Анда ҳам бир кеча ҳамул даъво кўнглумга хутур қилди»).

Бир куни Шайх Аммор ўз ҳузурига Нажмиддин Куброни чақирди ва унга буюрди:

— Нажмиддин, қўп ва Мисрга бор. Шайх Рўзбеҳон қошигакким, бу иноният силлий (шапалоқ) била сенинг бошингдан чиқаргай.

Энди Нажмиддин Кубро Мисрга жўнайди. Воқеанинг қандай давом этганлиги тўғрисида Навоий Нажмиддин Кубронинг ўзи айтган гапларни келтиради: «Мисрға бордим. Чун Шайх Рўзбеҳон хонақоҳига кирдим. Шайх ҳозир эрди. Дедиларки, Шайх вузуъ (ювиниш, таҳорат) қилғали ташқариға чиқибдур. Кейинча чиқдим. Рўзбеҳонни кўрдимки, андоқ оз сув билан вузуъ қиладурким, шаръан жоиз эмас. Яна кўнглумға инкор келди».

Демак, ўз устозларининг қилган ишларига жиддий қараш, бу тўғрида ўзининг мустақил ёндашувига эга бўлмоқ Нажмиддин Кубронинг кўнглига маҳкам ўрнашган эди. Бу тўғрими, ё нотўғри, у ҳақми ёки ноҳақ, буни кейин кўрамиз. Аммо ёш мутафаккирнинг ўз фикрида қойим бўлгани сезилиб турибди.

Нажмиддин Кубронинг вузуъ қилаётган устоз билан учрашуви тўғрисидаги ҳикоя афсонавий қобиқда давом эттирилган. Шайх Рўзбеҳон вузуъни тугатгач, икки ҳўл қўлини Нажмиддин Куброга қарата силкийди. Сув томчилари Нажмиддинга етгач, Нажмиддинда беҳушлик пайдо бўлган. Шайх Рўзбеҳон хонақоҳга кирди. Нажмиддин ҳам беҳол равишда унинг ортидан хонақоҳга кирди ва бу ерда ўзидан кетди. Нажмиддиннинг кўз ўнгида қиёмат кўринибди. Кишиларни тутиб оловга ташламоқдалар. Юқорида эса бир киши ўлтирибди. Агар-да бирорта одам юқоридаги кишини кўрсатиб, мен унинг одамиман деса, ўша одамни ўтга ташламас эмишлар. Нажмиддинга навбат етади ва уни ҳам ўтга торта бошлайдилар. Нажмиддин тепаликка қарайди. У ерда ўлтирган киши Шайх Рўзбеҳон экан. Нажмиддин шайхни кўрсатиб, «Мен унинг одамиман», — деди. Шунда уни ўтга ташламайдилар. Нажмиддин югуриб бориб, Шайхнинг оёғига бош эгади. Шайх икки қўлини баланд кўтариб Нажмиддиннинг бўйнига урди. У зарбадан юз тубан йиқилди. Шундан кейин Шайх Рўзбеҳон Нажмиддинга дейди:

— Мундин ортиқ ҳақ аҳлига инкор қилма.

Йиқилган заҳоти Нажмиддин ҳушига келди(«Чун йиқилдим, ул ғойибдин ҳозир бўлдим»).

Шайх Рўзбеҳон намозини тугатгач, Нажмиддин худди беҳудлигида қилганидек, югуриб келиб, шайхнинг оёғига бош эгди. Шайх икки қўли била Нажмиддиннинг бўйнига куч билан урди. Сўнгра ўша айтган сўзини айтди. Ана шундан сўнг Нажмиддин Кубронинг ўзи айтадики, «Ул хастлиғ» ранжурлиғи тамом хотирамдин рафъ бўлди». (Хастлик ранжурлиғи деб мавжуд ишлардан қийналиш, ҳаёт қийинчилигига айтилади. Бу ердаги «хастлиғ» суфийликда ўзини бор деб билиш, бор ҳисоблаш кўзда тутилади. Демак, Нажмиддин Кубро ўзининг борлигидан воз кечиб тўласича эътиқод йўлига, устозлар кўрсатган йўлга кириб кетди — А. Қ.). «Андин сўнгра амр қилдики, қайт ва шайх Аммор қошиға бор. Ва анга бир мактуб битиб мундоқ зикр қилдиким, ҳар неча миским йиборгилки, холис олтун қилиб йиборай. Андин сўнг яна Шайх Аммор хизматиға келдим».

Навоий «Насоимул муҳаббат» китобида Нажмиддин Кубронинг Бобо Фаррух Табризий билан учрашуви тўғрисида ҳам мароқли бир ҳикоя келтиради. Нажмиддин Кубро Табризда сунна дарсини ўтар эди.(Муҳаммад пайғамбар сўзларини ўрганар эди.) Бир куни ўқитувчи ҳузурида бир гуруҳ шогирдлар шу дарсга оид «Шарҳус сунна» («Суннат шарҳлари») китобини ўқимоқда эдилар. Китоб охирига яқинлаб қолганларида дарсхонага бир дарвеш кириб келди. Нажмиддин бу кишини танимас эди. Бу одам кириб келгач, уни кўрган Нажмиддиннинг ҳолати ўзгарди, китобни ўқишга мажоли қолмади. Кейин у ёнидагилардан секин сўради:

— Бу киши кимдур?

— Бу киши Бобо Фаррух Табризийдирлар. Бу зот ҳақ таолонинг севикли, жозибали мухлисларидандир.

Нажмиддин ўша кеча кўп беқарор бўлди. Эрталаб устози ҳузурига келиб, Бобо Фаррух хизматиға бормоқни илтимос қилди. Ўқитувчи ҳам, бошқа толиби илмлар (асҳоб) ҳам рози бўлдилар. Улар ҳаммалари биргаликда Бобо хонақоҳи эшигига етиб келдилар. Эшик олдида Бобо Шодон деган ходим турар эди. Бобо Шодон ичкарига кириб бир гуруҳ келиб кирмоққа ижозат сўраётганини Бобога айтди.

— Агар андоқки, Тангри даргоҳига борурлар, кела олсалар, кирсинлар, — деди Бобо.

Бобо Шодон бу жавобни ушбу гуруҳга етказдилар, Нажмиддин Бобонинг нима демоқчи бўлганини тушунди. У уст кийимини ечиб, қўлини кўксига қўйди. Ўқитувчи ва бошқа асҳоб ҳам шундай қилдилар. Шу ҳолатда улар ҳаммалари Бобонинг қошига кирдилар ва ўлтурдилар. Бир неча фурсат ўтди. Бобонинг ҳоли ўзгарди, суратида азамат (улканлик, улуғворлик) пайдо бўлди. Юзи қуёш қурсидек (айланасидек) қизарди. У кийган кийим шикоф (дарз)бўлди. Бир оз вақт ўтгач, Шайх ўзига келди. У ўрнидан туриб, ўз кийимини Нажмиддинга кийгазди, сўнг унга деди:

— Санга дафтар ўқур чоғи эмас. Оламнинг сардафтари бўлмоқ вақтинг келган.

Нажмиддиннинг аҳволи ўзгариб кетди. Унинг бутун борлиғи барча ортиқча нарсалардан тозалангандек бўлди.

Бу ердан чиққанларидан сўнг, устоз Нажмиддинга дейди:

— «Шарҳус сунна»дан озгина қолган. Бир-икки кунда уни ўқиб тугаллагин. Ундан кейин нима қилсанг, ўзинг биласан.

Навоий бу ҳикояни Нажмиддиннинг ўз сўзларидан келтирган. Ҳикоя бундай давом этади: «Чун сабоқ бошиға бордим, Бобо Фарруҳни кўрдимки, кирди ва деди: «Туно кун илмул йақиндин ўттунг. Бу кун яна илм бошиға борурсен».

Мен дарс таркин туттум ва риёзат ва хилватқа машғул бўлдим. Улуми ладуний ва воридоти ғайбий кўрина бошлади. (Билим билан уринмасдан етишадиган сирли ақлий тушунчалардек туюла бошлади). Давот ва қаламни ташладим ва кўнгул барчадин жамъ қилиб қуллуқ қила бошладим».

Сўфийлар одатига кўра шайхнинг ўз либосини шогирдига кийдирмоғи (ҳирқапўш) шогирднинг юксак камол касб этганини эътироф қилгани демакдир. Демак, Бобо Табризий ўз либосини Нажмиддинга кийгизиб, унинг илмда камол касб этганлигини билдирган. Шундан кейин у Нажмиддинга оламнинг дафтарбошиси (сардафтари) бўласан, деб унга ўзининг юксак ишончини намойиш қилган. Бобонинг Нажмиддинга: «Сен илмул йақиндан ўттунг», — деганида ҳам бир муҳим маъно бор.

Илмул йақин (ишончли илм) — билим олмоқнинг фақат биринчи поғонаси. Ундан кейин айнул йақин келади («Тўла ишонч»). Бу ўқиб ўрганган эмас, кўриб билган билим. Ундан кейин эса ҳаққул йақин келади. Бу кузатилаётган ҳодиса билан бирлашиб, қўшилиб, унга кўмилиб кетмоқдир. Бу ҳақиқатга етишмоқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда илмул йақиндан энди ўтган Нажмиддин дарсни тўхтатиб, хато қилган эди. («Мен дарс таркин туттум...»). Нажмиддин буни тушанди ва яна барча ишдан кўнгул узиб, тағин илм қўллигини қайтадан давом эттира бошлади.

Келтирилган қатор мисоллардан кўриниб турибдики, Навоий ва Жомий (Навоий «Насоимул муҳаббат»да келтирган далилларни Жомийнинг «Нафаҳот ул унс» китобидан олган) асосий эътиборни Нажмиддин Кубронинг қандай таҳсил олгани, қайси устозлар қўлида тарбия топгани, бу устозларнинг ёш толиби илмга қандай муносабатда бўлганларига қаратгандир. Яна улар ёш Нажмиддиннинг мустақил фикрли бир киши, табиий қобилияти зўр бўлгани, шунинг учун унча-мунча пир уни қониқтирмаганини ҳам, ҳатто шу туфайли баъзи хатоларга йўл қўйганини ҳам кўрсатиб ўтганлар. Улар кўрсатган далиллар устозлар тарбияси, ҳатто уларнинг силласи (шапалоғи) бўлажак муршиднинг шаклланишида муҳим ўрин тутганини кўрсатиб туради. Нажмиддин Кубронинг кунияси (оти олдидан келадиган лақаби) Абулжаноб бўлган экан. Бу куниянинг қандай қилиб қўйилганини Навоий бундай ҳикоя қилади: «Нажмиддин Кубро Ҳамадонга бориб ҳадис (Муҳаммад пайғамбар сўзлари) илмини ўрганди. Устозда бу соҳадаги таълимини тугаллагач, ундан ижозат олди. Шундан кейин Нажмиддин Кубро Искандарияда ҳам катта бир муҳаддис (ҳадис илмининг билимдони) борлигини эшитди. Бориб ундан ҳам таълим олмоққа жазм қилди. Буни ҳам амалга оширгач, қайтиб келаётганида тушида Муҳаммад пайғамбарни кўрди. У кишидан ўзига бир кунbackslash бағишловни сўради. Ҳазрати Рисолат (Расулуллоҳ) унга Абулжаноб деган кунияни бердилар. Уйғонгач, Нажмиддин Кубро бу кунияни дунёдан ижтиноб қилмоқ (чекинмоқ, ўзини тортмоқ) деб қабул қилди. Таҳсил чоғида Нажмиддин Кубро устоз Рўзбеҳоннинг муҳаббатини қозонган эди. Шунинг учун Шайх Рўзбеҳон ўз қизини Нажмиддин Куброга никоҳ қилиб берди. Мисрда таҳсилини якунлаган Нажмиддин Кубро устози Шайх Рўзбеҳоннинг маслаҳатига кўра оила, бола-чақалари билан ўз ватани Хоразмга қайтади. Бу ерда муқим яшаб қолади ва ўз тариқатини асослаб, уни кенг ёя бошлайди.

Шайх Абулжаноб Аҳмад ибн Умар Нажмиддин Кубро Хевақий Хоразмийнинг Хоразм ерида, атроф-мамлакатларда обрў-эътибори баланд бўлган. Унинг тариқати Марказий Осиё мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонгача ёйилган. Кўп сонли мурид ва мухлислари Хоразмга келиб, Шайх Нажмиддин Кубро қўлида тарбия топганлар, дарс олганлар, сўнг ўз юртларига қайтиб бориб, бу таълимотни кенг ташвиқ этганлар.

Шайх Нажмиддин Кубро ҳаётининг охирги кунлари тўғрисида Навоий бундай деб ёзади: «Чун тотор куффори Хоразмға етубтурлар, Ҳазрати Шайх асҳобини йиғиб амр қилибтурларки, вилоятларингизга боринг. Алар ул ҳазратнинг амри била ўз вилоятлариға борибтурлар. Асҳобдин баъзиким, ҳазрати Шайхқа доғи чиқар илтимос қилибтурлар. Шайх дебтурларки, биз бу куффор илкида шаҳид бўлурмиз. Асҳоб тарқағандин сўнгроким, куффор Хоразмга киритурларким, ҳазрати Шайх қолғон асҳаб била чиқиб ғазваға машғул бўлубтурлар, то шаҳодат шарбатини тотибдур. Дерларки, шаҳодат вақтида бир кофирнинг парчамин (байроғин) тутқан эрмишлар. Андоқки, шаҳодатдан сўнгра ўн киши айира олмайдур ва ул парчамни кесиб айирдилар».

Навоийнинг ёзишича, қуйидаги мисраларда Жалолиддин Румий ана шу кўринишга ишора қилган экан:

Ба яка даст майи холиси имон нўшанд,
Ба яке дасти дигар парчами кофир гиранд.

Маъноси: «Бир қўл билан холис имон майини ичадилар, бошқа бир қўл билан кофирнинг байроғидан тутадилар».

Шайх Нажмиддин Кубронинг вафоти тарихи «Шоҳи шаҳид» ёки «Шоҳи шуҳадо» ифодасининг сон маъносидан келиб чиқади. У 616 (1219—1220) йилни билдиради.

Бу ерда «тотор куффори» деганда Хоразмга бостириб келган Чингизхон бошчилигидаги қўшинлар кўзда тутилади (ҚИ № 6119 да қалмоқлар дейилган). Навоийнинг берган хабаридан кўриниб турибдики, бу қўшин Хоразмга ҳуруж қилиб келганида Шайх Нажмиддин Кубро ўз ёнида қолган одамларини йиғиб, улар билан бирга босқинчиларга қарши курашувчилар сафига қўшилган. Шайх Нажмиддин Кубронинг босқинчиларга қарши кураш вақтида мўъжизалар кўрсатгани тўғрисида ҳикоялар бор. Лекин Навоий буларни келтирмайди. Бошқа бир манбадан (ЎзФА ҚИ № 6119 қўлёзма) айтилишича, босқинчилар тушундиларки, Хоразм ҳимоячилари қаторида Шайх Нажмиддин Кубро бор экан, бу ўлкани эгалламоқ мумкин бўлмайди. Улар Шайхга ўз яқинлари билан бирга Хоразмдан чиқиб хоҳлаган томонга кетмоқни таклиф қиладилар. Шайх Нажмиддин Кубро бу таклифни рад қилди. У «фароғатликда шаҳар халқи бирла бўлуб, мундоғ кунда айрилмасман» деб жавоб берди. Шайх Нажмиддин Куброни шаҳар ташқарисида эканида мўғул саркардаси Хулагухоннинг ўғли Елғизхон қилич билан бошини кесиб ўлдирди. Шайх ўз ўлими олдидан қотилнинг кокилига шундай чанг солган эдики, ўлгандан сўнг унинг қўлини ўша кокилдан ажратмоқнинг ҳеч иложи бўлмаган. 6119 инвен-

тарь рақамли қўлёзмада бу воқеанинг тафсилоти диний талқинлар орқали тасвир этилган.

НАЖМИДДИН КУБРО МЕРОСИ

Тариқат аҳлининг сифатлари. Тариқат degani йўл демакдир. Бу камолотга эришув йўлини англатади. Тариқат аҳли учун хос бўлган қатор сифатлар борки, улар кишиларнинг хатти-ҳаракатини белгилайди. Бу сифатларни Навоий ўзининг «Насоимул муҳаббат» китобида бирма-бир санаб чиққан. Яна Навоий ўша фазилатларни намойиш этувчи мароқли ҳикоялар ҳам келтирган. Навоий ёзади: «Буларнинг (яъни тариқат аҳли — А. Қ.) аввал ишлари тавбадурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло барча манҳий ишлардин оларға ижтиноб каромат қилғай, ва андин сўнгра луқма ҳиллиятиким, ул бобда унча мумкиндур, саъй қилурлар».

Бу гапларнинг маъноси шундайки, элга маънавий йўлбошчи бўлмиш бу зотлар барча манҳий (ярамас) ишлардан чекинадилар, ҳалол таом билан яшайдилар. Улар учун тавба бош ўрин тутади. Бу тавба қилган гуноҳи учун узр сўраш эмас, балки дунёдаги ҳамма нарсадан воз кечиб, ўзини тамомила такомилга эришмоқ (ҳаққа етишув) ишига бағишламоқни англатади. Яна бу зотлар тариқат одобига риоя қиладилар. Бу одоб яхши ва ёмонга, катта ва кичикка баравар яхши муомала қилмоқни тақозо этади. Улар ўзларини ҳаммадан кичик ва камроқ тутадилар, барча одамга хизмат қилмоққа тайёрдирлар. Агар бирор кишидан нохуш ҳаракат юз берса, у кишига қаттиқ гапирмайдилар, аксинча, юмшоқ овоз ва чучук сўз билан насиҳатлар қиладилар. Улар ҳеч кимдан ўзларида бор бўлган нарсани ҳеч қачон аямайдилар. Бирор кишидан озор ёки шиддат кўрсалар, миннатдорлик билан узр айтадилар. Яна бу зотларга хос сифатлар: ризо, яъни нимаики бошга тушса рози бўлиб қабул қилмоқ, сабр, сидқ, риёзат чекмоққа тайёрликдир.

Шайх Нажмиддин Куброга ҳам бу сифатлар хос бўлган. Яна Навоий Шайх Нажмиддин Кубронинг валитарошлик сифатини ҳам таъкидлаб ўтади. «Ва аларни «Шайхи валитарош» дебтурлар, анинг учунки важду ҳол ғалаботида муборак назарлари ҳар кимга тушса, вилоят мартабасига етар эмиш». «Валитарош» degani валийлар (авлиёлар) етиштирувчи демакдир. Агарда шайхнинг назари бирор кишига тушгудай бўлса, у киши валийлик мартабасига эришар экан. Навоий «Насоимул муҳаббат» китобида бу ҳақда икки ҳикояни келтирган.

Шайх Нажмиддин Кубронинг хонақоҳига бир савдогар келди. У хонақоҳнинг эшигига яқинлашганида Шайхнинг муборак назари бу савдогарга тушди. Шундан кейинги суҳбат асносида Шайх савдогарга йўлбошчилик қоидаларини тушунтирди. Сўнг ижозатномани ёзиб бериб, савдогарни ўз юртига йўллади. Савдогарнинг ўз юртига қайтиб келгач, эл унга ўша жой халқига бошчилик қилмоқ ва халойиқни тангри йўлига етакловни топширди. Шу маънодаги бошқа бир ҳикоя ўз жамоасига бўлган ит тўғрисидадир.

Бир куни Шайх Нажмиддин Кубро ҳузурида «Асҳоби каҳф» ҳикояси юзасидан фикр алмашинув бўлган. Маълумки, бу ҳикояда ҳали якка тангрига сиғинув ўрнатилмаган бир вақтда, санампарастлик ҳукмрон бўлган вазиятда уч-тўрт одам ўзлари якка Тангрига сиғинмоққа ўтдилар. Улар ўз эътиқодларига садоқат билан бир ғор ичида беркиндилар. Йўлда уларга бир чўпон ҳам қўшилган эди. Чўпоннинг ити ҳам эгаси билан бирга шу жамоага қўшилади. Ана шу жамоани «Асҳоби каҳф» (етти асҳаб, ғор дўстлари) дейдилар. Улар муқаддасликка эришдилар. Уларга қўшилган чўпоннинг ити ҳам шу даражага етишди. Асҳоби қаҳф аҳволи тўғрисида сўз бораётган чоғда Шайх Нажмиддин Кубронинг суҳбатдошлари ва ҳамфикрларидан бири Шайх Саъдаддин Ҳамавийнинг хотиридан бундай фикр ўтди, ушбу доирадаги кишилардан бирортасининг суҳбати итга таъсир ўтказа олурми экан?

Шайх Нажмиддин Кубро ҳамкасабасининг фикрини сезди. У ўрнидан туриб хонақоҳнинг эшиги ёнига бориб турди. Ногоҳ бир ит кўринди. Ит қуйруғини ўйнатганича турар эди. Шайхнинг муборак назари бу итга тушди. Шунда ҳалиги ит бетоқат бўлиб қолди. У чопганича шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Қабристонга бориб у ерда бошини ерга суртар эди. Кейинчалик бир неча ит унга ҳамроҳ бўлдилар. Ўша ит қаерга борса, элликолтмишга яқин ит унинг атрофида юрар, қаерда тўхтаса унинг атрофини ҳалқа сингари ўраб олар, оёқларини бир-бирига қўйиб жим ётарлар, емас эдилар. Оқибат ўша ит ўлди. Шайхнинг буйруғига кўра бу итни дафн этдилар. Унинг қабри бошида бир иморат ясадилар.

Худди ана шу ҳикоянинг шеърий баёнини Навоий ўзининг «Лисонут тайр» («Қуш тили») достонига ҳам киритган. Ҳар иккала ҳикоянинг мундарижаси деярли бир хил. Шеърий ҳикояга Навоий «Шайх Нажмиддин Кубронинг сўзи ва итга тушган кўзи» деган сарлавҳа қўйган. Ҳикоя Нажмиддин Кубронинг таърифи билан бошланади. Улуғ Навоий Шайхни «дунёнинг қутби» деб атайди.

Шайх Нажмиддин Кубро қутби даҳр,
Бир назардин кимгаким, еткурса баҳр
Ёрубон нури валоятдин кўзи,
Ўзлигидин айрилур эрди ўзи.
Бу сифатда етти ул ерга иши,
Ким валий бўлди кўзи тушган киши.

Кўриниб турибдики, Навоий бу шеърий ҳикояда ҳам Нажмиддин Кубронинг муборак назари, бу назар тушган кишининг юксак даражага — валийликка эришмоғи тўғрисида сўз юритади. Аммо бу назар шунчаки қараш эмас. У мўътабар зотнинг ўзлигидан. бутун борлиғидан, вужуди, тафаккури, ҳис-туйғулари, таважжуҳи, бағридан чиққан назардир. Кимки ана шундай улуғ зотнинг эътибори, диққати, муҳаббатидан баҳра топгудай бўлса, ўшанда у юксак мартабага етиша олажак. Демак, Навоий маълум даражада ўз ҳикоясининг қаҳрамонига мўъжизакорлик сифатини бермоқда. Бир куни Шайхнинг назари бир итга тушган эди, шу назар туфайли ўша ит барча итларга бош бўлди.

Суқр вақти солди чун бир кун назар
Ул назардин бўлди бир ит баҳравар.
Ошнолиғдин етишти чошни (баҳри)
Тортиб итлик сийратидин бошни.
Юз қўйиб шайх олдида қилди ниёз,
Барча итлар узра бўлди сарафроз.

Шундан сўнг ўша итнинг юриш-туриши, бошқа итлар унинг атрофида гир айланиши айтилади.

Ҳар қаён шаҳр ичра қилса эрди майл
Итлар эрди гирдида андоқки хайл (жамоа, тўп)
Қайда ўлтирса эди итларга шоҳ,
Ҳалқа эрди даврида хайлу сипоҳ.

Ниҳоят, бош бўлган ит ўлди. Шайхнинг эшиги олдига уни кўмдилар. Қабрини эса инсон қабрига ўхшатиб ясадилар. Барча итлар бу гўр атрофида ўрнашиб, ўз бошлиқларига мотам тутар эдилар.

Чун қазодин бошиға етти ажал,
Шайх эшигинда қозибон бир маҳал
Дафн этиб қабрин намудор эттилар
Қабрин инсондек падидор эттилар.
Итлар айлаб мотамида кўп фиғон,
Қабрининг даврида туттилар макон.

Навоий ёзадики, бу қабр ҳамон аҳли роз учун қадрлидир. Бу оромгоҳ яхши ҳокимига (ҳокими беҳбуд) эга бўлган Хоразм ўлкасида сақланиб келади.

Юз қўйиб қабриға ҳоло аҳли роз
Кўргузодурлар сидқ юзидин ниёз.
Бу дам ул Хоразмда мавжуд эрур
Кишвара ким, ҳокими беҳбуд эрур...

Бу айтилганлардан Навоий шундай хулоса ясайдики, мўътабар ва муборак кишиларнинг (аҳли сафо) назари тушганда, бу назар тупроқни ҳам кимёга айлантириб юборажак.

Кимгаким айлаб назар аҳли сафо,
Ул назар тупроғини айлар кимё.

«Кубровийа» таълимоти. Шайх Нажмиддин Кубро яратган таълимот унинг номига нисбат берилган ҳолда «Кубровийа» деб аталади. Бу таълимот тўғрисида Ориф Усмонов «Шайх Нажмиддин Кубро ва «Кубровийа» тариқати деган мақоласида маълумот берган. Бу мақолада О. Усмонов «Кубровийа» таълимотининг одобига оид ўнта қоида тўғрисида сўз юритади. Улардан биринчиси — Тавба. Бу ҳақда биз айтиб ўтдик. Яна бири — Зуҳд фод дунё. Бу дунёвий бойликлар, ортиқча мол-мулк, ноз-неъматлардан воз кечмакни англатади. Зуҳд араб халифалигидаги ҳукмрон табақа. Умавийларнинг молу давлатга берилиб кетгани, ўзаро ихтилофлар, зулм ва зўравонликнинг авж олганидан норозилик туфайли туғилган йўналиш эди. Нажмиддин Кубро бу йўналишни ўз замонасида ривожлантирди ва унинг кенг ёйилишига интилди.

Таваккул, яъни Яратувчининг иродасига умид боғламоқ. Ундан қаноат келиб чиқади. Инсон борига қаноат қилиб яшамоғи лозим. Узлат одамлардан узоқланиб бир холи гўшада умр ўтказув, кишининг ички дунёсини чиниқтирмоғи, покланиб бормоғи. Мулозимат уз зикр — худони зикр этув, ҳар доим унинг отини такрорлаб турмоқ,Таважжуҳ ул оллоҳ — бутун борлиғи,

дураззоқ ОБРЎЙ

ТЎЙ ОЧУВЧИ

КИЧИК ТОМОША

Ўттиз, ўттиз беш ёшлардаги киши машқ қиляпти. Олдидаги косада тўрт-бешта хом тухум, елкасида сочиқ. Деворда катта тош ойна.

Тухумни тешиб, симиради (овоз чиқариб). У-ў, мойдек кетди-да, ўзиям. Артистлар бекорга тухум симирмас эканда (томоғини уқалаб). Ёғларкан, ёғларкан. Яхши. Энди овозим гўлдирамайди. Қани, бир гапириб кўрайлик-чи! (Пиёлани қўлида микрофон қилиб, ўрнидан туради. Ойнага қараб). Раҳмат, раҳмат! Ишончларинг учун миннатдорман. Қўлимдан келганча даврани қизитишга ҳаракат қиламан.

Аввало, бугунги висол оқшоми гуноҳкорларини сизларга таништирай. Келинимиз Хосиятхонни яхши биласизлар, соғувчи. Қани, ўзларинг айтинглар, шу даврада унинг сутидан ичмаганлар борми? Йўқ. Ўзимизнинг боғча, майли, бошқа боғчаларни ҳам сут билан таъминлаяптилар. Сути кундан-кунга кўпайяпти, камайган эмас.

Онамлар ҳар куни унинг сутидан ширчой қилиб берадилар. (Куёвга). Болтабой, жўра! Хосиятхоннинг сутидан қачон ичирасан?..

Куёвимиз Болтабойни ҳар қанча мақтасам ҳам оз. Биз бир синфда, бир партада ўтириб катта бўлганмиз. Хосиятхонни... узр, қизларни биргаликда яхши кўришганмиз.

Болтабой ҳақиқий деҳқон. Қишлоғимизда унинг бодринг, сабзи, пиёз, шолғомидан емаган одамнинг ўзи йўқ. Дастурхондаги мана шу чимчини корейс қўшниси Света ўзининг сабзисидан тайёрлаб берди. Маҳсулотларининг сифати зўр, бунинг устига арзон. Шунинг учун ҳам талабгорлар кўп-да. Ҳозир чет эллардан ҳам харидорлар уни излаб келиб туришибди.

Бир чет эллик хоним яқинда хат ёзиб юборибди. Почтачимиз Салимбой олиб келиб берди. Инглиз тили муаллими Мамадали таржима қилди. Мана нима деб ёзибди у: «Қадрли Болтабой ака! Сизнинг қизил сабзингиздай сабзиларни дунёнинг бошқа жойларида емаганман. Илтимос, бизларга ана шунақалардан кўпроқ етказиб берсангиз. Дугонамга таърифлаган эдим, «Қанийди, битта есам, армоним қолмас эди», деди.

Салом билан: Варвара».

Хуллас, келин билан куёв узукка кўз қўйгандек, бир-бирига жуда муносиб.

Азизлар, тўйимиз очиқ, дастурхонга марҳамат! Қадаҳларга қуйинглар! (Бир оз тўхтаб, томоғини қириб шеър ўқийди).

Синфдошлар орасида
Нурмурод илғорлардан.
Йигитлар сарасида,
Бахти ҳам хўп борлардан.
Қилмай у ҳеч тавакқал,
Оила қурди энг аввал.
Ўқимади, ўқисам
Бўламан деб тепакал.
Ҳозир унинг фарзанди
Дамлаб олар ўзи чой.
Синфдошлар оқсоқоли
Нурмуродга тўрдан жой.
Ғани, Олим, Камол ҳам
Ундан ортда қолган йўқ.
Собирбой ва камина
Ҳали хотин олган йўқ.
Мана бугун тўй, дўстлар,
Ароқ ичиб тўямиз.
Болта деган бир бўйдоқнинг
Бошин жуфт қиб қўямиз.
Келин-куёв иккиси
Ҳар томон-ла бой бўлсин.
Сафлари кўпайишга
Муддат тўққиз ой бўлсин!

вужуди билан худога берилмоқ. Сабр — ҳамма нарсага чидамоқ, кишининг бошига нимаики тушса, уни тоқат ва чидам билан қарши олмоқ. Муроқиба — тубанлик, пасткашлик, макр-ҳийлалардан сақланув. Ризо — бу тўғрида ҳам тариқат аҳли сифатлари тўғрисида айтилганда гапирганмиз.

Бу қисқача тасаввурдан кўриниб турибдики, Кубровийа таълимоти ўзидан олдинги бошқа таълимотлардан айрим масалаларни ёритишда ўрнак олган. Масалан, Тавба, Зикр, Зуҳд, Таваккул, Сабр ўзга таълимотларда ҳам муҳим ўрин тутади. Демак, фалсафий тафаккур маълум изчиллик асосида ривож топган. Айрим йўналишлар мудом бир-бирини тўлдириб борган. Энг муҳими, Кубровийа ўз моҳият эътибори билан эзгуликка, инсоннинг маънавий такомилига хизмат қилган. У маҳаллий шароит ва кайфиятни инобатга олган ҳолда шаклланган. Шунинг учун ҳам кубровийадан келиб чиққан айрим йўналишлар Хоразмда, Моваройуннаҳрдан ташқарида ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ориф Усмоновнинг хабар беришича, кубровийадан етти йўналиш ўсиб чиққан. Улар Фирдавсийа, Нурийа, Рукнийа, Ҳамадонийа, Иғтишошийа, Нурбахшийа, Неъматуллоҳийа таълимотларидир. Бу таълимотлар турли миңтақаларда, жумладан, Хуросонда, Боғдодда, Кашмирда, Ҳиндистонда ва Шарқнинг бошқа юртларида ёйилганлар. Улар ўша мамлакатларнинг ижтимоий ҳаётида маълум ўрин эгаллаганлар. Бу таълимотлар Кубровийадаги асосий қоидаларнинг моҳиятини сақлаган ҳолда, ўша ўлкаларда яшовчи халқларнинг ҳаётига мослашган таълимотлардир.

Шайх Нажмиддин Кубро ўзидан ёзма бадиий ва илмий ёдгорликлар ҳам қолдирган. Е. Э. Бертельс турли қўлёзма манбалардан Нажмиддин Кубронинг йигирма бешта тўртлигини йиққан. Улар Е. Э. Бертельснинг «Суфизм и суфийская литература» китобида форс тилида нашр этилган. Улардан тўрттасини форсий асл нусхада ва ўзбекча шеърий таржимаси билан (таржимон — Жамол Камол) Ориф Усмонов ҳам нашр этган. Биз ҳам ўша тўртликлардан айримларини асл нусхада ва ўзбекча сўзма-сўз таржимаси билан келтирамиз. Бу шеърлар матни Е. Э. Бертельснинг юқорида айтилган китобидан олинди.

1

Ақл аз раҳи ту ҳадису афсона барад,
Дар кўйи ту раҳ мардуми девона барад,
Ҳар лаҳза чу ман ҳазор дили сўхтаро
Савдойи ту аз Каъба ба бутхона барад.
Маъноси:
Ақл сенинг йўлингдан сўз ва афсона элтади,
Сенинг йўлингга девона кишиларнинг йўли туташади,
Ҳар лаҳза мен сингари дили куйганлар
Сенинг (йўлингда) савдойи бўлиб Каъбадан бутхона сари борадилар.

2

Эй, дийда, туйи маойини душмани дил,
Пайваста ба бод бар диҳй хирмани дил,
В-аз дийда ба рўйи дилбарон дарнигари,
Ва-онгоҳ ниҳи гуноҳ бар гардани дил.
Маъноси:
Эй, кўз, сен дилнинг душманидирсен,
(Бировга) боғланасану дил хирмонини шамолга совурасан.
Назар билан дилбарлар юзига боқасану
Ўша заҳоти айбни дилнинг елкасига юклайсан.

(Ўзича) Қарсаклар! (Тўхтайди. Яна тухумдан симиради). Энди навбат Нуъмон бошлиқ ашулачиларга.

Санъаткор бизнинг Нуъмон,
У ашула айтган он.
Қулоққа пахта тиқинг,
Е тўйдан қочиб чиқинг!
Бўлмаса қутулмайсиз,
Ҳа, майлига, ўлмайсиз.
Ана жим-ку кўпчилик,
Тўйчиликда, тўйчилик!

(Бирпас ўтиради. Пешонасидаги терни елкасидаги сочиққа артиб яна ўрнидан туради). Энди навбат табрикларга!

Нега оғзингиз очилади,
Қайси таомдан ейсиз?
Келин-куёвни қутлаб, қани,
Барчин опа не дейсиз?!

...Раҳмат Барчин опа! Биз ҳам сизга бахт-омад тилаб қоламиз. Қани, азизлар, шу Барчин опамларнинг сўзлари ерда қолмасин. Юз-юз олайлик. (Келин-куёвга) Раҳмат, сизларга! Ўтиринглар!

Гул кўтариб келмабсиз,
Уйингизда гул йўқми?
Қистирмайсиз, Собирбой,
Ҳа, чўнтакда пул йўқми?

(Ўзи чўнтагидан пул олиб, дўпписининг тагига қистиради). Қистириш бундай бўпти-да, Собирбой! Яшанг, оғайни! Пулингиз кўпаяверсин! Кейинги тўйларда доллар ҳам қистирарсиз. Бундоқ тортинманг-да, қистирсангиз ўйин қизийди.

Яна навбат Нуъмонжонларга! (Бир оздан сўнг пиёлани баланд кўтариб):

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Қўлда қадаҳ, ёр-ёр.
Қани соқий, бизларга
Келтир ароқ, ёр-ёр.
Тўйда ахир, дўстгинам,
Ичмай бўлмас, ёр-ёр.
Маст бўлганда ботқоққа
Кечмай бўлмас, ёр-ёр.

Коньяк бўлса отамиз
Чой ўрнига, ёр-ёр.
Лой бўлса ҳам ётамиз
Жой ўрнига ёр-ёр.
Ичайлигу, дўстгинам,
Гап бўлмайлик, ёр-ёр.
Яна ушбу даврадан
Даф бўлмайлик, ёр-ёр.

Мана, азизлар, тўйимиз ҳам ниҳоясига етиб қолди. Энди келин-куёвга рухсат берсак, Нуъмонжон сизлардан илтимос, «Тўйлар муборак»ни айтинглар!

Шу пайт хотини киради.

Хотин. Ҳорманг, адаси!

Очувчи. Бор бўл, бор бўл, хотин. Битта чой дамла!

Эшик тақиллайди.

(Хотинига) Ҳой, қара-чи!

Хотин (чиқиб, қайтиб келиб). Эшикда иккитаси сизни сўрашяпти.

Очувчи. Айт ахир, киришсин. Ҳойнаҳой, тўйга айтиб келган бўлишса керак.

Иккита полвонсифат йигит киришади.

I-йигит. Ярамас, кеча укамнинг тўйида қовун туширдинг-ку!

II-йигит (ёқасидан олиб). Аҳмоқ, шунақа ҳам шеър ўқийдими?! Нима эмиш:

Сўрасак, зўрға келиннинг
Отин топган, Ҳайитбой.
Ўзи эмас дадаси,
Хотин топган, Ҳайитбой.

Укамиз қишлоқда энди қандай бош кўтариб юради?!

I-йигит (мушт ўқталиб). Бир уриб абжағингни чиқарайми?!

II-йигит. Ке, қўй, бу бари бир одам бўлмайди (кейин очувчига). Билиб қўй, агар яна биз томонларга тўйга бориб сайрасанг, тилингни узиб оламан.

Икки йигит чиқиб кетишади. Хотин тошдек қотиб қолган. Бир оздан сўнг ўзига келиб:

Адаси, тухумлар тураверсинми, ё олиб чиқиб кетайми?

Очувчи. Жим бўл. Ўзи тухумим чиқай, деб турибди. Олиндан қа-қалашга бало борми?..

Синган тухумдай бужмайиб, ўтириб қолади.

Тамом.

3

Як дам дили мардонаи фарзонаи мо
Холий машавад зи ишқи жононаи мо
Он дамки, шароби ишқий дар доданд,
Дар хуни жигар заданд паймонаи мо.
Маъноси:
Бир дам мардона ва фарзона кўнглимиз
Жононамиз севгисидан бўш бўлмайди,
Севги шаробини тутган ўша дамда
Май идишини жигар қонига уриб (синдирдилар).

4

Ҳошоки, дилам аз ту жудо хоҳад шуд,
Ё об каси дигар ошно хоҳад шуд,
Аз меҳри ту биг зарад дорад дўст?
В-аз куйи ту биг зарад кужо хоҳад шуд?
Маъноси:
Ҳеч қачон кўнглим сендан узилмаяжак,
Ёки бошқа киши билан ошно бўлмаяжак,
Агар сенинг меҳринг ўтиб кетса, у кимни сева олади?
Агар сенинг кўчангдан ўтиб кетса қай ерга бора олади?

5

Шўхеки, паришон мо бар сари ўст,
Ошифтагийи аҳли вафо бар сари ўст
Бар ҳар тори эи кокилаш баста диле
Чун шохи гуле ки, ғунчаҳо бар сари ўст.
Маъноси:

Бизнинг паришонлигимиз ўша шўхнинг бошига тушган,
Вафо аҳлининг ошуфталиги унинг бошига тушган,
Кокилининг ҳар бир торига бир дил боғланган,
Худди гул шохига ғунчалар ўрнашгани каби.

Е. Э. Бертельс ўз китобида Нажмиддин Куброга нисбат берилган бу шеърларни келтирар экан, эҳтимол, улар орасида бошқа шоирларга боғлиқлари ҳам бордир, деб таҳмин қилади. Аммо олим бу шеърларни турли манбалардаги Нажмиддин Куброга оид маълумотлар орасидан йиғиб олгани аниқ. Шунинг учун бу тўртликлар Нажмиддин Куброга тегишли эканига шубҳа қилмаса бўлади.

Бу шеърдаги бош образ ишқ йўлида овораи сарсон бўлган ошиқдир.

Мисоллардан кўринадики, Нажмиддин Кубро фақатгина элининг маънавий йўлбошчиси бўлиб қолмай, у бадиий истеъдоди баланд бир шоир ҳам бўлган. Уз шеърларида инсон турмуши, инсон ҳис-туйғуларига хос кайфиятларни ифода этган. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтмак лозимки, шайхлар, муршидлар ҳам тирик инсонлар эдилар. Улар ҳам ҳар одам каби кундалик турмуш ишлари билан машғул бўлганлар. Уларнинг шахсий ҳаёти ҳам ўзгаларнинг шахсий ҳаётига хос кўринишлардан ташқарида бўлмаган. Шунинг учун бу зотларни умуминсоний турмуш шароитидан чет ва ёт деб тасаввур қилмоқ тўғри бўлмайди. Келтирилган тўртликларда ифода этилган ҳис туйғуларда, ҳаяжон ва кечинмаларда реал турмуш таъсири, ҳаёт кўринишларининг шеърий тасвири ўз аксини топгани аниқ кўриниб турибди.

Шавкат АЛИМОВ

ТУРКИСТОН ХАЛҚ КУТУБХОНАСИ

Генерал фон-Кауфман Туркистон генерал-губернатори лавозимига тайинланиши билан, ҳали Петербургдан янги иш жойига отланмасдан, Россиянинг бир қанча илмий муассасаларига — Император Фанлар академияси, Император рус география жамияти, Халқ маорифи қошидаги илмий муассасалар иши бўйича департаменти ва барча рус университетларига мурожаат қилганди. Кауфман ўз хатида Туркистон ўлкасининг маъмурий, савдо ва маърифатчилик фаолиятининг маркази бўлган йирик шаҳар — Тошкентнинг «келажаги» ҳақида фикр юритади, ундаги муҳожир ва маҳаллий хизматчиларнинг маънавий эҳтиёжини қондиришда жамоат кутубхонасини таъсис этишнинг аҳамиятини таърифлайди.

1867 йилнинг охирларидан бошлаб Тошкентга Санкт-Петербург ва бошқа йирик шаҳарлардан илмий қимматга эга бўлган рус ва чет тилларидаги адабиётлар кела бошлади. Улар Тошкент жамоат кутубхонасининг асосини ташкил этди. Олинган китобларнинг рўйхати тузилиб, улардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Китоблар ўша вақтдаги Оренбург-Тошкент йўли орқали махсус почта аравалари да кутубхонага келтирила бошланди. Лекин улар қанчалик пухта тойланганлигига қарамасдан, кузги ёғингарчиликлар туфайли кўплари яроқсиз ҳолга келган.

Кауфман ниятларининг тезроқ амалга ошишида яъни кутубхона китоб жамғармасини тўлдиришда айрим бошқа шахсларнинг ҳам ҳиссалари бор. Худди шундайларнинг биринчилари қаторидан ўрин олган марҳум Тошкент судяси П. П. Пукалов эди. У кутубхонага рус муаллифларининг А. Смирдин матбаасида чоп қилинган нашрларни ва турли хил бошқа китобларни ҳадя қилди. Кўп ўтмай кутубхонани бойитишга ўз ҳиссасини қўшган муассасалар қаторига, Ҳарбий вазирликнинг бош штаби ҳам кирди. У ўз китоб жамғармасидан 1500 жилд ўта ноёб ва қимматли ҳарбий илмга ва тарихга оид адабиётларни инъом этди. Шунингдек, бош ҳарбий-тиббий бошқарма ҳам ўзининг кўпгина махсус нашрларини кутубхонага ҳадя қилди. Булардан ташқари, кутубхона жамғармаси айрим шахсларнинг хайр-эҳсонлари билан тўла бошлади.

Шу ўринда «Гулистон тўплами»нинг вужудга келишини қайд этмоқ лозим. Маҳаллий зиёлилар, умуман, Туркистон ўлкаси халқларининг урф-одати, турмуш тарзи билан қизиқувчи, уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондиришда Ўрта Осиё ҳақидаги барча маълумотларни ҳамда иложи борича Туркистон бўйича чоп этилган барча газета ва журналларни кутубхонага йиғиш мақсадида ўша вақтдаги машҳур библиограф В. П. Межов бу ишга таклиф этилади. Бу тадбир 1868 йили бошланиб, «Туркистон тўплами»нинг 416 жилди тузилди. Бунга XVIII ва XIX асрда Туркистон ҳақида чоп этилган китоб, газета ва журналларнинг 4600 сони киритилди. Улар: рус, фаранг, олмон, инглиз, италян ва лотин тилларида эди. Бу матбаа асарлари сиёсий ва ҳарбий тарих, физика, сиёсатшунослик ва математика каби турли хил бўлимларни ўз ичига олган.

«Туркистон тўплами»нинг ўлкани ўрганувчи рус ва чет эл тадқиқотчилари, умуман олганда, барча Ўрта Осиё ва ўша пайтдаги рус Туркистони билан қизиқувчи кишилар учун аҳамиятини Фарғона вилоятининг тадқиқотчиси, академик Миддендорф шундай таърифлайди: «Фарғона ҳақида Лифляндиянинг одам оёғи тегмаган ботқоқ бир бурчагида туриб ёзиш мумкин эмас».

Ўрта Осиёда ягона намунавий Тошкент халқ кутубхонасига асос солиниши ва унинг хизматидан фойдаланишни ташкил этиш туфайли китобхонлар учун фақат шу ерда барча матбаа нашрларидан фойдаланиш имконияти туғилди.

Чоризмнинг бошқинчи генерали ўз маблағи ҳисобига «Туркистон альбоми»ни туздирди. 1870—72 йилларда тузилган бу альбомнинг бир нусхаси Тошкент халқ кутубхонасининг китоб сақлаш бўлимига топширилган. Альбомни тузишдан мақсад Туркистон ўлкасининг археологик, тарихий, этнографик ва индустриал ҳаётини кўргазмали равишда намоён эттиришдан иборат эди. Альбомга 1200 дан ортиқ фотосуратлар киритилган.

Шуни унутмаслик керакки, фон Кауфманнинг Тошкентда кутубхона яратишдан муддаоси истилочи давлатнинг мафкурасини маҳаллий халқ орасида оммалаштириш эди, албатта.

К. П. Кауфман вафотидан кейин унинг ўрнига генерал-губернатор этиб тайинланган генерал-лейтенант Н. Г. Черняев ўз фаолиятини биринчи ойларданоқ Тошкентда ташкил қилинган бир қанча муассасаларни тарқатиб юборишдан бошлади. Унинг номуборак нигоҳи Туркистон халқ кутубхонасига ҳам тушди. Кутубхонанинг иш фаолияти ва унга маҳаллий жамоанинг муносабатини ўрганиш мақсадида Черняев бу вазифани ўзининг махсус топшириқлар бўйича амалдори, машҳур «Петербургнинг хароба кулбалари» асарининг муаллифи В. В. Крестовскийга топширди. Бу топшириқни бажарган Крестовский Черняевга қуйидагиларни маълум қилди: «Кутубхонага қатновчиларнинг сони ниҳоятда кам, китоб сотиб олиш учун ажратилган 400 сўм миқдордаги пул фойдали нашрларни сотиб олишга ишлатилиши ўрнига, турлича кераксиз газета ва журналлар, ҳаттоки ҳажвий варақаларга ишлатилмоқда. Китобхонларнинг аксарияти роман ўқиш билан банд. Айниқса, «Бошсиз чавандоз», «Қора ит», шунингдек Бокачонинг эртаклари ва Белло, Ксавьеде-Монтепен, Грегор Самаров ва бошқалар ўқилмоқда. Бундан ташқари, китобхонлар кўп вақтларини вақтли нашрларни ўқишга сарф қилмоқдалар. Булар: «Дело», «Отечественние записки», «Вестник Европы» ва бошқалар. Рус муаллифларидан кўпроқ Салтиков, Добролюбов, Писарев, Некрасов ва Шеллер (А. Михайлов) асарлари сўралмоқда. Тургенев, Достоевский, Гончаров ва Григорьев, Л. Толстой ва Островский, Пушкин, Гоголь ва Лермонтов асарлари кам ўқилмоқда. Кўпгина рус классик ёзувчилари ва рус олимларининг асарлари, хусусан, ўқилмаяпти».

Шундай қилиб, Крестовский Тошкент халқ кутубхонасидан фойдаланувчилар гуруҳ китобхонларни ёқтирмаслиги, улар умумий китобхонлардан фарқли равишда фақат илмий ва махсус ҳарбий мутахассисликларга оид китоблардан фойдаланаётганлари ҳақида тўхталиб ўтади.

Крестовский Черняевга кутубхона ҳақидаги маълумотининг якунловчи қисмида шундай деди: «Кутубхонанинг китоб жамғармасидаги адабиётларнинг кўпгина қисми Туркистон ўлкасига таллуқли бўлса-да, лекин ундан китобхонлар кам фойдаланмоқдалар (сўров сони ва сифатига қараганда). Кўпчиликнинг кутубхонага бўлган талаб-эҳтиёжини ҳисобга олганда кутубхона нафосат ва тафаккур оламининг муассасаси эмас, балки оддий жамоа кутубхонаси вазифасини бажарадиган бир ёқламали характердаги муассаса эканлиги ачинарли ҳолдир».

Крестовский далолатидан келиб чиқиб, халқ кутубхонаси ўзига юклатилган «муҳим ва фойдали мақсадни» кўзламаётганини ҳисобга олиб, Черняев қарор қилади.

1. 1883 йил 1 январдан кутубхонанинг мустақил муассаса сифатида фаолияти тугатилсин.

2. Кутубхона Ўрта Осиё ва Туркистон бўлимининг махсус аҳамиятларга эга бўлган асарларини жамғармадан чиқариб, Тошкент музейига топширилсин, у ерда Осиёни мукаммал ўрганувчилар учун махсус Осиё масалалари бўйича китоб сақлаш жамғармаси ташкил қилинсин.

3. Кутубхонага сарфланадиган маблағни музей ихтиёрига ўтказиб, Осиё, хусусан, Туркистон масалаларини ўз ичига олган адабиётлар билан жамғарма тўлдириб борилсин.

4. Ҳарбий-илмий ва ҳарбий-тарихий мазмунга оид китоблар Туркистон ҳарбий округ қўшинлари штабининг кутубхонасига топширилсин, улардан офицерларнинг ҳеч қандай тўсиқсиз фойдаланишларини таъминлаб, китобларнинг йўқолиб кетмаслигига алоҳида эътибор берилсин.

5. Рус ва чет эл классик ёзувчиларининг асарлари, умумий-ўқув характеридаги нашрлар Туркистон ўлкасининг билим юртлари бош инспектори қарамоғига ва китобларга муҳтож ўқув муассасалари кутубхоналарига топширилсин.

6. Барча қолган нашрлар ва аралаш, бекорчи руҳдаги китобларни уларни олдиндан матбуотда махсус чиқишлар билан (куни ва сотилиш жойи кўрсатилиб) хабар қилиб, қонун асосида, жамоа савдоси орқали савдога қўйилсин, бу тадбирдан йиғилган маблағ Тошкент халқ музейи жамғармасини тўлдиришга сарф этилсин.

Генерал Черняев 1882 йил 31 декабрь 312-сон буйруғида кутубхонадаги китобларни тарқатиш ва фан соҳалари бўйича бўлимларга бўлиш учун бир неча кишилик комиссия тузиш ҳақида фармон беради, лекин бир қанча вақт ўтгандан кейин, Сирдарё вилояти шифокорининг расмий илтимосига биноан, кутубхонадаги аралаш ва бекорчи деб топилган китобларни жамоа савдоси орқали савдога қўйиш қарорини ўзгартириб, уларни маҳаллий касалхоналарда ётган беморларга тарқатиш учун оғзаки равишда буйруқ беради. Ун икки йил давомида фаолият кўрсатаётган кутубхонанинг ёпилиши кенг халқ оммаси маънавий эҳтиёжларини қондиришдан маҳрум этди. Бу, айниқса, илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчиларга салбий таъсир қилди. Бундан ташвишланган шаҳар Думасининг вакилларидан бир қанчаси ўлка ҳокими олдига тарқатиб юборилажак кутубхонани ўз қарамоғига олиб, шу билан бу бебаҳо муассасани тарқатиб юборилишидан сақлаб қолиш таклифини киритдилар. Бу таклифни ўзининг 1882 йил 22 декабрдаги йиғилишида кўриб чиққан шаҳар Думаси, кутубхонани ўз қарамоғига олиш тўғрисидаги таклифни маъқуллаб, ўлка ҳокимига илтимоснома билан олти кишидан иборат депутатлардан вакил тузди. Дума йиғилишида кутубхонани сақлаб қолиш ҳақидаги кўрилган масаладан хабар топган генерал Черняев ниҳоятда ғазабланганлиги туфайли Дума бу масалани ҳал қилишни пайсалга солди. Кутубхонани тарқатиш 1883 йил 1 январидан бошланганда, ундаги адабиётларнинг сони 13040 жилд эди. Бу тадбир 9 ойгача давом этиб, ҳарбий фанларга оид ва ҳарбий-тарихий адабиётлар Туркистон ҳарбий округ штаби кутубхонасига, рус ва чет эл классиклари ҳамда умумтаълим мазмунидаги адабиётлар Туркистон ўлкаси билим юртларининг бош инспекторига, ўқилиши осон, енгил-елпи китоблар, Тошкент ҳарбий госпиталига топширилган. Илмий мазмундаги асарлар, умуман, Осиёга тааллуқли махсус аҳамиятга молик китоблар, қомусий характердаги Осиёни ўрганувчилар учун мўлжалланган илмий мақолаларни ўз ичига олган вақтли матбуот нашрларидан 9184 жилдни комиссия махсус қутиларга жойлаб, уларни қабул қилиб олаётган музей китоб жамғармаси биносининг таъмирланиш ишлари тугагунча сақлаш учун генерал-губернатор идорасининг иш юритиш бўлимига топширдилар. Бу ерда масалани ойдинлаштириш мақсадида шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, Кауфман замонида ишлаган бир кекса туркистонлик бошчилигидаги комиссия бир неча йиллик адабий-сиёсий журнал ва газеталарни «илмий қийматга эга» бўлгани учун сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Генерал Черняев ўрнига тайинланган янги генерал-губернатор, генерал-адъютант Н. О. Розенбах кутубхона фаолияти билан танишиб чиқиб, инсоният заковати хазинаси дурдоналарининг сақланиш жойини нафақат тиклади, балки унинг ёпилиш муносабати туфайли кўрган зарарни кўп ҳисса қоплади...

Баҳодир УСТА

КЎНГИЛЛИ ВОҚЕА

(ҲАЖВИЯ)

Математика дарси бўлаётган эди, синфга туман инспектори ўринбосари кириб келди.

— Илтимос,— деди у синф ўқитувчисига мурожаат қилиб,— энг яхши ўқувчиларингиздан учтасини навбатма-навбат доскага чиқарсангиз. Мен синфнинг умумий ўзлаштиришини синаб кўрмоқчиман.

Талабгорлардан бири ўрнидан шартта туриб, доскага чиқди-да, берилган масалани тезгина ечиб, жойига бориб ўтирди. Масалани иккинчи ўқувчи ҳам қойиллатди. Аммо учинчиси доскага бўшашиброқ чиқди. Бўрни қўлига олиб, масалани ечишга шайланаётганда, бирдан... инспектор ўринбосари тўхтатди:

— Нега иккинчи марта чиқдингиз? — деди у жиддий овоз билан. — Нима, мени лақиллатмоқчимисиз? Сиз масалани биринчи бўлиб ечган эдингиз-ку?!

Ўқувчи гуноҳкорона кулимсиради:

— Кечирасиз, ўртоқ инспектор ўринбосари, мен бу сафар ўртоғимнинг ўрнига чиқдим.

— Ўртоғимнинг ўрнига? — дарғазаб бўлди инспектор ўринбосари.— Бу қандай бемаънилик!

Ўқувчи қизариб, бошини қуйи солди.

Синфга оғир жимлик чўкди. Ҳамма ҳозир катта кўнгилсизлик юз беришини кутар эди.

— Хўш, кимнинг ўрнига чиқдингиз, билсам бўладими? — жаҳл билан сўради инспектор ўринбосари.

— Энг яхши ўртоғимнинг ўрнига,— деди ўқувчи,— ўзи бозорга кетган...

Инспектор ўринбосари ғазабдан кўкариб-бўзариб, ўрнидан туриб кетди. Нима қиларини билмай, у ёқ-бу ёққа тез-тез юра бошлади, кейин ўқитувчининг қаршисида кескин тўхтаб, дакки берди:

— Сиз бемаънигарчиликка йўл қўяпсиз? Ўқувчингиз иккинчи марта доскага чиқиб, мени лақиллатмоқчи бўлганини кўра-била туриб, нега индамайсиз? Аксинча, бу майнавозчиликни томоша қилиб ўтирибсиз!

Ўқитувчи хижолатдан ер ёрилмади-ю ерга кирмади, қизариб-бўзариб ўзини оқлашга тиришди:

— Кечиринг мени, ҳурматли инспектор муовини, мен уларни яхши танимайман.

Инспектор ўринбосарининг ҳайратдан кўзлари олайиб кетди:

— Нима дедингиз?! Бу қандай гап?! Ажабо, ўқитувчи ўз ўқувчиларини танимас эмиш!

— Биласизми, бу менинг синфим эмас...

— Ундай бўлса, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?!

— Мен... вақтинча... бозорга кетган ўқитувчининг ўрнига кирган эдим...

Инспектор ўринбосари ўзини қаҳ-қаҳ уриб юборишдан аранг тийиб қолди. У ерга қараб, ним табассум билан бошини чайқаган кўйи бирпас жим турди, кейин «нима бўлса бўлди» дегандек, қўл силтади.

— Омадингиз бор экан,— деди ўзи ҳам қизариб,— шукур қилинглар. Очиғини айтганда, мен ҳам бозорга кетган бир оғайнимнинг ўрнига келган эдим... Ҳай-ҳай, худо кўрсатмасин, агар ўзи бўлгандами, нақ шўрингизга шўрва тўкилардида!..

Кўнгилсиз воқеани кутиб турганлар енгил хўрсинишди...

Гулистон

Учредитель:
Министерство по делам культуры Республики Узбекистан.

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир:
М. НАБИЕВА.
Рассом Л. САЛИМЖОНОВА.

Мусаҳҳиҳ М. АБДУЛЛАЕРОВА.

Муҳарририят тураржойи:
700000, Тошкент — ГСП,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 32-78-90.
Бош муҳаррир ўринбосари — 33-07-9
Масъул котиб — 32-56-01.
Санъат ва маданият назарияси 33-07-
Мусиқа ва халқ ижодиёти 32-58-
Маданий-маърифий муассасалар 32-58-
Тасвирий санъат — 32-58-69.
Рассом — 32-56-02
Мусаҳҳиҳ — 32-56-02

Теришга берилди 28.12.94 й.
Босишга рухсат этилди 21.02.95 й.
Қоғоз ҳажми 60×84 1/8
Офсет босма.
Шартли босма тобоғи 7,64 ос
Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5
Буюртма № 3175
10.429 нусхада чоп этилади.
Сотувда эркин нарх.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси, 700083 Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

© «ГУЛИСТОН» 1 1995.

Азиз муштарийлар! Журналда бирор техник куқсон топилса, (масалан: саҳифалар чалкашиб кетган, ё етишмаса, матнлар чоп қилинмаган бўлса), «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концернига мурожаат қилишингизни сураймиз. Унвон 700 3, Тошкент шаҳри, Буюк Турон к а-си, 41.

МУҲАРРИРИЯТ.

Рассом Рўзи ЧОРИЕВ. «ШАВКАТ АБДУСАЛОМОВ ПОРТРЕТИ».

Владимир ДУБРОВСКИЙ тасвирга туширган.

...5233.

Баҳоси: чакана савдода — эркин нархда.

Турмуш



ШАРҚ БОЗОРИ МАНЗАРАЛАРИ.
Алексей ЖДАНОВ тасвирга туширган.